



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BO'SH PROKURATURASI
AKADEMIYASI

№2 (50) 2022

АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ ДОЛЗАРБ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ:
НАТИЖАЛАР ВА КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАР

SOME THEORETICAL ISSUES
OF UNFAIR COMPETITION AND UNFAIR
TRADE PRACTICES

АНТИКОРРУПЦИОННАЯ ЭКСПЕРТИЗА
ПРОЕКТОВ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В НЕКОТОРЫХ
СТРАНАХ ЕВРОПЫ

ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН САМАРАЛИ
ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ





МУАССИС:

**ЎЗБЕКISTОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Санобар Мансурова

Таҳрир кенгаши:

Ниғматилла Йўлдошев

Баҳриддин Валиев

Эркин Юлдашев

Дилшод Раҳимов

Мирақбар Раҳмонқулов

Акмал Саидов

Раҳим Ҳақимов

Патрик Олссон

Ичихаши Каҷуя

Таҳрир ҳайъати:

Ҳалим Болтаев

Бахтиёр Пўлатов

Фаҳри Раҳимов

Музаффаржон Мамасиддиқов

Уйғун Нигмаджанов

Ваҳобжон Каримов

Гулчеҳра Маликова

Баҳодир Исмаилов

Матлуба Аминжоновна

Авазбек Комилов

Адхам Одинаев

Бахтиёр Каюмов

Мухтарам Раджапова

Хуршид Каримов

Носиржон Аскар

Алишер Ҳидоятуллаев

Истам Астанов

Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли

гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2018 йил

13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Мақамаси ҳузуридаги Олий аттестация

комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь

201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сон-

ли Қарори билан диссертациялар асосий

илмий натижаларини нашр қилиш тавсия

этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик

фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи

назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда

чоп этилган материаллардан фойдаланилганда

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб

кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган

мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш

мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,

Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № ____ Адади 500

Журнал «ECO TEXTILE PRODUKT»

МЧЖда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,

Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

МУНДАРИЖА

Т.НАРБАЕВА	Мажбурий меҳнатга қарши курашишнинг долзарб тенденциялари: натижалар ва келажакдаги режалар	3
Ш.РАХИМОВ	Сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш йўллари	8
М.МИРСАЛИХОВ, З.МИРМАҲМУДОВ	Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг вужудга келиши, жазо тизимидаги ўрни ва уни ижро этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари	12
Н.ХУСАНОВ	Меҳнат муносабатларини ривожлантириш – Ўзбекистоннинг янги тарихий босқичга кўтарилишидаги асосий пойдеворидир	16
С.УРОЗБАЕВ	Тергов фаолияти устидан самарали прокурор назоратини таъминлашнинг айрим масалалари	19
М.АБДУҲАКИМОВ	Прокурорлар томонидан ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини аниқлаш бўйича текширишларни ташкил қилишнинг долзарб масалалари	22
Р.МАТҲАЛИКОВ	К понятию допустимости доказательств	27
А.ХАКБЕРДИЕВ	Низоларни муқобил тартибда ҳал қилишда ҳакамлик судлари ва уларнинг турлари	30
Ш.ШАЙЗАКОВ	Маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи айрим шахсларнинг ҳуқуқий мақоми	35
Р.РАХИМОВ	Терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари	41
Л.ИСОҚОВ	Мигрантлар ҳуқуқларига доир асосий илмий таълимотлар	46
М.ТАДЖИБАЕВА	Some theoretical issues of unfair competition and unfair trade practices	52
Ш.БОЗАРОВ	Инвестиционная деятельность лизинговых компаний по законодательству Республики Узбекистан	57
Ф.МИРЗАЕВ	Таниб олиш учун кўрсатишнинг муаммоли масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари	61
Ш.ДАВЛЕТОВ	Ижро иши юритишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили	64
Ф.САГДУЛЛАЕВ	Ҳоқимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив томони	69
М.ТУРСУНОВА	Международный механизм имплементации международно-правовых норм в области образования в национальное законодательство	74
А.БОЛТАЕВ	Роль административных судов по защите прав и законных интересов инвесторов	78
Ф.ДЖАЛИЛОВ	Давлат хизматчисининг мулкый манфаатдорлиги билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш масалалари	81
Т.КЕНЖАЕВ	Антикоррупционная экспертиза проектов законодательства в некоторых странах Европы	87
С.БОЙДЕДАЕВ	Коррупция генезиси ва унга қарши қонунчилик шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари	92
Ф.ЭСАНОВ	Совершенствование процессуальных функций прокурора в уголовном процессе: зарубежный опыт	96
А.АКРАМОВ	Процессуальная самостоятельность следователя и особенности его взаимодействия с другими участниками уголовного судопроизводства	100
М.ТОШОВ	Ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар	104
М.ВОВОЕВ	Theoretical and legal foundations of the digital transformation of the prosecution bodies activities	117
Х.МАДРИМОВ	Ўзбекистон республикасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари	122
М.ТАЖИБОЕВ	Ер низолари билан боғлиқ ишлар бўйича суд қарорлари: талаблар ва тавсиялар	127



МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ДОЛЗАРБ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада сўнги йилларда мамлакатда мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида эришилган натижалар, қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, тизимли мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш, фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари бўйича амалга оширилган тизимли ишлар кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрены результаты, достигнутые за последние годы в борьбе с принудительным трудом, проведённая системная работа, направленная на укрепление законодательной и организационно-правовой базы, имплементация международных стандартов в законодательство страны, реформирование сельского хозяйства, проведение системных мониторингов и исследований в различных секторах экономики и активизация сотрудничества с гражданским обществом и профильными международными организациями

ABSTRACT. The article discusses the results achieved in recent years in the fight against forced labor, the systematic work carried out aimed at strengthening the legislative and organizational and legal framework, the implementation of international standards in the country's legislation, reforming agriculture, conducting systematic monitoring and research in various sectors of the economy and activation of cooperation with civil society and specialized international organizations.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнатга қарши кураш, меҳнат муносабатлари тизимини такомиллаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: борьба против принудительного труда, совершенствование системы трудовых отношений, обеспечение прав граждан на труд, совершенствование национального законодательства, международное сотрудничество.

Key words: struggle against forced labor, improvement of the system of labor relations, ensuring the rights of citizens to work, improvement of national legislation, international cooperation.

Сўнги 5 йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғояси асосида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев айтганидек, Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш берилган иборат бўлган давлатдир¹.

Бугунги Янги Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли ислохотлар олиб борилмоқда, барча тармоқ, соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган ишларнинг асосида янги рух, янги кайфият ва вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган янги ҳаёт мазмуни кириб бормоқда.

Ислохотларнинг марказида — халққа хизмат қилиш, аҳолини рози қилиш, уларнинг дарди билан яшаш, муаммоларини ҳал этиш устувор масалага айланган.

Бундай жараёнларда очиқлик ва ошқораликка амал қилган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишдаги асосий натижа ва халқаро эътироф сифатида Ўзбекистоннинг илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига уч йил муддатга – 2021-2023 йилларга сайланганини айтиб ўтиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларини таъминлашда меҳнат муносабатлари тизимини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик асосий масалага айланди ҳамда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Мазкур йўналишдаги тизимли ишларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишида, эришилган натижалар ва энг асосийси аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатишида қуйидаги асосий тамойиллар асос бўлмоқда. Хусусан:

- давлат бошқаруви органларининг очиқлиги;
- халқ билан мулоқот;
- фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатни фавқулотда ҳолат сифатида баҳолаш;
- хориж мамлакатларида фаолият юритаётган фуқаро

1 Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари.

роларнинг ҳуқуқларини тизимли таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш;

● муносиб меҳнат тизимига халқаро стандартларни жорий қилиш.

Бу асосий тамойиллар асосида амалга оширилган ишлар барча соҳаларни, шу жумладан,

меҳнат бозори ва меҳнат муносабатлари тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда, соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди, мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида аниқ натижаларга эришилди.

Хусусан:

● **2022 йил 10 март куни “Cotton Campaign” халқаро коалицияси Ўзбекистонга нисбатан қўйилган “пахта бойкоти” бекор қилинганини расман эълон қилди.** “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкотнинг бекор қилиниши мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар самарадорлигининг ёрқин мисоли бўлди.

Қайд этиш жоизки, **Ўзбек пахтасига қўйилган бойкотнинг бекор қилиниши мамлакатимизда, биринчи навбатда, ҳудудларда миллионлаб янги муносиб иш ўринларини яратишга, аҳолининг бандлик даражасини ошишига хизмат қилади, янги бозорларни очади, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратади.** Шунингдек:

● 2016 йилда Ўзбекистонда тизимли болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Бу натижани инobatга олган ҳолда Европарламент Ўзбекистоннинг текстил протоколига қўшилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди.

● 2020 йилда АҚШ Савдо вакили (USTR) Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мезони бўйича АҚШнинг Преференциялар бош тизимига (GSP) мувофиқлигини эълон қилди, шунингдек, Еврокомиссия таҳлиллари асосида Ўзбекистон “GSP+” да қатнашиш мезонларига жавоб беради деган хулосага келди.

● 2021 йилда АҚШ давлат департаменти Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик ҳисоботида Ўзбекистон позициясини “Иккинчи тоифага мансуб мамлакатлар рўйхатига киритди.

Эришилган муваффақиятлар – бу меҳнат муносабатлари соҳасидаги кенг кўламли тизимли ислохотларнинг самараси бўлиб, улар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

1) қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;

2) халқаро стандартларни имплементация қилиш;

3) қишлоқ хўжалигини ислох қилиш;

4) институционал асосларни ривожлантириш;

5) тизимли мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш;

6) фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш.

Миллий қонунчиликни такомиллаштириш. Одам

савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, соҳага доир қонунчилик асосларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2021 йилда 16 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шундан 4 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 4 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори қабул қилинди.

Жумладан, вояга етмаган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бунинг натижасида болалар меҳнатига йўл қўйган шахсларни дастлабки қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланди ва болалардан фоҳишалик мақсадида фойдаланиш, уларни ғайриқонуний жамоат бирлашмалари фаолиятида қатнашишга ундаш ва мажбурий меҳнатга жалб этиш учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асосларини соддалаштириш юзасидан қонун қабул қилинди. Қонун билан унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган ва жазо муддатини ўтаганларга ҳам фарзанд асраб олишга рухсат берилди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида”-ги 187-сонли ҳамда “Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 167-сонли конвенциялари ратификация қилинди².

Ушбу конвенцияларнинг ратификация қилиниши меҳнат хавфсизлиги ва гигиена соҳасидаги халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Миллий қонунчиликни такомиллаштиришда асосий эътибор халқаро нормаларни ва стандартларни имплементация қилишга қаратилди. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти билан кўп қиррали ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, охириги 10 йил давомида Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенциясини, шу жумладан 8 та асосий ва 4 та директив конвенциясини ратификация қилди.

Умуман Ўзбекистон ҳар йили Халқаро меҳнат ташкилотининг ўртача 2 та конвенциясини ратификация қилиб, Ташкилотнинг 100 йиллигига бағишланган халқаро меҳнат стандартларини ратификация қилиш компаниясида фаол иштирок этди.

Шундай қилиб, мажбурий меҳнатга қарши курашишда қонунчилик базасини такомиллаштириш ва

2 Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни. 2021 йил 4 июнь, ЎРҚ-693-сон. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро меҳнат ташкилотининг қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 167-сонли конвенциясини (Женева, 1988 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуни. 2022 йил 7 февраль, ЎРҚ-750-сон. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.



халқаро конвенцияларни ратификация қилиш орқали ушбу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилди ва жиноят учун жазо халқаро стандартларга мос равишда кучайтирилди.

Ташкилий-институционал базани ривожлантириш. Муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этиш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида институционал базани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий комиссияларнинг ташкил этилгани, шунингдек, ушбу масалалар бўйича Миллий маърузачи институтининг таъсис этилгани мазкур йўналишдаги ишларни ҳам миллий, ҳам маҳаллий даражада комплекс мувофиқлаштириш имконини бермоқда.

Миллий комиссия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири – барча фуқаролар учун қўлай шарт-шароит ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши курашишда аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашдир.

Миллий комиссия ҳар чоракда комиссия аъзолари билан биргаликда йиғилиш ўтказиб, тегишли вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти, шу жумладан хорижий ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларни кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади. Бундай чора-тадбирларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти вакилларининг барча тавсиялари инобатга олинади.

Шунингдек, **миллий комиссия ўз фаолиятида биринчи навбатда, миллий қонунчиликни ва ташкилий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, халқаро стандартларни имплементация қилишга, институционал асосларни ривожлантиришга, соҳада амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини тизимли таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимига тизимли ёндашишга қаратади. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда фуқаролик жамияти вакиллари ва тегишли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди.**

Шу ўринда миллий комиссия фаолиятининг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш муҳим ҳисобланади, яъни:

✓ мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштиради ва ижросини назорат қилади;

✓ мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш амалиётини мониторинг қилади;

✓ мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Таъкидлаш керакки, мажбурий меҳнатга қарши курашишда Халқаро меҳнат ташкилотининг тамойилла-

ри асосида 2018 йилда иш берувчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Конфедерациянинг ташкил этилиши мамлакатимизда меҳнат муносабатлари соҳасида уч томонлама ҳамкорликнинг тўлиқ йўлга қўйилишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон 2019 йилда ХМТнинг “Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 144-сонли Конвенциясини ратификация қилди ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси ҳам тузилди³.

Комиссия томонидан қисқа вақт давомида ўз фаолияти доирасида ижтимоий-меҳнат соҳасига оид 120 дан ортиқ норматив - ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилди, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини ходимларга етказиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кластер тизимини ривожлантириш мисли кўрилмаган қадам бўлди, унинг мақсади тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини, жумладан, хомашё етиштиришдан тортиб то уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи бирлаштирган ягона занжирни шакллантиришдир.

Умуман, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш ва уни бозор талабларига мослаштириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Пахта етиштириш ва териш жараёнларини механизациялаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. 2021 йилда пахта териш машиналари ёрдамида пахта хомашёсининг қарийб 12 фоизи (2020 йилда 8,5 фоизи) териб олинди.

Бундан ташқари, пахта теримчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда 1 кг қўлда терилган пахта хомашёси учун тўлов 2015 йилга нисбатан қарийб 10 баробар оширилди. Бу борадаги ишлар мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олишда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Мониторинг натижалари. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меҳнат муносабатларига риоя қилиниши, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига қарши курашиш юзасидан тизимли мониторинг ишлари йўлга қўйилган.

Бу борада 2015 йилдан бошлаб Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан “Учинчи томон мониторинги” пахтачилик соҳасида болалар меҳнати ва мажбурий

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тўғрисида”ги қарори. 2019 йил 3 июль, 553-сон.

меҳнатнинг олдини олиш мақсадида ўтказилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мониторинг ишлари дастлабки йилларда халқаро экспертлар иштирокида ўтказилган бўлса, 2018 йилдан бу ишларга маҳаллий фуқаролик жамияти институтлари фаоллари жалб этила бошлади. 2021 йилда эса тўлиқ фуқаролик жамияти институтлари вакиллари бўлган мустақил кузарувчилар томонидан ўтказилди.

Эътиборлиси, сўнгги 6 йил давомида ўтказилган мониторинглар натижалари тизимли мажбурий меҳнатнинг йўқлигини кўрсатиб келмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари томонидан Ўзбекистонда 2021 йилда ҳам пахта йиғим-терими давомида тизимли мажбурий меҳнатидан умуман фойдаланмаганлиги тўғрисида яқуний хулосаси, шунингдек, ушбу йўналишдаги мониторинг ишларини тўлиқ Ўзбекистон томонига топширилганлиги эълон қилинди.

Яна бир муҳим жиҳат, Халқаро меҳнат ташкилотининг "Учинчи томон мониторинги"дан ташқари, ҳар йили Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Миллий мониторинг ҳамда Меҳнат инспекциясининг мониторинги ўтказилмоқда. Сенатор ва жойлардаги депутатлар томонидан журналист ва блогерларни жалб этган ҳолда парламент назорати ўрнатилди. Мазкур мониторинг ишларига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам кенг жалб этилмоқда.

Ушбу жараёнларда ахборот кампаниясини ташкил этиш ва уни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан аҳолининг мажбурий меҳнатнинг салбий омиллари тўғрисида хабардорлигини ошириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йил давомида мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида 20 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Барча туман ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум жойларда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида мингта баннер ўрнатилди, 1 млн.дан ортиқ флаер, 10 минг дона плакат тарқатилди.

Халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш. Мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш борасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро миграция ташкилоти, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги ҳамда "Cotton Campaign" коалицияси каби хорижий ҳамкорлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича мунтазам равишда комплекс чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон меҳнат бозорида демографик юк юқори бўлган мамлакат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони қарийб 20 млн кишини, иш билан бандлар сони 15 млн кишини, ишга муҳтожлар сони 1 млн 300 минг кишини ташкил этади, ҳар йили 500 мингдан ортиқ

ёшлар катта ҳаётга қадам қўймоқда ва уларни ишга жойлаштириш зарур бўлмоқда.

Ушбу масаланинг самарали ечими сифатида Ўзбекистон томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти кўмагида Ўзбекистонда бандликка кўмаклашиш миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли йўналишлари этиб:

- меҳнат бозорининг истиқболли талабларига мувофиқ ишсизларни касб-хунарга ва тадбиркорлик асосларига ўқитишни ривожлантириш;

- меҳнат бозорида рақобатдош бўлмаган шахсларни, айниқса аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

- норасмий меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида меҳнат муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш;

- хавфсиз, уюшган ва қонуний ички ва ташқи меҳнат миграцияси тизимини ривожлантириш;

- халқаро стандартларни жорий этиш орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш белгиланган.

Яна бир муҳим жиҳат, Халқаро меҳнат ташкилотининг бутун асрлик фаолияти давомида муносиб меҳнат кун тартибида марказий ўринни эгаллаб келган ва эгаллаб келмоқда. Бироқ фақат шу асрнинг сўнгги ўн йилликларида бу масала кенг қамровли, глобал хусусият касб этди. Бу кўпроқ давлатларнинг фуқароларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Бундай шароитларда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг барча – миллий, минтақавий ва глобал даражаларда муносиб меҳнат тамойиллари бўйича сазй-ҳаракатлари янги стратегик имкониятларни очиб беради ҳамда меҳнат муносабатлари соҳасида сақланиб қолган муаммоларни самарали ҳал қилади.

Мамлакатимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлигининг асоси сифатида 2014 йилда қабул қилинган, кейинчалик 2020 йилга қадар узайтирилган "2014-2016-йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури"ни қабул қилишимиз мумкин. Ўтган давр мобайнида ушбу дастурда кўзда тутилган барча чоралар тўлиқ амалга оширилди.

Мазкур ҳамкорликни тизимли давом эттириш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йилнинг сентябрида Ташкилот билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури қабул қилинди. Дастурда асосий эътибор халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда муносиб меҳнат тамойиллари, норасмий бандликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилди.

Бу муносиб меҳнат индикаторлари истиқболда иқтисодий имкониятларни ривожлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга, янги иш ўринларини яратишга, энг муҳими, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлар билан меҳнат муносабатлари соҳасидаги "Better Work" ва "BCI" халқаро стандартларини



жорий этиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. 2021 йил охирида Ўзбекистон ХМТ ва Жаҳон банкига "Better Work" дастурини амалга оширишга кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқиш учун мурожаат қилди ва ижобий жавоб олди. Бугунги кунда ушбу халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, айнан кучли сиёсий ирода ва ислохотларга комплекс ёндашув, қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор иқтисодиёти тамойилларининг кенг татбиқ этилиши, шу билан бирга терилган пахта учун тўлов миқдори оширилганлиги, меҳнат ва дам олиш шароити сезиларли даражада яхшиланганлиги, давлат ва жамоатчилик томонидан бу йўналиш доимий назоратга олинганлиги сабаб, мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича натижаларга эришилди ҳамда бу борадаги ишлар халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилди.

Мамлакатимизда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ушбу масала бўйича таъсис этилган Миллий маърузачи томонидан таҳлил қилиниб, келгусида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилиши аёнанага айланган.

2021 йил якунлари бўйича ҳам Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, натижалари юзасидан Давлат раҳбарига таҳлилий ахборот киритилди.

Шунингдек, ушбу масала Миллий комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ҳам муҳокама қилиниб, таҳлилий ахборотда қайд этилган таклиф ва тав-

сияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича алоҳида "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Унга асосан, жорий йилда ҳам мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўналишида тизимли давом эттирилади, халқаро ташкилотлар билан алоқалар янада кучайтирилади, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида янги лойиҳалар ва чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хусусан, соҳага оид миллий қонунчилик халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилади, меҳнат соҳасидаги қатор конвенцияларни ратификация қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Шунингдек, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида балки қурилиш, ипакчилик, умумий овқатланиш тармоқларида ҳам меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишининг олдини олишга оид мониторинг ишлари амалга оширилади. Албатта, бу ишларга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар тизимли давом эттирилади, асосий эътибор соҳада муносиб, хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга, муносиб меҳнат учун муносиб ҳақ тўланишига, соҳани механизациялаштиришга қаратилади.

Миллий тўқимачилик корхоналари ҳамда ушбу соҳада фаолият юритаётган халқаро бренд ва корхоналар билан манзилли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича алоҳида комплекс чоралар амалга оширилади.

Қолаверса, халқаро тан олинган меҳнат соҳасидаги стандартларни татбиқ этиш ишлари янада фаоллаштирилади. Бу ўз ўрнида мамлакатимиз учун янги бозорларнинг очилишига, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратади.

#

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР:

- ✓ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ, МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ҚАТОР КОНВЕНЦИЯЛАР РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНАДИ;
- ✓ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН МОНИТОРИНГ ИШЛАРИ ТИЗИМЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ;
- ✓ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ИСЛОХОТЛАР ТИЗИМЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ;
- ✓ МИЛЛИЙ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА УШБУ СОҲАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХАЛҚАРО БРЕНД ВА КОРХОНАЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ БЎЙИЧА АЛОҲИДА КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ;
- ✓ "BETTER WORK" ВА "BCI" КАБИ МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ СТАНДАРТЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ИШЛАРИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИЛАДИ;
- ✓ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ АХБОРОТ-ТАРҒИБОТ КОМПАНИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ;
- ✓ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРГА МЕҲНАТ-ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ УЧУН МОЛИЯВИЙ ГРАНТЛАР АЖРАТИШ ИШЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Шавкатжон РАХИМОВ,
Бош прокуратура Академиясининг
мустақил изланувчиси

СУВДАН ФЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш, унинг замонавий тенденциялари, сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, бу борада миллий қонунчилигимиздаги муаммолар ва хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили асосида уларни ҳал этиш масалалари ўрин олган.

АННОТАЦИЯ. В статье освещены вопросы повышения эффективности прокурорского надзора за исполнением законодательства в области воды и водопользования, его современные тенденции, ответственность за нарушения водного законодательства, проблемы в нашем национальном законодательстве и их анализ на основе анализа зарубежного опыта.

ABSTRACT: The article highlights the issues of increasing the effectiveness of prosecutorial supervision over the implementation of legislation in the field of water and water use, its current trends, responsibility for violations of water legislation, problems in our national legislation and their analysis based on the analysis of foreign experience.

Калит сўзлар: прокурор, прокурор назорати, сув қонунчилиги, қонун ижроси, қонунийлик, самарадорлик, замонавий тенденциялар, маъмурий жавобгарлик, хорижий тажриба, миллий қонунчилик, муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Ключевые слова: прокурор, прокурорский надзор, водное законодательство, правоприменение, законность, эффективность, современные тенденции, административная ответственность, зарубежный опыт, национальное законодательство, проблемы и пути их решения.

Key words: prosecutor, prosecutor's supervision, water legislation, law enforcement, legality, efficiency, current trends, administrative responsibility, foreign experience, national legislation, problems and solutions.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати прокуратура фаолиятининг жадал ривожланиб келаётган йўналишларидан бири десак, муболаға бўлмайд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз... Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди”,¹ деб сув ресурсларидан фойдаланиш борасида мамлакатимиз позициясини илгари сурган эди.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида хо-

рижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, прокуратура органларининг бу соҳадаги ролини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида дунё мамлакатлари прокуратураларининг вазифа ва ваколатларини қуйидаги гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлишини кўрсатади:

Биринчидан, экология борасида махсус билимга эга бўлган ихтисослаштирилган экология прокуратураси ташкил этилган давлатлар мавжуд бўлиб, бу каби давлатлар кўпчиликни ташкил этмайди ва бу давлатларда экологик жиноятлар бўйича ўсиш суръати юқори бўлганлиги боис ихтисослашган прокуратура идоралари ташкил этилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Германияда прокуратура ҳузурида махсус экология бўлимлари ташкил этилган. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида ихтисослашган прокуратуралар фаолияти бўйича Россия Федерацияси тажрибаси эътиборга лойиқ. Хусусан, биргина Волга дарёси ҳавзасида фаолият юритувчи 15 туманлараро ва 50 га яқин ҳудудий экология прокуратураси фаолият кўрсатади.²

1 Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ. 20.09.2017 й. // “Халқ сўзи”газетаси, 2017 йил 21 сентябрь.

2 Проблемы обеспечения экологической безопасности правоохранительными органами в условиях перехода Республики Казахстан к «зеленой экономике» // <https://academy-gp.kz>



Испанияда 2005 йилда қабул қилинган қонун билан ихтисослаштирилган экология прокуратураси ташкил этилди ва мамлакатда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида 2006 йилда вилоятлар даражасида расман экологик прокуратура мақомини олди. Ўз навбатида ушбу ўзгаришлар атроф-муҳит соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнади. Ўз фаолияти давомида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш прокуратураси соҳага алоқадор тегишли органлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва прокуратура органлари доирасида ижобий тажрибаларини алмашиб келади.

Иккинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этилган далилларга асосланган ҳолда прокуратура органлари жиноят ишларини қўзғатишга ваколатли бўлган давлатлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу каби давлатлар прокуратураси томонидан экологик жиноятларни аниқлаш имкониятлари жуда чекланган. Чунки прокуратура томонидан текширувлар фақатгина фуқаролар томонидан берилган ҳуқуқбузарлик фактлари тўғрисидаги аризалар ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида фаолият юритувчи давлат органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида амалга оширилади.³

Хорижий ва халқаро тажрибанинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда прокуратура органларининг ихтисослашуви муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга оширувчи махсус экология прокуратурасининг ташкил этилиши, ушбу прокуратура органларига сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш каби муҳим функция ва вазифалар белгиланиши эътиборга лойиқ. Зеро, махсус экология прокуратурасининг ташкил этилиши прокуратура органларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигига айрим омилларнинг салбий таъсирини бартараф этади.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликнинг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида, назаримизда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи прокурорларнинг вазифа ва ваколатларидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш

ва чегарасини белгилаш масалаларини кўрсатиш мумкин. Бинобарин, бу ўз навбатида назорат фаолияти билан шуғулланувчи прокурорларнинг ўзларига юклатилаётган вазифаларнинг такрорланиши олдини олади ва шу билан бирга прокурор назоратининг тўлиқлигини таъминлайди.

Сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш йўлларида бири қонунчиликда бу соҳада жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни такомиллаштириш ҳисобланади. Бу борада ўрганилган хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, Қозоғистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 141-моддасида сувга бўлган давлат эгалик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, сув объектларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олиш, шу жумладан, оқова сувларни ва бошқа сувларни оқизиш, сувдан ноқонуний фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек, сувга бўлган давлатнинг эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин равишда бузувчи бошқа операцияларни амалга ошириш учун жисмоний шахсларга – ўттиз, мансабдор шахслар, кичик бизнес ёки нотижорат ташкилотларига – қирқ, ўрта тадбиркорлик субъектларига – олтмиш, йирик тадбиркорлик субъектларига икки юз бараваригача ҳисобланган кўрсаткичлар миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.⁴

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МЖТК деб юритилади) 60-моддасида табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унда ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлиши назарда тутилган.⁵

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августдаги “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-

3 <https://www.oecd.org/env/outreach/44092434.pdf>

4 Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях от 5 июля 2014 года № 235-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 02.03.2022 г.) // <https://online.zakon.kz>

5 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/acts/97664>

га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”- ги ЎРҚ-708-сон қонуни қабул қилиниб, унга кўра, МЖТК 60¹-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди:

“Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади”.⁶

Кўриб турганимиздек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш жараёнида қонун бузиш ҳолатларининг кўпайиб учраётганлиги юқоридаги Қонунни қабул қилишни тақозо этган. Бироқ ҳозирги кунда мамлакатимизда сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳолатлари, сув объектларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олиш, шу жумладан оқова сувларни ва бошқа сувларни оқизиш, сувдан ноқонуний фойдаланиш, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек сувга бўлган давлатнинг эгаллик ҳуқуқини бевосита ёки яширин равишда бузувчи бошқа операцияларни амалга ошириш каби ҳолатлар кўпайиб учраётганлиги, ер соҳасидаги муаммолар каби сув ва сувдан фойдаланиш борасида муаммолар ҳам ҳозирги кунда энг долзарб ва ўткир ижтимоий муаммолардан саналади. Шундай экан фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга янги 60²-модда киритиш ва унда сувга бўлган давлат эгаллик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутиш, шунингдек, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган субъектларни фақат фуқаролар ва мансабдор шахслар билан чегараланмасдан, ушбу субъектлар қаторига кичик бизнес ёки нотижорат ташкилотлари ва йирик тадбиркорлик субъектларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241¹-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унда назарда тутилган санкция (базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солиш) МЖТКнинг 60-моддасида табиий ресурсларга эгаллик ҳуқуқини бузганлик учун белгиланган санкциядан бир мунча юқорилигини кўриш мумкин (фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн

беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади).

Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик нормаларини бошқа хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасини таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш талаб этилади. Хусусан, Беларусь Республикаси МЖТКнинг ҳам сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган 16.35.-моддасига кўра, қазиб олинган ер ости сувлари, тортиб олинган ер усти сувлари ва атроф-муҳитга оқизилладиган оқова сувларнинг ҳисобини юритиш тартибидан бузганлик учун асосий қийматнинг йигирма бараваригача, якка тартибдаги тадбиркорга – эллик бараваригача, юридик шахсга эса – юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, ер усти сув объектларини ва сув объектларига таъсир этувчи объектларни қуриш, тугатиш ёки сув объектларида ўзбошимчалик билан ишларни, шу жумладан гидротехник иншоотлар ва қурилмаларни қуриш ишларини бажаришда талабларни бузганлик учун асосий қийматнинг ўттиз бараваригача, якка тартибдаги тадбиркорга – юз бараваригача ва юридик шахсга икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Беларусь Республикаси МЖТКнинг 16.36.-моддасига кўра, сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш асосий қийматнинг тўрт бараваридан ўттиз бараваригача, якка тартибдаги тадбиркорга – юз бараваригача, юридик шахсга – уч юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.⁷

Кўриб турганимиздек, Қозоғистон тажрибаси каби Беларусь Республикаси қонунчилигида ҳам давлатнинг сувга бўлган эгаллик ҳуқуқини бузиш, сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, мамлакатимиз МЖТКдан фарқли равишда жавобгарлик санкциялари юқори ва субъектлар доирасига нафақат фуқаро ва мансабдор шахслар, балки кичик бизнес ёки нотижорат ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор, йирик тадбиркорлик субъектлари ҳам киритилган. Назаримизда Ўзбекистон Республикасининг МЖТКда ҳам сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлиги учун нафақат фуқаро ва мансабдор шахслар, балки кичик бизнес ёки нотижорат ташкилотлари, якка тартибдаги тадбиркор, йирик тадбиркорлик субъектларини ҳам маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини илгари суриш тақозо этилади.

2018–2021 йилларда судлар томонидан сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жинойт ишлари ҳудудлардан олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур

6 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 16.11.2021 й., 03/21/728/1046-сон.

7 Кодекс Республики Беларусь об административных правонарушениях 6 января 2021 г. №91-3 // <https://etalonline.by/document/?regnum=hk2100091>



даврдан судлар томонидан сув ресурсларини муҳофаза қилиш (МЖТКнинг 72-моддаси), сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли (МЖТКнинг 74-моддаси), сувларнинг давлат ҳисобини юритиш (МЖТКнинг 75-моддаси) ва сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ва уларни шикастлантириш (МЖТКнинг 76-моддаси) билан боғлиқ жами 5677 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 5663 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар кўрилган бўлиб, 5226 тасига маъмурий жарима қўлланилган.⁸

Шунингдек, Ўзагроинспекция томонидан 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ўтказилган текширишлар давомида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ташкилот ва корхоналарнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан жами 13680 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарор қабул қилиниб, 3,5 млрд. сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган, 60675 та огоҳлантирув, 2922 та тақдимнома расмийлаштирилган. Ер ва сув йўналишлари бўйича 2651 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, 5,3 млрд. сўмлик молиявий жарималар қўлланилган. Шунингдек, қонуний қарор қабул қилиш учун судларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 6 908 та материал юборилган. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида 11688 та назорат тадбири ўтказилиб, 7454 та ҳолатда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Ўтказилган тадбирлар давомида 4 992 та ҳолатда

сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли, 247 та ҳолатда сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидалари, 247 та ҳолатда сув олиш лимитлари, 252 та ҳолатда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режалари бузилганлиги ҳамда 757 та ҳолатда гидротехника ишлари ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, 172 та ҳолатда сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ва 787 та бошқа ҳолатдаги қонун бузилишлар маълум бўлган. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан масъул шахсларга нисбатан 9058 та огоҳлантирувлар ва 321 та тақдимномалар киритилди, шунингдек 3959 та ҳолатда 1 млрд 261 млн сўмлик маъмурий ва 2651 та ҳолатда 5 млрд 310 млн сўмлик молиявий жарима санкциялари қўлланилган.⁹

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сув ресурсларини муҳофаза қилиш (МЖТКнинг 72-моддаси), сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли (МЖТКнинг 74-моддаси), сувларнинг давлат ҳисобини юритиш (МЖТКнинг 75-моддаси) ва сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ва уларни шикастлантириш (МЖТКнинг 76-моддаси) билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда нафақат фуқаро ва мансабдор шахслар, балки кичик бизнес ёки нотижорат ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркор, йирик тадбиркорлик субъектларини ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар рўйхатини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#

8 Бош прокуратуранинг Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 3 мартдаги маълумотномасидан.

9 Абдуллаев Ф.А. Сув хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик, уларнинг таҳлили ва профилактикаси // Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ш.Ж.Рахимов. –Т.: Lesson press. 2021. –Б. 50-51.



Мирзафар МИРСАЛИХОВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра катта ўқитувчиси
Зоҳиджон МИРМАҲМУДОВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра катта ўқитувчиси

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ЖАЗО ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг вужудга келиши, жазо тизимида тутган ўрни ва ижро этиш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье обсуждены вопросы возникновения наказания в виде исправительных работ, место в системе наказаний и совершенствования механизмов исполнения наказания.

ABSTRACT. This article discusses the issues of the emergence of punishment in the form of correctional labor, a place in the punishment system and the improvement of the mechanisms for the execution of punishment.

Калит сўзлар: маҳкум, ахлоқ тузатиш ишлари, меҳнат, жазо, кодекс.

Ключевые слова: осужденный, исправительных работ, труд, наказание, кодекс.

Key words: convict, correctional labor, labor, punishment, code.

Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг самарали усулларида бири сифатида тайинланиб келаётган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тарихи 1917 йил 19 декабрда қабул қилинган РСФСР Адлия халқ комиссариатининг Йўриқномасига бориб тақалади. Унда шахсни озодликдан маҳрум этиш муассасаларига жойлаштирмасдан туриб мажбурий меҳнатга жалб қилиш кўринишидаги алоҳида жазо тури назарда тутилган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўз тарихи давомида бир неча бор ўзгариб, такомиллашган бўлса-да, судланган шахснинг белгиланган тартибда айрим меҳнат ва моддий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини чеклашда ифодаланган жазо тарзидаги жиноий-ҳуқуқий моҳияти ҳозирга қадар ўзгармасдан қолган.¹

Маҳкумлар томонидан бажарилган ишлар учун қисман ҳақ тўлаш мажбурияти РСФСР Меҳнат ва Ички ишлар халқ комиссариатларининг 1923 йил 20 февралдаги “Озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда мажбурий меҳнат тўғрисида”ги қарорига асосан киритилган бўлиб, кейинчалик бу РСФСРнинг 1924 йилдаги Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексига мустақамланган. Унда маҳкумнинг иш ҳақидан 25 фоизи ушлаб қолиниши, мажбурий меҳнатни ижро эти-

рилиш тартиби, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жавобгарлик чоралари тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган. Айтиш мумкинки, айнан шу норматив ҳужжатлар ҳозирги ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўзагини яратиб берган.

РСФСРнинг 1933 йилдаги Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексига бу жазо тури ахлоқ тузатиш меҳнат ишлари деб номланган бўлса, собиқ СССР ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонунчилиги асосларида (1958 йил) “озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари” деб атала бошланган. Унга кўра, бу жазо тури маҳкумнинг иш жойида ёки у истиқомат қилаётган ҳудудда жойлашган бошқа муассасада, иш ҳақининг 20 фоизигача қисми ушлаб қолинган ҳолда бир йилгача муддатга тайинланган.

Ахлоқ тузатиш ишлари — бу маҳкумни иш ҳақининг маълум қисмини давлат даромадига ушлаб қолиш билан мажбуран меҳнатга жалб қилишдир. Хусусан, ахлоқ тузатиш ишлари жиноий жазонинг бир тури сифатида бир қатор мамлакатларнинг (Арманистон, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Украина, Исроил, Яман, Куба, Лаос, Эфиопия) жиноий қонунчилигида назарда тутилган².

Эътиборли томони, ахлоқ тузатиш ишлари жа-

1 Цанева А.Н., Возникновение и развитие уголовного наказания в виде исправительных работ. Теория и практика общественного развития (2012 №5)

2 Бугера Н.Н. Особенности регламентации наказания в виде обязательных, исправительных и принудительных работ по законода-



зоси жиноий жазо сифатида аксарият ҳолларда собиқ совет иттифоқи таъсири доирасида бўлган давлатлар жиноят қонунчилигида мавжуд бўлиб, Европа давлатлари қонунчилигида бу турдаги жазо учрамайди.

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиётини ўрганиш натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлаш, келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг шаффоф ва янада самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш зарурлигидан далолат бермоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг шарт сифатида маҳкумнинг меҳнат қилиши орқали унинг ахлоқини тузатишга, ресоциализация қилинишига қаратилган таъсир чораси бўлган ахлоқ тузатиш ишларининг кутилган даражада яхши самара бермаётганлигини, аксарият ҳолатларда Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларининг ушбу турдаги жазони ижро этиш ҳамда ўташ тартибини белгилаб берувчи нормаларнинг бугунги кун талабларига тўлиқ мувофиқ эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Маҳкумга меҳнат таъсирига боғлиқ бўлган жазо тизимида ижтимоий ва ахлоқ тузатиш ишлари билан бир қаторда улар “мажбурий меҳнат”ни — судланганни иш жойига жалб қилиш ва маҳкумнинг озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган жиноий жазодан ажратилади. Баъзи мамлакатлар жиноий қонунчилигида меҳнат ва қамоқ билан боғлиқ бўлган жазо назарда тутилган — “оғир меҳнат” (Аргентина, Доминикан Республикаси, Ҳиндистон, Кения, Мадагаскар, Шимолий Корея, Япония ва бошқаларда) тантанали иш озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазонинг режим компоненти сифатида ишлатиладиган, озодликдан маҳрум этиш жойларида меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан ўхшаш эмаслигини кўриш мумкин.³

Хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш ҳамда ахлоқ тузатиш ва мажбурий меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

– аксарият мамлакатларда жамоат ва (ёки) ахлоқ тузатиш меҳнатида фойдаланишни тартибга солув-

чи қоидалар кодекснинг умумий ва махсус қисмлари, баъзи мамлакатларда ушбу жазолар фақат кодексларнинг умумий қисм моддалари билан тартибга солиниши;

– озодликдан маҳрум қилишни жамоат ва (ёки) ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштириш имкониятининг мавжудлиги;

– айрим мамлакатларда жамоат ва (ёки) ахлоқ тузатиш ишлари фақат асосий жазо сифатида, бошқаларда қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкинлиги;

– ахлоқ тузатиш ишлари асосий иш жойида ёки тегишли орган тайинлаган жойда амалга оширилиши;

– маҳкумни жамоат ёки ахлоқ тузатиш ишларини бажаришдан бўйин товлаши жазонинг ўталмаган қисмини бошқа жазо турларига алмаштиришга сабаб бўлишини кўриш мумкин.

Республикамизда ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташ шартлари (ЖИК 29-модда), шунингдек уларни бузганлик оқибатида қўлланиладиган чоралар (ЖИК 32-модда), қолаверса маҳкум ишлайдиган муассаса ёки ташкилот маъмуриятининг мажбуриятлари (ЖИК 28-модда) ва бошқа моддаларда мазкур жазо турини ижро қилиш билан боғлиқ масалаларни комплекс тарзда ҳуқуқий тартибга солиш бўйича амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга бўлган заруратнинг мавжудлиги ушбу турдаги жазонинг маҳкумларни қайта тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Масалан, маҳкум ишлайдиган муассаса ёки ташкилот маъмурияти унга юқорида кўрсатилган моддаларга мувофиқ, юклатилган мажбуриятларни ёхуд жазони ижро этувчи орган белгиладиган жойларда (ЖИК 29-модда) ишлаётган маҳкумни унинг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланиши тўғрисидаги талабларни бажармаса ушбу ҳолатлар қандай жавобгарлик келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, маҳкум ишлаётган муассаса ёки ташкилот маъмурияти маҳкумнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминламаса (меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш, иш вақти, таътил бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми, интизомий жазо қўллаш, меҳнат муҳофазаси ва ҳ.к.), шунингдек, ушбу жазони ижро этиш ва ўташ шартларини бузса, жазони ижро этувчи орган уларнинг барта раф этилишини таъминлаш учун қандай чоралар кўриш ваколатига эга эканлиги тўғрисидаги нормалар тегишли кодексларда ўзининг ҳуқуқий ечи-

тельство некоторых зарубежных стран // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. 2016. №1. С. 220-223.

3 Минина В.В. Зарубежный опыт законодательной регламентации общественных работ // Актуальные проблемы совершенствования уголовного законодательства Республики Беларусь на современном этапе: сборник научных статей / под ред. Д.В.Шаблинской. Минск: Четыре четверти, 2017. Вып. 3. С. 156-164

мини топмаган.

Бинобарин, Россия Федерацияси (ЖИК 43-модда), Украина (44-модда), Беларусь (40-модда), Қозоғистон (56-модда), Қирғизистон (56-модда) республикалари жиноят-ижроия қонунчилигида маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан уларга юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун тегишли тартибда жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, маҳкумнинг иш ҳақидан мунтазам равишда нотўғри ёки белгиланган муддатларни бузган ҳолда ушлаб қолганлик, худди шунингдек, маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан қонунда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажармаганлиги учун Украинанинг пробаця масалалари бўйича ваколатли органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш тўғрисида мурожаат қилишлари кўрсатилган. (ЖИКнинг 44-моддаси 2-қисми).

Шунингдек, Жиноят кодексининг 46-моддаси 2-қисмида ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланиши, 4-қисмига кўра агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа (уч ярим ой) ўталмаган муддат озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириши мумкинлиги белгиланган бўлиб, тегишли кодексларда маҳкумларни жазо ўташга мажбурлайдиган, йўналтирадиган бошқа превентив чоралар (жазони ижро этувчи орган қўллаши мумкин бўлган интизомий чора ва чекловлар, шунингдек маҳкум ишлаётган муассаса ёки ташкилот маъмурияти томонидан башарти, у меҳнат интизомини бузса, меҳнат қонунчилиги талабларига кўра бериладиган интизомий жазо эътиборга олиниши ва ҳ.к.), кўзда тутилмаган.

Хорижий давлатларнинг қонунчилиги таҳлили жазони ижро этувчи органлар мансабдор шахсларига бу борада қатор ваколатлар берилганлигини кўрсатади.

Масалан, Россия Федерацияси ЖИКнинг 46-моддаси 2-қисмида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахслар томонидан жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жазони ижро этувчи инспекция томонидан жазони бошқа оғир турдагиси билан алмаштириш ҳақида маҳкумни ёзма шаклда огоҳлантириши, шунингдек, унга ойига икки мартагача инспекция рўйхатидан ўтиб туриш мажбуриятини юклаши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб борилиши лозимлиги, уни қандай тарзда, қайси тизимлар асосида амалга ошириш масаласи ҳам очиқ қолган.

Жиноят кодексининг 46-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда тайинланади.

Шу ўринда миллий қонунчилигимизда вояга етмаганларнинг жавобгарлиги хусусиятларидан келиб кодекснинг 83-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланиши белгиланиб, бунда иш ҳақининг қанча миқдори давлат даромадига ушлаб қолиниши масаласи ҳал этилмасдан қолган. Натижада судлар томонидан вояга етмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда умумий асосларда иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизгача миқдор белгиланиб келинмоқда.

Ваҳоланки, хорижий амалиёт ўрганилганда (Беларусь 5-15%), (Украина 5-10%) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган вояга етмаганлар учун иш ҳақидан ушлаб қолинадиган фоизлар миқдори камайтирилган ҳолатда эканлигини кўрсатади.

Жиноят қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни муҳофаза қилишдир.

Жиноий судлов амалиёти шунини кўрсатадики, иш бўйича зарарнинг аксарият қисми қопланганда ёки моддий зарар кўп бўлмаган миқдорни ташкил этганда судлар томонидан тегишли модда санкциясида кўрсатилган альтернатив жазолардан енгили, хусусан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланади. Бундай ҳолларда жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг моддий манфаатлари тўлиқ қаноатлантирилмасдан туриб, айбдор зиммасига қўшимча равишда давлат фойдасига иш ҳақининг маълум бир қисмини ўтказиб туриш мажбурияти юкланади.

Натижада маҳкум, шунингдек жазонинг ижросини таъминловчи органлар томонидан зарарни қолиб кетган қисмини қоплашдан кўра суд томонидан тайинланган жазони ижро этишга асосий эътибор қаратилиб, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) манфаатлари кейинги ўринга ўтиб қолади.

Қозоғистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигига кўра, маҳкум томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси асосий иш жойида, иш ҳақининг ўн фоизидан эллик фоизгача миқдорини Жабрланувчиларга етказилган зарарни компенсация қилиш фондига ундирилган ҳолда суд ҳукми билан тайинланган жазо миқдори тўлиқ қоплангунга қадар ижро этилади.

Бундай амалиётнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилиниши нафақат маҳкумни ахлоқан тузатишга, шу билан бирга жабрланувчига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши, жазонинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратининг кучайиши, маҳкум томонидан жазони тезроқ ижроси таъминланишидан манфаатдор бўлишига хизмат қилади.

Бироқ бунда, етказилган зарар миқдорининг



ҳажми, судланувчининг моддий аҳволи, яъни етказилган зарарни бирдан қоплаб бериш имкониятининг мавжудлиги, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогар) розилиги, шунингдек, бошқа объектив ва субъектив ҳолатлар инobatга олинаши лозим бўлади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бевосита Жиноят кодексининг 74-моддаси билан боғлиқ бўлиб, унинг талабига кўра озодликдан маҳрум этилган, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин, унга кўра маҳкумга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазони ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши белгиланган.

Бироқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси енгилроғига, яъни ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган маҳкумларнинг жазо ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларида қўшимча бирор-бир норманинг йўқлиги, ҳатто шахс ушбу турдаги жазони ўташдан бўйин товласа, қайси муддат ва асосга кўра, у яна озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилиши мумкинлиги белгиланмаганлиги Жиноят кодексининг 46-моддасида кўрсатилган муддатга мувофиқ, яъни унинг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўтамаган маҳкум сифатида яна озодлиги чекланиши ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларига юборилиши амалиётини шакллантирган.

Бундай бўшлиқ ўз навбатида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланиши, унинг ўндан бири уч ярим ойни ташкил этиши, узоқроқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган, унинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган маҳкумларнинг дарҳол жазо ўташга киришмасликларига, бўйин товлашларига замин яратиб, пировардда жазо ўталишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида тегишли чоралар қўллаш имкониятини жиддий пасайтирган.

Оқибатда ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс уни ярмини ўтагач, қолган беш йил

жазо муддати ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилса, маҳкум олти ойгача, яъни унинг ўндан бир қисми ўтгунга қадар жазони ўтамай юрса ҳам унга нисбатан тегишли чора кўрилмаслигига, башарти шахс йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, ўталмаган ўн йили ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилса, бу муддат бир йилгача чўзилиши мумкинлигига, маҳкум уч ярим ойдан бир йилгача муддат мобайнида қасддан ишга жойлашмаслигига, жазони ўтамаслигига, тарбияланмаслигига, қолаверса, назоратсизлик туфайли қайта жиноят содир этишига замин яратилган.

Табиийки, ушбу ҳолатлар ҳозирда янги таҳрирда тайёрланаётган Жиноят кодексига (жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш масалалари), Жиноят-ижроия кодексига мазкур жазо турига тегишли моддаларнинг гипотезаси, диспозицияси ва санкцияси қай йўсинда баён этилса, ушбу жазони ижро этиш ва ўташ тартиби ҳамда шартлари ҳам улар билан узвий боғлиқликда бўлиши керак.

Шунингдек, ушбу жараёнда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган маҳкумлар уни меҳнатнинг самарали таъсири асносида ўтаб, тарбияланишлари лозимлигини назарда тутиб, жазо ўташ даврида уларнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши, шунингдек, бурчларининг бажарилиши, яъни маҳкум ушбу турдаги жазони ўташ мобайнида иш берувчи билан бўладиган меҳнат муносабатларининг субъекти эканлиги ҳам эътиборга олинаши зарурияти мавжуд.

Чунки, Жиноят-ижроия кодексининг 30-моддаси 1-қисми талабига кўра, маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги кераклиги тўғрисидаги мажбурият билан бир қаторда Меҳнат кодексининг 176-моддасида қайд этилган бурчларни (ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитария талабларига риоя қилиши ва ҳ.к.) ҳам бажариши шарт бўлса-да, бу ҳақда Жиноят кодексига ҳам, Жиноят-ижроия кодексига ҳам ҳуқуқий норма берилмаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро қилиш билан амалдаги қонунчилик нормаларини такомиллаштирилиши маҳкумни меҳнатга жалб қилиш ҳамда уни қайта тарбиялаш орқали жамиятда ўз ўрнини топишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Нозим ХУСАНОВ,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири –
Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия раиси

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛИШИДАГИ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

АННОТАЦИЯ. Мақолада мажбурий меҳнат тушунчаси, мажбурий меҳнатнинг субъекти, Халқаро меҳнат ташкилоти билан мажбурий меҳнатга барҳам беришда олиб борилган ишлар, ушбу соҳани такомиллаштиришда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашишда қонунийликни таъминлаш борасида олиб борилган ишлар ва келгусидаги режалар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье даётся описание понятию принудительного труда, субъект принудительного труда, осуществляемая работа Международной организацией труда по ликвидации принудительного труда, принятые нормативно-правовые акты по совершенствованию этой области и проделанная работа для обеспечения законности борьбы с принудительным трудом и дальнейшие планы на будущее.

ABSTRACT. The article describes the concept of forced labor, the subject of forced labor, the work done by the International Labor Organization to eliminate forced labor, the adopted regulations to improve this area and the work done to ensure the legality of the fight against forced labor and plans for the future.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, Халқаро меҳнат ташкилоти, конвенциялар, бойкот, қонунийлик.

Ключевые слова: принудительный труд, Международная организация труда, конвенции, бойкот, законность.

Key words: forced labor, International Labor Organization, conventions, boycott, legality.

«Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди».

Шавкат Мирзиёев

Сўнги йилларда мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг мутлақо янги тизими яратилди.

Шу билан бирга, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни ислоҳ қилиш, унга бозор тамойилларини кенг татбиқ этиш, соҳани механизациялаштириш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда болалар меҳнати, мажбурий меҳнатнинг олдини олишда асосий омил бўлди.

Ўзбекистоннинг сўнги 5 йил ичидаги муваффақиятларидан бири мамлакатда оммавий тартибдаги мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйилганидир.

Мажбурий меҳнат тушунчаси ва моҳияти

Халқаро меҳнат ташкилотининг 29-сонли конвенциясига мувофиқ мажбурий меҳнат – иш берувчи ёки фуқаро томонидан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали, шунингдек, меҳнат ин-

тизомини сақлаш мақсадида фуқаронинг ихтиёрига хилоф равишда мажбурий равишда иш ёки хизмат бажартириш ҳисобланади.

Мажбурий меҳнатнинг субъекти – иш берувчи, давлат органи вакили ёки фуқаро.

Битта мажбурий меҳнат ҳолати бўйича – бир нечта фуқаро ёки мансабдор шахс бевосита ёки билвосита мажбурий меҳнатни амалга оширувчиси бўлиши мумкин.

Бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш турлари қуйидагилар: жабрланувчини алдаш, ҳаракатини чеклаш, ажратиш қўйиш (яккалаб қўйиш), жисмоний ёки жинсий зўравонлик ўтказиш, қўрқитиш ёки таҳдид қилиш, шахсига оид ҳужжатларини олиб қўйиш, иш ҳақини камайтириш (ёки ушлаб қолиш), иш шароитларини ёмонлаштириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини йўқотиш, иш вақтидан ташқари ортиқча ишлатиш кабилар.

Мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси ўз ихтиёрига хилоф равишда ўзининг хизмат вазифасига кирмайдиган ёки ҳақ тўланмайдиган иш ёки вазифаларни бажаради.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари,



исталган иш ёки хизматни бажаришга мажбурлаш мажбурий меҳнат деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасига биноан қуйидаги ишлар, яъни:

- ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида;
- фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасидаги ислохотлар

Мамлакатимизда 2013 йилдан бошлаб олиб борилган Халқаро меҳнат ташкилотининг Учинчи томон мониторинги натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015-2016 йилларда пахта кампанияси даврида мажбурий меҳнат 14 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 4 фоизни, 2021 йилда эса 1 фоизни ташкил этган¹.

“Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкот бекор қилиниши кенг кўламли ислохотлар самарадорлигининг ёрқин мисоли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида мамлакатимизни халқаро майдондаги имиджини оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг янги тизимини яратиб берди.

Фармонга асосан одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида кичик комиссиялар ташкил қилинди ва миллий маърузачи институти таъсис этилди².

Шунингдек, 2019–2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, халқаро ҳуқуқ нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси ва 1 та баённомаси ратификация қилинди.

Шу ўринда 2014 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенция баённомасини Ўзбекистон Марказий Осиёда ратификацияга қилган илк давлат бўлди.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига маъмурий жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда жиноий

жавобгарликни белгиловчи нормалар киритилди.

Маъмурий жавобгарлик чоралари базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача кўпайтирилиб (11 млн – 22 млн сўмгача), 2020 йилдан бошлаб болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини кўзда тутувчи жиноий жавобгарлик белгиланиши энг самарали чора-тадбирлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида давлат иштирокини камайтириш орқали қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида териладиган пахтанинг мажбурий ҳажмларини давлат томонидан белгилаш тизими бекор қилинди.

Мамлакатимиз ҳар йили Халқаро меҳнат ташкилотининг ўртача иккитадан конвенциясини ратификация қилиб, ташкилотнинг 100 йиллигига бағишланган халқаро меҳнат нормаларини ратификация қилиш кампаниясида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йили ташкилотнинг 2 та конвенцияси, яъни “Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида”ги 187-сонли ҳамда “Қурилишда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги 167-сонли конвенциялари ратификация қилинди.

Жорий йилда эса Халқаро меҳнат ташкилотининг соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида меҳнат муносабатларини тартибга солишни назарда тутадиган 155, 161, 184-сонли конвенцияларини ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш режалаштирилган.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида кўрилган чоралар

Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича мониторинг ишлари давом эттирилди. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб мониторинглар илк маротаба тўлиқ ҳуқуқ ҳимоячилари билан ўтказилишни бошлаб, 2021 йилда ҳам 17 нафар мустақил кузатувчиларга пахта мавсумини мониторинг қилишни давом эттириш мақсадида пахта далаларига тўсқинлик киришлари мақсадида бейджиклар тақдим этилди.

Шунингдек, ХМТнинг Учинчи томон мониторинги ва Касаба уюшмалари Федерациясининг “Миллий мониторинги” ҳам ўтказилди.

Пахта йиғим-терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва теримчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилиши бўйича парламент назорати ўрнатилди.

Хусусан, сенаторлар, депутатлар, журналист ва блогерлардан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, мавсум давомида республикамизнинг барча туманларида кластерлар, фермер хўжаликлари,

1 Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳисоботлари. <https://t.me/mehnatvazirligi>

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон

маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Давлат меҳнат инспекторлари томонидан ҳам мажбурий меҳнат бўйича жойлардан тушган мурожаатларни ўрганиш йўлга қўйилди.

Мониторинглар натижасида 2019 йилда 259 нафар (пахта мавсумида 132 нафар), 2020 йилда 103 нафар (пахта мавсумида 41 нафар), 2021 йилда 75 нафар (пахта мавсумида 5 нафар) мансабдор шахслар мажбурий меҳнатга йўл қўйганлиги сабабли маъмурий жавобгарликка тортилган.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатъий сиёсий иродаси, шунингдек, Мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси Халқаро меҳнат ташкилоти ва уч томонлама ҳамкорлар билан биргаликда фуқаролик жамияти вакилларининг фаол иштирокида амалга оширилган кенг қамровли тадбирлар туфайли бундай ютуқларга эришилди.

Кўрилган чоралар натижасида Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистонда 2021 йилда пахта йиғим-терими мавсуми давомида тизимли болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмаганлиги тўғрисидаги якуний хулосасини ҳамда ушбу йўналишдаги мониторинг ишларини тўлиқ Ўзбекистон томонига топширилганлигини эълон қилди.

Ушбу натижалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашга, саноатни, хусусан, пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантиришга имконият яратса, бошқа томондан янада катта масъулият ҳам юклайди, яъни эришилган натижаларни сақлаб қолиш учун – соҳада тизимли ишларни изчил давом эттириш талаб этилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳар йили АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинадиган “Жаҳонда одам савдоси тўғрисидаги йиллик маъруза” ҳамда АҚШ меҳнат вазирлигининг “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари” бўйича ҳисоботларида Ўзбекистон дунё бўйлаб 2-рўйхатда сақланиб қолганлигини эътибордан чиқармаслик лозим.

Эндиликда фақатгина мажбурий меҳнатга қарши курашишгина эмас, балки барча соҳаларда муносиб меҳнат шароитлари яратилганлигининг назоратини доимий равишда олиб бориш талаб этилади.

Бунда меҳнат муносабатлари соҳасига оид келиб тушаётган ҳар қандай мурожаатлар ва ижтимоий

тармоқларда эълон қилинган хабарларни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Юқоридаги ҳисоботлардаги асосий тавсиялардан бири – бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари – ипакчилик, қурилиш, тўқимачилик ва умумий овқатланиш соҳаларида мажбурий меҳнат ва муносиб меҳнат шароитлари мониторингини олиб боришдир.

Бу борада халқаро ҳамжамиятда позицияларни яхшилаш, Ўзбекистон билан Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор қаратиш муҳим.

Халқаро ҳамкорлик

2021 йилнинг сентябрида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида муносиб меҳнат бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган Мамлакат дастури қабул қилинди.

Дастурда асосий эътибор халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда муносиб меҳнат тамойиллари, норасмий бандликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя масалаларига қаратилган.



Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2021 йилда ипакчилик соҳасида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу соҳада мажбурий меҳнатга тизимли жалб қилиш ҳолатлар мавжуд эмас, болалар ипак қурти етиштиришга жалб этилмаган. Кўпчилик иш жойидаги овқатланиш шароитларини яхши ёки мақбул деб ҳисоблайди ва фақат 1 фоизи озиқ-овқат сифатидан норози эканлиги маълум бўлган³.

Ишчиларнинг тўртдан уч қисми билан меҳнат шартномалари тузилган ва меҳнат ҳақи миқдоридан қониқиш ҳосил қилган.

#

3 Халқаро меҳнат ташкилотитомонидан 12.05.2021 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этилган ҳисоботлар.



Сардорбек УРОЗБАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари,
юридик фанлар номзоди

ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН САМАРАЛИ ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ва дастлабки терговни амалга оширишдаги ролининг ўзига хос жиҳатлари баён этилиб, мазкур йўналишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

АННОТАЦИЯ. В статье описаны особенности роли органов прокуратуры в осуществлении координации деятельности по борьбе с преступностью, надзора за исполнением законов органами дознания, предварительного следствия, а также роли органов прокуратуры в осуществлении предварительного следствия. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию данного направления.

ABSTRACT. The article describes the features of the role of the Prosecutor's Office in the coordination of activities to combat crime, supervision of the execution of laws by bodies conducting initial inquiries, pre-trial investigations, as well as the role of the prosecutor authorities in conducting preliminary investigations. Proposals and recommendations for the improvement of this direction are given.

Калит сўзлар: суриштирув, дастлабки тергов, қонунлар ижроси устидан назорат, фаолиятни мувофиқлаштириш, ахборот тизимлари интеграцияси.

Ключевые слова: дознание, предварительное следствие, надзор за исполнением законов, координация деятельности, интеграция информационных систем.

Key words: inquiry, pre-trial investigation, supervision of law enforcement, activity coordination, information system integration.

Тергов фаолияти устидан самарали прокурор назоратини амалга ошириш ишни судга қадар юритиш босқичида қонунийликни таъминлаш, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз прокуратураси фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Хусусан, Конституция¹ мизнинг ўн тўртинчи боби бевосита прокуратура органларига бағишланган бўлиб, 120-моддада прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши мустаҳкамланган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – бу тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураши борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб боришдир².

Қонунда белгиланган ушбу ваколатлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, прокуратура органларининг тергов фаолиятидаги ролини шартли равишда қуйидаги уч йўналишга ажратишимиз мумкин.

Биринчи йўналиш – жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш.

Иккинчи йўналиш – бу суриштирув, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш.

Учинчи йўналиш – дастлабки терговни амалга ошириш.

Энди ҳар учала йўналишнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалаларга қисқача тўхталиб ўтсам.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш прокуратура органлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши қайд этилган.

Мазкур органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан, тергов органлари фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнидаги ролини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ҳуқуқбузарлик-

1 <http://lex.uz/uz/docs/35869>

2 <http://lex.uz/uz/docs/106197>

лар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органи сифатида намоён бўлишида ҳам кўришимиз мумкин.

Қайд этиш керакки, ҳозирда амалдаги қонунчиликда прокуратуранинг суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ваколатлари, қўллайдиган таъсир чоралари, назорат ҳужжатлари ҳақида тегишли нормалар мавжуд эмас.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеясининг 2006 йил 16 ноябрьдаги 27-сон йиғилиши (27-6-сонли қўшма қарор)да қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги намунавий қонун (12-боб)да прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар, шу жумладан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ваколатлари, қўллайдиган таъсир чоралари, назорат ҳужжатлари акс эттирилган.

Шунга кўра, Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашувчи, шу жумладан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифа ва ваколатларини янада аниқ баён этиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда кенгаш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу фаолиятни электрон дастур жорий этиш орқали рақамлаштириш таклиф этилади.

Бунда мувофиқлаштирувчи кенгаш режасини ишлаб чиқиш ва келишиш, ижрога юбориш, режа бўйича таҳлилий маълумотларни тўплаш, мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларини белгиланган муддатларда ўтказиш, кенгаш қарори лойиҳасини келишиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш, қарорни имзолаш, ижрога қаратиш ҳамда ижроси бўйича ахборотларни жамлаш ишларини ягона дастур асосида йўлга қўйилишига эришилиб, ортиқча вақт ва сарф-харажатларни тежаш имконини беради.

Пировардида прокуратура органлари раҳбарлигидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти таъсирчанлиги ошиб, жамиятдаги ўрни ва мавқеи кўтарилишига эришилади.

Жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи органлар томонидан қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорати жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолият самарадорлигини таъминлашда ниҳоятда муҳим ўрин тутаяди.

Жиноят-процессуал кодексининг 382-моддасига мувофиқ, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Кодексда прокурор назоратини амалга оширишнинг шакллари аниқ белгиланган.

Хусусан, улар қаторига суриштирувчилар ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ёзма кўрсатмалар бериш, суриштирувчилар ва терговчиларнинг илтимосномаларига розилик бериш, тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувни тузиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда тергов органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар жиноятларни фош этишда ҳамда тергов жараёнини соддалаштиришда муҳим ўринга эга бўлди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тергов фаолияти устидан прокурор назоратини такомиллаштиришда асосий эътиборни тергов фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ ишларни жадаллаштиришга қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Зеро, мазкур жараённи рақамлаштириш орқали терговчилар томонидан юбориладиган турли сўровнома, қарор ва бошқа ҳужжатлар тезда ижроцига етиб бориши ҳамда уларга ўз вақтида жавоб олиш имконияти яратилади.

Айниқса, бундай тадбирларни фош этилмаган жиноятлар, бедарак йўқолган шахслар ҳамда шахси номаълум мурдалар бўйича ягона ахборот тизимини яратиш, тергов органларини вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш орқали амалга ошириш ғоятда муҳимдир.

Амалда шахс бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича терговчи томонидан республиканинг барча ҳудудларига қоғоз шаклидаги топшириқлар юборилади. Мазкур топшириқлар ижроси юзасидан тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилиб, қоғоз шаклида топшириқни берган терговчига жавоб йўлланади.

Ўрнатилган бу тартиб фош этилмаган жиноятлар, бедарак йўқолган шахслар ҳамда шахси номаълум мурдалар ҳақидаги маълумотларни ўзаро таққослаган ҳолда таҳлил қилишнинг тўлиқ имконини бермайди.

Шу сабабли ҳамда тергов фаолияти устидан назоратни янада такомиллаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги фаолиятга рақамлаштиришни жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилади.

Дастлабки терговни амалга ошириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Жиноят-процессуал кодексининг 320¹-моддасига мувофиқ ишни судга қадар юритиш терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни (суриштирувни ва дастлабки терговни) ўз ичига олади. Кодексга кўра, прокурор ишни судга қадар юритишнинг барча шакллари амалга ошириш ваколатига эга.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси прокуратура органларининг тергов йўналишида ўзига хос ўрин ва алоҳида ҳуқуқий мақомга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Бразилия³, Дания ва Германияда прокуратура органлари дастлабки тергов ҳаракатларини



олиб бориш ваколатига эга бўлса, Францияда 2019 йил 1 июлдан бошлаб терроризм ва инсониятга қарши жиноятларни тергов қилиш ваколатига эга махсус прокуратура ташкил этилган⁴.

Исроилда эса давлат прокуратураси тизимидаги ички тергов штаб квартираси, Кореада Олий прокуратура органларининг барча ходимлари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин.

Шунингдек, Европа Иттифоқида мустақил Европа прокуратураси ташкил этилган бўлиб, у 2021 йил 1 июндан ўз фаолиятини бошлаган. Биринчи халқаро прокуратура Европа Иттифоқининг молиявий манфаатларига дахлдор жиноий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва судга бериш ваколатига эга бўлди.

Мустақил прокуратуранинг ташкил этилиши Иттифоқ ҳудудида трансмиллий жиноятларга қарши курашни сифат жиҳатидан янги, самарали босқичга олиб чиқувчи воситаларга эҳтиёж билан изоҳланади⁵.

Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида прокуратура органларининг терговчилари иш юритувига тааллуқли бўлган моддалар белгиланган. Шу билан бирга, жиноят ишларини тергов қилиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва амалиётнинг таҳлили прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунда тергов органлари терговга тегишлилик қоидасидан келиб чиқиб жиноятларни тергов қилади.

Хусусан, ички ишлар органлари шахсга қарши жиноятларни тергов қилиб, ушбу органлар тезкор-қидирув фаолияти ва жиноятлар профилактикаси ҳам айнан шу соҳадаги жиноятларни фош этиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган бўлса, Давлат хавфсизлик хизмати органлари тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятларни тергов қилиш, фош этиш ва олдини олишга ихтисослашгандир.

Ўз навбатида, прокуратура органлари ҳаётга қарши жиноятлар, аксарият коррупциявий жиноятларни ҳамда иқтисодий соҳадаги ва бошқа турдаги жиноятларни тергов қилмоқда. Коррупциявий жиноятларни ҳамда иқтисодий соҳадаги жиноятларни аниқлаш ва фош этиш Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий вазифаларига киради.

Бироқ амалиётда терговга тегишлилик соҳасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд.

Жиноят-процессуал кодекси талабларига кўра, қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади. Аммо, қонун ҳужжатларида ушбу мансабдор шахслар тоифаси белгиланмаган. Шу боис, барча тоифадаги мансабдор шахслар

жиноятларининг терговини прокуратура органларига ўтказиш таклиф этилади.

Шунингдек, тергов сифати билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Муқаддам прокуратура органларида прокурор-криминалист штати мавжуд бўлган бўлиб, кейинчалик ушбу лавозим тугатилган эди.

Мамлакатимизда сўнги йилларда олиб борилган ислохотлар доирасида тергов сифатини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони билан прокуратура органларида прокурор-криминалист лавозими (17 штат бирлиги) қайта жорий этилди.

Муқаддам бу каби лавозимлар тугатилиши натижа-сида прокуратура органларида криминалистика соҳасида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган ходимларнинг сони камайган. Жиноятларни тезкорлик билан ҳамда тўлиқ фош этишда криминалистларнинг ўрни муҳимлигини ҳисобга олиб, прокуратура органларида прокурор-криминалистлар штатини кўпайтириш таклиф этилади.

Бинобарин, ушбу лавозимларни юқори малакали ходимлар билан тўлдириш мақсадида Бош прокуратура Академиясида прокурор-криминалистларни тайёрлашга ихтисослаштирилган магистратура йўналишини ташкил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, ҳозирда жиноятларни содир этиш жойи аъъанавий кўринишдан кибер (электрон) оламга кўчганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу муносабат билан хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланган ҳолда прокуратура органларида кибер-криминалист лавозимини жорий этиш масаласини ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Зеро, бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали ёки тармоқнинг ўзидан содир этилаётган жиноятлар кўламини ҳисобга олиб, бу турдаги жиноятларни тергов қилишда прокуратура терговчилари фаолиятида интернет тармоғидаги жиноятларни фош этиш борасидаги малакага эга алоҳида мутахассисларга эҳтиёж туғилмоқда. Бу борада тергов ваколати мавжуд хорижий давлатларнинг прокуратураларида бугунги кунда шунга ўхшаш лавозимлар жорий этилганлигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бўлган жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юришда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат ҳамда дастлабки терговни амалга оширишни халқаро стандартлар ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиқиб янада такомиллаштириш бугунги кун нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эга.

#

4 <http://www.rfi.fr/ru/frantsiya/20190701-vo-fransii-poyavilas-spetsprokuratura-po-delam-o-terrorizme>

5 dw.com/ru/v-es-nachala-rabotu-evropejskaja-prokuratura/a-57749186

Муродулло АБДУХАКИМОВ,
Бош прокуратура Академияси мустақил тадқиқотчиси

ПРОКУРОРЛАР ТОМОНИДАН ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ерга оид қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш бўйича текширишларни ташкил қилишнинг айрим масалалари ёритилган. Ер ва ердан фойдаланишга оид қонунлар ижросини текшириш босқичлари, текширишларни режалаштириш, ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини назорат қилишга масъул бўлган ваколатли идоралар, уларга юкланган вазифалар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются некоторые вопросы проведения проверок органами прокуратуры Республики Узбекистан по выявлению нарушений земельного законодательства. Описаны этапы надзора за исполнением законов о земле и землепользовании, планирование проверок, органы, ответственные за контроль за целевым и рациональным использованием земель, а также возлагаемые на них задачи.

ABSTRACT. This article considers some issues about the procedure for performing inspections by the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan to detect violations of land legislation. In particular, the stages of supervision over execution of laws on land and land use, planning of inspections, bodies responsible for supervision of purposeful and rational use of land and tasks assigned to them are described.

Калит сўзлар: ер ва ердан фойдаланишга оид қонунлар ижроси, текшириш, режалаштириш, қишлоқ хўжалиги ерлари, суғориладиган ерлар, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, давлат кадастри, ноқонуний қурилиш, жавобгарлик.

Ключевые слова: право применение земель и землепользование, проверок, планирование, земли сельскохозяйственного назначения, орошаемые земли, самовольный захват земельных участков, государственный кадастр, незаконное строительство, ответственность.

Key words: land use and land use law, inspections, planning, agricultural land, irrigated land, unauthorized occupation of land, state cadaster, illegal construction, liability.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларини, шу жумладан, сувли экин майдонларини мансабдор шахслар томонидан асоссиз равишда муомаладан чиқаришга қаратилган ҳуқуқбузарликлар динамикаси ортиб бормоқда. Бундай ҳуқуқбузарликлар асосан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган майдонлардаги қурилишларга эгалик ҳуқуқини ноқонуний белгилаш, экин ерини қонунсиз бошқа мақсадларда фойдаланиш учун ажратиб бериш каби шаклларда содир этилмоқда.

Бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги экин ерлари муомаладан чиқиб, муттасил ўсиб бораётган аҳолининг озик-овқат хавфсизлигига хавф туғдириши мумкин. Сўнгги икки йилда 7490 та ҳолатда ёки жами қарорларнинг 18,5 фоизи қонунга зид равишда қабул қилинганлиги ҳамда 120 минг гектар ер майдони ноқонуний ажратилган¹.

Бизга маълумки, ер билан боғлиқ муносабатларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси билан тартибга солинади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5742-сон ҳамда 2021 йил 8 июндаги “Ер муноса-

батларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6243-сон Фармонлари билан ерлардан, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари белгилаб берилиб, янги ер ислохотларига тамал тоши қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 14 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–3406 - сон фармонида прокуратура органларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий вазифалари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонларининг муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик асосий вазифалардан бири қилиб кўрсатилган.

Шу боис, прокуратура органлари томонидан ер

1 Бош прокуратура томонидан ерга оид қонунлар ижроси бўйича 2021 йил 20 декабрь куни ўтказилган умумлаштириш маълумотлари.

2 O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. "O'zbekiston" NMIU. 2019 й. 69-бет.



ажратиш ва ердан фойдаланиш, ерларни олиб қўйиш ёки экин ерини муомаладан чиқариш шартлари ва тартибини бузган маҳаллий ҳокимиятлар, назорат-текширув ва давлат бошқаруви органлари, қишлоқ хўжалик корхоналари мансабдор шахсларига жазо муқаррарлигини таъминлаган ҳолда, ерга оид қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишига эришиши лозим.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш жараёнида ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш, келгусида йўл қўйилмаслиги бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз моҳиятига кўра прокуратура органларининг қонунлар ижросини назорат қилиш бўйича ишни бутун ташкил этиш ушбу текширувлар натижасининг самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Текширувларни ташкил қилишда ушбу соҳадаги прокурор назарияси методологиясини ўрганиш ва унга баҳо бериш ҳам ғоят муҳим саналади. Бунда энг аввало, ҳозирга қадар прокурор назоратини ташкил қилиш методологияси бўйича илмий ишланмаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу тадқиқот муаллифининг прокуратура органларининг текширув тадбирларида бевосита иштирок этиши тажрибасини ўрганиш лозим бўлади.

Ерга оид қонунларнинг бажарилишини текширишда ҳар қандай объектда аниқланиши керак бўлган асосий масалалар доираси прокуратура назорати соҳасидаги олимлар А.Д.Берензон ва В.Г.Мелкумов томонидан шакллантирилган бўлиб, ер қонунчилигининг ижроси ва ушбу органлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга риоя этилишини текширишда прокурор қуйидаги саволларга жавоб олиши мақсадга мувофиқдир:

– вакиллик ва ижро этувчи органлар томонидан қабул қилинган қарор ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ер муносабатлари соҳасидаги қонунчиликка мос келадими?

– давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари бузилмаганми, яъни бундай масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган органлар томонидан ер муносабатларини тартибга солиш фактлари борми?

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, нашр этиш ва эълон қилиш тартиби кузатилганми ва бу ҳужжатлар зарур реквизитларни ўз ичига оладими?³

Прокурор маҳаллий ҳокимият органларининг ер муносабатлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши ва уларнинг ижросини таъминлашини текширишда текширув мақсадларига қараб аниқ саволларга жавоб излайди.

Бундай масалалар фуқароларнинг ерга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя қилиниши, ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини ташкил қи-

лиш, солиққа тортиш тартиби, давлат ер назоратини амалга ошириш, давлат ер кадастрини юритиш, кўчмас мулк ҳуқуқларини рўйхатга олиш тартибига риоя қилиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Ер кодексининг 83¹-моддасига кўра, ер участкаларини ажратиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколатли идоралар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–6061-сон фармонида кўрсатиб ўтилган.

Фармоннинг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилиши қайд этилган.

Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

а) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

б) геодезия ва картография;

в) давлат кадастрларини юритиш;

г) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

д) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш эканлиги қайд этилган⁴.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6243-сон фармонининг 10-бандига кўра ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилилади⁵.

Шунингдек, тугатилган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги

3 Берензон А.Д. “Прокурорский надзор за исполнением законов в агропромышленном комплексе” М.1988.

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–6061-сон фармони. <http://lex.uz/pdfs/4985026>

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6243-сон фармони <http://lex.uz/docs/5450176>

экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган⁶.

Прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ушбу ер соҳасидаги назорат қилувчи идоралар фаолиятини ҳам ўз вақтида текшириб бориш ҳисобланади.

Ушбу текширишларни ташкил қилишда:

- ер назоратига масъул бўлган идоралар томонидан ўзларига юкланган вазифалар лозим даражада бажарилмоқдами?

- назорат остидаги объектларнинг барча фаолият соҳалари ушбу текширувлар давомида қамраб олинганми, давлат назорати органлари томонидан қандай текширувлар ўтказилган?

- ер қонунчилигининг бузилиши тўғрисидаги маълумотлар шаклланганми?

- назорат қилувчи орган томонидан аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг қонунийлиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилганми?

- аниқланган қонунбузарликлар бартараф этилганлигини ўрганиш мақсадида такрорий текширишлар ўтказилганми?

- ҳуқуқбузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш учун қонун билан белгиланган талабларга риоя қилинганми?

- текширишларда аниқланган жиноятлар ҳақида маълумот ва ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилганми?

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида ер ва ердан фойдаланишга оид қонунлар ижросини текшириш 4 босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда яъни тайёрлов босқичида соҳага оид амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланади ҳамда текшириш объекти танланиб, объект аниқлаб олинади ва текширишга асослар ўрганилади;

Иккинчи босқичда текширишга оид зарур маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинади;

Учинчи босқичда олинган маълумотлар асосида текшириш ўтказиш йўналишлари ва услублари белгилаб олинади ва текшириш ўтказилади;

Тўртинчи босқичда текшириш натижаси бўйича маълумотнома тузилиб, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилади.

Прокуратура органлари олдида турган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишда ишларни замонавий ва сифатли режалаштириш асосий аҳамиятга эга.

Режалаштириш – қонунчиликнинг бугунги кунги

ҳолатини ва келгусини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Режалаштириш прокуратура фаолиятини аниқ ва равшан ҳолда аниқ бир мақсадга мувофиқ бўлиши учун қўлланилади.

Прокуратура органларида ишларни ташкил этиш режали тартибда амалга оширилади. Ишни режали тартибда амалга ошириш юқори турувчи прокуратура томонидан қуйи турувчи прокуратура фаолиятини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга, бунинг учун эса Республика Бош прокурори томонидан тасдиқланган режа асос бўлади.

Режалаштиришда бир қатор масалалар, йўллар белгилаб олинади, булар:

– биринчи навбатда ҳал қилинадиган муаммолар ҳамда маълум бир вақт давомида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади;

– мазкур муаммоларни ҳал этиш учун керакли бўладиган дастур ишлаб чиқилади ва шу дастур асосида назорат олиб борилади;

– белгиланган режа асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти мувофиқлаштириб турилади;

– амалга оширилган ишларнинг ва белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан жавобгарликни белгилайди;

– прокуратура органларида ишлар ташкилий режали асосида ташкил этилади;

– режани тузишда ички меҳнат тақсимотига риоя қилинади.⁷

Прокурор ер қонунчилигини ўрганишни режалаштиришни тузаётган вақтда асосий эътиборни “заиф” нуқтага қаратиши, яъни ер муносабатларида энг кўп учраётган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича таҳлил қилиши, шунга кўра режалаштириш тузилиши лозим бўлади.

Режалаштириш қонунийликни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этиш натижасига асосланиши лозим. Лекин ҳамма вақт ҳам таҳлил рақамларга боғланиб қолмаслиги, аниқланган рақамлардан прокуратура идорасини оқилона бошқаришда фойдаланиш услубларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Бу борада режалаштириш ва ахборот-таҳлил маълумотлари бир мақсадда ўзаро бирлаштирилиши керак.

Прокурорлар томонидан ерга оид текширишларни режалаштиришда дастлаб тегишли вазирлик ва идоралардан бир қатор ҳужжатларни олишлари лозим бўлади.

Мазкур ҳужжатларни олмасдан, уларни ўрганмасдан туриб, текширишларни тўғри режалаштириш имконияти мавжуд эмас.

Ерга оид текширишларни режалаштиришда:

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан: тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилганлиги ва бажарилиши, ер ресурсларидан белгиланган мақсадда оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш усти-

6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–6061-сон фармони. <http://lex.uz/pdfs/4985026>

7 Д.Хабидуллаев, Ф.Ибротова, О.Нарзуллаев, В.Хамидов, Д.Нурумов “Прокурор назорати” Дарслик - Т. 2019 йил. 68-б.



дан давлат назоратининг амалга оширилиши, ҳокимлик ҳузуридаги ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этилганлиги ҳамда улар томонидан қишлоқ ишлар, жисмоний ва юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа мақсадлар учун ажратилиши, ер ресурслари ва давлат кадастри идораларининг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботлари;

– архитектура идораларидан: ўрганилган даврда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларида шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилган ишлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер ажратиш ҳақида тайёрланган ва тегишли ҳокимликларга тақдим этилган материаллар, давлат шаҳарсозлик кадастри, шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторингини юритишда аниқланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан ноқонуний равишда фойдаланиш, қурилиш қилиш ҳолатлари сони ва кўрилган чоралар;

– статистика идораларидан: тақдим қилинган экин ер майдонларининг ҳисоботлари, уларнинг ҳаққонийлигини текшириш яқунлари, аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан кўрилган чоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар;

– солиқ идораларидан: Солиқ кодекси талабларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг ер майдонларини солиқ солиш объекти сифатида ҳисобга олиниши, айрим тоифадаги ерларга нисбатан қўлланилган солиқ имтиёзлари, ўзбошимчалик билан қурилган қурилмаларга қўлланилган жарималар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар;

– табиатни муҳофаза қилувчи органлардан: вилоят ва туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги ерларини яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш юзасидан аниқланган қонун бузилишлар бўйича кўрилган чоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар ҳақидаги маълумотлар;

– қишлоқ хўжалиги ва кадастр идораларидан: ер баланси, қонун бузилиши ҳолатлари ва қўлланилган маъмурий чоралар ва киритилган кўрсатмалар, солинган ва ундирилган маъмурий жарималар тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу маълумотлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида:

– вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг фаолияти тўғри йўлга қўйилганлиги;

– вилоят ҳокимларининг ер танлаш, ажратиш, ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларининг қонунларга мувофиқлиги;

– туман (шаҳар) ҳокимларининг ер билан боғлиқ қарор қабул қилиш ваколатларининг бекор қилиниши ҳақидаги талабларга риоя қилинганлиги;

– тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилганлиги ва ижроси;

– суғориладиган ерларни бошқа ерлар сираси ўтказиш Ер кодексининг 44-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон фармони 5-банди талаби асосида амалга оширилганлиги;

– алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун ажратиш Ер кодексининг 45-моддаси талабидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилганлиги;

– ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширилиши аҳволи;

– ер тузишни, ер мониторинги ўтказилиши ва давлат ер кадастри юритилишининг ташкил этилганлиги;

– юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер берилишининг қонунийлиги;

– ерлар олиб қўйилишининг асослилиги;

– ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 24 ва 36-моддаларига мувофиқ бекор қилинишининг қонунийлиги;

– ер ажратишга оид ҳужжатларнинг вилоят ва туман ҳокимлиги юридик хизмати томонидан кўриб чиқилганлиги;

– туман ҳокимининг ер ажратишга оид қарорларини халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланиши ёки бекор қилиниши ҳолатларининг асослилиги;

– туман ҳокимлиги захирасидаги ерлардан фойдаланилиши самарадорлиги;

– ерларни ажратишда муддатлар ва ўлчамларга риоя этилганлиги, яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилишининг, ерни фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижарага берилишининг қонунийлиги;

– фуқароларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер ажратилишининг аҳволи;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тўғрисида”ги 2018 йил 20 апрелдаги ПҚ-3677-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб ўрнатилган тартибга кўра юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали амалга оширилишининг аҳволи;

– ер участкаларининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиниши;

– экин ерларининг унумдор қатлами йўқ бўлиб кетишига олиб келиш, тупроқ унумдорлигини пасайтириш ҳолатларининг аниқланиши;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этилиши аҳволи;

– қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларининг қонуний ҳал этилганлиги;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан судга даъво аризалари киритилиши, кўриб чиқиши, улар бўйича қабул қилинган қарорларнинг асослилиги;

– янги ерларни ўзлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилиши;

– янги ерларни ўзлаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган фармони 3-иловасида белгиланган параметрларнинг бажарилиши, бу борада юритилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги;

– ер балансининг мавжудлиги ва уни ҳоким қарори билан тасдиқланганлиги.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида:

– ерга оид ҳисоботларнинг тўғри юритилганлиги, тақдим этилган ер ҳисоботларининг ҳаққонийлиги;

– ердан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш юзасидан ўтказилган текширишларнинг қонунийлиги;

– ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини барта- раф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган кўрсатмаларнинг киритиб борилганлиги ва уларни кўриб чиқиш самарадорлиги;

– айбдор фуқаро ва мансабдор шахсларнинг белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги;

– ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижа- сида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъво ари- залари киритилганлиги;

– аниқланган қонун бузилишлари юзасидан тўплан- ган материалларни тааллуқлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этишда қонун талабига риоя этилганлиги;

– ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида киритилган тақдимномаларнинг қонуний- лиги;

– тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқило- на фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларнинг бажарилиши аҳволи;

– тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бо- шқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш чоралари кўрилганлиги;

– ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, ботқоқланишдан, қайта шўрланиш- дан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар би- лан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараён- ларидан муҳофаза қилинишининг аҳволи;

– қишлоқ хўжалиги экин ерлари ёмонлашувини

олдини олиш чоралари кўрилганлиги;

– тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаган ҳолатларда экишга яроқсиз ҳолатга келган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш қонунийлиги;

– бузилган ерларни рекультивация қилиш, улар- нинг унумдорлигини ва ерларнинг бошқа фойдали хоссаларини ошириш аҳволи;

– фойдали конларни қазиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерла- рининг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгилан- ган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга кел- тирилиши устидан назорат аҳволи;

– қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳайдаладиган ер майдонлари сақлаб қо- линишини таъминлаш, мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган суғориладиган ерларни комплекс реконструк- ция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилиши устидан назорат тадбирлари олиб борилганлиги;

– ерларни ўзбошимчалик билан эгаллашга ва (ёки) ўзбошимчалик билан иморат қуришга йўл қўймаслик, шунингдек, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасидаги қонунга хилоф қурилишларни тўхта- тиб туриш чоралари кўрилганлиги;

– давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги мақ- сулотлари етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжа- лиги экин майдонларини ўлчовларини ўтказилишига.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агент- лиги ва унинг ҳудудий ташкилотларида:

– давлат ер кадастрини юритиш аҳволи;

– ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгал- лаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самара- ли ер назорат ташкил қилинганлиги;

– ер участкаларининг кадастр рақамларини иден- тификациялаш ва ҳисобга олинишини таъминлаш мақ- садида давлат ер кадастрининг электрон маълумот- лар базасини шакллантирилганлиги;

– ҳар бир ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори бўйича ер кадастри электрон маълумотлар базасининг шакллантирилиши аҳволи;

– ерлардан мақсадли фойдаланиш бўйича давлат назоратининг амалга оширилганлиги;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйха- тидан ўтказилишини таъминлашга қаратилган ер на- зоратини амалга оширилганлиги;

– ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назорати амалга оширилганлиги ва шу каби бош- қа масалалар ўрганилиши лозим бўлади.

Прокурор ерга оид қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилишда эътибор бериш тавсия этилган саволларнинг рўйхати тахминий ҳисоблана- ди, у текширувнинг табиати ва мақсадларига қараб кенгайтирилиши ёки қисқариши мумкин.

Зеро, ерга оид қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва келгусида содир қилинмасли- гининг олдини олиш энг аввало иш тўғри ташкил қи- лишга чамбарчас боғлиқдир.

#



Расул МАТХАЛИКОВ,
самостоятельный соискатель Университета
Общественной безопасности Республики Узбекистан

К ПОНЯТИЮ ДОПУСТИМОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

АННОТАЦИЯ. Автором в статье раскрывается понятие «допустимость доказательств», проводится грань между допустимыми и недопустимыми доказательствами, а также предлагается дополнить Уголовно-процессуальный кодекс соответствующими нормами касательно допустимости доказательств.

АННОТАЦИЯ. Мақолада муаллиф “далилларнинг мақбуллиги” тушунчасини очиб беради, йўл қўйиладиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган далиллар ўртасидаги чегарани аниқлайди, шунингдек, Жиноят-процессуал кодексини далилларнинг мақбуллигига оид тегишли қоидалар билан тўлдиришни таклиф қилади.

ABSTRACT. The author in the article reveals the concept of “admissibility of evidence”, draws a line between admissible and inadmissible evidence, and also proposes to supplement the Code of Criminal Procedure with relevant rules regarding the admissibility of evidence.

Ключевые слова: законность, допустимость, доказывание, критерии допустимости доказательств, допустимость доказательств в уголовном процессе.

Калит сўзлар: қонунийлик, мақбуллик, далил, далилларнинг мақбуллик мезонлари, жиноят процессида далилларнинг мақбуллиги.

Key words: legality, admissibility, proof, criteria for the admissibility of evidence, admissibility of evidence in criminal proceedings.

Важнейшей гарантией соблюдения законности, обеспечения прав и законных интересов личности в уголовном процессе служит конституционный запрет на использование доказательств, полученных с нарушением законодательных норм. В частности, в ст. 26 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что «Каждый обвиняемый в совершении преступления, считается невиновным, пока его виновность не будет установлена законным порядком, путем гласного судебного разбирательства, при котором ему обеспечиваются все возможности для защиты.

Никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему достоинство человека обращению».

Допустимость – есть пригодность доказательства с точки зрения законности источников, методов и приемов получения соответствующей информации¹.

По мнению А.Х. Асамутдинова «Доказывание – это процесс опосредствованного обмена информацией».²

В более конкретном понимании допустимость – такое свойство доказательства, которое характеризуется законностью источника фактических данных, а также способов получения и фиксации

фактических данных, содержащихся в таком источнике.³

Обеспечение субъектами доказывания допустимости доказательственной информации прежде всего означает необходимость получения фактических данных, сведений, составляющих содержание доказательства только от определенных лиц и с соблюдением установленной законом процедуры проведения этого следственного действия. Такой вывод следует из постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан №12 от 24 сентября 2004 г. «О некоторых вопросах применения норм уголовно-процессуального закона о допустимости доказательств», в соответствии с которым «всякое отступление дознавателем, следователем, прокурором и судом от точного исполнения и соблюдения норм УПК, регламентирующих общие условия доказывания, какими бы мотивами оно ни было вызвано, влечет за собой признание недопустимости полученных таким путем доказательств».⁴

Из сформулированных Верховным судом правил, в частности, вытекает, что недопустимо использовать в процессе доказывания фактические данные, не закрепленные и не приобщенные к делу в виде одного из источников (например, пе-

¹ См.: Теория доказательств в советском уголовном процессе. Изд. 2-е исправленное и дополненное. М.: Юрид. литература.. – С. 428.

² См.: Асамутдинов А.Х. Основы теории доказательств в уголовном процессе: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2002. – С. 13.

³ См.: Кипнис Н. Допустимость доказательств в уголовном судопроизводстве. – М.: новый юрист, 1995. – С. 27.

⁴ См.: Сборник постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан. 1991-2006. В 2-х томах. Т.2. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2007. – С. 455-456.



рехваченная в следственном изоляторе записка арестованного) или использовать в качестве доказательства фактические данные, содержащиеся в источниках, не предусмотренных процессуальным законом (например, оперативные материалы, без их проверки и оценки соответствующими средствами доказывания).

Следует согласиться также с мнением Шейфера С.А.⁵ о том, что недопустимость доказательства порождает и использование ненадлежащих средств доказывания, не соответствующих характеру следов преступления и предусмотренному законом порядку их изъятия (очная ставка, проведенная вместо опознания). Такие же последствия наступают в случаях, когда следователь или суд при получении доказательств произвольно изменяют требуемое законом сочетание познавательных средств. Например, не соблюдаются требования закона о том, чтобы очная ставка проводилась между двумя ранее допрошенными лицами (ст. 122 УПК); приобщению к делу вещественного доказательства предшествовал его осмотр (ст. 207 УПК); опознающие предварительно допрашивались об обстоятельствах, при которых они наблюдали соответствующее лицо и предмет, и о его приметах и особенностях, по которым они могут произвести опознание (ст. 126 УПК), что проявляется в существенных отступлениях от порядка проведения следственного действия, вызывающих искажение информации. По мнению автора сюда же можно отнести нарушения, связанные с произвольным изменением установленного законом набора средств доказывания. Например, нарушение ч. 1 ст. 339 УПК органом дознания по делам, по которым производство предварительно следствия обязательно, выразившееся в производстве следственных действий, не предусмотренных указанной нормой.⁶

Представляется, что прав Ю.В. Корневский когда утверждает, что использование одних и тех же доказательств под видом различных и самостоятельных, создает превратное впечатление о наличии совокупности доказательств там, где в действительности имеется лишь одно. Речь идет о различных модификациях показаний обвиняемого, признающего свою вину. В подобных случаях в обвинительном заключении и приговоре порой

перечисляются как доказательства виновности: показания, которые даны обвиняемым на допросе, на очной ставке, в ходе проверки на месте. Как справедливо отметил Ю.В. Корневский, результаты подобных следственных действий могут приобрести значение самостоятельных доказательств лишь при условии, если при этом получены какие-либо новые данные, либо подтвердились (опровергнуты) прежние.⁷

Кроме того, следует учитывать, что уголовно-процессуальное законодательство прямо указывает случаи, когда определенная информация не может служить доказательством по делу.

Так, УПК определяет случаи, когда определенные лица не могут быть допрошены в качестве свидетелей (потерпевших) или когда сведения определенного содержания, сообщаемые указанными участниками процесса, не будут иметь доказательственного значения.

К числу сведений, не имеющих доказательственного значения, относятся показания свидетеля (потерпевшего), если он не может указать источник своей осведомленности (ст. 119, 120), а также показания, в которых высказываются предположения о тех или иных фактах, но не содержатся категорических утверждений относительно этих фактов, так как в соответствии со ст. 463 УПК обвинительный приговор не может быть основан на предположениях.

Представляется, что недопустимыми должны признаваться и доказательства, полученные на основании незаконно добытых, как являющиеся от них производными. «Плоды отравленного дерева» – так образно окрестили американские юристы такие доказательства⁸.

На стадии судебного разбирательства Золотых В.В. выделяет еще один критерий допустимости доказательств – «правило о несправедливом предубеждении». Оно должно защитить судебных заседателей от влияния доказательств, которые могут отрицательно сказаться на степени их объективности и привести к решению, основанному на эмоциях, несправедливом предубеждении.⁹

Представляется, что УПК РУз нуждается в новой трактовке понятия норм по уголовному делу, подлежащие доказыванию и о недопустимых доказательствах. Так, в частности предлагается вне-

⁵ См.: Шейфер С.А. Сущность и способы собирания доказательств в советском уголовном процессе. – М.: ВЮЗИ, 1972. – С. 34-35.

⁶ По указанной категории дел орган дознания вправе произвести неотложные следственные действия по установлению и закреплению следов преступления: осмотр, обыск, выемку, освидетельствование, задержание и допрос подозреваемых, допрос потерпевших и свидетелей.

⁷ См.: Ю.В. Корневский. Проверка и оценка достоверности доказательств. В сб.: Прокуратура и правосудие в условиях судебно-правовой реформы. – М., 1997. – С. 130, а также: Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе (методологический аспект): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 1995.

⁸ См.: А. Чувилев, А. Лобанов. О порядке признания судом недопустимости доказательств по уголовному делу // Российская юстиция, 1996. - № 11. – С. 9.

⁹ См.: Золотых В.В. Проверка допустимости доказательств в уголовном процессе. –Ростов-на-Дону: Феликс, 2008. – С. 34-39.



сти новую норму в УПК (например, ст. 95² УПК), в которой определить, что по уголовному делу подлежат доказыванию:

1) событие преступления (время, место, способ и другие обстоятельства совершения преступления);

2) причастность лица к совершению преступления;

3) виновность лица к совершению преступления, форма его вины и мотивы;

4) обстоятельства, характеризующие личность обвиняемого;

5) характер и размер вреда, причиненного преступлением;

6) обстоятельства, исключающие преступность и наказуемость деяния, обстоятельства, смягчающие и отягчающие наказание;

7) обстоятельства, могущие повлечь освобождение от уголовной ответственности и наказания.

В ст. 95⁴ УПК определить, что доказательства, полученные с нарушением требований УПК, являются недопустимыми. Недопустимые доказательства не имеют юридической силы и не могут быть

положены в основу обвинения, а также использоваться для доказывания любого из обстоятельств, предусмотренных статьей 95². К недопустимым доказательствам относятся: 1) показания потерпевшего, свидетеля подозреваемого, обвиняемого, данные в ходе дознания, предварительного следствия по уголовному делу в отсутствие защитника и не подтвержденные им в суде; 2) показания потерпевшего, свидетеля, основанные на догадке, предположении, слухе, осведомленности от других лиц а также в тех случаях, когда свидетель не может указать источник своей осведомленности; 3) произведенные следственные действия и составленные процессуальные документы лицом, не имеющим права осуществлять производство по уголовному делу; 4) иные доказательства, полученные с нарушением требований УПК.

При этом следует отметить, что сравнительно новым в трактовке понятия допустимости является заложенный в норму принцип о том, что признание вины может быть положено в основу обвинения только в случае, когда оно получено в присутствии защитника.



Абдумурад ХАКБЕРДИЕВ,
Тошкент давлат юридик университети доцент в.б., ю.ф.ф.д.

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ТАРТИБДА ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилгандир. Бу давлатга бош ислоҳотчининг ролини бериш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, босқичма-босқич ва аста-секинлик билан давом этаётган ислоҳотлардир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда ваколатли судлардан ташқари низоларни муқобил тартибда ҳал қилишда ҳакамлик судлари томонидан ҳам фуқаролик ва иқтисодий низолар бўйича бир қанча ишлар кўриб чиқилишида турли муаммолар учраб турибди. Мазкур мақолада низоларни муқобил тартибда ҳал қилишда ҳакамлик судлари ва уларнинг турлари масаласи кўриб чиқилади.

АННОТАЦИЯ. В условиях модернизации и реформирования нашей страны осуществляемые реформы в правоохранительной и судебно-правовой сферах направлены, прежде всего, на всестороннюю защиту прав, свобод и законных интересов человека. Предоставление государству роли главного реформатора, обеспечение верховенства закона, проведение сильной социальной политики представляет собой поэтапно и постепенно осуществляемые реформы. Следует отметить, что на сегодняшний день, помимо компетентных судов, третейские суды сталкиваются с различными проблемами при рассмотрении ряда дел по гражданским и экономическим спорам в порядке альтернативного разрешения споров. В данной статье рассматривается вопрос о третейских судах и их видах в порядке альтернативного разрешения споров.

ANNOTATION. In the conditions of modernization and reform of our country, the ongoing reforms in the law enforcement and judicial-legal spheres are aimed primarily at the comprehensive protection of human rights, freedoms and legitimate interests. Providing the State with the role of the main reformer, ensuring the rule of law, and conducting a strong social policy represent reforms that are being implemented gradually and gradually. It should be noted that today, in addition to competent courts, arbitration courts face various problems when considering a number of cases on civil and economic disputes in the manner of alternative dispute resolution. This article discusses the issue of arbitration courts and their types in the order of alternative dispute resolution.

Калит сўзлар: ҳакамлик суди, ҳакамлик суди таснифи, арбитраж суди, арбитр, ҳакамлик судининг турлари, қонун, кодекс.

Ключевые слова: третейский суд, арбитражные суд, арбитр, виды третейского суда, закон, кодекс.

Key words: arbitration court, arbitrator, types of arbitration court, law, code.

Мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар ўртасида вужудга келадиган низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини жорий этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 июлда “Медиация тўғрисида”ги, 2021 йил 16 февралда “Халқаро тижорат арбитраж тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4754-сон қарори қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви, улар орасида баҳс-мунозаралар ва турли низолар келиб чиқиши табиийдир. Шу муносабат билан низолар-

ни ҳал этиш тизими уларни ваколатли суд орқали ёки муқобил усуллар билан ҳал қилишни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, низоларни ҳал қилиш муқобил усулларидан ҳакамлик судлари алоҳида аҳамиятига эга ҳисобланади.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари деганда қонун ҳужжатлари ёки тарафларнинг келишуви ёхуд локал ҳужжатлар билан белгиланган ва ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган низоларни суддан ташқари ҳал қилишга қаратилган тартиб-таомиллар, усуллар ва механизмлар тушунилади¹. Яъни низолар нафақат суд ҳокимияти органлари томонидан, балки низоларни ҳал қилишнинг бошқа усуллари ёрдамида (ҳакамлик судлари, медиация, халқаро тижорат арбитраж судлари) ҳал этилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда ҳам низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари – “Alternative dispute resolution methods” сифатида кенг тарқалган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қо-

¹ М.М.Мамасиддиқов, Ш.М.Масадиков, Д.Ю.Хабибullaев, Н.А.Азизов, И.М.Салимова. *Ҳакамлик муҳокамаси. О'қув қўлланма*. 2016. ТДЮУ. Б. 103; Рустамбеков И.Р. *Медиация: пособие для медиаторов*. – Ташкент: 2019. С. 6; Распапова Н.И. “Медиация” учебное пособие. Санк-Петербург юридической академии. 2021. С. 21.



нуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали усули ва зарурий шarti сифатида эътироф этилади.

Низоларни муқобил ҳал этиш шакли, низоларни суддан ташқарида ҳал қилиш усулидир. Низо бир ёки бир нечта шахслар (ҳакамлик суди судьялари) томонидан ҳал қилинади, улар ҳакамлик судининг қарорини чиқаради. Ҳакамлик судининг қарори ҳар икки томон учун ҳам қонуний кучга эга ва судларда ижро этилиши мумкин. Хусусан, арбитраж кўпинча тижорат низоларини ҳал қилиш учун ишлатилади, айниқса халқаро тижорат битимлари контексти бунга мисол бўла олади. Америка Қўшма Штатлари каби баъзи мамлакатларда арбитраж истеъмолчи ва бандлик масалаларида ҳам тез-тез қўлланилади, бу ерда арбитраж меҳнат ёки тижорат шартномалари шартларига кўра мажбурий бўлиши мумкин ва жамоавий даъво қўзғатиш ҳуқуқидан воз кечишни ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, арбитраж (ҳакамлик) ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши (гарчи мажбурий арбитраж фақат қонун ёки бир томон бошқасига юклайдиган шартномадан келиб чиқиши мумкин, бунда томонлар барча мавжуд ёки келажакдаги низоларни арбитраж судига топширишга рози бўладилар) мумкин. Мажбурий бўлмаган арбитраж медиацияга ўхшайди, чунки томонларга қарор билан юклаш мумкин бўлмайди².

Жаҳон амалиётида низоларни ҳал қилишнинг муқобил турлари жуда кўп, улар орасида қуйидаги тартибларни ажратиш кўрсатиш мумкин: эксперт таърифи (хулоса); тарафларнинг ўзаро музокаралари; медиатор иштирокидаги музокаралар; ярашув; медиация; арбитраж (ҳакамлик) муҳокамаси; мустақил қарор; қисқа муддатли жараён; вазиятларнинг ўрнатилиши; низоларни кўриб чиқиш комиссиялари; хусусий суд; дастлабки мустақил баҳолаш; низоларни ҳал қилиш бўйича судгача йиғилиш; соддалаштирилган ҳайъат суд³.

Ўзбекистон Республикасида низоларни муқобил ҳал қилишнинг энг машҳур турлари:

- ҳакамлик судида иш юритиш;
- халқаро тижорат арбитраж судида иш юритиш;
- медиация;
- музокаралар;
- келишув битими.

Биз мазкур илмий мақоламиз доирасида низоларни муқобил ҳал қилиш турларидан ҳакамлик судларига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистонда асосан кўзга кўринган иккита ҳакам-

лик суди – Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди ва Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси мавжуд эди.

Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, халқаро амалиётда ҳакамлик судлари фақат амал қилиш муддати бўйича (тарафлар томонидан муайян низони ҳал қилиш учун тузилган ad hoc ёки бир марталик ҳакамлик (муваққат ҳакамлик) судларига, институционал (доимий фаолият кўрсатувчи) ҳакамлик судларига)⁴ ва фаолият соҳасига кўра арбитраж судлари давлат ҳудудида ички низоларни ҳал қилиш учун “ички”, ташқи низоларни ҳал қилиш учун “ташқи”га⁵ бўлинади.

Президентимизнинг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан сиёсат ва иқтисод соҳасида рўй берган туб ўзгаришлар ҳакамлик муҳокамаси институтининг янада ривожланишига олиб келди, натижада кўплаб турли ҳакамлик судлари пайдо бўлди, бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ҳакамлик судлари ҳамда ҳакамлик муҳокамасининг хусусиятларига кўпроқ процессуал ҳуқуқ бўйича адвокатлар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар мурожаат қилишган. Шубҳасиз, буни ҳакамлик судларининг ўзига хос хусусияти ва ҳуқуқий табиати билан изоҳлаш мумкин. Мустақиллик давридан аввал юриспруденция соҳасида ҳакамлик судлари ва ҳакамлик муҳокамаси тушунчасини ишлаб чиқишга уринишлар асосан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани бўйича дарсликлари⁶ ва фуқаролик процессуал қонунчилигини шарҳлаш доирасида амалга оширилган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасида кўпинча тез ва малакали ҳал қилишни талаб қиладиган можароли вазиятлар вужудга келади. Бундай вазифани мустақил ҳакамлик институти бажариши мумкин. Ҳакамлик судлари иқтисодий низоларни ҳал қиладиган ва давлат тизимига кирмайдиган махсус нодавлат органидир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида “ҳакамлик суди (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муваққат ҳакамлик суди) — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни ҳал этувчи нодавлат орган” эканлиги белгиланган. Шу ўринда савол туғилади: ҳакамлик судларига нисба-

² <https://www.legalserviceindia.com/legal/article-1126-kinds-of-arbitration.html>

³ Ефремова О. В. Правовые технологии посредничества (медиации) в образовательных организациях города Москвы: сборник нормативно-правовых актов и методических материалов // О. В. Ефремова, Е. В. Питько. — Москва, 2016.

⁴ Дмитриева Г.К. Международный коммерческий арбитраж. М., 1997. С. 20; Федоров А. Г. Международный коммерческий арбитраж. М., 2000. С. 5; Комментарий части первой Гражданского кодекса Российской Федерации / Под общей ред. В.Д. Карповича. М., 1995. С. 64 (автор комментария Брагинский МИ.) и др.

⁵ Яковлев В.Ф. Экономика и суд // Российский юридический журнал. 1993. №1. С.51.

⁶ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик процессуал ҳуқуқи. -Тошкент, “Ўқитувчи”. 1980. -Б. 326-333.; Советский гражданский процесс. Учебник. Коллектив авторов. Отв. ред. д.ю.н. Н.А.Чечина, д.ю.н. Д.М.Чечота. Изд-во Ленинградского университета. 1984. -С. 377-388.; Советский гражданский процесс. Учебник. Коллектив авторов. Отв. ред. д.ю.н., проф. М.С.Шакарян. Изд-во “Юридическая литература”. 1985. -С. 484-495.

тан орган сўзини ишлатиш мумкинми?

Қолаверса, миллий қонунчилигимизда “нодавлат орган” жумласи фақатгина Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни қўлланилган. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунида ҳам мазкур қонун номидан ҳам кўриниб турибдики, “нодавлат орган” жумласи қўлланилмаган. Ушбу қонуннинг 2-моддаси биринчи қисмига кўра, нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир⁷.

Шунингдек, ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасида ҳам “нодавлат орган” сўзи қўлланилмаган. Масалан, 2002 йил 30 июлдаги Қирғизистон Республикасининг “Қирғизистон Республикасида ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида ҳакамлик суди — ягона арбитр ёки ҳакамлар ҳайъати ҳисобланиши белгиланган. Шунингдек, Россия Федерациясининг 2002 йил 24 июлдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида ҳакамлик суди — доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муайян низони ҳал қилиш учун тарафлар томонидан тузилган ҳакамлик суди⁸ эканлиги белгиланиб, ушбу қонунда ҳам қонуншунослар ҳакамлик судига таъриф беришда “орган” атамасини ишлатишмаган. Беларусь Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни 1-моддасига кўра, ҳакамлик суди — Беларус Республикаси суд тизимига кирмайдиган, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ёки муайян низони ҳал қилиш учун тарафларнинг келишуви билан тузилган ҳакамлик суди шаклида низоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган ташкилот⁹.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни Тожикистон¹⁰, Туркманистон¹¹, Қозоғистон¹² ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида ҳам учратиш мумкин.

Одатда “орган” сўзи давлат идораларига нисбатан қўлланилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуни 3-моддасида ҳакамлик судига берилган таърифдаги “нодавлат орган” жумласи “нодавлат ташкилоти” деб ўзгартирилиши лозим.

Кўпгина хорижий мамлакатларда низоларни муқобил тартибда ҳал қилишда бир нечта йирик арбитраж (ҳакамлик) марказларида кўриб чиқилади. Хусусан, Буюк Британияда энг йирик арбитраж институтлари: Лондон Халқаро арбитраж суди (LCIA), Лондон денгиз арбитражлари уюшмаси (LMAA), Халқаро дон ва озуқа савдоси ассоциацияси (GAFTA) ва 40 дан ортиқ профессионал ташкилотлар, палаталар мавжуд¹³.

Францияда учта асосий арбитраж марказларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Буларга Париждаги Халқаро савдо палатаси ҳузуридаги Халқаро арбитраж суди (1923 йилда ташкил этилган), Париждаги Арбитраж ва медиация маркази ва Франция арбитраж ассоциацияси киради¹⁴.

Сингапурда асосий арбитраж институти Сингапур халқаро арбитраж маркази (SIAC) ва Сингапур денгиз арбитраж палатаси (SIAC) ҳисобланади. Сингапурда жойлашган бошқа жаҳон миқёсидаги низоларни ҳал қилиш институтлари қаторига Осиёдаги биринчи Доимий ҳакамлик суди, Сингапурдаги низоларни ҳал қилиш халқаро маркази ва Сингапур Халқаро савдо палатасининг низоларни ҳал қилиш хизматлари маркази киради¹⁵.

Японияда ҳакамлик муҳокамаси унчалик ҳам ривожланманган. Энг йирик арбитраж маркази Япония Савдо арбитраж ассоциацияси (JCAA) ҳисобланади. Арбитраж марказлари ички ва баъзан халқаро низоларни ҳал қилиш учун минтақавий адвокатлар ассоциацияси томонидан ташкил этилади. Японияда денгиз арбитраж комиссияси (ТОМАК) ҳам мавжуд (Hiroyuki Tezuka, Yutaro Kawabata, 2018)¹⁶.

Бироқ Хитойда 200 дан ортиқ ҳакамлик комиссиялари тузилган, бу аҳоли сони ва мамлакат иқтисодий эътиборининг ривожланиши билан боғлиқ. Энг йириклари

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/docs/11360>

⁸ Федеральный закон от 24.07.2002 N 102-ФЗ (ред. от 08.12.2020) “О третейских судах в Российской Федерации” // <http://www.consultant.ru>

⁹ Закон Республики Беларусь “О третейских судах” от 18 июля 2011 г. № 301-З // <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=H11100301>

¹⁰ Закон Республики Таджикистан “О Третейских судах” // (Ахбори Маджлиси Оли Республики Таджикистан, 2008 год, №1 часть 2, ст. 10; Закон РТ от 03.07.2012г., №862)

¹¹ Закон Туркменистана “О международном коммерческом арбитраже” // <http://www.turkmenbusiness.org/content/zakon-turkmenistana-o-mezhdunarodnom-kommercheskom-arbitrazhe>

¹² Закон Республики Казахстан от 8 апреля 2016 года № 488-V «Об арбитраже» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.) // <https://online.zakon.kz>

¹³ Veeder, V.V. & Diwan, R.H. (2015). National Report for England and Wales. ICCA International- al Handbook on Commercial Arbitration. Kluwer Law International, 1984. Supplement no 87. December, p. 7; Karyl nairn “National Report for England and Wales (2019 through 2020)” Kluwer Law International. 2021. p. 5.

¹⁴ Степкин С.П., Губарева А.В. “Государственное управление в сфере третейского разбирательства: проблемы реформы” Вопросы государственного и муниципального управления. 2018. № 3, С. 194.

¹⁵ SIAC Annual Report 2017. Available at: http://www.siac.org.sg/images/stories/articles/annual_report/SIAC_Annual_Report_2017.Pdf / (accessed: 16 April, 2018); <https://docplayer.com/26129301-Singapur-aziatskiy-lider-v-razreshenii-sporov.html>

¹⁶ Tezuka, H. & Kawabata, Yu. (2018). What types of disputes are typically arbitrated? In: Japan Arbitration Guide. IBA Arbitration Committee.



Хитой халқаро иқтисодий ва тижорат арбитраж комиссияси (CIETAC) – 2016 йилда унинг 9 та ҳудудда бўлинмалари ташкил қилинган¹⁷. Шунингдек, Бразилия давлатида 100дан ортиқ, Ҳиндистонда эса 35 дан ортиқ арбитраж марказлари ташкил қилинган.

Шу билан бирга, Словакия Республикасида 2002 йилдан 2016 йилга қадар 130дан ортиқ арбитраж суди ташкил қилинган. Бироқ Словакия Республикасида мазкур судларнинг орасида “чўнтак” судлари авж олиши, уларнинг жалб қилувчи номлари, сифатсиз қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, тарафларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва бошқа ҳолатлар рўй берди. Бунинг натижасида Словакия Республикасида арбитраж судларига нисбатан тадбиркорлар ва фуқаролар орасида салбий муносабат пайдо бўлди. Шунда давлатда жорий қилинган ҳуқуқий тартиб арбитраж судига мослаштирилмаган бўлиб чиқди. Ушбу ҳолатлар келажакда тузатилиши керак бўлган ҳуқуқий камчиликлар арбитраж обрўсига путур етказди¹⁸. 2016 йилда Словакия Республикасининг “Арбитраж тўғрисида”ги қонуни 12-моддасига биноан Словакия Олимпия қўмитаси, Миллий спорт ассоциацияси ва қонун билан ташкил этилган палата (масалан, Словакия адвокатлар уюшмаси ёки Словакия Савдо-саноат палатаси) томонидан доимий фаолият кўрсатувчи арбитраж судлари ташкил этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди¹⁹.

Адлия вазирлигининг 2022 йил январь ойидаги реестр маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жами 255 дан ортиқ доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик (халқаро арбитраж) судлари, жумладан, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳузурида 160 дан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида 15 дан ортиқ ва бошқа номлар билан қайд этилган 80 дан зиёд доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик (халқаро арбитраж) судлари ва жами 1200 га яқин ҳакамлик суди судьялари рўйхатдан ўтган.

Хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд ҳакамлик (арбитраж) судлари орасида ҳам «чўнтак» судлари, уларнинг жалб қилувчи номлари, сифатсиз қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, тарафларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва бошқа салбий ҳолатлар рўй бермапти десак, албатта адашган бўламиз.

Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ҳакамлик судларининг иккита тури мавжуд бўлиб, булар муваққат ва доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларидир. Хусусан, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларининг аксарияти таъсисчи ташкилот раҳбарларининг ихтиёрий фармойишлари билан тузилади ва уларнинг балансида туради. “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-мод-

дасига кўра, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари (ассоциация, бирлашма) томонидан тузилади ва шу ташкилотлар ҳузурида фаолият юритади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қоидаларини ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас. Амалдаги ички қонунчилик доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини ташкил этиш тартибига нисбатан бошқа чекловларни назарда тутмайди. Шундай қилиб, доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ мустақил юридик шахс сифатида ташкил этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас²⁰.

Ш.М.Асьяновнинг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунга шарҳида қонун чиқарувчининг тегишли кўрсатмалари йўқлигига қарамасдан, ҳакамлик судлари фаолияти тижорат фаолияти сифатида кўрилиши мумкин эмас. Бу айниқса солиқ солиш мақсадлари учун муҳим. Солиқ органлари амалиётида ҳакамлик судлари фаолиятини фойда кўриш учун хизмат кўрсатиш фаолияти сифатида кўриш ҳаракатлари рўй берган. Бунда солиқ органлари фойда кўриш учун тадбиркорлик фаолиятига хизмат кўрсатиш деб ҳисоблаб мулкчи низоларини кўриб чиқиш учун олинадиган фойдага солиқ солиниши ва тўловлардан қўшимча қиймат солиғи олиниши керак деган фикрдан келиб чиққан. Бироқ Германия, Франция, Қозоғистон, Россия ва бошқа мамлакатлар суд-арбитраж тажрибаси ҳамда бу мамлакатлар солиқ органлари қонун ҳужжатлари ва тажрибаси кўрсатишича, улар ҳакамлик судлари фаолияти юритилишига бундай муносабатни тўғри татбиқ қилмадилар. Хусусан, бундай тоифадаги низолар бўйича суд қарорларида ҳакамлик судида низоларни муҳокама этишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига тушунча берилган тижорат фаолиятига, шу жумладан, фойда кўриш мақсадида хизмат кўрсатишга ҳам киритиш мумкин эмас деб кўрсатилган. Ҳакамлик судига (ёки ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахсга) ҳакамлик тўловлари сифатида келиб тушувчи пул маблағларига солиқ солиниши мумкин эмас деб белгилаб ўтган²¹.

¹⁷ <http://cietac.org/index.php?m=Page&a=index&id=40&l=en>

¹⁸ Mauro Rubino-Sammartano. International Arbitration Law and Practice - Third Edition. London. 2014. pp. 324-335.

¹⁹ <https://www.international-arbitration-attorney.com/ru/arbitration-in-slovakia/>

²⁰ <https://lex.uz/docs/1072079>

²¹ Ш.М.Асьянов “Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” Қонунига шарҳ” https://nrm.uz/contentf?doc=428849_hakamlik_sudlari_to%2%80%98g%2%80%98risidagi_qonunga_sharh&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

Шу билан бирга, қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, муваққат ҳакамлик суди ҳакамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низони ҳал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин муваққат ҳакамлик суди ўз фаолиятини тугатади. Ҳакамлик судида раислик қилувчи (низо ҳайъатда кўриб чиқиладиганда) ёхуд ҳакамлик судьяси (низо якка тартибда кўриб чиқиладиганда) ҳакамлик битими нусхасини ва муваққат ҳакамлик суди ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳакамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади. Муваққат ҳакамлик судини ташкил этиш тартиби ҳакамлик битими тарафлари томонидан ушбу қонунга мувофиқ белгиланади²².

Юридик фанлар доктори, профессор Ф.Х.Отахоновнинг таъкидлашича, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонунга қуйидаги нормаларнинг киритилиши ҳакамлик судлари фаолиятининг жозибадорлигини янада оширишга ва унда кўриладиган низолар кўлами ортишига хизмат қилади:

доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ташкил этилади ва уларнинг ҳузурида фаолият кўрсатади;

доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари рўйхатида камида етти нафар ҳакамлик судьяси мавжуд бўлган тақдирда, адлия органлари томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказилади.²³

Биз профессор Ф.Х.Отахонов томонидан илгари сурилган таклифлар бугунги кунда долзарблигини ҳисобга олган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, ҳакамлик суди нодавлат орган бўлиб, шахс мақомига эга ҳисобланмайди. Шу сабабли ҳакамлик суди бизнес (тадбиркорлик) фаолияти билан шуғулланмайди ва шу мақсадда уни нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳузурида ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ҳакамлик судлари ва ҳакамлик муҳокамаси масалаларига бағишланган замонавий илмий адабиётларда “ҳакамлик судлари нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклидаги юридик шахслар мақомига эга нодавлат органлар сифатида” мавжудлиги эҳтимоли ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида оқилона фикрлар ҳам мавжуд²⁴.

Фикримизча, бу нуқтаи назар нафақат мавжуд бўлиш ҳуқуқига лойиқ, балки қонунчиликни бирлаштиришни ҳам тақозо қилади, чунки фақат шу тарзда (доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларига юридик шахс мақомини бериш орқали) уларнинг

ташкилий характердаги кўплаб муаммолари ҳал қилиниши мумкин, бу эса бугунги замон талабларига мос келади десак, муболаға бўлмайди. Бунда Адлия вазирлигидан нодавлат нотижорат ташкилот сифатида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг натижасида ҳакамлик суди ўзининг инсон ҳуқуқлари бўйича функциясини амалга оширишда учинчи шахслар таъсиридан мустақил бўлади. Шунингдек, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда бугунги кундаги айрим “чўнтак” ҳакамлик судларига ҳам барҳам берилишига хизмат қилади.

Юқоридаги мулоҳазалар, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб бориладиган жадал ислохотлар, халқаро тажриба ҳамда юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонундаги 3-модданинг 3 ва 4-хатбошисидаги, 6-модданинг 1, 2 ва 3-хатбошисидаги, 15-модданинг 2-хатбошисидаги “юридик шахс” сўзларини “нодавлат нотижорат ташкилот” сўзлари билан алмаштириш, шунингдек, 6-модданинг 2-хатбошисига “доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида” сўзларидан кейин “доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари рўйхатида камида беш нафар ҳакамлик судьяси мавжуд бўлган тақдирда” деган сўзларни киритиш таклиф этилади. Бундан ташқари, қонундаги 3-модданинг 11-хатбошидаги низоларни ҳал этувчи нодавлат сўзларидан кейинги “орган” сўзини “ташкилот” деган сўз билан алмаштириш таклиф этилади.

Хулоса ўрнида, мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши” белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳакамлик судларини ривожлантириш борасида қонунчилигимизга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишимиз керак. Юқоридаги кўрсатиб ўтилган муаммолар фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва судга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши мумкин, шу боисдан мазкур ҳакамлик судлари фаолиятларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси ва Иқтисодий-процессуал кодексининг тегишли моддаларига ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

#

²² <https://lex.uz/docs/1072079>

²³ Ф.Х.Отахонов “Низоларни муқобил ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда” Юрист ахборотномаси. 3-сон, 1-жил. 2020. Б. 78.

²⁴ Чан Хоанг Хай. Разбирательство и разрешение в третейском порядке хозяйственных споров в Социалистической Республике Вьетнам: Автореф. дне... канд. юрид. наук, М., 2002. С. 4; Скворцов Х.Ю. Проблемы, судебного контроля за решениями третейских судов в стадии рассмотрения заявлений о выдаче исполнительных листов // Третейский суд. 2002, № 1/2. С. 48; Кандыбка А.И. Каким быть третейскому суду комментарий к некоторым положениям Федерального закона «О третейских судах в Российской Федерации» // Третейский суд. 2000. №2. С. 13.



Шодиёр ШАЙЗАКОВ,
Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси, ю.ф.ф.д. (PhD)

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ АЙРИМ ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада маъмурий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар сифатида аризачи, жавобгар, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг суд процессида тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги қарашлари ҳамда айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги қиёсий таҳлил қилиниб, муаллиф ўз назарий тушунчаларини илгари суради.

АННОТАЦИЯ. В статье представлены взгляды ученых-правоведов, сравнительный анализ законодательства зарубежных стран, а также теоретические концепции, выдвигаемые автором, касательно правового положения заявителя, ответчика, третьих лиц, заявляющих самостоятельных требований относительно предмета спора, третьих лиц, не заявляющих самостоятельных требований относительно предмета спора, правовое положение государственных органов и иных лиц, их роль в судопроизводстве, права и обязанности лиц, участвующих в административном судопроизводстве.

ANNOTATION. The article presents the views of legal scholars, a comparative analysis of the legislation of foreign countries, as well as theoretical concepts put forward by the author regarding the legal status of the applicant, the defendant, third parties with independent claims concerning the dispute, third parties without independent claims concerning the dispute, legal status of state bodies and other persons, their role in legal proceedings, rights and obligations of persons involved in administrative proceedings.

Калит сўзлар: ишда иштирок этувчи шахслар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, аризачи, жавобгар, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, давлат органлари ва бошқа шахслар.

Ключевые слова: лица, участвующие в деле, лица, содействующие осуществлению правосудия, заявитель, ответчик, третьи лица заявляющие самостоятельных требований относительно предмета спора, третьи лица, не заявляющие самостоятельных требований относительно предмета спора, государственные органы и иные лица.

Key words: persons involved in a case, persons assisting in the administration of justice, applicant, defendant, third parties with independent claims concerning the dispute, third parties without the independent claims concerning the dispute, state bodies and others.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг маъмурий судларда кўрилиши жараёнида ишда иштирок этаётган шахслар фаол иштирок этади, яъни суд жараёнида юзага келадиган низоларга илтимосномалар ёки шикоятлар орқали ўз қарорларини ифода этиши ва асослаш ҳуқуқига эга бўлади.

Маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахс сифатида тарафлардан ташқари, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ишнинг мазмунан ҳал этилишида тарафлар билан биргаликда алоҳида ҳуқуқий мақомга эга.

К.К.Олимова ишда иштирок этувчи шахсларнинг таснифи билан бир вақтда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади:

- ўз номидан процессуал ҳаракатларни мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга;

- ўз хоҳиш-истагини эркин билдириш, яъни у

ёки бу босқичда суд процессини бошлаш, ривожлантириш ёки тамомлашга қаратилган процессуал фаолиятни амалга ошириши;

- суд ҳал қилув қарорининг натижасидан шахсий ёки жамоавий манфаатдорликнинг мавжуд бўлиши;

- унга нисбатан қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарорининг амал қилиши¹.

Ушбу хусусиятлардан келиб чиқиб, айрим юридик адабиётларда ишда иштирок этувчи шахслар сифатида тарафлар, манфаатдор шахслар, прокурор, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, бошқа шахсларнинг ёки номаълум тоифадаги шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун мурожаат қиладиган органлар, ташкилотлар ва шахслар кўрсатиб ўтилган². Л.С.Басов ҳам ишда иштирок этувчи шахсларни юқоридаги турларга ажратади³.

Иштирокчиларни маъмурий суд ишларини юри-

1 Олимова К.К. Фуқаролик суд ишларини юритишда вакилнинг иштирок этиш муаммолари. Юр. фан. номз. илмий. дара. олиш.....диссер.- Т.: 2011., Б. 86

2 Административно-процессуальное право России. В 2 ч. Часть 2: учебник для вузов / А.Б.Зеленцов, П.И.Кононов, А.И.Стахов.- 2-е изд., перераб. И доп. – М: Издательство Юрайт, 2020. – 32 с.

3 Административное судопроизводство : учебное пособие / С. Л. Басов, Н. А. Васильчикова, И. И. Головки, О. А. Гуреева, Э. Р. Исламова ; отв. ред. В. В. Лавров. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. – 51 с.

тиш соҳасига яқин бўлган фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан қиёсланганда, профессор Ш.Шорахметов уларни ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлишига қараб: 1) ўзининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар (ушбу шахсларга тарафлар ва учинчи шахсларни киритади); 2) процессда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар (бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ва давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар) тоифасига ажратади⁴.

С.А.Савченко ҳам иштирокчиларни уч гуруҳга ажратади: 1) судлар, яъни одил судловни амалга ошируви органлар; 2) ишда иштирок этадиган шахслар; 3) одил судловни амалга оширишда ёрдам бериш учун ишда иштирок этувчи шахслар⁵.

С.А.Савченконинг фикрлари бироз мунозарали бўлиб, судларни ишда иштирок этувчи шахслар тоифасига ажратиш назаримизда мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, судлар ва судья ёрдамчилари суд таркибини ташкил этади.

Назаримизда, иштирокчиларни тоифаларга ажратишда қуйидаги белгиларга эътибор қаратиш лозим:

- маъмурий суд ишларини юритишнинг мажбурий иштирокчилари сифатида тарафлар муҳим роль ўйнайди. Чунки, келиб чиққан низо фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида маъмурий ҳамда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан пайдо бўлиб, судда процессуал қоидалар асосида кўриб чиқилади;

- иштирок этувчи шахслар иш якуни бўйича манфаатдор бўлади ҳамда низоли ишни ҳал этишда судга у ёки бу шаклда далилларни текширишда ва якуний хулосага келишда кўмаклашади.

Шундан келиб чиқиб, маъмурий суд ишларини юритиш субъектларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) ишда иштирок этувчи шахслар сифатида тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқалар;

2) одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва бошқалар).

Бу борада хорижий давлат тажрибасига эътибор қаратдиган бўлсак, масалан, Эстония Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 15-модда-

сига асосан суд процесси иштирокчилари — тарафлар (шикоятчи ва жавобгар), учинчи шахслар, ишга жалб қилинган маъмурий органлардир⁶. Латвия Маъмурий процессуал қонунининг 24-моддасига кўра, маъмурий процесс иштирокчилари — ариза берувчи, маъмурий иш билан шуғулланадиган муассаса, адресат, учинчи шахс, шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоячиси бўлиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, аризаачи, жавобгар, вакиллар ҳисобланади⁷. Қирғизистон Республикаси Маъмурий процессуал кодексининг 26-моддасида тарафлар сифатида маъмурий даъвогар ва маъмурий жавобгар кўрсатилиб, ишда иштирок этувчи шахслар сифатида тарафлар, учинчи шахслар, прокурор ҳамда ушбу кодекснинг 43-моддасида кўрсатиб ўтилган давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар, фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади⁸.

Эстония қонунчилиги шикоятчи ва жавобгарни тарафлар сифатида умумий эътироф этса, Латвия қонунчилигида аризаачи ва жавобгар алоҳида кўрсатилган. Қирғизистон Республикасида миллий қонунчилигимиз каби аризаачи ва жавобгар тараф сифатида ишда иштирок этувчи шахслар тоифасига киритилган.

Демак, ишда иштирок этувчи шахс сифатида “тараф” тушунчасини аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (МСИЮТК) 40-моддасига асосан, тараф сифатида аризаачи — ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талаб тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб талаб тақдим этган фуқаролар ва юридик шахслар ҳисобланади. Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида аризаачи — маъмурий даъвогар сифатида ҳам юритилади. Масалан, Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси қонунчилиги кўра аризаачи — маъмурий даъвогар сифатида юритилади.

Ҳуқуқшунос олим Д.Б.Абушенко маъмурий даъвогар (аризачи) — ўзининг оммавий ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида судга мурожаат қилган, шунингдек, прокурор, давлат ваколатларини амалга оширувчи орган, мансабдор шахс ёки фуқаро манфаатларида ариза берган шахс сифатида эътироф этади⁹.

Э.Б.Аблаева эса бу шахсларни — ўз ҳуқуқлари,

4 Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. - Т.: Адолат., 2001. 49-50 б; Мамасиддиқов М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. - Т, 2007., 4-сон., 36-39 б.

5 Савченко С.А., Гражданский процесс: Учебно-пособие. - Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2007., с. 87.

6 Сборник законодательных актов по административному судопроизводству.3-е издание.-М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 625 с.

7 Сборник законодательных актов по административному судопроизводству.3-е издание.-М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 474 с.

8 Сборник законодательных актов по административному судопроизводству.3-е издание.-М.: Инфотропик Медиа, 2018. - 342 с.

9 Административное судопроизводство. Учебник для студентов. Под редакцией д.ю.н., проф., В.В.Ярков. - М.: Издательство “Статус” 2016. - С. 22.



эркинликлари ёки қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс эканлигини таъкидлайди¹⁰.

Олимларнинг фикрини қувватлаган ҳолда аризачи бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ўзи судда ҳимоя қилиши учун фаол тараф сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, аризачининг ўзи судга мурожаат қилмасдан туриб ҳам аризачи сифатида пассив иштирокчига айланиши мумкин. Қонунда ваколат берилган бошқа шахслар аризачи манфаатида судга ариза киритиши ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин. Аризачи фаол ёки пассив иштирокчи сифатида намоён бўлиши мумкин. Вояга етмаган шахс ёки муомала лаёқати чекланган аризачи ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун ваколатли шахслар ишга жалб қилинади.

Фикримизни умумлаштирган ҳолда назаримизда, аризачи ишда иштирок этувчи шахс сифатида қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

биринчидан, аризачи ўзининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади, яъни у маълум тоифадаги мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилади;

иккинчидан, аризачи қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатли шахс бўлиши керак. Акс ҳолда уларнинг манфаатлари уларнинг отоналари, васий ёки ҳомийлари ва бошқа шахслар томонидан ҳимоя қилинади;

учинчидан, маъмурий низо юзасидан аризачининг қандайдир ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликлари бузилган бўлиши лозим.

Албатта, ишда аризачининг талаби қаратилган шахс жавобгар сифатида жалб қилинади. Жавобгар – ариза (шикоят) талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидир, яъни албатта аризачининг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолари бўйича аризачининг шикоятда кўрсатилган талаб бўйича жалб қилинадиган шахслар ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритишда жавобгар доираси қонунда қатъий белгиланмаган ва махсус кўрсатмалар талаб қилмайди. Аризачи ўзининг шикоятда бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун кўрсатган ҳар қандай маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

Бу борада ҳам мунозарали фикрлар мавжуд. Масалан, С.Л.Басов ўз тадқиқотларида маъмурий ёки оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо бўйича арз қилинган ёки аризага нисбатан назорат ёки бошқа давлат функцияларини амалга оширувчи шахсни маъмурий жавобгар сифатида эътироф этади¹¹. Э.Эгамбердиев фикрича, ўзига нисбатан талаб тақдим этилган шахс жавобгар эканлигини билдиради¹².

Назаримизда, олимлар фикри бироз мунозарали бўлиб, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида фақатгина мансабдор шахслар ёки ҳар қандай шахс жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Жавобгар – аризачининг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича шикоятда кўрсатилган талаб юзасидан ишга жалб қилинган шахслар ҳисобланади.

Мисол учун, Украина Республикаси МСИЮТКнинг 3-моддасига кўра, жавобгар – ҳокимият вакиллари, қонунда алоҳида белгиланган ва даъвогар аризасида кўрсатилган шахслар¹³. Россия Федерацияси МСИЮТКнинг 38-моддасида маъмурий жавобгар деганда, маъмурий даъвогарга нисбатан назорат ёки бошқа давлат функцияларини амалга ошириш жараёнида маъмурий ёки бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича судга талаб қўйилган шахслар тушунилади¹⁴. Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 40-моддасига мувофиқ, ариза (шикоят) талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлардир. Демак кўриш мумкинки, жавобгар фақатгина мансабдор шахслар бўлиши мумкин эмас.

Одатда аризачининг шикоятида талаб қўйилган шахс бевосита кўрсатилади. Агар аризачи жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан талаб тақдим этилган тақдирда, ишга алоқаси бўлмаган жавобгарни аризачи розилиги билан ишга дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштириш чоралари кўрилиши лозим. Бундан келиб чиқадигани, жавобгарнинг ҳуқуқий мақоми маъмурий суд ишларини юритиш босқичидан олдин пайдо бўлади. Шундай экан, жавобгарлар доирасини МСИЮТКда аниқлаштириш, ишнинг мазмунини қисқа муддатларда кўриб чиқиб ҳал этиш вазифасини белгилайди.

Масалан, Россия Федерацияси МСИЮТКнинг 38-моддасида маъмурий даъвогар ва маъмурий жавобгар бўлиши мумкин бўлган шахслар доира-

10 Аблаева Э.Б. Формирование системы административной юстиции в республике казахстан: проблемы и перспективы // Журнал проблемы экономики и юридической практики., - Н., 2017. №5, - 213-с.

11 Басов С.Л. и другие. Административное судопроизводство: учебное пособие / отв. ред. В. В. Лавров. – Санкт-Петербург: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. С. 53

12 Эгамбердиев Э., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи / дарслик. - Т.: Ўз.Рес. ИИВ Академияси. 2018. Б. 47

13 Сборник законодательных актов по административной юстиции: 2-е издание. - Т.:«NORMA», 2013. С. 516

14 <http://pravo.gov.ru>

си аниқ ва равшан келтирилган. Унга мувофиқ, маъмурий жавобгар сифатида давлат органлари, бошқа давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари, референдум комиссиялари, муайян давлат ёки бошқа жамоат ваколатлари берилган органлар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва муниципал хизматчилар бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Кодексда белгиланмаган ҳолатларда, мунозарали ҳуқуқий муносабатларда давлат ёки бошқа оммавий ваколатларга эга бўлмаган фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ташкилотлари ҳам маъмурий жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган¹⁵. Ушбу амалиётни Эстония Республикасининг Маъмурий процессуал кодексда ҳам учратиш мумкин¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКда эса маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгар сифатида кўрсатилиб, жавобгарлар доираси тўлиқ кўрсатилмаганлиги сабабли бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилинади. Мисол учун, маъмурий органлар тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунида кўрсатилган. Унга мувофиқ, маъмурий органлар – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тuzилган комиссиялар¹⁷ эътироф этилган.

Мазкур ҳолатда ўз-ўзидан маъмурий органлар давлат бошқаруви ва маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш хусусиятига эга эканлигини ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу борада ҳам олимлар турли фикрларни илгари суради. Профессор Э.Хожиев миллий қонунчиликка биноан маъмурий орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органларидан ташқари, ҳўжалик бошқаруви органларига ҳам раҳбарлик қилишини, шу нуқтаи назардан Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий фаолияти жиҳатидан ва ҳўжалик бошқаруви органлари маъмурий-ҳуқуқий субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор субъект сифатида “маъмурий орган” таркибига кирмаслигини таъкидлайди¹⁸. Ҳақиқатдан ҳам Вазирлар Маҳкамаси фуқароларнинг омма-

вий-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид равишда қарор қабул қилиши натижасида келиб чиқадиган низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилса, жавобгар сифатида Вазирлар Маҳкамаси ишга жалб қилиниши лозим. Агар ҳўжалик бошқаруви органи сифатида намоён бўлса, маъмурий суд ишларини юритиш субъекти сифатида эътироф этилиши ёки этилмаслиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли ҳам назаримизда, МСИЮТКда жавобгарлар доираси аниқ кўрсатилиши ишларнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишига хизмат қилган ҳолда, жавобгар сифатида – маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар юзасидан аризачининг маъмурий органлар, давлат бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари ва уларнинг вакиллари ҳамда аризачининг талабида кўрсатилган бошқа ваколатли мансабдор шахслар тушунилиши лозим.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, МСИЮТКда жавобгарлар доирасини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) маъмурий суд ишларини юритишда қонунда махсус ёки алоҳида кўрсатилмаган жавобгарлар (давлат органлари, сайлов комиссиялари);

2) маъмурий суд ишларини юритишда жавобгар мақоми бевосита қонунда кўрсатилган жавобгарлар (масалан, маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари).

Бундан ташқари, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида низонинг ҳал этилишида аризачидан ташқари бошқа шахслар ҳам манфаатдор бўлиши мумкин. Яъни уларнинг манфаатига иш юзасидан чиқарилган суд қарори маълум даражада муайян ҳуқуқ ёки мажбуриятни вужудга келтиради. Шу сабабли ҳам, бу шахслар учинчи шахслар деб номланиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун ишга кириб боришлари ёки бошланган суд процессига жалб этилиши мумкин.

А.И.Жуйкова манфаатдор шахслар – бу учинчи шахслар бўлиб, низонинг предметига нисбатан мустақил ариза билан мурожаат қилмайдиган, иш юритишда аризачи ёки жавобгар томонидан иштирок этиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи шахслар эканлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради¹⁹.

А.И.Жуйкованинг фикрлари биров баҳс талаб

15 <http://pravo.gov.ru/>

16 Сборник законодательных актов по административному судопроизводству.3-е издание.-М.: Инфотропик Медиа, 2018. -625 с.

17 Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 09.01.2018 й. www.lex.uz. Қаралган вақти 25.01.2022 йил

18 Хожиев Э.Т. ва бошқалар. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси., №4 (40) 2019., 31-36 б.

19 Жуйкова А.И. Участие заинтересованных лиц в административном судопроизводстве / Актуальные вопросы административного судопроизводства и производства по делам об административных правонарушениях [Электронный ресурс] : / под науч. ред. А. С. Телегина ва дигаре; Пермский государственный национальный исследовательский университет.– Пермь, 2020. – 50 с.



қилади. Чунки, манфаатдор шахс фақатгина учинчи шахслар доирасини қамраб олмайди. Ишнинг якунидан моддий ва процессуал жиҳатдан манфаатдор бўлган шахсларни манфаатдор шахслар деб айтиш мумкин. Бевосита ишнинг якунидан аризачи, прокурор, давлат органлари ва уларнинг вакиллари ҳам суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишидан манфаатдор бўлади. Учинчи шахслар нисбанинг предметиға мустақил ариза билан мурожаат қилмаслиги ҳақидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди. Сабаби, учинчи шахслар ҳам маъмурий ишлар бўйича биринчи инстанция судида иш кўрилатганида ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар процессга кириб келишлари мумкин. Суднинг ҳал қилув қарори эса ушбу шахсларга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради.

Амалдаги қонунчиликка биноан учинчи шахслар қуйидаги турларга ажратилади:

- нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар;

- нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар.

МСИЮТКнинг 44-моддаси талабларига асосан аризачи билан жавобгар ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий нисбанинг предмети юзасидан ўзига тегишли ҳуқуқ ва манфаатлари тўғрисида арз қилувчи шахс – нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ҳисобланади.

Нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилгунига қадар ишга ариза бериш орқали киришга йўл қўйилади.

Шу ўринда савол туғилади. Аризачи билан нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг қандай фарқли жиҳатлари мавжуд. Назаримизда, энг асосий фарқларидан бири сифатида аризачи нисбанини судга бериш йўли билан ишни бошласа, учинчи шахс бошқа шахс томонидан бошланган суд процессига кириб келади ва улардан давлат божи ундирилмайди.

Юридик адабиётларда нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг қуйидаги жиҳатлари ажратиб кўрсатилган:

- нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг мустақил аризасининг мавжуд эмаслиги;

- мазкур шахслар суд процессида кўрилатган нисбанининг мустақил субъекти эмаслиги;

- аризачининг нисбанинг предметиға нисбатан

мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларга нисбатан асосли талабларининг йўқлиги. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, учинчи шахслар учун мажбуриятларни юклаш ёки тегишли шахсларнинг субъектив ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган нисбанини ҳал қилишнинг имкониятининг йўқлиги;

- суд жараёнида учинчи шахсларнинг қатнашишдан мақсади – ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги²⁰.

Учинчи шахс сифатида процессда иштирок этиш учун қонунда назарда тутилган асосларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, нисбанини бир процессда ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши ёки бўлмастлигини инobatга олишини лозим. Маъмурий суд ишларини юритишда тарафларнинг тўлиқ доираси аниқланиши, уларнинг суд процессига жалб қилиниши, хусусан, нисбанинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар қатнашиши лозим бўлган ишлар юзасидан ҳам уларнинг иштироки тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларни ва ишни ҳал этишда қўлланилиши лозим бўлган қонунни, тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи фактларни ҳамда нисбани тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бошқа фактларни, ишни ҳал этиш учун зарур далиллар доирасини ва ушбу далиллар тақдим этилишини таъминлаш, дастлабки ҳимоя ва далилларни таъминлаш чораларини қўллаш масаласини аниқлаш ҳамда ҳал этиш имконини беради.

МСИЮТКнинг 47-моддасига биноан, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза бериши мумкин.

Давлат органлари ёки бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда манфаатдор бўлмасдан, ўзларига берилган ваколат доирасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, суд процессида иштирок этади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган нисбани бўйича уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини нафақат прокурорлар балки, давлат органлари ва бошқа шахслар ҳам ҳимоя қилишлари ва шу мақсадда судга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Бу борада ҳуқуқшунос олим Э.Эгамбердиев ўз тадқиқотларида, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қилиш билан бирга, амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши-

20 Административное судопроизводство : учебное пособие / С. Л. Басов и другие; отв. ред. В. В. Лавров. — Санкт-Петербург : Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. — 53 с.

ни таъкидласа²¹, В.В.Ярков эса давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонунларда назарда тутилган ҳолатларда маълум тоифадаги шахслар, жамоа ёки бошқа шахслар манфаатида судга мурожаат қилиши мумкинлигини кўрсатади²².

Мазкур олимларнинг фикрлари бир-бирига яқин бўлиб, назаримизда, давлат органлари ва бошқа шахслар маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилувчи маъмурий суд ишларини юритувчи субъектлардир.

Амалдаги МСИЮтКнинг 47-моддасига асосан давлат органлари ва бошқа шахслар маъмурий суд ишларини юритишда қуйидаги шаклда иштирок этади:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза беради.

Давлат органлари ишда процесс иштирокчиси сифатида иштирок этиб, ўзининг хизмат вазифаси юзасидан ишнинг ҳал бўлишидан, асосли, адолатли ва қонуний қарор қабул қилинишидан манфаатдор бўлади.

Маъмурий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи тарафлар (аризачи ва жавобгар) тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда иш материаллари

билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, кўчирма нусха олиш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни кўриш давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўз важларини, ҳулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳамда МСИЮтКда берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлат органлари ва бошқа шахслар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маъмурий судга ариза киритган ҳолатларда, аризачининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади.

Хулоса сифатида маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари сифатида аризачи, жавобгар, манфаатдор учинчи шахслар, давлат бошқаруви органлари ва бошқа шахслар маъмурий ва оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан судга мурожаат қилганида ва низо суд жараёнида мазмунан ҳал этилишида МСИЮтКда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан инсофли равишда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

#

21 Эгамбердиев Э., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи / дарслик. - Т.: Ўз.Рес. ИИВ Академияси. 2018. - 61 б.

22 Ярков В.В. и другие. Административное судопроизводство. Учебник. - М: Издательство "Статус" 2016. - С. 28.



ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақола терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг шаклланиши, ривожланиб бориш босқичлари, терроризмни молиялаштириш тушунчаси, жавобгарлик асослари, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш усулларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. в статье проанализированы этапы формирования и развития международных стандартов и национального законодательства в сфере противодействия финансированию терроризма, раскрыто понятие «финансирование терроризма», рассмотрены основы ответственности, акты законодательства, регулирующие методы противодействия финансированию терроризма.

ABSTRACT. The article analyzes the stages of formation and development of international standards and national legislation in the field of countering the financing of terrorism, reveals the concept of «financing of terrorism», considers the basics of responsibility, acts of legislation regulating methods of combating the financing of terrorism.

Калит сўзлар: экстремизм, терроризм, террористик ташкилот, терроризмни молиялаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, ФАТФ, тавсиялар, ички назорат, пул маблағлари ва мол-мулк билан боғлиқ операциялар.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, террористическая организация, финансирование терроризма, легализация доходов, полученных от преступной деятельности, ФАТФ, рекомендации, внутренний контроль, операции с денежными средствами и имуществом.

Key words: extremism, terrorism, terrorist organization, financing terrorism, legalization of proceeds from crime, FATF, recommendations, internal control, operations with money and property.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнининг жадаллашув ва бутун халқаро муносабатлар тизимининг тубдан ўзгариши, хавфсизликка таҳдидлар доирасининг кенгайиши, экстремизм, радикализм, терроризмнинг кучайиши каби хусусиятлар билан ажралиб туради.

Экстремизм, терроризм соҳасидаги таҳдидлар трансмиллий тусга эга бўлиб, у ўз хавфининг кўлами бўйича бутун жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.

Бу фақат маҳаллий ёки минтақавий муаммо саналмай, пайдо бўлиши ва ривожланиши хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, ташкилий тузилиши ва фаолияти, психологик ва ижтимоий шакллари жиҳатидан глобал ҳодисага айланган.

Шу сабабли жаҳон ҳамжамияти томонидан экстремистик, террористик оқимларнинг глобаллашувини бартараф этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар кучайиб бормоқда.

Экспертларнинг хулосаларига кўра, сўнгги 10 йил ичида диний экстремизм ва терроризм туфайли дунё иқтисодиёти 583 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган бўлса, 15 йил ичида 100 мингдан зиёд бегуноҳ инсонлар террорчилик ҳужумлари оқибатида ҳалок бўлган.

Фақатгина 2019 йилнинг ўзида дунё бўйича зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг умумий сал-

бий глобал таъсири 14,1 триллион АҚШ долларини ёки жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 11,2 фоизини, иқтисодий зарар эса 33,19 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.¹

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, террористик ҳаракатларни амалга ошириш учун террористлар томонидан катта миқдордаги молиявий ресурслар талаб этилади.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчилар, жиноий уюшмаларни ноқонуний даромадлардан маҳрум қилиш, террористларни эса ўз фаолиятларини молиялаштириш учун мўлжалланган ресурслардан маҳрум қилиш борасида зарур чораларни кўришлари муҳим саналади.

Бу ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилганлигига бевосита боғлиқ.

Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиш тарихини муҳокама этишдан олдин, бу борадаги халқаро нормалар, тавсияларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, БМТнинг 1999 йил 9 декабрдаги “Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси терроризмни молиялаштиришга

1 Мирзиёев Ш.М., “Янги Ўзбекистон Стратегияси”, -Тошкент, “O‘zbekiston”, 2021., 399 б.

қарши курашиш борасидаги асосий халқаро ҳужжат сифатида намоён бўлади.²

Конвенцияда терроризмни молиялаштириш, жиний даромадлар тушунчаларига таъриф берилиб, терроризмни молиялаштирганлик учун жавобгарлик чоралари, терроризмни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, хатлаш, мусодара қилиш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш усуллари белгиланди.

Шу асосда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ) томонидан мавжуд тавсияларга 2001 йилда ўзгартиришлар киритилиб, терроризмни молиялаштириш тушунчаси, жавобгарлик асослари, амал қилиш доираси ва қўлланиладиган молиявий чоралар бўйича тавсиялар берилди.³

Кейинчалик, БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1617 (2005)-сонли резолюциясига асосан БМТга аъзо давлатлар учун ФАТФ тавсияларининг мажбурийлиги белгиланди.⁴

Миллий қонунчиликнинг ривожланиш босқичларини таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида қайд этилган халқаро нормалар ва тавсиялардан келиб чиқиб, дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади сифатида шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлашдан иборатлиги белгиланди.⁵

Мазкур қонунда илк бор терроризм, терроризмни молиялаштириш, террорчи, террорчилик гуруҳи, террористик ташкилот, террорчиликка қарши операция, террористик фаолият тушунчаларига таъриф берилди, терроризмга қарши курашувчи органлар, уларнинг ваколатлари, терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чоралари, идоралараро ҳамда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Хусусан, терроризмни молиялаштириш террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки

билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият сифатида таъриф берилди.

Терроризмга қарши курашда қонунийлик, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, терроризмнинг олдини олиш чоралари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги, терроризмга қарши курашишнинг ошкора ва ноошкора усуллари, терроризмнинг уйғунлиги, жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик принципларининг устуворлиги. Терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари белгиланди.

- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланди.

Қонун нормаларига асосан терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Шу каби, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини амалга ошириш, қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхта-тиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатлари Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2001 йил 12 майда Олий Мажлиснинг 255-II-сон қарори билан Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги Халқаро конвенциянинг ратификация қилиниши терроризмни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари-

2 БМТнинг 1999 йил 9 декабрдаги “Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси. // Интернет: <http://lex.uz/uz/docs/2123740>.

3 Рекомендации ФАТФ: Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 2012 год февраль., МУМЦФМ., 2012., 5-6 тавсиялар.

4 БМТ Хавфсизлик кенгашининг 29.07.2005 йилдаги 5244-сонли ялпи мажлисида қабул қилинган 1617 (2005) Резолюциянинг 7-банди. // Интернет маълумоти//<https://docs.cntd.ru/document/902134529>.

5 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 15.12.2000 йилдаги “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги 167-II-сон қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси//old.lex.uz/docs/29526.



ни мустақамлашдаги яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди.⁶

2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 660-II-сон қонуни қабул қилинди. Қонуннинг асосий мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур қонунда “терроризмни молиялаштириш” тушунчасига таъриф берилди, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш, бу борада махсус ваколатли органнинг ваколатлари, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва уларни амалга оширувчи ташкилотлар, уларнинг вазифалари, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборот, халқаро ҳамкорлик масалалари тартибга солинди. Ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар доираси белгиланди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш хавфларини аниқлаш ва бартараф этишни ташкил этиш, самарали фаолиятни йўлга қўйиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи 16 та ташкилот ва касб эгалари учун ички назорат қоидалари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 ноябрдаги “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги ЎРҚ-307-сон қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишида катта аҳамият касб этди.

Зеро мазкур битимнинг ратификация қилиниши Ўзбекистонга терроризмни молиялаштириш борасида битимда белгиланган мажбуриятларни бажариш вазифасини юкледи.⁷

Шундай ҳаракатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи алоҳида модданинг киритилишида ўз ифодасини топди.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қо-

нун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон қонунга асосан Жиноят кодексига терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликни белгиловчи 155³-модда киритилди.⁸

Таъкидлаш жоизки, муқаддам терроризмни молиялаштириш учун жавобгарлик асослари ЖКнинг 155-моддаси яъни терроризм учун жавобгарлик белгиланган моддада белгиланган эди.

ЖКда терроризмни молиялаштириш учун жиноий жавобгарликнинг алоҳида моддада акс этиши мамлакатимиз қонунчилик тизимининг халқаро стандартлар талабларига, хусусан ФАТФ тавсияларига тўлиқ мос келишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизими 2021 йилнинг 14 июнь – 2 июль кунлари Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи эксперт-баҳоловчилари томонидан ўрганилди.

Миллий тизимни баҳолаш натижаларига кўра, БМТ конвенциялари талаблари, ФАТФ стандартларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 26 июнда “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги ПФ-6252-сон фармони қабул қилинди.

Стратегияда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайтириш, миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, ФАТФ тавсияларининг миллий қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини, жиноятларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, давлат органлари фаолият самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, соҳага жалб этилган давлат органлари ходимлари касб маҳоратини ошириш асосий йўналишлар сифатида белгиланди.

Бундан ташқари, фармонга асосан стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йўл харитаси тасдиқланиб, миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонун ҳамда норматив ҳужжатлар рўйхати шакллантирилди, фаолият самарадорлигини таъмин-

6 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 12.05.2001 йилдаги “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақида”ги 255-II-сон қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси//<http://old.lex.uz/docs/87026>.

7 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 ноябрдаги “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги ЎРҚ-307-сон қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси// <http://old.lex.uz/docs/1913249>.

8 Ўзбекистон Республикасининг 25.04.2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-405-сон қонуни. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси//<http://old.lex.uz/docs/2937151>.

лаш, кадрлар малакасини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, ижро муддатлари ҳамда масъул ижрочилар белгиланди.

Йўл харитаси ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 32-сон қарори қабул қилиниб, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётида қонун нормаларини тўғри қўллаш бўйича тушунтиришлар берилди.⁹

Шунингдек, фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 402-сон Қарори қабул қилиниб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.¹⁰

Бундан ташқари, ушбу қарор билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан юқоридаги жиноятларга қарши курашишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Ушбу Низомларнинг қабул қилиниши терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишда муҳим механизм ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021-2026 йилларга мўлжалланган Миллий Стратегияси тасдиқланди.¹¹

Ушбу стратегияда экстремизм ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти

томонидан 2022 йил 28 январда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда экстремизм, терроризмга қарши курашишнинг янги босқичга кўтарилганлигидан далолат берди.¹²

Чунончи, ушбу фармонда экстремизм ҳамда терроризмга қарши курашда қуйидаги асосий вазифалар белгиланди: фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш; хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш; хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш; фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш; Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фармонда Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш, дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилишнинг долзарблиги таъкидланди.

Миллий қонунчилик таҳлили терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар, жумладан ФАТФ тавсиялари ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг миллий тизимга жорий этилаётгани, миллий қонунчиликка имплементация қилиб борилаётгани, бу борадаги фаолият самарали ташкил этилаётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашдаги тажрибаси, бу йўналишдаги ташаббускорлиги дунё ҳамжамияти томонидан ҳам, минтақавий ташкилот-

9 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 32-сон қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси// <http://old.lex.uz/docs/5748890>.

10 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.06.2021 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 402-сон қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси// <http://old.lex.uz/docs/5482456>.

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.07.2021 йилдаги “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси// <http://old.lex.uz/docs/5491626>.

12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси// <http://old.lex.uz/docs/5841063>.



лар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётгани, БМТнинг аксилтеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганини таъкидлаб, Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси билан чиқди.¹³

Ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиб, 2022 йилнинг 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал аксилтеррор стратегияси: Марказий Осиёда минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг 10 йиллик натижалари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилиши фикримизнинг яққол исботидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашдаги сайъ-ҳаракатлари, жумладан қонунчилик асосларининг такомиллаштирилиши, самарали амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида экстремизм, терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича белгиланган вазифалар, чора-тадбирларнинг тўлиқ ҳамда сифатли ижро этилишини таъминлаш фаолият самарадорлигини янада ошишининг гаровидир.

Шу ўринда экстремизм, терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашиш фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш, халқаро экспертлар иштирокида халқаро семинар, тренинглари ташкил этиш;

- бу соҳадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, миллий қонунчиликнинг такомиллаштириб борилишини таъминлаш;

- экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат идоралари ходимлари ҳамда мутахассисларининг билими, касбий ма-лакасини ошириш мақсадида олий таълим ҳамда идоравий олим таълим муассасаларида махсус ўқув курсларини ташкил этиш.

#

13 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 23 сентябрь 2020 й.
// <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq>.



Луқмонжон ИСОҚОВ,
Бош прокуратура Академияси
марказ бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

МИГРАНТЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР АСОСИЙ ИЛМИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

АННОТАЦИЯ. Миграция табиий ҳодисадан улкан сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий муаммога айланди. Мигрант эса, уни тушуниш, интеграциялаштириш ва назорат қилиш лозим бўлган субъект бўлиб қолди. Шу боис, мигрантлар ҳуқуқлари ҳақидаги фикрлар барча соҳаларда кўпайиб бормоқда. Натижада мигрантнинг инсон ҳуқуқлари бузилиб, янги жамиятга мослашиши учун тўсқинлик қилмоқда. Мазкур мақолада мигрантлар ҳуқуқларини ўрганишнинг умумназарий жиҳатлари, хусусан, уларнинг ҳуқуқларига доир асосий илмий таълимотлар ҳақида сўз боради.

АННОТАЦИЯ. Миграция превратилась из естественного явления в огромную политическую, правовую, социальную и экономическую проблему. Мигрант, с другой стороны, стал субъектом, которого необходимо понять, интегрировать и контролировать. Следовательно рождаются различные подходы о правах мигрантов во всех сферах. В результате нарушаются права мигранта, что не позволяет ему адаптироваться в новом обществе. В данной статье рассматриваются общие аспекты изучения прав мигрантов, в частности основные научные учения об их правах.

ANNOTATION. Migration has turned from a natural phenomenon into a huge political, legal, social and economic problem. The migrant, on the other hand, has become a subject that needs to be understood, integrated and controlled. Consequently, different approaches on the rights of migrants are being born in all spheres. As a result, the rights of the migrant are violated, which does not allow him to adapt to the new society. This article discusses the general aspects of studying the rights of migrants, in particular the basic scientific teachings about their rights.

Калит сўзлар: миграция, мигрантлар, ҳуқуқ, миграция ҳуқуқи, шахсий, сиёсий, маданий, фуқаролик, иқтисодий, экологик, яшаш жойини танлаш, эркин ҳаракатланиш.

Ключевые слова: миграция, мигранты, право, миграционное право, личное, политическое, культурное, гражданское, экономическое, экологическое, выбор места жительства, свободное передвижение.

Key words: migration, migrants, law, migration law, personal, political, cultural, civil, economic, environmental, choice of residence, free movement.

ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле 2021 йил 18 декабрь – Мигрантлар халқаро кунини муносабати билан йўллаган мурожаатида сўнгги 10 йил давомида мажбурий кўчирилган мигрантларнинг сони икки баравар кўпайганлиги ва аҳолининг ушбу эҳтиёжманд қатламини ҳимоя қилиш, хусусан, қабул қилувчи мамлакатлар томонидан уларнинг интеграциялашуви учун зудлик билан чоралар кўриш зарурати алоҳида урғу берилган¹. Дарҳақиқат, мазкур ташкилотнинг миграция хусусида “деворлар эмас, кўприклар қуриш” сиёсати мигрант болаларнинг сифатли таълимдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ҳар қандай шахс каби мигрант ҳам муайян ҳуқуқлар, имтиёз ва кафолатларга эга. Бироқ мигрантнинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми туфайли бир қатор жиҳатларни чуқурроқ тадқиқ қилиш зарурдир. Масалан, аксарият юридик адабиётларда қўлланиладиган ички ва ташқи мигрантлар ҳуқуқлари ҳам ўзаро фарқланади². Ўзбекистон фуқаролари саналадиган ички мигрантлар мамлакат ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиб, қолган бошқа барча фуқаролар

каби бирдек ҳуқуқларга эга. Бироқ иммигрантлар ва эмигрантлардан иборат ташқи мигрантлар ҳуқуқлари ички мигрантлардан сезиларли равишда ўзгачадир. Ҳатто чет элга чиққан ва эмигрант саналган Ўзбекистон фуқароси уни қабул қилган мамлакатда ўз ватанидагидек барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлмаслиги табиийдир.

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган норматив база ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Миграция жараёнлари ва мигрантларга доир ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар салмоғининг тобора ошиб бораётганлиги ҳуқуқшунослик назариясида “миграция ҳуқуқи”нинг мавжудлиги ҳақида турли саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Гарчи, “Халқаро миграция ҳуқуқи” атамаси³ юридик фанга илк маротаба 1927 йилда Луи Варлез томонидан киритилганлигига қарамай⁴, “Миграция ҳуқуқи”нинг ҳуқуқ тизимида алоҳида ажралиши муаммоси ҳануз баҳс-мунозаралар марказида қолмоқда, уни тадқиқ

1 Электрон манба: <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000380174>

2 Полтев А.В. Права мигрантов как основа их правового статуса / Журнал “Наука. Теория. Практика”, №2, 2017. – С.54.

3 Varlez L. Les migrations internationales et leur reglementation. – Paris: RCADI, 1927. – P.165, 171.

4 Chetail V. International Migration Law, Oxford: Oxford University Press, 2019. – 512 p.



этишда уч асосий ёндашув шаклланган:

биринчидан, миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб ва мустақил соҳасидир⁵;

иккинчидан, миграция ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг мураккаб соҳалараро институтидир⁶;

учинчидан, миграция ҳуқуқи, бу маъмурий ҳуқуқнинг кичик соҳасидир⁷.

Халқаро миграция ҳуқуқининг асосчиси Л.Варлез тўғри таъкидлаганидек, миграция ҳуқуқи мавҳум эмас, балки доимий равишда ҳаракатда бўлган ва тартибга солиш шарт бўлган ҳодисаларга таъсир ўтказувчи тирик ҳуқуқдир. Шу нуқтаи назардан олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, қуйидаги таърифни келтириш мумкин:

Миграция ҳуқуқи мамлакатга кириш, унинг ҳудудида бўлиш ёки истиқомат қилиш ёхуд чиқиб кетишда давлат ҳокимияти органлари ва мигрантлар ўртасида уларнинг ҳуқуқий мақомини амалга ошириш бўйича юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий фанларнинг мустақил соҳаси ҳисобланади.

Миграция ҳуқуқи ва миграция қонунчилиги замонавий жамиятда миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос бўлган предметига эга. Гарчи миграция ҳуқуқида асосан мигрантлар ҳуқуқларини амалга ошириш ва давлат органлари томонидан миграция сиёсатини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий ва процессуал муносабатлар мустақамланган бўлса-да, миграция ҳуқуқи предметига мигрантларнинг муайян тоифасининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи моддий ҳуқуқлар нормалари билан тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳам дахлдордир.

Шу туфайли ҳам тадқиқотимиз доирасида “Миграция ҳуқуқига кириш” номли ўқув қўлланма, “Миграция ҳуқуқи” номли дарслик ҳамда “Миграция ҳуқуқи” модулининг намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг магистратура тингловчилари учун 80 соатдан иборат модул таълим жараёнига жорий қилинмоқда. Эндиликда мазкур дарслик асосида миграция ҳуқуқини алоҳида фан соҳаси сифатида тадқиқ қилиш ва уни ўқитилишини ташкиллаштириш йўлга қўйилди.

Одатда халқаро стандартларга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари, жумладан, яшаш, эркинлик ва шахсий

дахлсизликка бўлган ҳуқуқ, камситишлар ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқлар барча мигрантлар учун ҳам кафолатланади. Бинобарин, ушбу ҳуқуқлар, мигрант бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар ҳар қандай шахсга тааллуқлидир. Бу каби инсон ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилмаслиқнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тизими мигрантларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни лозим даражада таъминлаб бериши лозим.

Юридик соҳадаги илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, миграция ҳуқуқининг алоҳида фан соҳаси сифатида ажралиб чиқаётганлигига қарамай, мигрантлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида назария ҳануз шакллантирилмаган. Тўғри, мигрантлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг йўналишларидан бири эканлиги ва инсон ҳуқуқлари назарияси А.Х.Саидов⁸, Е.В.Барышева⁹, В.М.Капицын¹⁰, Д.Т.Караманукян¹¹ каби олимлар томонидан батафсил ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи А.В.Полтевининг таснифига кўра, мигрантлар ҳуқуқлари қуйидаги асосий беш гуруҳга бўлинади: 1) шахсий ҳуқуқлар; 2) сиёсий ҳуқуқлар; 3) иқтисодий ҳуқуқлар; 4) ижтимоий ҳуқуқлар; 5) маданий ҳуқуқлар¹².

Бироқ ушбу таснифлаш шартли ҳисобланиб, масалан, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида учта гуруҳга (шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар) бирлаштирилган¹³.

Бизнинг фикримизча, мигрантлар ҳуқуқлари назариясининг тўлиқ ишлаб чиқилиши учун, уларнинг ҳар бир ҳуқуқ ва эркинликларининг асл мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш талаб этилади. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бир вақтнинг ўзида мигрантларга ҳам татбиқ қилиниши туфайли ҳуқуқий таълимотларда энг кўп тилган олинган қуйидаги асосий ҳуқуқларни кўриб чиқамиз:

1) шахсий ҳуқуқлар муайян давлат фуқаролиги билан боғлиқ бўлмаган ва ҳар бир кишининг ҳуқуқи ҳисобланиб, жинси, ёши, ирқи, диний ёки миллий мансублиги ва бошқа фарқланувчи белгиларидан қатъий назар туғма ва ажралмас ҳуқуқдир. Шахсий ҳуқуқлар инсоннинг ҳаётини фаолияти, шаъни, қадр-қиммати ва эркинлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган

5 Батафсил қаранг: Вокуев М. Р. Миграционное право современной России: теоретико-правовой анализ : дис. ... канд. юрид. наук. Ростов н/Д, 2006.

6 Батафсил қаранг: Хабриева Т. Я. Миграционное право России: теория и практика. – М.: КОНТРАКТ, 2008.

7 Жеребцов А. Н. Концепция административно-правового регулирования миграционных отношений в Российской Федерации (комплексный анализ теории и практики): автореф. дис.... докт. юрид. наук. – М., 2009. – С. 21.

8 Саидов А.Х. Общая теория прав человека. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012. – 275 с.

9 Барышева Е.В. Теории прав человека. – М.: РУДН, 2012. – 210 с.

10 Капицын В.М. История, теория и защита прав человека. – М.: МУПК, 2003. – 260 с.

11 Караманукян Д.Т. Права человека в России: история, теория и практика. – Омск: Омская юридическая академия, 2015. – 308 с.

12 Полтев А.В. Права мигрантов как основа их правового статуса / Журнал “Наука. Теория. Практика”, №2, 2017. – С.56.

13 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат”, 2021. – Б.8-12.

яшаш, шахсий дахлсизлик, яшаш жойини танлаш ва ҳаракатланиш эркинлиги, турар жой ва ёзишмалар дахлсизлиги, шаън ва қадр-қиммат, виждон ва эътиқод эркинлиги каби ҳуқуқ ва эркинликлардан иборат. Француз ҳуқуқшунос олими Жан Матринж ҳақли равишда таъкидлаганидек, шахсий ҳуқуқлар сирасига кирадиган эмиграция ҳуқуқига эга бўлиш мумкин, бироқ халқаро ҳуқуқда иммиграция ҳуқуқи кафолатланмаганлиги¹⁴ инсон ҳуқуқларини амалга оширишда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўрилган Ливиядан чиққан мигрантларни Италия ҳудудига киритилмаслиги билан боғлиқ Ҳирси Жамаа ва бошқаларнинг иши бунга ёрқин мисолдир¹⁵;

2) сиёсий ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, бу шахснинг муайян давлат фуқаролиги билан чамбарчас боғлиқ конституциявий ҳуқуқлари (сайлов ҳуқуқи, сўз ва матбуот эркинлиги, иш ташлаш эркинлиги, уюшмаларга аъзо бўлиш эркинлиги, мурожаат қилиш ҳуқуқи) бўлиб, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини белгилайди. Деярли барча ҳолларда мигрантларнинг сиёсий ҳуқуқларидан қабул қилувчи давлат ҳудудига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи чекланиши кузатилади;

3) ижтимоий ҳуқуқлар бу шахснинг моддий неъматларни ишлаб чиқиш ва тақсимлашдаги имкониятлари бўлиб, меҳнат ҳуқуқи, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқ, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни қамраб олади. Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг бош директори ўринбосари Лора Томсоннинг фикрича, қабул қилувчи мамлакатда тиббий ёрдамдан фойдаланишдаги тенгсизлик нафақат мигрантларнинг ҳуқуқларини поймол бўлиши ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, балки бир пайтнинг ўзида маҳаллий аҳолининг соғлиғига ҳам турли юқумли касалликларнинг тарқалиши ва буни бартараф этиш учун давлат харажатлари кўпайишига таҳдид солади¹⁶. Шунга қарамай, давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар ва миллий қонунчилиги орқали мигрантларга ўз фуқаролари билан тенг равишда хизмат кўрсатишга имконият мавжуд эмаслигини баён қилиб, фақатгина бирламчи шошилинич тиббий ёрдам тақдим этиш билан чекланишади¹⁷.

4) иқтисодий ҳуқуқлар шахснинг мулкӣ муносабатларидан келиб чиқадиган, мулк ҳуқуқи, мерос

ҳуқуқи, саноат ва савдо эркинлиги, ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, банкларда жамғарма ва омонатларга эга бўлиш каби ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуидир;

5) маданий ҳуқуқлар ҳар бир инсоннинг маънавий ривожланишини таъминлайдиган таълим олиш ҳуқуқи, илм-фан ва санъат эркинлиги, ўқитиш эркинлиги, академик эркинлик, маданий кадриятлардан фойдаланиш, ўз она тилида таълим олиш, яъни тил эркинлиги, билим олиш, ижод эркинлиги каби ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуидир;

6) экологик ҳуқуқлар инсоннинг соғлом атроф-муҳит ҳуқуқи, атроф табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида холис ахборот олиш каби конституциявий ҳуқуқларининг махсус тури бўлиб, мигрантлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, табиий офатлар ва бошқа экологик муаммолар боис бошқа жойга мажбуран кўчадиган мигрантлар тоифаси тобора ошиб бормоқда. Бироқ ушбу асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ичида, афсуски, экологик ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияда кафолатланмаган.

Академик А.Х.Саидовнинг таъбири билан айтганда, инсон ҳуқуқлари, бу инсоннинг ҳуқуқий лаёқати ва ҳуқуқий субъектчилигининг эътироф этилиши¹⁸ бўлганлиги боис, фуқаро ҳуқуқлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан фарқли ўлароқ, турли мамлакатларда давлат томонидан фуқарога қонунан мустаҳкамлаш орқали расман бериладиган ҳуқуқлар саналади.

Тадқиқотчи В.М.Решетин мигрантларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда мажбурий кўчирилганларга бериладиган ҳуқуқларнинг қуйидаги уч гуруҳини санаб ўтган¹⁹:

1) яшаш жойини мустақил танлаш ҳуқуқи;

2) яшаш жойини мустақил танлаш имкони бўлмаган тақдирда миграция хизмати томонидан тақдим этиладиган вақтинча яшаш учун турар жой олиш ҳуқуқи;

3) янги яшаш жойигача етиб бориш учун йўл ва юкларни ташиш харажатлари бўйича кўмак олиш ҳуқуқи.

Илмий тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатдики, мигрантлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари умумий тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, қуйидаги тўрт асосий гуруҳдаги ҳуқуқ ва эркинликларни ўз ичига қамраб олади:

биринчидан, ўз мамлакатини тарк этиш, ҳаракатланиш эркинлигига эга бўлиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи;

иккинчидан, қабул қилувчи мамлакатнинг миллий

14 Matringe J. Le droit à la vie des migrants. GISTI | « Plein droit », 2016/2 n° 109. – P.23.

15 Батафсил қаранг: Cour européenne des droits de l'Homme (Grande Chambre), 23 février 2012, Hirsi Jamaa et autres c/Italie, n° 27765/09, § 129.

16 Электрон манбаа: <https://www.un.org/fr/chronicle/article/la-protection-des-droits>

17 Права человека: изложение фактов №31 – Право на здоровье. – Женева: УВКПЧ, 2008. – С. 28.

18 Саидов А.Х. Общая теория прав человека. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012. – С.21.

19 Решетин В.М. Обеспечение и защита прав человека в области миграции: государственно-правовой аспект: Дис. ... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2005. – С.104.



қонунчилиги томонидан тақдим этилган меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларга эга бўлиш ҳуқуқи;

учинчидан, қонун билан ҳимояланиш ҳуқуқи ва одил судловга бўлган ҳуқуқ;

тўртинчидан, мулкӣй ва шахсий-номулкӣй ҳуқуқларга эга бўлиш ҳуқуқи²⁰.

Рус олими В.М.Решетин таклиф қилган ушбу тасниф бизнинг фикримизча, мигрантлар ҳуқуқларини тўлиқ қамраб олмаган. Масалан, бироз чекланганлигига қарамасдан мигрантларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, ҳар бир шахс, яъни нафақат фуқаро, балки ҳар қандай инсон, бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (35-модда)²¹. Бундан ташқари, ушбу таснифлашга инсон ҳуқуқларининг асосий пойдеворларидан бири бўлган экологик ва маданий ҳуқуқларни қўшмасликнинг иложи йўқ, деб баҳолаймиз.

Мигрантлар ҳуқуқлари бўйича энг йирик илмий мактаб асосчиси, Глобал миграция маркази директори, халқаро ҳуқуқ профессори Венсан Шетай ўзининг “Халқаро миграция ҳуқуқи”²² номли фундаментал тадқиқотида мигрантларнинг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, бошқа мамлакатга кириши ва у ерда бўлиши каби 3 та асосий ҳуқуқини алоҳида ўрганиб, мазкур ҳуқуқларни бирламчи ва халқаро одат ҳуқуқининг ҳал этувчи таркибий қисмлари эканлигини исботлаган. Албатта, олимнинг илгари сурган ғоялари ҳар томонлама асослилиги боис, унга қўшилган ҳолда мазкур ҳуқуқларнинг айрим жиҳатларини алоҳида тавсифлашни лозим топдик.

1) Ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи. Ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ҳуқуқи миграция ҳуқуқидаги энг асосий нормалардан бири бўлиб, миграциянинг халқаро қоидаларини ушбу тушунчасиз тасаввур қилиб бўлмайдиган, яъни потенциал мигрантларнинг энг биринчи ҳуқуқи саналади. Бизнинг фикримизча, миграция ҳуқуқларини амалга оширишнинг кетма-кетлиги ҳам айнан мана шу ҳуқуқдан бошланиб, кейинги ҳуқуқлар учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Мазкур ҳуқуқнинг юридик табиати оддийдек туюлса-да, у кенг маънода “ҳар қандай мамлакат” – хоҳ келиб чиқиш, транзит ёки қабул қилувчи давлат бўлсин, шунингдек “ҳар қандай шахслар” – ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, хоҳ фуқаролар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар учун мажбурий кучга эгадир. Мамлакат ичида ҳаракатланиш ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, бунда сафарнинг мақсади ва давомийлиги ҳеч қандай роль ўйнамайди. Мамлакатни

тарк этиш ҳуқуқига риоя қилиш иккита мажбуриятни келтириб чиқаради: биринчидан, ғайриҳуқуқий сафарга тўсқинлик қилмаслик бўйича салбий мажбурият; иккинчидан, келиб чиқиш давлати томонидан паспорт бериш орқали уни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган чораларни кўриш бўйича ижобий мажбурият.

Ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи бирламчилигига қарамай мутлақ эмас. Бинобарин, улар ҳуқуқий асосга эга бўлиши, жамоат тартибини сақлаш учун зарур бўлиши ва бошқа ҳуқуқлар билан мувофиқ келиши каби учта шартга жавоб бериши лозим. Масалан, ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи ҳарбий хизмат ёки жиноий таъқиб каби муайян юридик мажбуриятлардан бош тортиш учун фойдаланиши мумкин эмас. Шу боис мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи бошқа асосий ҳуқуқлар каби жамоат тартибининг анъанавий захираси доирасида қолаверади²³.

2) Бошқа мамлакатга кириш ҳуқуқи. Мамлакатни тарк этиш ҳуқуқи чекланишининг асосий сабаби бошқа мамлакатга кириш ҳуқуқининг кафолатланмаганлигида, деб ҳисоблаймиз. Барча тегишли халқаро ҳужжатларда ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқининг эътироф этилиши билан чекланиши мигрантни мураккаб вазиятда қолдиради. Ушбу мантиққа мувофиқ, шахс эркин чиқиб кетиши, кейин қайтиши ҳам мумкин, бироқ бошқа давлатга кириши кафолатланмайди. Демак, ушбу ҳуқуқнинг кафолатланмаганлиги аввалги (мамлакатни тарк этиш ва қайтиш) ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилишини инкор этилишига олиб келади.

Мазкур ҳуқуқни қиёсий таҳлилидан келиб чиқади-ган бўлсак, эркин ҳаракатланиш ва чегараларни ёпиш принципларининг ўзаро зиддиятли муносабатлари суверенитет концепциясида намоён бўлади. Миграция ҳуқуқида суверенитет нафақат давлатнинг ваколати (мигрантларни мамлакат ҳудудига киришига рухсат бериш), балки масъулияти (миграция сиёсатини амалга ошириши учун) ҳам саналади, яъни суверенитет мутлақ эркинлик эмас. Ҳар бир давлатнинг мигрантларни мамлакат ҳудудига киришига рухсат бериш ваколати чиқариб юборишга йўл қўйилмаслик (non-refoulement) принциpidан келиб чиқади.

Мигрантларни бошқа мамлакат ҳудудига кириш ҳуқуқини тартибга солишда ўзбошимчалик билан ушлаб туришнинг тақиқланиши принципи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Албатта, ноқонуний йўл билан мамлакат ҳудудига кирган мигрантларни аниқ ҳуқуқий асосланган ҳолда ушлаб туриш ўзбошимчалик саналмайди. Шу билан бирга, баъзан миграцион назорат усуллари ҳам мазкур ҳуқуқнинг поймол бўлишига олиб келиши мумкин. Масалан, ирқий мо-

20 Ўша ерда. – Б.111.

21 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Адолат”, 2021. – Б.11.

22 Батафсил қаранг: Chetail V. International Migration Law, Oxford: Oxford University Press, 2019. – 512 p.

23 Chetail V. Droit international des migrations: Fondements et limites du multilateralisme. – P: Pedone, 2012. – P. 35.



тивлар бўйича қабул қилишнинг тизимли равишда рад этилиши камситилиш шаклининг бир туридир²⁴.

3) Бошқа мамлакат ҳудудида бўлиш ҳуқуқи. Мигрантни мамлакат ҳудудига кириши билан бир қаторда, унинг у ерда бўлиши халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликнинг турли нормалари билан тартибга солинади. Қабул қилган давлат мигрантнинг ҳудудга киришидан бошлаб, уни мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишига қадар бўлган вақт оралиғида мигрантга қонуний ҳимояни тақдим этиш ва унга нисбатан муносиб муомалада бўлиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мигрантни ҳимоя қилиш мажбурияти давлатнинг ҳудудий суверенитетининг натижаси ва маҳсулидир. Яъни давлат нафақат мигрантларни бўлиш тартибини белгилайди, балки ўз ҳудудидаги шахсларни ҳимоялашга мажбур ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг мазкур таълимотига мувофиқ, ҳар бир давлат мигрантларга ҳуқуқнинг умумий принципларидан келиб чиқадиган минимал стандартлар, яъни зарурий шарт-шароитларни яратиб бериши керак. Ушбу ҳуқуқларнинг аниқ кўлами турли мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, минимал стандартлар дейилганда ҳуқуқ субъектчилигини эътироф этишга бўлган ҳуқуқ, яшаш ҳуқуқи, жисмоний дахлсизликка бўлган ҳуқуқ, ўзбошимчалик билан ушлаб туришга тақиқ, мулк ҳуқуқи, виждон эркинлиги ва одил судловдан фойдаланиш каби айрим асосий ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш назарда тутилади.

Минимал стандарт тушунчаси халқаро ҳуқуқда муайян қадриятга эга бўлса-да, инсон ҳуқуқларининг янада ривожланиши учун ўз аҳамиятини йўқотиб бўлди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ мигрантлар билан миллий ва халқаро даражада муомалада бўлиш бўйича мазкур таълимотлар синтезини ташкил қилади²⁵. Шу тариқа, мигрантлар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг концептуал ва норматив “устахона”си, деб таърифласак муболаға бўлмайди.

Глобал миграция муаммоларини ўрганиш бўйича гуруҳ томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, мигрантларнинг ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, ҳатто у ёки бу мамлакатнинг миграция соҳасидаги миллий қонунчилигини бузган тақдирда ҳам, “чет эл фуқароси”га ўхшаш ёки шундай шахс ҳисобланиши ёки маҳаллий тилда гаплашмагани учун ҳам ҳеч ким инсон ҳуқуқларидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги каби ушбу принцип мигрантлар учун улкан қадрият ҳисобланади²⁶.

Миграцияга доир интерактив маълумотлар порталида мигрантлар ҳуқуқлари баҳоланишининг назарий ва амалий усулларга бўлиниши ҳақидаги ҳаётий ғоя эътиборни ўзига тортиши табиий. Бинобарин, унда назарий жиҳатдан қоида тариқасида бериладиган

ҳуқуқлар ва амалда қўлланиладиган ҳуқуқлар ўртасида катта тафовут мавжудлиги таъкидланган. Назарий усул нисбатан содда бўлиб, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ва минтақавий шартномаларнинг ратификация қилинганлиги ҳамда миллий қонунчиликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлиги бўлса, амалий усул ушбу ҳужжатлардаги ҳуқуқий нормалар ҳақиқатдан ҳам амалда қўлланилаётганлигида намоён бўлади²⁷.

Юқоридаги таҳлиллардан ва ҳуқуқ назариясининг асосий таълимотларидан келиб чиқиб, мигрантлар ҳуқуқларини икки асосий гуруҳга бўлишни таклиф қиламиз:

Биринчи гуруҳ, яъни мигрантларнинг умумий ҳуқуқлари бўлиб, бунга ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, ҳар қандай шахс каби мигрантларнинг барча тоифалари эга бўлиши шарт бўлган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги), сиёсий ҳуқуқлар (мурожаат қилиш ҳуқуқи), иқтисодий (мерос ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи), ижтимоий ҳуқуқлар (меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи), маданий ҳуқуқлар (маданий қадриятлардан фойдаланиш, илм-фан ва санъат эркинлиги, билим олиш, ижод эркинлиги) ва экологик ҳуқуқлар (соғлом атроф-муҳит ҳуқуқи, атроф табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида холис ахборот олиш) киради.

Иккинчи гуруҳ, яъни мигрантларнинг махсус ҳуқуқлари бўлиб, бунга ҳар қандай давлатни, шу жумладан ўзининг келиб чиқиш давлатини эркин тарқ этиши ҳуқуқи, ҳар қандай вақтда ўзининг келиб чиқиш давлатига кириш ва у ерда қолиш ҳуқуқи, ҳаракатланиш эркинлиги, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи, бошпана олиш ҳуқуқи, қочоқ мақомини олиш ҳуқуқи, хоҳлаган фуқароликни қабул қилиш ҳуқуқи, мигрантнинг ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинishi ҳуқуқи, консуллик ёки дипломатик идораларидан ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқи, суд муҳокамасидаги тилни тушунмаган тақдирда таржимон ёрдамидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи, қабул қилувчи давлатда ассоциациялар ва касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи, мигрантнинг ҳар бир фарзанди исм олиш, туғилганлиги ва фуқаролигини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи, ўзлари билан биргаликда шахсий мол-мулки ва нарсаларини олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи, ўз она тилидан фойдаланиш, шунингдек миллий маданияти ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқи каби ҳуқуқлар киради.

Миграция ҳуқуқида мигрантларнинг умумий ва махсус ҳуқуқлари билан бир қаторда уларни ҳимоя

24 Ўша ерда. – Б.38.

25 Ўша ерда. – Б.45.

26 Миграция и международное право в области прав человека. – Женева: МКЮ, 2016. – С.39.

27 Электрон манбаа: <https://www.migrationdataportal.org/fr/themes/droits-des-migrants#definition>



қилишнинг ўзига хос принциплари ҳам мавжуд. Мажбурий қайтариш ёки депортация ҳамда ўзбошимчалик билан чиқариб юборишдан муҳофаза қилиш принципи, фуқароликни олиш ва сақлаш принципи, миллий, диний, ирқий ва бошқа белгиларга асосланган ҳолда камситишларга йўл қўймаслик принципи шулар жумласидандир.

Халқаро ҳуқуқшунослар комиссияси²⁸ томонидан тайёрланган материалда қайд этилган миграциядаги шахсларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳимояга бўлган энг кўп эҳтиёжларини таҳлил қилиш орқали мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини шартли равишда 4 та тоифага ажратиш мумкин:

1) шахснинг қабул қилувчи мамлакатга кириши, у ерда бўлиши ва ҳуқуқий мақомини ўзгариши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

2) шахснинг қабул қилувчи мамлакатдан чиқариб юборилиши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

3) шахснинг қабул қилувчи мамлакатда маъмурий қамоққа олиниши оқибатида бузиладиган инсон ҳуқуқлари;

4) шахснинг қабул қилувчи мамлакатда энг зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари.

Ушбу тўрт тоифадаги инсон ҳуқуқларидан бирининг бузилишига деярли ҳар бир мигрант ўз ҳа-

ёти ва фаолияти давомида дуч келади. Мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари доимий равишда поймол этиб келиниши ачинарли ҳолдир. Ушбу муаммони ҳал этишда БМТнинг турли шартномавий органлари инсон ҳуқуқларининг сон ва сифат кўрсаткичларига асосланган маълумотларни тизимлаштириб келмоқда. Мигрантларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро индикаторлар²⁹ ҳам қисман ишлаб чиқилганлигига қарамай, уни муайян даражада такомиллаштиришни ва умумэътироф этилишини тақозо этади, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, заиф қатлам сифатида мигрантларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича ҳар бир давлат миллий индикаторларини ишлаб чиқиши ва ундан унумли фойдаланиши юридик мажбуриятларга риоя қилиш ва мониторингини амалга оширишга ижобий таъсир ўтказади. Шу мақсадда мазкур тадқиқотимиз доирасида Ўзбекистонда Мигрантлар ҳуқуқларининг миллий индикаторини ишлаб чиқишни таклиф қиламиз.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, мигрантлар ҳуқуқлари деганда, бу миграция жараёнларида ижтимоий неъматлардан фойдаланишнинг юридик жиҳатдан кафолатланган имкониятлар бўлиб, объектив ва субъектив ҳуқуқнинг бир қисми тушунилади.

#

28 Миграция и международное право в области прав человека. – Женева: МКЮ, 2016. – 400 с.

29 Cernadas P.C., LeVoy M., Keith L. Indicateurs des droits de l'homme des migrants et de leurs familles. Alliance mondiale pour le savoir sur les migrations et le développement (KNOMAD), 2015. – P.3



Mahsuda TADJIBAYEVA,
Senior Lecturer, "Business Law" department,
Tashkent State University of Law

SOME THEORETICAL ISSUES OF UNFAIR COMPETITION AND UNFAIR TRADE PRACTICES

ANNOTATION. In the conditions of rapidly developing market relations unfair competition and its prevention is one of the most urgent economic issues today. Therefore, the state carries out systematic legal reforms in the sphere of regulation of economic relations aimed at further improvement of the system of legislation related to protection of persons from any actions contrary to competition. Unfair trade practices combined with unfair competition is a similar offense. In the article the author will try to answer a number of priority issues concerning improvement of legislation by means of reflection of notion and signs of unfair competition, notion and forms of unfair trade practice, rules, regulating unfair trade practice in the competition legislation of the Republic of Uzbekistan.

АННОТАЦИЯ. Шиддат билан ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида инсофсиз рақобат ва унинг олдини олиш бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий масалаларидан бири ҳисобланади. Шу боис давлат томонидан иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида шахсларни рақобатга зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган тизимли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсофсиз савдо амалиёти ҳам инсофсиз рақобат билан биргаликда худди шундай ҳуқуқбузарликдир. Мақолада муаллиф инсофсиз рақобат тушунчаси ва белгиларини, инсофсиз савдо амалиёти тушунчаси ва шаклларини, инсофсиз савдо амалиётини тартибга солиш қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг рақобатга оид қонун ҳужжатларида акс эттириш орқали қонунчиликни такомиллаштиришга оид қатор устувор масалаларга жавоб беришга ҳаракат қилади.

АННОТАЦИЯ. В условиях стремительно развивающихся рыночных отношений недобросовестная конкуренция и ее предотвращение является сегодня одной из наиболее актуальных экономических проблем. Поэтому государство проводит планомерные правовые реформы в сфере регулирования экономических отношений, направленные на дальнейшее совершенствование системы законодательства, связанного с защитой лиц от любых действий, противоречащих конкуренции. Недобросовестная торговая практика в сочетании с недобросовестной конкуренцией является аналогичным правонарушением. В статье автор попытается ответить на ряд приоритетных вопросов, касающихся совершенствования законодательства путем отражения в конкурентном законодательстве Республики Узбекистан понятия и признаков недобросовестной конкуренции, понятия и форм недобросовестной торговой практики, норм, регулирующих недобросовестную торговую практику.

Key words: fairness, unfair trade practices, price, signs of unfair competition, market power, price manipulation, consumer discrimination, damaging business reputation, economic advantage and damage.

Калит сўзлар: адолат, инсофлилик, инсофсиз рақобат, инсофсиз савдо амалиёти, нарх, инсофсиз рақобат белгилари, бозор ҳокимияти, нархларни манипуляция қилиш, истеъмолчиларни камситиш, ишчанлик обрўсига путур етказиш, иқтисодий афзаллик, зарар.

Ключевые слова: справедливость, добросовестность, недобросовестная конкуренция, недобросовестная торговая практика, цена, признаки недобросовестной конкуренции, рыночная власть, манипулирование ценами, дискриминация потребителей, нанесение ущерба деловой репутации, экономическая выгода и ущерб.

The freedom to act in the marketplace, to do business and to compete in other ways is integral to any system of free enterprise. Free competition encourages companies to seek customer loyalty by offering quality products at reasonable prices. In a market where there is free competition, independent businesses engage in the same activities and compete to attract customers, i.e., each business is subject to competitive pressure from others¹. The disadvantage of free competition is that it gives businesses the right to take customers away from competitors. If a business attracts enough customers

from another competitor, it may be forced to close its business² or change its field of operation. Unfair competition restricts free competition in the marketplace.

In a system based on a social market economy, competition law and unfair competition law together play an important role in achieving freedom of competition and ensuring market competitiveness³. These two fundamental principles of competition law: the principles of freedom and fairness can be used to infer what the nature of competition really is. In particular, competition must be free and fair⁴. When free competition is violat-

1 ROLES OF UNFAIR COMPETITION AND PROTECTION OF COMPETITION RULES IN THE ATTAINMENT OF SOCIAL MARKET ECONOMY IN TURKEY Yrd. Doç. Dr. Hamdi PINAR** & Dr. Elif Cemre HAZIROĞLU TFM 2017; 3(2), s. 97–104 <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/394225>

2 Khodzhaev, Bakhshillo Kamolovich. "A Transitional Competition Model for Regulating Misleading Advertising in Uzbekistan: An Alternative Approach." review of law sciences 4 (2020).

3 Husain, Radjapov. The Identification of Tacit Collusion in Oligopolistic Markets. Diss. 2019. Radjapov, Husain.

4 Dozortsev VA Unfair competition or dishonesty? // Legal world. 1997. No. 4. S. 33.



ed, it leads to monopolies, cartels and other anticompetitive actions⁵. Rules against unfair competition work when integrity is violated. In order for the rules against unfair competition to work, first of all, it is necessary to properly define what unfair competition is: its signs and characteristics.

Unfair competition is the conduct of a market participant in trade or commerce that, through misleading, false, dishonest, fraudulent, coercive or unfair practices, gains an advantage over competitors or seeks to gain a competitive advantage in the marketplace.

Today there are many definitions of unfair competition in competition law and competition legislation. They have the same meaning, although their interpretations differ significantly from each other. In particular, according to V.A. Dozortsev, unfair competition is communication to the consumer (potential consumer), contrary to the custom of business, the requirements of decency, reasonableness and fairness of the data (false or true), capable of causing misconceptions that discredit a competitor, its activities and (or) goods (including those that can cause confusion about the nature, mode of manufacture, properties, suitability for use or quantity of goods) or to cause confusion in the consumer (potential consumer)⁶.

Yu.I.Svyadosts defined unfair competition as the commission of actions aimed at obtaining property benefits by committing unfair acts in production and commercial activities in relation to competitors, contrary to fairness rules and traditions⁷.

V.I.Yeremenko considers the definition of unfair competition as any culpable act⁸, contrary to business habits, professional ethics or honesty in carrying out business activities for the purpose of competition, which may cause or cause harm.

Unfair competition is competition that is usually characterized by dishonesty, fraud, or harassment, where the victim prevents or hinders the successful conduct of a competitor's business activities or the consumption of a product (service, work) by a consumer. Because unfair competition tends to unreasonably interfere with competition, they are perceived as acts contrary to public policy, and this also affects the general welfare of society⁹. Every country has laws against unfair competition that help protect consumers and businesses and prevent illegal trade.

In particular, such case law is reflected in the concept of unfair competition of the Paris Convention for

the Protection of Industrial Property of 1883. The purpose of the concept is to stop unfair competition, any act of competition contrary to fair practice in industrial or commercial matters. The Paris Convention establishes certain prohibitions against defamatory misleading statements and instructions or statements that are likely to mislead the public as to the nature of the product, the manufacturing process, its properties, its suitability or quantity in the course of trade.

Unfair competition laws do not hold companies solely responsible for their success or for using aggressive marketing techniques to sell their products. Perhaps their ultimate purpose is to restrain companies from unlawfully enriching themselves at the expense of another company. According to the general rules, any action contrary to fair practice during industrial or commercial activities constitutes unfair competition. The decisive criterion is contrary to fair practice. Fair practices are sometimes called "honest trade practices" in Belgium and Luxembourg, "the principle of good faith" in Switzerland and Spain, and "professional integrity" in Italy¹⁰.

It is not easy to find a clear and generally accepted definition of the opposite of honest practice. The principles of "honesty" and "fairness" may differ from country to country, reflecting the economic, sociological and moral perceptions of a particular society¹¹. Therefore, it is important that the notion of "honesty" be interpreted by the judiciary of the respective state. The concepts of fair practices prevailing in international trade should also be taken into account, especially in cases of competition between organizations in different countries.

The unfair competition law does not hold businesses liable for their failure to succeed in the marketplace. Entrepreneurs are not liable for aggressive, devious or other successful marketing tactics that are not deceptive, fraudulent or unfair. However, such legal rules assume that a competitor loses money because of money earned by one business. Accordingly, the law prohibits businesses from making unfair profits at the expense of their competitors. Unfair competition has developed in the USA and European countries as a separate legal institute in the form of norms regulating public relations against unfair competition as an internal component of competition law. It plays an important role in the correct and application of legal rules aimed at elimination of unfair competition in business practice worldwide.

A study conducted by the Cornell University Legal In-

5 Svyadosts Yu. I. Legal protection of trademarks in capitalist countries. M., 1969. S. 170

6 Eremenko V. I. On the suppression of unfair competition // Issues of invention. 1992. No. 1-2.

7 Kasyanov Yu. Problems of the Russian antimonopoly legislation // Legislation and Economics. 2000. No. 6. S. 37.

8 Mahsuda, Tadjibayeva. "DISCREDITING AS ONE OF THE SIGNS OF UNFAIR COMPETITION." Review of law sciences 3. Спецвыпуск (2020).

9 Rustamjonovna, Mahsuda Tadjibayeva. "The Principle Of Good Faith In Civil Law." Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT) 12.4 (2021): 1062-1067.

10 https://www.esa.int/About_Us/Law_at_ESA/Intellectual_Property_Rights/Protection_against_unfair_competition

11 Hayashi, Shuya, and Bakhshillo Khodjaev. "Regulatory Approach and Specification of Unfair Trade Practices in Uzbekistan: Comparison with Japanese Law." The Doshisha Hogaku (The Doshisha law review) 68.7 (2017): 3262-3225.



formation Institute in the United States has shown that the concept of “unfairness” depends on the business context, the actions in question and the facts of a particular case. The findings also define unfair competition as fraud or illegal actions by a business that cause economic harm to consumers or other businesses. According to the research, unfair competition can be divided into two categories. These include “unfair competition” and “unfair trade practices”, which sometimes apply to offenses designed to mislead consumers about the source of a product and to all other forms of unfair competition¹².

Unfair competition consists of a set of doctrines that give rise to several different claims. Specifically, (1) claims of patent, trademark, or copyright infringement; (2) claims of use of trade names, presentations, and trade secrets; and (3) allegations of publication of defamatory, false, or misleading statements¹³.

Consequently, while the primary category of unfair competition relates to the intentional misleading of buyers regarding the origin of goods, the secondary category relates to unfair trade practices. It is important to clarify what an unfair trade practice is and what its characteristics are.

According to German lawyer Wolfgang Schumacher, a certain trade practice is called an unfair trade practice if it violates the requirements of professional integrity and seriously disturbs or can seriously affect the economic behavior of consumers with respect to the product they purchase¹⁴.

According to some scholars, unfair trade practices are defined as practices that grossly deviate from good business practices, violate the principles of fair and equitable dealing, and are imposed unilaterally by one trading partner on another¹⁵. Lawyers Bakhshullo Khodjaev and Shuya Hayashi provide a broader definition of fraudulent trade practices. Specifically, fraudulent trade practices, which include various types of fraud, scams or other malicious trade practices and mainly affect consumers directly (which is reflected in the business to consumer relationship), as well as competitors or others, can also include fraud on commercial entities (in business to business relationships)¹⁶.

Unfair trade practices are trade practices that use dishonest or fraudulent methods to encourage the sale,

use or delivery of any goods or services.

Unfair trade practices refer to any trade practice that causes harm or loss to the consumer of such goods or services by performing one or more methods to induce the sale of goods, the performance of work, or the provision of any service¹⁷.

In the United States and Europe, such conduct is illegal under the law (especially consumer protection law), allowing consumers to seek compensation or punishment from the competent authorities. Unfair trade practices are sometimes called “fraudulent trade practices” or “unfair business practices”.

Most U.S. states first enacted unfair trade practice laws between the 1960s and 1970s. Since then, many states have enacted such laws to prevent unfair trade practices. In particular, Section 5(a) of the Federal Trade Commission Act prohibits “unfair or deceptive acts or practices in trade or in processes affecting trade”. Under this rule, dishonest acts are those that are likely to injure or harm consumers, from which consumers cannot escape, and in which the benefits of the product or service do not outweigh the fraud. Fraud is defined as an act by which a seller misleads a customer or misrepresents a consumer¹⁸. The purpose of trade fraud legislation is to enable consumers to make informed, knowledgeable decisions about the goods and services they buy.

Thus, unfair trade practices are any form of deception of competitors and consumers in order to gain an advantage or profit in the market, abuse of consumer confidence through fraud or harming the consumer through unethical methods. Consumers commonly observe unfair trade practices when purchasing goods and services, renting, insuring and settling, and collecting debts.

Unfair competition, especially fraudulent trade practices, has the following characteristics.

- Unfair competition and unfair trade practices usually harm competing entities or consumers¹⁹;
- A company engaged in unfair competition and unfair trade practices seeks to gain market or business advantage and uses deceptive, fraudulent or immoral practices;
- Unfair competition and unfair trade practices are also carried out through market manipulation. One of the main features of unfair competition can be understood as actions that cause undeniable harm to the process of

12 Abad, A. R., Gonzales, K., Rosellon, M., & Yap, T. (2012). Unfair trade practices in the Philippines. Philippine Institute for Development Studies.

13 https://www.esa.int/About_Us/Law_at_ESA/Intellectual_Property_Rights/Protection_against_unfair_competition

14 Hilty R., Henning-Bodewig F. (ed.). Law against unfair competition: towards a new paradigm in Europe? – Springer Science & Business Media, 2007. – T. 1.

15 Ve Vesna Popović, Branko Mihailović, Zoran Simonović MODERN FOOD RETAIL AND UNFAIR TRADING PRACTICES // Экономика польопривреде. 2018. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/modern-food-retail-and-unfair-trading-practicespopović, Branko Mihailović, Zoran Simonović MODERN FOOD RETAIL AND UNFAIR TRADING PRACTICES // Экономика польопривреде. 2018. №4. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/modern-food-retail-d-unfair-trading-practices> (дата обращения: 07.11.2021).

16 Hayashi, Shuya, and Bakhshillo Khodjaev. “Regulatory Approach and Specification of Unfair Trade Practices in Uzbekistan: Comparison with Japanese Law.” *The Doshisha Hogaku (The Doshisha law review)* 68.7 (2017): 3262-3225.

17 <https://accountlearning.com/what-are-unfair-trade-practices/>

18 Business Law I Essentials Mirande Valbrune, Renee De Assis, Suzanne Cardell. University of Massachusetts Dartmouth

19 Mahsuda, Tadjibayeva. “DISCREDITING AS ONE OF THE SIGNS OF UNFAIR COMPETITION.” *Review of law sciences* 3. Спецвыпуск (2020).



competition or to a particular competitor. This situation most often manifests itself in trade relations. But it is often observed that unfair competition and unfair trade practices harm consumers as well.

Unfair competition and unfair trade practices are practices in which the harm caused or likely to be caused to consumers by unfair trade practices cannot be prevented by consumers and are not superior in quality, price to the product or service that the consumer used as a result of the deception, as compared to the untruthful receipt.

In this case, in the framework of unfair competition, the losses will have to be taken into account as follows:

- incurred consequences - real damages - expenses associated with loss or damage to the property of the person whose rights are violated;

- possible consequences (potential losses-potential losses-expenses to be incurred by the infringer to restore the violated right)

- lost profits (income, which a person cannot get under normal conditions of civil turnover, if his right is not violated)²⁰.

Unfair competition and unfair trade practices can also manifest themselves in the achievement of economic advantage in the marketplace.

According to legal scholar Bakhshullo Khodjaev, economic advantage manifests itself in the same way as limiting competition by setting prices in order to capture the market²¹.

Unfair competition and unfair trade practices can also occur through market manipulation. Market manipulation is the deliberate artificial change in market price, which is portrayed by the manipulator as if the market price is formed on the basis of supply and demand. They try to make a profit by exploiting price fluctuations by misleading consumers and competitors. Such actions prevent unfair pricing in the market and cause unexpected damage to investors, so they are prohibited by law²².

In the practice of developed countries, any condition or behavior that could affect or influence the market price through fraudulent devices or other forms of deception or deception qualifies as market manipulation. Market manipulation manifests itself in the following forms:

- where orders or sales by individuals are given by those individuals or persons related to them to disseminate false or misleading information - information ("information" is understood in a broad sense, including rumors);

- where those persons or associated persons produce or disseminate investment advice before or after influencing orders or sales with false, prejudicial or apparent material benefit;

- may manifest in instances where information is disseminated that gives or may give false or misleading

signals about demand, supply or price²³.

Unfair competition and unfair trade practices can also be a manifestation of the market power of businesses in the market - market power. The ability of business entities to raise and hold a price above the level at which it would prevail under competitive conditions is called market power. Usually through market power, businesses benefit by setting prices for goods (services) in the market above marginal costs, that is, using their ability to raise prices in a competitive market. This controls prices and eliminates competition.

Market power – in which a business entity or group can raise or hold (control the price) above the level of direct competition by limiting its production. A firm with market power knows that if it lowers its price to attract more customers, it will lose profits from existing customers. Therefore, it also prefers to demand the highest possible price and reduce the volume of its product in the market, rather than improve consumer welfare. If an enterprise uses its market power to raise prices, reduce the quality of its products or services to consumers, or to prevent entrepreneurs from entering, there may be a weakening or loss of free competition, a deterioration of consumers, through which practices characteristic of unfair trade practices may arise.

We considered the expression of concepts of unfair competition and unfair trade practices and their characteristics in international legal norms, legislation of developed countries and theoretical legal sources. When comparing the legislation of the Republic of Uzbekistan on competition with international legal norms and legislation of developed countries, we can note that the definition of "unfair competition" has a narrower scope of application.

As for legal definition of unfair competition in the national legislation, Article 4 of the Law of the Republic of Uzbekistan on Competition provides the following definition of unfair competition. Unfair competition is the actions of an economic entity or a group of persons aimed at obtaining advantages in carrying out economic activities, contrary to the legislation, customs of business turnover and capable of causing harm or causing damage to other economic entities (competitors) or damaging or undermining their business reputation.

The law indicates the sign of advantage as the first sign of unfair competition. The characteristic of advantages which an entrepreneur possesses when carrying out his economic activity characterizes the purpose of the committed action. Besides, it should be noted that taking an advantage can be considered as unfair competition only in case these advantages are unjustified, because the profit obtained from ordinary entrepreneurial activi-

20 Klepitskij I. Market Manipulation in Russia and in Europe: The Criminal Law Dimension. Russian Law Journal. 2016;4(3):120-135. <https://doi.org/10.17589/2309-8678-2016-4-3-120-135>

21 Khodjaev, Bakhshillo Kamolovich. Misleading advertising regulation in Uzbekistan: analysis of legal standards. Diss. 2018.

22 https://www.researchgate.net/publication/228211409_Monopoly_Power_and_Market_Power_in_Antitrust_Law

23 https://www.researchgate.net/publication/228211409_Monopoly_Power_and_Market_Power_in_Antitrust_Law

ty and actions not connected with unfair competition is the result of unfair competition. Unjustified advantages can include the use of a competitor's famous name, unjustifiably discrediting the competitor, appropriation of achievements by the competitor, etc.²⁴.

The law also provides for unlawful conduct as another sign of unfair competition. But unfair competition may not always go against the law. Sometimes the subject of unfair competition acts in accordance with the law.

The law provides that unfair competition also contradicts the custom of business turnover. Article 6 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan establishes that a rule of conduct not stipulated by the law, which has arisen and is widely applied in any sphere of entrepreneurial activity, is considered a rule of business turnover, regardless of whether it has been recorded in any document or not.

In the commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan this article is interpreted as follows: "by their function and nature they belong to the group of sources of civil law of Uzbekistan, applied in the sphere of civil and entrepreneurial turnover. Custom is a source of the law of obligations and not of property law. For this reason, in the Civil Code they are referred to as business customs. Outside the sphere of business relations the customs of business turnover (trade customs) are not considered as sources of civil law"²⁵.

Current legislation and legal theory refers business customs to the sources of civil law. Business customs are used mainly in the sphere of the law of obligations, in the sphere of contractual relations. Unfair competition is usually of a non-negotiable nature. Thus, it is almost impossible to qualify the actions of a business entity as actions of unfair competition on the basis of their contradiction to the habits of business turnover. Based on these characteristics, the question of whether it is possible to characterize the behavior of a business entity as an act of unfair competition remains questionable.

The sign of unfair competition by which it causes harm or may cause harm to other business entities (competitors) characterizes legally significant property and non-property consequences of unfair actions. Article 14 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan defines actual damage and lost profits as follows: loss means expenses incurred or subject to compensation by a person whose rights are violated to restore the violated right, loss or damage to his property (actual damage), as well as income (lost profit), which this person may receive but

not receive in conditions of normal civil turnover, when his rights are not violated. In this regard, when accounting for losses in the framework of unfair competition, it is important to take into account the consequences that have occurred, the possible consequences and lost profits.

The undermining of business reputation as part of unfair competition is an important result of it. Business reputation in the literature is usually defined as a public assessment obtained in the course of professional or entrepreneurial activity, a general or generally recognized opinion about the business qualities, merits of an individual or a legal entity.

Damage is considered to have been caused if the business reputation of a business entity has been damaged in any way. The pecuniary nature of damage to a business entity's business reputation is manifested, among other things, in the presence of losses as a result of competitive actions leading to a decrease in business reputation as an intangible asset. The non-proprietary nature of damage to business reputation is manifested in the loss of a business entity's positive perception of its business qualities to the public and, in particular, to the business community.

Of the listed general signs of unfair competition, the Competition Law of the Republic of Uzbekistan does not contain any signs of manifestation of market power and market manipulation. In fact, unfair competition differs from restricted competition (unfree competition) by such features as achievement of market advantage, infliction of harm to third parties, demonstration of one's market power, market manipulation.

In addition, part of the provisions on unfair competition in the law regulates relations related to intellectual property. And the rules of unfair trade are not reflected in the law. In conclusion, it is advisable to define unfair trade practices as follows. Legislation, work habits are a kind of gimmick, which implies circumvention of fair competition, which is contrary to the norms of morality.

Fair competition uses methods to ensure the quality of products (works, services), rational price formation, development of services before and after the sale of products (services), implementation of consumer preferences and innovation, effective functioning through advertising. Unfair competition can damage the ability to compete, including the conduct of competition contrary to the interests of market participants and the general public, as well as practices recognized by law as contrary to the public interest.

#

24 Klepitskij I. Market Manipulation in Russia and in Europe: The Criminal Law Dimension. Russian Law Journal. 2016;4(3):120-135. <https://doi.org/10.17589/2309-8678-2016-4-3-120-135>

25 Commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 1 (Part One) Ministry of Justice. - T.: "Vector-Press", 2010. - 816 p. - (Professional (qualified) reviews).



Шавкат БОЗАРОВ,
д.ф.ю.н. (PhD), юрист лизинговой ассоциации Узбекистана

ИНВЕСТИЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЛИЗИНГОВЫХ КОМПАНИЙ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ. В статье на основе положений законодательства Республики Узбекистан, регулирующего лизинговую и инвестиционную деятельности, анализируется инвестиционная деятельности лизинговых компаний, обосновываются предложения по расширению и повышению эффективности инвестиционной деятельности в лизинговом секторе экономики страны.

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг лизинг ва инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилиги меъёрлари асосида лизинг компанияларининг инвестициявий фаолияти таҳлил қилинади, мамлакат иқтисодиётининг лизинг соҳасидаги инвестициявий фаолиятини кенгайтириш ва самарасини ошириш бўйича таклифлар асосланади.

ANNOTATION. In this article, based on the provisions of the legislation of the Republic of Uzbekistan regulating leasing and investment activities, the investment activities of leasing companies are analyzed, proposals for expanding and improving the efficiency of investment activities in the leasing sector of the country are substantiated.

Ключевые слова: лизинг, лизинговая компания, инвестиции, инвестиционная деятельность, саморегулирование, уведомительный порядок.

Калит сўзлар: лизинг, лизинг ташкилоти, инвестициялар, инвестициявий фаолият, ўз-ўзини тартибга солиш, хабардор қилиш тартиби.

Key words: leasing, leasing company, investment, investment activity, self-regulation, notification procedure.

Инвестиционная деятельность лизинговых компаний по законодательству Республики Узбекистан

Современные формы лизинга, сложившиеся в середине 50-х годов прошлого столетия в США и распространившиеся по всему миру, рассматриваются в качестве важнейшей формы инвестиций, направленных на повышение производственного потенциала современного государства. По данным компании White Clark Group, подготовленным для ежегодного издания World Leasing Yearbook, по состоянию на начало 2020 года в пяти наиболее развитых странах общий объем лизинговых услуг составил: в Соединенных Штатах Америки – 473,38 млрд долл. США, в Китайской Народной Республике – 251,47 млрд долл. США, в Великобритании – 96,44 млрд долл. США, в Германии – 87,08 млрд долл. США, в Японии – 73,56 млрд долл. США¹. Хотя в нашей стране наблюдается постоянный рост количества лизинговых компаний и расширение объемов лизинговых операций, все же рынок лизинговых услуг страны невелик – по состоянию на 31 декабря 2021 года размер лизингового портфеля страны составил 5,83 трлн сумов или 538,21 млн долл. США².

В современном мире огромное внимание уде-

ляется финансированию проектов в области строительства крупных промышленных объектов, поставки авиационного и железнодорожного транспорта, оборудования для энергетического комплекса и сельского хозяйства, где отдельное место уделяется лизингу. Вопросы повышения эффективности инвестиций особо остро стоят в постковидный период, когда ведущие державы первоочередной задачей определили восстановление мировой экономики после тяжелейших испытаний, порожденных пандемией Covid-19.

Осознавая важность инвестиционной деятельности для будущего страны, руководство нашей республики особое внимание уделяет привлечению иностранных инвестиций в нашу экономику. В частности, 24-26 марта текущего года под руководством Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева организован Первый Ташкентский международный инвестиционный форум в качестве площадка для центральноазиатского региона, в формате которого для международного инвестиционного и бизнес сообществ был презентован инвестиционный потенциал Узбекистана. Форум был нацелен на привлечение лидеров крупных зарубежных инвестиционных, финансово-экономических организаций и компаний, заинтересованных в интеграции на динамично развивающийся рынок

1 World Leasing Yearbook 2021. Edited by Liza Paul. 42nd Edition. P. 3.

2 Лизинговая ассоциация Узбекистана. Сайт. <https://ula.uz/>



Ўзбекистана. На форуме выступили главы таких международных финансовых институтов, как Европейский банк реконструкции и развития Одиль Рено-Бассо и Азиатский банк развития Масасугу Асакава³.

В Республике Узбекистан лизинг на законодательном уровне определен как вид инвестиционной деятельности. Статья 9 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» определяет лизинг как вид инвестиционной деятельности по приобретению лизингодателем объекта лизинга за счет собственных и (или) привлеченных средств и передаче его лизингополучателю по договору лизинга⁴. Для прояснения инвестиционного характера лизинга необходимо рассмотреть не только сущность самого лизинга, но и раскрыть сущность инвестиций как экономической категории, что требует проведение сравнительного анализа положений вышеуказанного Закона «О лизинге» и Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»⁵.

Статья 2 Закона «О лизинге» определяет лизинг как особый вид финансовой аренды, когда арендодатель (лизингодатель) в связи с поручением арендатора (лизингополучателя) приобретает у поставщика (продавца) в собственность имущество и передает его во владение и пользование лизингополучателю за плату на срок не менее двенадцати месяцев при условии, что договор лизинга отвечает одному из следующих требований:

после завершения срока договора лизинга объект лизинга переходит в собственность лизингополучателю;

срок договора лизинга составляет более восьмидесяти процентов срока службы объекта лизинга или его остаточная стоимость по завершению договора лизинга составляет не более двадцати процентов от его первоначальной стоимости;

по окончании срока лизинговой сделки лизингополучатель имеет право выкупить объект лизинга по цене ниже рыночной стоимости на момент реализации данного права;

текущая дисконтированная стоимость всех лизинговых платежей превышает девяносто процентов текущей стоимости переданного в лизинг имущества на момент его передачи лизингополучателю.

Объектом лизинга, в соответствии со статьей 2 данного Закона, может быть любое имущество,

используемое для предпринимательской деятельности. А в соответствии со статьей 5 Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» имущество, вкладываемое в объекты предпринимательской деятельности, определено в качестве инвестиций.

Закон «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» является основным нормативным актом, регулирующим инвестиционную деятельность в Республике Узбекистан. Хотя статья 1 данного Закона определяет, что целью данного Закона является регулирование отношений в области инвестиций и инвестиционной деятельности, однако его принятие было, прежде всего, направлено на стимулирование инвестиционной деятельности в стране, о чем свидетельствуют не только прозрачность его положений, но и подробное изложение норм, регулирующих многие аспекты инвестиционной деятельности и гарантирующих права инвесторов, в том числе иностранных инвесторов. Также особое место в Законе уделяется регулированию деятельности государства в сфере инвестиционной деятельности.

Однако в сфере правового регулирования лизинговых отношений имеются множество проблем, которые не позволяют в полной мере использовать потенциал, содержащийся для лизинговых компаний как инвесторов в вышеуказанном Законе «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». В частности, отсутствие хотя бы минимального государственного регулирования лизинговой деятельности является причиной недоверия стратегических инвесторов, в том числе иностранных, к данному сектору экономики.

Как известно, в большинстве современных экономик имеются определенные механизмы государственного регулирования лизинговой деятельности. В экономически развитых странах лизинговая деятельность требует получения лицензии, в ряде государств, например в Казахстане, установлен уведомительный порядок для создания и осуществления лизингового бизнеса. Практически везде функционирует механизм государственного надзора за лизинговой деятельностью.

В нашей стране полностью отсутствует специальный надзор за лизинговой деятельностью. Исключение составляют коммерческие банки, осуществляющие лизинговые операции – они действуют на основании лицензии Центрального бан-

3 Первый Ташкентский международный инвестиционный форум. <https://iift.uz/ru/about/>

4 Закон Республики Узбекистан «О лизинге». Ведомости Олий Мажлиса республики Узбекистан. 1999. №5 ст. 108.

5 Закон Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности». Национальная база данных законодательства, 26.12.2019 г., №03/19/598/4221.



ка Узбекистана и находятся под его надзором⁶. Однако из-за ограничений, установленных со стороны Центрального банка Узбекистана, коммерческие банки пассивны на лизинговом рынке и предпочитают работать через дочерние лизинговые компании. В Республике Узбекистан для осуществления лизинговой деятельности юридическому лицу достаточно внести соответствующую запись в уставные документы.

В целях повышения прозрачности лизингового сектора для широкомасштабного привлечения инвестиций в лизинговую деятельность автором предлагается внедрение системы саморегулирования и уведомительного режима лизинговой деятельности.

Автором предлагается преобразовать Лизинговую ассоциацию Узбекистана в саморегулируемую организацию с обязательным членством, которая разработает стандарты и правила осуществления лизинговых операций и будет обеспечивать их соблюдение всеми своими членами. Кроме того, Ассоциацией должны быть установлены требования, соблюдение которых обязательно всеми членами для обеспечения защиты прав потребителей.

Члены саморегулируемой организации полностью сохраняют юридическую независимость, будут самостоятельно определять свою инвестиционную, коммерческую, корпоративную, кадровую и др. политики. Результаты ежегодного обязательного аудита членов Ассоциации должны быть опубликованы для всеобщего обозрения: потребители лизинговых услуг, а также потенциальные инвесторы должны иметь полный доступ к информации о деятельности каждого члена Ассоциации. Эти меры обеспечат прозрачность в деятельности членов Ассоциации, что укрепить доверие инвесторов к данному сектору экономики. Реализация идеи саморегулирования позволит полностью раскрыть инвестиционный потенциал лизингового сектора.

Для внедрения системы саморегулирования необходимо принять новый закон Республики Узбекистан, нормы которого будут регулировать общественные отношения по организации и осуществлению деятельности саморегулируемых организаций. Так как в лизинговой сфере целесообразно внедрение саморегулирования, основанного на обязательном членстве, после принятия вышеуказанного закона, необходимо принятие постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан, в котором будут урегулированы ключевые моменты создания и функционирования са-

морегулируемой организации в лизинговой сфере. В частности, в нем необходимо определить уполномоченного органа в лизинговой сфере (коим, по мнению диссертанта, должно стать Министерство финансов Республики Узбекистан), установить требования к минимальному размеру уставного капитала лизинговых компаний, закрепить юридическую независимость членов саморегулируемой организации и основные требования по защите прав потребителей лизинговых услуг.

Кроме того, необходимо внедрение уведомительного порядка для создания лизинговой компании. Закон Республики Узбекистан «О лицензировании, разрешительных и уведомительных процедурах» включает в себя все нормы и правила, необходимые для внедрения и функционирования уведомительного режима для лизинговой сферы⁷. В частности, лизинговая деятельность, по мнению автора, полностью соответствует деятельности, указанной в статье 36 данного Закона и для осуществление которой требуется внедрение уведомительного режима государственного регулирования. Действительно, природа лизинговой деятельности такова, что не требуется принятия решения уполномоченным органом для начала лизинговой деятельности отдельным субъектом, однако будущая лизинговая компания должна принять на себя обязательств по соблюдению установленных в актах законодательства требований и условий для обеспечения государственного регулирования, ведения учета субъектов лизинговой деятельности и осуществления контроля за ними.

Также, по мнению автора данной научной статьи, для стимулирования инвестиционной деятельности лизинговых компаний в Узбекистане необходимо внедрение новых видов лизинговых услуг. В частности, внедрение международного лизинга значительным образом стимулировало бы привлечение иностранных инвестиций в экономику Республики Узбекистан. В экономически развитых странах всегда в огромных объемах имеются свободные финансовые ресурсы, которые могли бы быть направлены на приобретение объектов лизинга и предоставления их для эксплуатации лизингополучателям в нашей стране. Процентные ставки по финансированию с этих источников всегда намного ниже ставок по внутреннему лизингу, что выгодно отечественным лизингополучателям. Кроме того, такой международный лизинг, предусматривающий импорт оборудования, означает прямые инвестиции в реальный сектор

6 Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности». Национальная база данных законодательства, №03/19/580/3994 от 16.11.2019 г.

7 Закон Республики Узбекистан «О лицензировании, разрешительных и уведомительных процедурах» Национальная база данных законодательства, 5.07.2021г. №03/21/701/0674.

экономики, что в значительной степени способствует стабильности в экономике и обеспечивает экономический рост.

Привлечению крупных иностранных инвестиций в лизинговый сектор экономики также могло бы способствовать внедрение исламских финансовых продуктов, в том числе исламского лизинга – ижара. В своем Послании к Олий Мажлису Республики Узбекистан 29 декабря 2020 года Президент Узбекистан Ш. Мирзиёев указал, что пришло время для создания правовых основ для внедрения исламских финансовых механизмов в нашей стране⁸. Однако несмотря на то, что уже прошло более года с момента произнесения этого Послания, до сих пор необходимые нормативные акты по внедрения исламских финансовых продуктов в нашей стране не приняты. Внедрение исламских финансовых продуктов, в том числе исламского лизинга – ижары, положительным образом сказалось бы на принятии решение международных исламских финансовых институтов и финансовых учреждений в ведущих исламских государствах по широкомасштабному инвестированию финансовых ресурсов в экономику нашей страны.

Обобщая все вышеизложенное, можно констатировать, что в Республике Узбекистан руководством страны предпринимаются активные шаги

по постоянному расширению инвестиционной деятельности, повышению их эффективности и широкомасштабному привлечению иностранных инвестиций. Инвестиционный потенциал лизинга в нашей стране используется далее не полном объеме. Несмотря на то, что Законы Республики Узбекистан «О лизинге» и «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» создают правовую основу для инвестиционной деятельности лизинговых компаний, однако имеющиеся многочисленные противоречия и запреты в законодательстве и правоприменительной практике мешают широкомасштабному привлечению инвестиций в лизинговый сектор экономики страны. Для стимулирования инвестиционной деятельности в лизинговой сфере автором предлагается внедрение саморегулирования и уведомительного порядка осуществления лизинговой деятельности, а также внедрение современных видов лизинга, таких как международный и исламский лизинг. Реализация данных предложений автора повысит прозрачность в деятельности лизинговых компаний, укрепит доверие инвесторов к данной сфере предпринимательской деятельности, позволит привлечь значительные инвестиции в данный сектор экономики, будет служить активизации инвестиционной деятельности лизинговых компаний.

#

8 Послание Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису Республики Узбекистан. 29 декабря 2020 года. Газета.uz. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/28/message/>



ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШНИНГ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактик усуллари ва процессуал жиҳатлари билан бевосита боғлиқ бўлган баъзи муаммолар таҳлил қилинган. Унда таниб олиш учун кўрсатишни мустақил тергов ҳаракати сифатида унинг мақсад-вазифалари ҳамда объектлари, шунингдек, объектига кўра ушбу тергов ҳаракатини турларга ажратиш масалалари ёритиб ўтилган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг тергов амалиётида қўлланиладиган тактик-криминалистик қоидалар ва жиноят-процессуал жиҳатидан миллий тажриба билан қиёсий таҳлил этилган ҳамда муаллиф томонидан тергов амалиёти ва процессуал қонунчиликка таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В статье анализируются некоторые вопросы, непосредственно связанные с тактическими приемами и процессуальными аспектами производства предъявления для опознания. Описаны цели и задачи, объекты предъявления для опознания как самостоятельного следственного действия, а также вопросы классификации данного следственного действия по объектам. Кроме этого, проведен сравнительный анализ тактико-криминалистических правил, применяемых в следственной практике зарубежных стран с национальным опытом по уголовно-процессуальным аспектам, а также автором выработаны предложения и рекомендации для следственной практики и процессуального законодательства.

ANNOTATION. The article analyzes some issues directly related to tactical techniques and procedural aspects of the production of presentation for recognition. The goals and objectives, objects of presentation for recognition as an independent investigative action, as well as issues of classification of this investigative action by objects are described. In addition, a comparative analysis of the tactical and forensic rules used in the investigative practice of foreign countries with national experience in criminal procedural aspects was carried out, and the author also developed proposals and recommendations for investigative practice and procedural legislation.

Калит сўзлар: таниб олиш учун кўрсатиш, тергов, хорижий тажриба, таниб олиш объекти, мурда, предмет, ҳайвон, нарса, ҳужжат, тирик шахс, тергов тактикаси, шахсни таниб олиш.

Ключевые слова: предъявление для опознания, следствие, зарубежный опыт, объект опознания, труп, предмет, животное, вещь, документ, живое лицо, следственная тактика, опознание лица.

Key words: presentation for recognition, investigation, foreign experience, object of recognition, corpse, object, animal, thing, document, living person, investigative tactics, face recognition.

Жиноятларни дастлабки тергов қилиш жараёнида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари орасида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тергов ҳаракатини тўлиқ ўрганилган дейиш қийин. Жиноят-процессуал қонунчилиги такомиллашиши билан таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари сезиларли даражада ўзгарган. Шунга кўра, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида илгари қўлланилган кўплаб криминалистик тавсияларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ушбу исботлаш воситасининг когнитив имкониятларини яхшилаш керак.

Ушбу тергов ҳаракатининг барчага маълум бўлган қоидаларини тушунтиришдан кўра ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактик усуллари ва процессуал жиҳатлари билан бевосита боғлиқ бўлган баъзи муаммолар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Биринчи навбатда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати объектларининг ягона таърифининг

йўқлигига эътибор қаратиш лозим. Шундай қилиб, В.В.Степанов ва Ю.Н.Михайловларнинг сўзларига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш объектларига қуйидагилар киради: тирик инсон (анатомик, функционал хусусиятлари бўйича); мурда танаси; мурданинг қисмлари; объектлар (нарсалар, моддий ҳодисалар); ҳайвонлар; бошқа тирик мавжудотлар; уларнинг жасадлари; жасад қисмлари¹.

Ю.П.Дубягиннинг сўзларига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш объектлари қуйма бўлиши мумкин: қўлнинг орқа қисмидан; мурданинг юзи ва танасининг бошқа қисмларидан, шунингдек чизилган портретлар — нусхалар (шу жумладан, бирлаштирилган моделлар — ниқоб + фотосурат + расм)².

В.А.Образцовнинг фикрига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш объектлари қуйидагилардир: одамлар, ҳайвонлар, қушлар, ҳайвонот ва ўсимликлар, инсонлар ва ҳайвонларнинг жасадлари, нарсалар, ўзига хос (алоҳида) белгилари бўлган жонли ва жонсиз табиатнинг бошқа объектлари³.

Ю.Г.Корухов таниб олиш учун кўрсатиш объектла-

1 Степанов В.В., Михайлова Ю.Н. Научные и правовые основы тактики предъявления для опознания при расследовании преступлений. Саратов, 2003. С. 55.

2 Дубягин Ю.П., Дубягина О.П., Логинов С.Г. Особенности методики расследования неочевидных убийств. М., 2004. С. 180.

3 Образцов В.А. Криминалистика: модели средств и технологий раскрытия преступлений. Курс лекций. М., 2004. С. 262.

ри орасида қўлда ёзилган матнларни ҳам ажратиб кўрсатади⁴.

Ю.В.Гаврилин таниб олиш учун кўрсатиш объектларига (анъанавийдан ташқари) дастурлар, маълумотлар базалари, матн ёки график файллар, унинг ташувчилари кўринишидаги компьютер маълумотларини ҳам киритган⁵.

Биз юқоридаги фикрларнинг барчасига ҳам қўшила олмаймиз. Мустақил таниб олиш объекти сифатида гипс ёки бўялган портрет нусхаларни тақдим этиш мантиққа зиддир. Ўз-ўзидан моддий олам объекти сифатида чизилган портрет терговни қизиқтирмайди. У фақат объект тасвирининг (объект ҳақидаги маълумот) ташувчиси сифатида ишлатилади. Бундай ҳолда гипслар таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати объектини намойиш қилиш шаклларида бири бўлиб, ёрдамчи роль ўйнайди. Бунда таниб олиш объекти бевосита мурда (аниқроғи тананинг бир қисми) бўлиши мумкин. Фикримизча, номаълум мурданинг юзи ва танасининг бошқа қисмларига нисбатан гипс қўллаш шахсни аниқлаш усулларида бири сифатида жуда мақбулдир, чунки у шахсни аниқлаш тамойилларига зид келмайди ва тергов эҳтиёжларини қондириши мумкин.

Қўлёзма матнларни таниб олиш объекти сифатида тақдим этиш ҳам унчалик маъқулланмайди. Қўлёзма матн – бу қўлёзмани тўлдирган шахсга хос бўлган барқарор хусусиятлар тўплами билан тавсифланган белгилар тизимидир⁶. Криминалистик нуқтаи назардан қўлёзма – ёзиш ва ҳаракат маҳоратига асосланган, ёзиш жараёнининг моддийлаштирилган маҳсулидир⁷.

Қўлёзма ҳар доим муайян ташувчиларда амалга оширилади, улар ҳажми, шакли, материали билан тавсифланади. Ушбу хусусиятлар қўлда ёзилган матнларни таниб олиш учун мустақил объект бўлган нарсаларга киритиш имконини беради. Ёзиш маҳоратини аниқлаш таниб олиш объекти бўлиши мумкинми? Шубҳасиз, бу ҳолатда таниб олиш объекти ёзиш маҳорати ёки қўл ёзуви эмас, балки унинг ижроси бўлиши керак ва бу вазифага эришишнинг энг мақбул усули хатшунослик экспертизасини тайинлаш энг мақбул йўлдир.

Таниб олиш объектларига компьютер маълумотларини киритиш мумкин эмас. Анъанага кўра таниб олиш объектлари моддий ҳодисалар ҳисобланади. Компьютер маълумотлари моддий эмас, унинг таниб олиш белгилари осонгина ўзгариши мумкин, шунинг учун у таниб олиш объекти бўла олмайди.

Шундай қилиб, таниб олиш учун кўрсатиш объек-

ектлари: одамлар, нарсалар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳайвонлар, бинолар, иншоотлар ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, таниб олиш учун кўрсатиш объектлари рўйхати жиноят-процессуал қонунга алоҳида шаклда киритилиши керак.

Таниб олиш учун кўрсатиш турларини таснифлашда ягона ёндашув йўқлигига эътибор қаратилади. Анъанага кўра таниб олиш учун кўрсатиш объектига қараб таниб олиш турлари ажратилади. Шу асосда таниб олишнинг бундай турлари шахсни таниб олиш; мурданинг шахсини аниқлаш; ашёларни, жиноят қуролларини, ҳужжатларни, ҳайвонларни, қушларни аниқлаш; ерлар, турар жойлар ва бошқа биноларнинг ҳудудларини аниқлаш⁸. Бизнингча, жиноят қуроллари ва ҳужжатларни шахсни аниқлаш учун кўрсатиш турлари сифатида ажратиб кўрсатишнинг ҳожати йўқ, чунки улар “предмет” тушунчаси билан қамраб олинган.

Таниб олиш турларини таснифлашнинг яна бир асоси баъзан таниб олиш учун кўрсатилган шахснинг жисмоний ҳолати деб баҳоланади. Шу асосда, жисмоний соғлом шахсни таниб олиш ва турли хил жисмоний ногирон кишиларни таниб олиш фарқланади.

Шубҳасиз, бу ҳолатда биз таниб олиш учун кўрсатиш турларидан бири – тирик шахсларни аниқлаш ҳақида муҳокама қиламиз. Шуни унутмаслик керакки, айрим турдаги тергов ҳаракатлари ўзига хос чекловлар ва тайёргарлик тадбирлари билан белгиланган хусусиятга эга бўлиши мумкин, ammo уларни ўтказиш жиноят-процессуал қонуни билан тартибга солишда сезиларли фарқ йўқ. Бундан ташқари, нима учун таниб олиш турларини таснифлашда фақат шахснинг жисмоний ҳолати асос бўлиши аниқ эмас. Аслида таниб олишнинг турларидан бирини танлаш учун асос шахснинг жисмоний ҳолати бўлиши мумкин (лекин амалиётда фақат тирик одамларни эмас, балки жасадларни ҳам, объектларни ҳам таниб олиш ҳоллари мавжуд).

Қоида бўйича инсонни таниб олиш визуал тарзда унинг анатомик табиати ташқи белгилари бўйича амалга оширилади. Бироқ айрим тергов вазиятларида таниб олиш функционал белгилар, мисол учун юриши, овози (тембр) ва гапириши (ўзига хос сўзлар ва нутқи шакли, тезлиги, турли нуқсонлар: ёриқ лаб, дудуқлик) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин⁹.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда таниб олиш учун кўрсатишнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин.

1. Таниб олиш объектига кўра:

а) тирик шахсларни (айбланувчи, гумон қилинувчи,

4 Корухов Ю. Г. Предъявление для опознания на предварительном следствии и в суде. М., 1969. С. 7.

5 Гаврилин Ю.В. Расследование неправомерного доступа к компьютерной информации. М., 2001. С. 65.

6 ПавловИ.Д. Динамическая стереотипия головного мозга. Физиология нервной системы. В 6 т. М., 1952. Т. 4. С. 357.

7 Словарь основных терминов теории и практики судебно-почерковедческой экспертизы. М., 1981. С. 56.

8 Шепитько В.Ю. Криминалистика: курс лекций. Издание второе. Харьков, 2004. С. 218.

9 Мамедов.М.И. Современные проблемы предъявления для опознания и пути их решения. Закон и право – 2021. С. 123



жабрланувчи, гувоҳ ва айбланувчиларни) аниқлаш; улар анатомик ва функционал хусусиятларига кўра таниб олиш мумкин (масалан, овоз ёки юриш);

б) предмет (нарсалар, ҳужжатлар ва бошқаларни таниб олиш);

в) мурда (одамлар, ҳайвонлар) ҳамда уларнинг қисмларини таниб олиш;

д) ҳайвонларни таниб олиш;

э) турар-жой ва бинолар, ер майдонларини таниб олиш.

2. объектларни кўрсатиш усулига кўра:

а) объектни аниқлаш учун тўғридан-тўғри кўрсатиш – бевосита (инсон, мурда, бирор нарса объект сифатида табиий ҳолда кўрсатилади);

б) объектни таниб олиш учун билвосита билвосита, яъни объектнинг ўзи эмас, балки фото нусхаси, кино, видео ёки объектнинг 3D нусхаси, овоз ёзилган тасма ёки аудио ва бошқалар.

3. Ўтказиш кетма-кетлигига қараб:

а) дастлабки таниб олиш;

б) объектни бошқа белгилар юзасидан қайта таниб олиш.

4. Жиноят ишини юритиш босқичига қараб:

а) дастлабки терговда таниб олиш;

б) суд терговда таниб олиш.

Бизнинг фикримизча, ушбу тасниф бошқалардан кўра таниб олиш учун кўрсатишнинг муҳим криминалистик белгиларини инобатга олади ва ушбу тергов ҳаракатининг тактикасини ишлаб чиқишда асос бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари, мурдани таниб олиш Жиноят-процессуал кодексида таниб олиш объектларига киритилмаган. Албатта, бу амалиётда мурдани таниб олиш ўтказилмайди дегани эмас. Бироқ, турдош объектлар орасидан таниб олиш тўғрисидаги қоида мурдани таниб олишда қўлланилмайди (ЖПК 128-модда). Таниб олиш объектлари ичида мурда-

ни таниб олиш мақсадига кўра бошқа объектлардан фарқ қилади. Тирик шахслар, нарсалар, ҳайвонлар, бинолар, иншоотлар ва бошқаларни таниб олиш учун кўрсатишдан мақсад жиноятчи ёки жиноий қилмишни аниқлаш бўлиб, мурдани таниб олиш учун кўрсатишнинг мақсади эса – мурда шахсини аниқлашдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби деб номланган ЖПКнинг 127-моддасига шахсни таниб олиш белгилари сифатида унинг ташқи белгилари қаторида таниб олинувчи шахснинг овози, ҳаракат белгиларини киритиш лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 14-бобига “Мурдани таниб олиш тартиби” сифатида 129¹-модда киритилиши лозим. Бунда мурдани таниб олиш қоидалари билан бирга мурданинг қисмларини таниб олиш қоидалари ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, “Ҳайвон, унинг жасадлари ва унинг қисмларини таниб олиш тартиби” сифатида 129²-модда киритилиши лозим. Чунки бугунги кунда ҳайвонларнинг ҳам қимматбаҳо турлари мавжудлиги боис айрим жиноятлар юзасидан уларни таниб олиш тергов ҳаракати ўтказилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган ўзгаришлар 2021 йил 27 ноябрдан кучга кирди. Қонун билан Жиноят кодексига янги 202¹-модда (Ҳайвонларга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш) билан тўлдирилиб, жиноий жавобгарлик кўзда тутилди.

Ушбу моддаларнинг киритилиши баённоманинг тўғри шакллантирилишига сабаб бўлади. Масалан, амалиётда мурдани таниб олиш баённомада шахсни таниб олиш сифатида киритилади. Ҳолбуки, мурда шахс ҳам, объект ҳам эмас. Баённомага бундай шаклда киритиш эса процессуал қоидаларга зиддир.

#



Шохрат ДАВЛЕТОВ,
Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси

ИЖРО ИШИ ЮРИТИШГА ОИД ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада ижро иши юритишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, икки ва кўп томонлама шартномалар, уларнинг тан олиниши, ушбу шартномалар асосида берилган ижро ҳужжатларини ижрога қаратиш, мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш масалалари хорижий ва МДҲ давлатлари ҳамда миллий қонунчилик нуқтаи назаридан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются международно-правовые акты об исполнительном производстве, двусторонние и многосторонние договоры, их признание, принудительное исполнение исполнительных документов, выданных на основании этих договоров, применение принудительных мер исполнительного производства с точки зрения законодательства зарубежных стран и стран СНГ а также национального законодательства.

ABSTRACT. This article deals with international legal instruments on enforcement proceedings, bilateral and multilateral agreements, their recognition, enforcement of enforcement documents issued on the basis of these agreements, application of enforcement measures in terms of foreign and CIS countries and national legislation. analysis was performed.

Калит сўзлар: халқаро-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, шартнома, конвенция, арбитраж, суд, ижрочи, ижро ҳужжати, даъвогар, жавобгар, алимент, қарздор, ундирувчи.

Ключевые слова: международное право, сравнительное правоведение, договор, конвенция, арбитраж, суд, исполнитель, исполнительный лист, истец, ответчик, алименты, должник, взыскатель.

Key words: international law, comparative law, contract, convention, arbitration, court, executor, writ of execution, plaintiff, defendant, alimony, debtor, claimant.

Ўзбекистонда охириги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ва кенг қамровли ислохотлар ўтказилди, янги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимини тартибга солувчи мустақам ҳуқуқий база яратилди. Ҳуқуқий нормаларни мажбурий ижро этилишини таъминловчи тартиб-тамомийларнинг, шу жумладан суд ҳокимияти қарорлари ва бошқа орган ҳужжатларининг ижроси ўз вақтида таъминланмаслиги маълум бир маънода суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарали амалга оширилишига таъсир кўрсатиши табиийдир. Чунки ижроси таъминланмаган суд қарорлари тарафлар учун бирон-бир юридик аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Шунга кўра, ижро иши юритишда нафақат айрим хорижий мамлакатларнинг қонунчилик тизимини ўрганиш, балки халқаро қонун ҳужжатларини қиёсий-таҳлил этиш ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки бундай жараён миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга ҳамда ижро этувчи органларнинг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

1993 йил 22 январда МДҲга аъзо мамлакатлар “Жиноий ва фуқаролик, оилавий ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида”ги Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар фуқаролик ва оила, нотариал тарзда тасдиқланган пул мажбуриятлари бўйича ҳамда жиноят натижасида етказилган за-

рарларни қоплашга қаратилган қарорлар ижросини таъминлашда Конвенция қоидаларини татбиқ этадилар.¹

Ҳозирда жаҳонда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ бир қанча муҳим конвенция ва халқаро шартномалар мавжуддир. Конвенциялар халқаро майдонда суд ва бошқа органлар қарорлари ижроси юзасидан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, 1965 йил 15 ноябрда Гаагада қабул қилинган “Давлат ҳудудидан ташқарида фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд ва бошқа ҳужжатларни ижрога топшириш тўғрисида”ги Конвенция.

Конвенция барча фуқаролик ёки савдо ишлари бўйича суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш давлат ҳудудидан ташқарида амалга ошириш лозим бўлган ҳолатларда қўлланилади.

Конвенция талабларини қўллашда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ёки бошқа иш юритиш масалалари асосан инглиз ва француз тилларида олиб борилади. Бироқ конвенциядан фойдаланаётган бошқа давлатлар ҳам ўз давлат тилларида қўллаши мумкин.

Конвенцияда ҳар бир давлат ўзининг тегишли элчихонаси ёки ваколатхоналари орқали ҳужжат-

1 Голубева А.Р., Могилева И.Ю. Правовое регулирование исполнительного производства в государствах—членах Евразийского экономического сообщества: сравнительный анализ // Практика исполнительного производства. 2011. № 3. С. 11—21.



ларни бошқа давлат органларига етказишлари белгиланган.

Тарафларнинг конвенцияга мувофиқ, бир-бирига жўнатилган суд қарорлари ижро этилишини истисно қилувчи ҳолатлар сифатида фақатгина ушбу қарорларнинг ижроси давлатнинг хавфсизлиги ёки суверенитетига зарар келтириш хавфи бўлса ижро қилинмайди.

Бундан ташқари, ҳужжатларни ижро этувчи мамлакатларнинг юрисдикцияси конвенцияга мувофиқ ҳал этиладиган масалаларни кўриб чиқишда устуворлик характерига эга. Агарда шундай ҳолатлар юзага келганда тарафлар бир-бирини дарҳол хабардор этиши лозим.

Шунингдек, Конвенцияга мувофиқ, агарда бирор-бир шахсни судда жавобгар тариқасида иштирок этиши ҳамда у ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этилиши талаб этиладиган бўлса, одил судловни амалга оширадиган суд органи уни суд жараёнида иштирок этишини таъминлашни сўраб тегишли давлатларга суд хабарномаларини ўзининг дипломатик ваколатхоналари ёки консулликлари орқали юборади.

Агарда жавобгар суд қақирувлари ёки хабарномаларини ўз вақтида олмаган бўлса ёки унга бу ҳақда тегишли равишда ўз вақтида унга хабар берилмаганлигини етарлича асослантира олса, суд унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ҳолатлар юзасидан қабул қилган қарорларини ўзгартиришга ёки бекор қилишга мажбур бўлади.

Конвенцияга кўра, иштирокчи давлатларнинг айби билан даъвогар ёки жавобгар тегишли равишда суд жараёнлари билан боғлиқ хабарлар ёки қақирувларни ўз вақтида олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, тегишли давлатнинг суд органлари томонидан уларнинг даъво ёки қарши даъвога бўлган ҳуқуқларини тиклашга ёки улар билдирилган илтимосномаларни бажаришга мажбур бўлади.

Энг асосийси, Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир мамлакат бошқа чет давлатидан келиб тушаётган суд ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатларни ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича ягона бир марказлаштирилган давлат органини ташкил этиши шарт ёки бўлмаса бирор-бир давлат органига ушбу вазифани юклаши лозим бўлади. Чунки давлат органи конвенция талабларини бажаришда асосий жавобгар субъект сифатида қаралади.

Аргентина, Белоруссия, Бельгия, Болгария, Англия, Венесуэла, Германия, Греция, Дания, Исроил, Ирландия, Испания, Италия, Канада, Кипр, Хитой, Корея Республикаси, Қувайт, Латвия, Литва, Люксембург, Мексика, Нидерландия, Норвегия, Покистон, Польша, Португалия, Россия, Словакия, Словения, АҚШ, Туркия, Украина, Финляндия, Франция, Чехия,

Швейцария, Швеция, Шри-Ланка, Эстония ва Япония давлатлари конвенцияни ратификация қилган.²

Ушбу Конвенция Ливан, Ўзбекистон, Хорватия мамлакатлари томонидан ратификация қилинмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида кўрсатилган Конвенцияни ратификация қилган давлатлар Гаагада 1954 йил 1 мартда қабул қилинган “Фуқаролик процесси масалалари” Конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади.

Шунингдек, БМТнинг “Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Конвенция 1958 йилда Нью-Йоркда қабул қилинган.

Конвенция жисмоний ва юридик шахслар ўртасида келиб чиққан низолар юзасидан қабул қилинган арбитраж қарорларининг бошқа мамлакатлар ҳудудида тан олиниши ва ижро этилишига доир муносабатларни тартибга солади. Турли давлатлар шартномавий муносабатлардан келиб чиққан низоларни ҳал этишда Конвенция нормаларини қўллашни ўзаро келишиб олиши ёки шартномаларда бевосита мазкур қоидаларга ҳавола этиши мумкин.

Конвенция доирасида келишувга эришган мамлакатлар арбитраж қарорларини ўз ҳудудида тан олади ҳамда уни ижросини таъминлаш бўйича ўзининг процессуал нормалари орқали амалга оширади. Бироқ Конвенция доирасида арбитраж қарорлари ижроси таъминланаётганида бирор ортиқча тўловлар ёки мажбурий йиғимларнинг ундирилишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, Конвенция иштирокчиси бўлган тарафлар қуйидаги ҳолларда арбитраж қарорлар ижросини тан олмасдан қабул қилган давлат органига қайтариб юбориши мумкин:

– агарда арбитраж қарори иккинчи тарафни суд жараёнига жалб этмасдан унинг ҳуқуқ ва манфаатларига муайян даражада зарар етказилиб қабул қилинган бўлса;

– қабул қилинган қарор арбитраж судловига тааллуқли бўлмаган ёки тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, Конвенция доирасидан ташқари бўлган масалалар бўйича қабул қилинган бўлса;

– агарда қабул қилинган қарор иккинчи бир мамлакатни қонунларига зид бўлса ва бошқа ҳолатлар.

Шунингдек, ижроси таъминланиши лозим бўлган арбитраж қарорлари агарда мамлакатнинг умумий тартиб қоидаларига ёки бошқа жиҳатларига зид бўлган тақдирда, ижрочи мамлакат ушбу ҳужжатни ижро этиб бўлмаслик масалаларини асослаган ҳолда, уни қабул қилган давлат органига қайтаради.³

Ҳар бир давлат Конвенцияни ратификация қилиш пайтида ўз ҳудудида бошқа давлатдан алимент ундириш бўйича келиб тушган талабномаларни бажаришда бир неча давлат ёки махсус ваколатли юридик шахсларни конвенция талаби бўйича махсус

2 Хакимова П.М. Различные механизмы и подходы международного опыта системы принудительного исполнения [Электронный ресурс]. URL: <http://kapravo.ru/>

3 Исаенкова О.В. Исполнительное законодательство: использование зарубежного опыта // Исполнительное право. 2008. № 4. С. 9.

агентликлар сифатида эътироф этиши лозим бўлади.

Конвенциянинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир аъзо давлат ўз ҳудудида алимент бўйича талабномаларни бажариш учун қандай ҳужжатлар зарурлиги ҳақида БМТ Бош котиби орқали бошқа конвенцияга аъзо давлатларга ўз талабини етказди.

Алимент бўйича талабномани бошқа давлат ҳудудига юборишда қуйидаги ҳужжатлар талабномага албатта илова қилиниши лозим бўлади.

Жумладан:

даъвогарнинг исми, фамилияси, ирқи, миллати, туғилган куни ва ойи, фуқаролиги ҳамда қонуний вакили бўлса, у ҳақдаги барча маълумотлар;

жавобгарнинг исми, фамилияси, ирқи, миллати, туғилган куни ва ойи, фуқаролиги ҳамда қонуний вакили бўлса, у ҳақдаги барча маълумотлар;

суднинг қарори ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар, шунингдек, иш билан боғлиқ бўлган барча оиланинг молиявий манбалари билан боғлиқ барча ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, талабнома тақдим қилувчи тараф талабномани қабул қилган тарафга алимент ундириш масалалари бўйича ўз тавсияларини бериши ҳам мумкин.

Талабномани қабул қилиб олган агентлик даъвогарнинг манфаатларини кўзлаб алимент ундириш бўйича барча чора-тадбирларни амалга ошириб бориб, уларни доимий равишда хабардор этиб боради. Агарда талабнома ижросини таъминлаш имконияти бўлмаганда бу ҳақда даъвогар яшаётган давлатнинг махсус агентлиги орқали бу ҳақда асослантирилган равишда тўлиқ жавобларни юборади.

Бундан ташқари, икки тарафнинг махсус агентликлари агарда судда алимент масалалари бўйича ишлар кўрилатганда иш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тақдим этишда, у ёки бу шахсларнинг судга олиб келишда ёхуд ишга алоқадор бўлган ҳужжатларни бошқа давлат органидан тақдим этилиши зарур бўлган ҳолларда ҳам, тараф мазкур Конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг ижросини бажаришлари мумкин.

Агарда тарафлар Конвенция доирасида келиб чиққан низоларни ўзаро келишув асосида ҳал эта олмаса, унда халқаро судга мурожаат этишлари мумкин бўлади.⁴

Конвенция бугунги кунда 64 та давлат томонидан ратификация қилинган бўлиб, улардан Англия, Венгрия, Германия, Италия, Польша, Руминия, Финляндия, Франция, Швеция Австралия, Аргентина, Боливия, Бразилия, Гватемала, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Украина, Филиппин, Чили,

Эквадор, ЖАР ва бошқалар.

Худди шунга ўхшаш “Алиментни ундириш бўйича нормаларни унификация тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига бугунги кунда 14 та давлат, яъни Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Туркия, Франция, Швейцария ва Япония мамлакатлари аъзодир.⁵

1973 йилдаги “Алимент мажбуриятлари бўйича ишларни тан олиш ва бажариш тўғрисида”ги Гаага Конвенциясини ҳозирда 15 га яқин давлат ратификация қилган бўлиб, улар Албания, Германия, Греция, Испания, Италия, Литва, Люксембург, Нидерландия, Польша, Португалия, Туркия, Франция, Швейцария, Эстония, Япония мамлакатлари ҳисобланади.⁶

Болгарияда хусусий суд ижрочилари ижро иш юритуви доирасида давлат органларидан қарздорга алоқадор бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлиб, хусусан, унинг ижтимоий ҳуқуқларига оид маълумотларни, кўчмас мол-мулкка оид кадастр ҳужжатларини олиши мумкин.

Англия ва Уэльсда ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этишда мансабдор шахслар қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари мумкин:

- ундирувни қоплаш мақсадида активларни хатлаш;

- активларни олиб қўйиш ва сотиш;

- қидирув ишларини олиб бориш ва ҳужжатлаштириш;

- хавфсизликни таъминлаш;

- алоҳида ҳолатлар юзасидан эксперт гуруҳларини ташкил этиш;

- суд қарорларини мажбурий ижро этишда асосий жавобгарликни ўз зиммасига олган ҳолда, бошқа давлат органлари билан полиция, ёнғин хавфсизлиги хизматлари ҳамкорлик қилиш.

Қарздорнинг активлари ҳақидаги маълумотга эга бўлишга муайян бир чекловлар мавжуд бўлиб, бунинг учун энг аввало суд буйруғи зарур бўлади ҳамда маълумот фақатгина судда маълум қилиниши мумкин. Бироқ бу ҳақда кредитор ёки ундирувчи билмаслиги шарт.⁷

Нидерландияда “Суд ижрочилари тўғрисида”-ги қонунда ижрочиларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Хусусан, суд ҳужжатлари асосида ижрочилар шахсларни уйдан чиқариш, мулкларга банд солиш, аукционларни ташкил этиш, қамоқда ушлаб туриш, ихтиёрий равишда ўтказилаётган аукционларни назорат қилиш ва бошқа функцияларни амалга оширади.

Бундан ташқари, қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

4 Долинская В. В., Долинская Л. М. «Законы России: опыт, анализ, практика», 2013, N 11. С 58.

5 Исполнительное производство: учебное пособие / В.В.Пиляева. – 4-е изд., стер. – М., КНОРУС, 2008. С. 19-20

6 Статья М. Г. Богомоловой «Исполнение решения российского суда при выбытии должника в иностранное государство» включена в информационный банк согласно публикации - «Налог» (журнал), 2010, N 6.

7 Авакьян А.В. Общая характеристика исполнительного производства в зарубежных странах // Конституционное правосудие. 2003. № 4(22). С. 23.



васий ёки ҳомий сифатида ҳаракат қилиши мумкин;

учинчи шахслар манфаатлари учун пул маблағларини тўплаши мумкин;

инвентаризация ва баҳолаш функцияларини амалга ошириши мумкин;

суд ижрочиси томонидан шахсан кузатилган ҳолатлар бўйича гувоҳлик бериши мумкин;

ўз ваколат доирасида суд қарорлари чиқариши ва топшириқлар бериши мумкин.⁸

Францияда суд ижрочилари суд қарорлари билан боғлиқ равишда қуйидаги ижро ҳаракатларини амалга оширадilar: тарафларга суд ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиш, суд залида ички тартибни таъминлаш, кўчар мол-мулклар бўйича оммавий аукционлар ўтказади.

Франциянинг “Суд ижрочиларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, суд ижрочилари оммавий функцияларни бажариб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича ижро варақаларини топшириш вазифасини амалга ошириши назарда тутилган.⁹

Нидерландияда 2009 йилда суд ижрочиларнинг электрон шаклдаги реестри ташкил этилиб, унда судьялар ўзлари томонидан чиқарилган қарорларнинг ижроси ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиб, муайян маънода уни назорат қилиш имкониятига ҳам эга бўладilar. Бундан ташқари, Нидерландия Адлия вазирлиги томонидан суд ижрочилари учун марказлашган тарзда хатланган мол-мулкларни реестри жорий этилиши натижасида хатланган мол-мулкни бошқа ижрочи томонидан такроран хатлаш ва реализация қилинишининг олдини олади.

Қарздорни четга чиқишини чеклаш масаласи ҳам Беларуссия Республикаси, Исроил, Қозоғистон Республикасида кенг қўлланилади. Фақатгина Исроилда шахс ўзи даволангани кетаётган бўлса ёки яқин қариндошига ҳамроҳлик қилиши ёки бирга кетса бундай ҳолатлар мустаснодир.

Англия ва АҚШда ҳам агарда шахс ўз боласини моддий таъминлашдан ёки алимент тўлашдан бўйин товлаётган бўлса, унинг ҳайдовчилик гувоҳномасидан фойдаланишни вақтинчалик тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиниши мумкин. Қачонки, қарздор алимент тўловларини тўлиқ тўлаган тақдирдагина чеклов бекор қилиниши мумкин.

Қозоғистон Республикасида агарда қарздор ижро ҳужжати бўйича белгиланган тегишли мажбуриятни бажармаганда суд ижроси томонидан қарздорнинг

муайян бир рухсатнома ёки лицензия асосида олиб бораётган фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туриш юзасидан тегишли давлат органларига топшириқ жўнатиш ваколатига эга.¹⁰ Бугунги кунда мажбурлов чорасини Россия Федерацияси, Беларуссия Республикалари ҳам ўз тизимида жорий этиш юзасидан ишлар олиб бормоқда. Бироқ бу турдаги мажбурлов чораси Европа мамлакатларида учрамайди.

Европа иттифоқига аъзо Латвия, Литва, Мальта давлатларидан ташқари қолган барча давлатлар 1956 йил 20 июнда қабул қилинган “Мамлакат ҳудудидан ташқарида алиментларни ундириш тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилган.

Англияда айнан болаларни парваришлаш ва алимент тўловларини ундириш масалалари билан шуғулланувчи махсус давлат агентлиги (Child Support Agency) мавжуддир. Агентлик ўз болалари билан яшамаётган ота-оналардан тегишли пул маблағларини ундириш бўйича кенг доирадаги ваколатларга эга. Унинг фаолияти 2008 йилда қабул қилинган “Болалар таъминотида оид маблағлар ва бошқа тўловлар тўғрисида”ги (Child Maintenance and Other Payments Act) қонунига биноан қуйидаги ваколатлар доирасида ҳаракат қилади. Хусусан:

ота-онанинг мол-мулкни хатлаб қўйиш;

судга мурожаат қилиш орқали қарздорнинг айрим йўловчи ёки ҳайдовчилик гувоҳномаларидан фойдаланишни чеклаб қўйиш (2 йил муддатгача) ёки бошқа ҳудудга чиқишини чеклаш (6 ойгача);

якуний чора сифатида қамоқ жазосини қўллаш.¹¹

Исроилда агарда шахс ўз болаларига ёки турмуш ўртоғига ёхуд ота-онасига ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида тўламаса ёки ундан бўйин товласа, суд ижрочилари бошқармаси раҳбарияти томонидан қарздорнинг иш берувчиси орқали унинг иш ҳақида арест солиши, шунингдек, қарздорнинг алоҳида мулкига ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкига таъқиқ солиши мумкин.

Нидерландияда болалар таъминотида оид қарздордан пул маблағларини ундириш билан бевосита 1965 йилда қабул қилинган “Болалар таъминотида оид маблағлар тўғрисида”ги қонунга кўра, махсус агентлик Landelijk Bureau Inning Onderhoudsbijdragen (LBIO) амалга оширади.

Бундан ташқари, ижро ҳужжатлари ичида чет эл судлари қарорларини ижро этиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан, Россияда чет эл судлари қарорларини ижро этишда алоҳида тартиб-қоидалар мавжуд эмас, лекин уни мамлакат ҳудудида ижро-

8 Селезнев В.А. Полномочия должностных лиц в зарубежных системах исполнительного производства // Современное право. 2010. № 12. С. 155–159.

9 Кузнецов Е.Н. Французская модель исполнения: позитивный правовой опыт для России? // Арбитражный и гражданский процесс. 2005. № 9. С. 43.

10 Ярков В.В. Республика Казахстан на пути к бюджетной (частной) системе принудительного исполнения // Вестн. ВАС РФ. 2009. № 3. С. 138–151

11 Гладышев С.И. Исполнительное производство Англии. – М., 2002. С. 161–162.

га қаратишдан олдин албатта мазмунан ўрганиб кўрилади.¹²

Англияда чет эл суд қарорлари махсус рўйхатдан ўтказилгандан кейин ижрога қаратилади.¹³

Австрия, Испания, Португалия ва Нидерландияда суд ижрочиси мажбурий ижро чораларини амалга оширишда қарздор ҳақидаги маълумотга эга бўлиш учун тегишли ташкилот ва корхоналар расмий сайтига тегишли маълумотларни олишда суд санкцияси талаб этилади.

Бироқ кўпгина Европа мамлакатларида электрон шаклдаги маълумотларни олишда суднинг аралашуви шарт эмас. Хусусан, Швеция, Словения, Болгария, Эстония, Германия, Бельгия, Венгрия, Исроил ва бошқа мамлакатларда. Ушбу усул ўзининг афзаллик жиҳатлари билан кўпчилик давлатларда фаол қўлланилмоқда. Масалан, Швецияда шу усулдан фойдаланиш натижасида 75 фоиздан ортиқ фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари уч ой ичида яқунланади.¹⁴

Бундан ташқари, Россия Федерациясида «Ижро иши юритуви тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида суд приставлари ижро ҳаракати давомида қўллаган чоралар ўз самарасини бермаса, жисмоний куч, махсус воситалар ҳамда ўқотар қуроллардан

фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, Россия Федерацияси қонунида суд пристави томонидан ижро ҳаракатлари соат 6:00 дан тунги 22:00 га қадар амалга оширилиши, сутканинг бошқа вақтлари давомида ижро ҳаракатларини ўтказиш суднинг қарорига кўра амалга оширилиши назарда тутилган.

Миллий қонунчилигимизда ижро ҳаракатлари соат 8:00 дан 22:00 га қадар белгиланган, сутканинг бошқа вақтлари ва байрам, дам олиш кунлари ижро ҳаракатлари ўтказиш вақтини давлат ижрочиси ҳал этиши кўрсатилган.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида давлат ижрочисини катта давлат ижрочиси томонидан, катта давлат ижрочисини эса ўзи томонидан рад қилиниши кўрсатилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бўлган ижро тизимининг ижобий ва айрим ҳолатларда салбий томонларини ҳам инобатга олган ҳолда, таҳлил этиш ва унинг натижалари бўйича қонунчиликнинг такомиллаштирилиши келажакда мамлакатимизда мазкур соҳадаги муайян ютуқларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#

12 Морозова И.Б., Треушников А.М. Исполнительное производство: Учебно-практическое пособие. С. 59-64

13 Гладышев С.И. Исполнительное производство в английском и российском праве: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2001. С. 4.

14 Хесс Б. Системы принудительного исполнения // Исполнительное производство: традиции и реформы / Под ред. Р. Ван Рее, А. Узелач, В.О. Аболонина, В.В. Яркова. М., 2011. С. 72.



ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддасида жавобгарлик белгиланган ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив томони муаммолари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бунда мазкур жиноятнинг объектив томони белгилари, унинг ўзига хос жиҳатлари миллий ва хорижий олимлар фикрлари ҳамда қонунчилик таҳлили асосида ёритилган. Таҳлил қилинган масалада миллий қонунчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В статье дается научно-теоретический анализ проблемы объективной стороны превышение власти или должностных полномочий, который определен 206-статьей Уголовного кодекса Республики Узбекистан. При этом особенности объективной стороны преступления раскрываются на основе мнений отечественных и зарубежных ученых, а также анализа законодательства. В анализируемом материале были выдвинуты предложения по развитию национального законодательства.

ABSTRACT. The article provides a scientific and theoretical analysis of the problem of the objective side of abuse of power or official powers, which is defined by Article 206 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. At the same time, the features of the objective side of the crime are revealed on the basis of the opinions of domestic and foreign scientists, as well as analysis of legislation. In the analyzed material, proposals were put forward for the development of national legislation.

Калит сўзлар: объектив томон, зарар, мансабдор шахс, ижтимоий хавфли, суд амалиёти, квалификация.

Ключевые слова: объективная сторона, ущерб, должностное лицо, общественно опасный, судебная практика, квалификация.

Key words: objective side, damage, official, socially dangerous, judicial practice, qualifications.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив белгиларини ёритишдаги таҳлил этиладиган иккинчи масала бу ушбу жиноятнинг объектив томонидир. Жиноят ҳуқуқи фанида ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти объектив томонининг белгилари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Жумладан, М.Ҳ.Рустамбоевнинг фикрича, объектив томондан жиноят “мансабдор шахснинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлишида ифодаланади”¹. Б.Ж.Ахраровнинг қайд этишича, “жиноятнинг объектив томони мансабдор шахснинг ваколатидан четга чиқувчи ҳаракатларнинг содир этишида ифода этилиши мумкин. Бу ҳолларнинг ҳаммаси учун умумий бўлиб мансабдор шахснинг унга қонун белгилаб берган ҳуқуқ ва ваколатлардан четга чиқувчи ҳаракатларни содир этишидир”². Ҳокимият ёки мансаб ваколатларидан четга чиқишнинг объектив томонининг зарурий белгиси бўлиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига ёхуд давлат ёки жамоатчилик манфаатларига путур етказиш кўринишидаги ижтимоий

хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши, шунингдек, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий алоқа бўлиши мумкин.

Демак, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг объектив томони 3 та муҳим белги билан тавсифланади:

1) ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларнинг содир этилганлиги – ижтимоий хавфли қилмиш;

2) фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилганлиги – ижтимоий хавфли оқибат;

3) ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжулиги – сабабий боғланиш.

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти объектив томонининг биринчи белгиси бўйича Кодекснинг 206-моддасида “мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши” лозимлиги белгиланган.

Бунда ушбу жиноят бўйича жавобгарлик келиб чиқиши учун шахс битта эмас, бир нечта ҳаракатни, яъни ҳаракатларни содир этиши факти бўлиши

1 Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. IV том. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 261.

2 Рустамбаев М.Ҳ., Ахраров Б.Ж. Бошқарув тартибига қарши жиноятларни квалификация қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 16.

керакми, деган асосли савол юзага келади. Таъкидлаш лозимки, қонунда берилган ушбу таъриф, яъни “ҳаракатларни содир этиш” қонунчилик техникаси “нуқсон”ни эмас, балки “ҳаракат” атамаси мазмунини кенг талқин қилишнинг алоҳида бир усулини ўзида ифодалайди³.

Мутахассислар фикрига кўра, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг оддий турини одатда такрорий содир этилган жиний ҳаракатлар ташкил этади⁴. Бизнинг назаримизда, қонун чиқарувчи кўпликда ишлатган ҳаракатлар тушунчасини сўзма-сўз талқин қилиш бу ерда ўринли бўлмаса керак, чунки жиний жавобгарлик чегараси асоссиз равишда торайишига олиб келади. Ўз-ўзидан равшанки, мансабдор шахснинг ваколатлари доирасидан четга чиқувчи ҳар қандай ҳаракат, агар у ҳеч бўлмаса битта одамнинг ҳуқуқлари сезиларли даражада бузилишига олиб келган бўлса, ижтимоий хавfli ҳисобланади. ЖКнинг 206-моддаси матнини сўзма-сўз шарҳлаш қонунни қўлловчи турлича талқин қилиши ҳолатларини, битта ҳаракатни ушбу модда билан квалификация қилишда турли қарашларни юзага келтиради. Биз қонундаги ушбу ноаниқликни бартараф этиш, бунда қонундаги “ҳаракатлар” сўзини “ҳаракат” сўзи билан алмаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки суд амалиётининг таҳлили ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш якка (масалан, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ) ҳаракат содир этилганда ҳам юз бериши мумкинлигини кўрсатади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳокимият ёки мансаб ваколатлари доирасидан четга чиқишни квалификация қилиш масалаларининг ҳанузгача баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган жиҳатларидан бири бу ушбу қилмишнинг ҳаракатсизлик орқали амалга ошириш мумкинми, деган саволдир. А.И.Марцев фикрига кўра, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш фақат ҳаракат йўли билан содир этилади⁵. Худди шундай нуқтаи назар кўплаб олимлар, шу жумладан, А.Отажонов, М.Хайдаров томонидан ҳам илгари сурилади: ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш фақат фаол ҳаракат орқали содир этилади⁶. Аммо аксарият олимлар томонидан мазкур жиний ҳаракатсизлик орқали ҳам содир этилиши мумкинлиги қайд этилган⁷.

Аммо таҳлил қилинаётган қилмиш ҳаракатсизлик йўли билан содир этилиши мумкин, деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги юзасидан ЖКнинг 207-моддасида алоҳида жавобгарлик белгиланган (мансабга совуққонлик билан қараш). Иккинчидан, “четга чиқиш” атамаси “ташқарига чиқиш” деган маънони англатадики, бу ҳар доим шахснинг фаол ҳаракатини назарда тутати. Шу сабабдан, ушбу жиний фақат фаол ҳаракат орқали содир этилади, деган хулоса чиқаришимиз мумкин.

Кейинги муҳим масала ушбу жиний амалда қандай шаклларда содир этилишига аниқлик киритиш ҳисобланади. Чунки, ЖКда “мансабдор шахснинг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши” деган умумий норма белгиланган бўлиб, унинг шакллари ва амалиётда қандай тадбиқ этилиши каби масалалар қонунда акс этмаган. Яъни ЖК 206-моддаси биринчи қисмининг диспозициясида мансабдор шахс ғайриқонуний хулқ-атворининг аниқ турлари назарда тутилмаган. Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиний ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сон қарорида аниқлик киритилган. Жумладан, мазкур қарорнинг 28-бандида мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг қуйидаги асосий кўришилари саналган:

1) мансабдор шахс томонидан бошқа шахснинг ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши;

2) мансабдор шахс томонидан фақат қонунда ёки қонуности ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши;

3) коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан якка тартибда содир этилиши;

4) ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳақи бўлмаган ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши ва бошқалар⁸.

Мансабдор шахс томонидан бошқа шахснинг

3 Доиджашвили Д. Объективная сторона превышения власти или служебных полномочий. // Сов. юстиция. – 1989. – № 22. – С. 24.

4 Галахова А.В. Превышение должностных полномочий // Уголовное право. Особенная часть. Под ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Форум, 2003. – С. 305.

5 Марцев А.И. Преступления против интересов государственной власти, интересов государственной службы и службы в органах местного самоуправления // Уголовное право. Особенная часть. – Омск, 2000. – С. 494.

6 Жиний ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, А.Отажонов, М.Рустамбаев ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 451.

7 Ткачева Г.В. Уголовная ответственность за превышение должностных полномочий. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов н/Д, 2004. – С. 89.

8 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиний ишлар бўйича суд ама-



ваколати доирасига кирувчи ҳаракатларнинг содир этилиши деганда, мансабдор шахс томонидан ўзидан юқори турувчи ёки мақоми тенг бўлса-да, бошқа мансабдор шахснинг ваколатида бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши тушунилади.

Мансабдор шахс томонидан фақат қонунда ёки қонуности ҳужжатида кўрсатилган алоҳида ҳолатлар мавжуд бўлгандагина содир этилиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг содир этилиши деганда, ҳаракатни амалга ошириш ушбу мансабдор шахсга тегишли бўлганлиги, аммо уни амалга ошириш учун ҳуқуқи фақат қонунда ёки қонуности ҳужжатида белгиланган ҳолатлар юзасидан берилганлиги, бунда мансабдор шахс қонунда ёки қонуности ҳужжатида белгиланган ҳолатлар юзага келмаган бўлса-да, тегишли ҳаракатларни содир этганлиги тушунилади.

Жиноятнинг коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан яқка тартибда содир этилиши шакли ҳам амалиётда кенг тарқалган қилмишлардан ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон қарори билан тасдиқланган Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида низомга кўра, коллегиял орган ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда идоралараро ҳамкорликни таъминловчи ҳамда ушбу орган ва ташкилотларга ташкилий-амалий, услубий, илмий ва бошқа жиҳатдан кўмаклашувчи доимий ёки вақтинчалик жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳатлашув органи ҳисобланади. Коллегиял органлар ҳудудий тегишлилигига қараб республика ва ҳудудий миқёсида, шаклига кўра эса – комиссия, кенгаш, қўмита, ишчи гуруҳ ва бошқа кўринишдаги коллегиял органлар сифатида ташкил этилиши мумкин. Коллегиял органларнинг шакли ва унинг ишчи органи мазкур органларга юклатилаётган вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб коллегиял органларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланади⁹.

Демак, коллегиял орган ваколатига кирувчи ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан яқка тартибда содир этилиши деганда, муайян ҳаракатни амалга ошириш, муайян масала юзасидан қа-

рор қабул қилиш ваколати ҳайъат, илмий кенгаш, комиссия, кенгаш, ишчи гуруҳ ва бошқа шу каби коллегиял органларга тегишли бўлган ҳаракатни мансабдор шахс томонидан тегишли коллегиял орган қарорисиз яқка тартибда амалга ошириш тушунилади.

Ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳолатда амалга оширишга ҳаққи бўлмаган ҳаракатнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши деганда, бирорта мансабдор ёки бошқа шахсга амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳаракатларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши тушунилади. Мисол тариқасида ҳеч кимга бошқа шахсни азоблаш, қийнаш ваколати берилмаган.

Шу ўринда ҳеч ким ва ҳеч қачон содир этишга ҳақли бўлмаган ҳаракатлар ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жиноятнинг шакли деб топилиши мумкин эмас¹⁰, деган фикр ҳам диққатга сазовордир. А.В.Галахова фикрига кўра, бу ерда гап ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқишнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган бошқа икки шаклидан бири ҳақида боради¹¹. Н.А.Егорова “ҳеч кимга рухсат этилмаган ҳаракатларни содир этиш”ни ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг кўринишларидан бири деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ушбу ҳолатда “бошқарув функцияларини бажаришнинг ҳуқуқий асослари бузилганига қарамай, шахс ўз субъектив ҳуқуқи – бошқариш ҳуқуқи доирасида иш кўришда давом этади”¹².

Мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш учун жавобгарлик муаммоларига бағишланган тадқиқотларда кўрсатилган шаклнинг мавжудлиги¹³ ёки бундай ҳаракатлар ҳар қандай шахслар учун жиноят қонуни билан тақиқлангани¹⁴ қайд этилади. Жиноят ишлари материалларининг таҳлили мансабдор шахс томонидан зўрлик, қурол ёки махсус воситалар ишлатилиши баъзан ҳеч ким ва ҳеч қачон содир этишга ҳақли бўлмаган ҳаракатлар деб топилади, деган хулосага келиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган шакллардан ташқари амалиётда ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш бошқа мансабдор шахс ёки давлат органи билан келишилган ҳолда амалга

лиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сон қарори. // www.lex.uz/docs/1443984

9 Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги “Идоралараро коллегиял органлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 948-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2018 й., 09/18/948/2213-сон; www.lex.uz/docs/4072882

10 Диника В.И. Уголовная ответственность за превышение власти или служебных полномочий сотрудников органов внутренних дел: Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 1992. – С. 54.

11 Галахова А.В. Превышение должностных полномочий // Уголовное право. Особенная часть. Под ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Форум, 2003. – С. 31–32.

12 Егорова Н. Управленческие преступления и злоупотребление правом. // Уголовное право. – 2006. – №5. – С. 29.

13 Айдаев С.Г. Превышение должностных полномочий. Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 94–95.

14 Ткачева Г.В. Уголовная ответственность за превышение должностных полномочий. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов н/Д, 2004. – С. 71.; Плехова О.А. Уголовная ответственность за злоупотребление и превышение должностных полномочий. Дисс. ...канд. юрид. наук. – Ростов н/Д, 2006. – С. 76.



оширилиши лозим бўлган ҳаракатни мансабдор шахс томонидан белгиланган тартибда келишилмасдан якка тартибда амалга ошириш шаклида ҳам амалга оширилиши кузатилади. Аксарият олимлар ушбу ҳолатни ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқишнинг алоҳида шакли сифатида қайд этишади¹⁵.

Айни пайтда кўриб чиқиладиган қилмишнинг муқаррар белгиси фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши тарзидаги оқибатларнинг юз бериши ҳисоблангани боис, бир ёки бир нечта ижтимоий қадриятлар ЖК 206-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят бевосита объектининг муқаррар муқобил белгиси ҳисобланади.

Ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқиш тамом бўлган жиноят деб топилиши учун ЖК 206-моддаси биринчи қисмининг диспозициясида белгиланган ижтимоий хавфли оқибатлар юз бериши, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши шарт. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳуқуқлар ва манфаатларга зарар ёки зиён етказилиши жиноят объектида юз берувчи номақбул ўзгаришларни акс эттиради¹⁶. Айни пайтда оқибатларнинг оғирлик даражасини тавсифлаш учун “зарар”га нисбатан “кўп миқдорда” атамаси, “зиён”га нисбатан эса – “жиддий” атамаси ишлатилган.

Давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш деганда, қонунни қўлловчи, одатда, мансабдор шахс томонидан оғир жиноятнинг яширилишини тушунади. Бизнинг назаримизда, ҳар қандай жиноятни яшириш ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқишнинг оқибатларига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят ишлари материалларининг таҳлили мулкӣ зарар тарзидаги кўп миқдорда зарар фуқароларга ўрганилган ҳолатларнинг 17 фоизда, ташкилотлар ва давлатга эса – 8 фоизда етказилганини кўрсатади. Кўп миқдордаги зарар деганда ЖКга мувофиқ базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар тушунилади.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқиш жиноятининг бар-

ча оқибатлари мазмунини нормада ёритиб беришнинг иложи йўқ, шу туфайли ҳам мазкур масалани ечиш муайян ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда иш кўрадиган қонунни қўлловчининг эътиборига ҳавола этилган. Бизнинг назаримизда, ЖКнинг XV боби моддаларида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш деганда, шу жумладан, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш; ташкилотлар, жамоат ва давлатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган номулкӣ манфаатларини бузиш; давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўсига путур етказиш; мансабдор шахс бошқа жиноятни яшириши тушунилиши лозим. Барча оқибатларнинг мазмунини жиноят қонунида ёритиш мумкин эмас, шу туфайли ҳам уларнинг намунавий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қароридан берилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқиш жинояти объектив томонининг учинчи муқаррар белгиси – қилмиш ва юз берган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш. Жиноят ҳуқуқи фанида қабул қилинган “зарурий боғланиш” назариясига мувофиқ, ўрганиладиган жиноятга татбиқан сабабий боғланиш мансабдор шахс учун аён бўлган ўз ҳокимият ёки мансаб ваколлати доирасидан четга чиқиш билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши ўртасидаги объектив алоқа сифатида тавсифланади. Бунда мансабдор шахснинг ҳаракатлари мазкур оқибатларнинг бирортасидан олдин содир этилади, ҳуқуқлар ва манфаатларга кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишининг бош омили ҳисобланади, юз берган жиноий натижа эса – мазкур ҳаракатларнинг зарурий, табиий оқибати деб эътироф этилади¹⁷.

Илмий адабиётларда мансабдорлик жиноятларининг умумий таркибларидаги сабабий боғланишни аниқлашга нисбатан бошқача ёндашувлар ҳам илгари сурилган. А.А.Тер-Акопян фикрига кўра, умумий мансабдорлик жиноятлари объектив томонининг кўриб чиқиладиган элементи қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади¹⁸:

йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар билан юз берган оқибатлар ўртасидаги алоқа билвосита хусу-

15 Балык П.П. Юридический анализ объективных признаков превышения должностных полномочий. // Правопорядок: история, теория, практика. – 2019. – № 3 (22). – С. 33.

16 Борков В. Недостатки конструкции состава должностного злоупотребления как причина проблем правоприменения // Уголовное право. 2007. №4. – С. 11.; Голубев В.В. Квалификация коррупционных преступлений. – М., 2002. – С. 18.

17 Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2005. – С. 113–114.; Полный курс уголовного права / Под ред. А.И.Коробеева. Т. 1. – СПб., 2008. – С. 377.

18 Тер-Акопян А. Причинная связь в преступлениях, связанных с нарушением должностных функций // Советская юстиция, 1984. №22. – С. 3.



сиятга эга бўлиши билан;

мавжуд алоқаларнинг мураккаблиги билан, бунда айтилган бир ҳуқуқбузарлик турли-туман оқибатларга сабаб бўлиши мумкин ва аксинча конкрет оқибат ранг-баранг, бироқ турдош ҳуқуқбузарликлар натижаси бўлиши мумкин; сабабнинг норматив тусдалиги билан, бу ҳуқуқий норманинг муайян қонундаги бузувчи қилмишгина жиноятга сабаб бўлиши мумкинлиги билан белгиланади;

оқибатлар сабаби сифатида амал қилиши мумкин бўлган қилмишларнинг чекланганлиги билан.

Таъкидлаш лозимки, ЖКнинг 206-моддаси мазмунидан қилмишнинг қандай шаклларда амалга оширилиши мумкинлигини тушуниб олиш қийин. Белгиланган умумий нормалар амалиётда уларни турлича талқин қилиш ҳолатларига сабабчи бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сон қарорида қилмишни амалга ошириш шакллари саналган бўлса-да, уларнинг мазмуни очиқ берилмаган.

Биз қонунчиликдаги бундай ноаниқликни бар-

тараф этишни, жумладан, ЖКнинг 206-моддасида ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан чиқиш қандай шаклларда амалга оширилиши аниқ белгиланиши, шунингдек, қилмишни содир этишнинг ҳар бир шаклининг мазмуни, амалиётда уни қўллаш шартлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг томонидан тушунтириш берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу мақсадда ЖКнинг 206-моддаси биринчи қисми диспозициясини янги таҳрирда қабул қилишни ҳамда “Ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорини қабул қилишни таклиф этамиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган таклифларнинг қонунчиликка киритилиши ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш жиноятининг объектив томонини, амалга ошириш шаклларини тўғри тушунишга, ўз навбатида, бундай тоифадаги жиноятларни тўғри квалификация қилиш, бунда ушбу жиноятни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлашга ёрдам беради.

.....
#



Мадина ТУРСУНОВА,
кандидат юридических наук (PhD), докторант УМЭД

МЕЖДУНАРОДНЫЙ МЕХАНИЗМ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ НОРМ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

АННОТАЦИЯ. В данной научной статье раскрывается понятие механизма имплементации норм международного права. Раскрываются основы и сущность правоприменительной деятельности, виды международных механизмов реализации международного права и категории имплементационных механизмов. Также дается понятие международного институционального механизма реализации норм, касающихся права на образование.

АННОТАЦИЯ. Мақолада халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми тушунчаси очиб берилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асослари ва моҳияти, халқаро ҳуқуқни амалга оширишнинг халқаро механизмлари турлари ва амалга ошириш механизмининг турлари тоифалари ёритилган. Шунингдек, таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларни амалга оширишнинг халқаро институционал механизми концепцияси келтирилган.

ABSTRACT. This scientific article reveals the concept of the mechanism for the implementation of the norms of international law. The fundamentals and essence of law enforcement activity, types of international mechanisms for the implementation of international law and categories of implementation mechanisms are revealed. The concept of an international institutional mechanism for the implementation of norms relating to the right to education is also given.

Ключевые слова: международные процедуры, международные институциональные правовые средства реализации международного права, международные правовые средства реализации международного права, правообеспечительное нормотворчество, толкование, международный контроль, правоприменительная деятельность.

Калит сўзлар: халқаро процедуралар, халқаро ҳуқуқни амалга оширишнинг халқаро институционал-ҳуқуқий воситалари, халқаро ҳуқуқни амалга оширишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари, ҳуқуқни қўллаш нормаларини ишлаб чиқиш, изоҳ, халқаро назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

Key words: international procedures, international institutional legal means for the implementation of international law, international legal means of implementing international law, law enforcement rulemaking, interpretation, international control, law enforcement.

Большая часть норм международного права выполняется посредством аппарата внутригосударственной имплементации. Желание к увеличению результативности международно-правового регулирования явило собой то, что с начала 20 века, в соответствии с нормами международного права, по волеизъявлению государств возникла процедура формирования правовых средств и форм¹.

Посредством внутригосударственного механизма имплементации исполняются нормы международного права². Под механизмом имплементации норм понимается имеющаяся в конкретных правовых и организационных формах система правовых средств, применяемая как одним государством, так и несколькими для полного исполнения обязательств, установленных согласно международному праву³.

При исследовании источников международного права появилась возможность имеющиеся правовые средства, призванные для гарантии выполнения

на международном уровне международного права, находящиеся в правовых и организационных формах подразделить на 3 группы:

- международные процедуры;
- международные институциональные правовые средства реализации международного права;
- международные правовые средства реализации международного права, в конкретной области международного сотрудничества, используемые как отдельно, так и совместно государствами.

Международные процедуры введены в 1899 и 1907 гг. согласно Конвенции о мирном решении международных столкновений устанавливается процесс двустороннего расследования. Данный механизм, возможно, использовать, если одна из сторон обратилась с заявлением о нарушении конвенции.

Под международным механизмом реализации норм международного права понимается система организационно-правовых и нормативных средств,

1 Cruz J. B. What's Left of the Law of Integration?: Decay and Resistance in European Union Law. Oxford: Oxford University Press. 2018. 224 pages

2 Кривокапич Б. Международное публичное право: учебник. Самара, 2018. 600 с.

3 Безбородов Ю.С. Истоки международного права. От jus naturale к jus gentium // Междунар. публ. и частное право. - 2011. - N 1. - С.25-27.



применяемая с целью исполнения норм на национальном и международном уровнях субъектами международного права.

Конвенционный механизм осуществления (реализации) норм включает правообеспечительное нормотворчество, международный контроль, толкование, правоприменение.

Как правило, в форме конкретизации выступает правообеспечительное нормотворчество. Ему присуще важное значение. Его реализацию может затруднить у первичных норм высокая степень обобщённости.

Правообеспечительное нормотворчество. Здесь можно выделить следующие разновидности:

1) предварительное нормотворчество (в том числе создание «пробных» норм права), предшествующее созданию основных норм, реализацию которых призвано обеспечить. «Экспериментальные» нормы позволяют предопределить эффективность будущих норм, обнаружить их недостатки с целью совершенствования будущего договора;

2) конкретизация, осуществляемая или одновременно с созданием первичных, основных норм, или в процессе их реализации. Например, одновременно с Договором между СССР и США о ликвидации их ракет средней дальности и меньшей дальности 1987 г. был подписан ряд договоров в целях его исполнения: Меморандум о договоренности, об установлении исходных данных в связи с этим Договором, Протокол о процедурах, регулирующих ликвидацию ракетных средств, подпадающих под действие Договора, а также договоры СССР и США с рядом государств о проведении инспекций на их территории.

3) закрепление нормами международного права необходимых (или возможных) мер внутригосударственного правотворчества. Причем ими могут устанавливаться рамки такого нормотворчества и даже определяться содержание будущих норм внутреннего права.

4) установление рамок правового регулирования и (или) правового режима. Предусматривается, например, что в одних ситуациях субъекты должны руководствоваться внутренним законодательством, в других – только международными нормами;

5) определение компетентных органов государства, на которые возлагаются права и обязанности в связи с реализацией договорных норм. Правообеспечительные нормы содержатся, как правило, в тех же договорах, что и основные нормы – регулятивные. Однако в некоторых случаях государства могут заключать дополнительные (специальные) соглашения во исполнение основных. Например, соглашения о гарантиях предусматривают, что государство может выступать гарантом какого-либо договора, в связи с чем берет на себя обязательства

поддерживать конкретное положение международного-правового характера.

Толкование. Оно также является средством обеспечения реализации и может осуществляться как в процессе нормотворчества, так и в правоприменении. Конкретизация и толкование тесно взаимосвязаны. Конкретизация немыслима без толкования, а последнее нередко переходит в конкретизацию.

Международный контроль. Главное в контрольной деятельности – установление фактических обстоятельств и их оценка с точки зрения соответствия требованиям норм права, т. е. проверка. Она осуществляется путем сопоставления информации о деятельности государства (или иных субъектов) либо путем сравнения деятельности с требованиями норм права. Основой любого метода контроля является сбор и оценка информации.

Правоприменение. В международно-правовом механизме реализации правоприменение представляет основанную на нормах международного права индивидуальную или коллективную деятельность государств или иных субъектов по обеспечению реализации норм в конкретных ситуациях.

Правоприменительная деятельность необходима, как правило, в случаях, когда происходят «сбои» нормального процесса реализации и требуются дополнительные усилия со стороны правоприменительных органов.

Поскольку круг субъектов договора или иного нормативного акта ограничен, не исключается, что правоприменительные органы могут рассматривать не какое-то конкретное дело, а ситуацию по реализации договора в целом или отдельных его положений.

Правоприменительная деятельность начинается с выяснения фактических обстоятельств. Государства или иные субъекты правоприменения выбирают способы и процедуру выяснения обстоятельств, которые считают наиболее подходящими для данного случая, если такие способы специально не оговорены в договоре. Любая процедура в конечном счете сводится к получению информации об обстоятельствах реализации норм, от ее полноты и достоверности зависит правильность оценки и принятия решения. Закономерно в этой связи все большее внимание различным специальным миссиям по установлению фактов⁴.

Юридическая квалификация и принятие решения – следующие стадии международного правоприменительного процесса. Когда деятельность государств не совместима с нормами, реакция государств и юридическая оценка этого облакаются в соответствующую форму – устное или документально оформленное сожаление, предупреждение, протест, решение о прекращении договора, применение других ответных мер и др. Обосновывая решение, правопримени-

4 Beiter K.D. The protection of the right to education by international law: including a systematic analysis of Article 13 of the International Covenant on Economic, Social, and Cultural Rights / by Klaus Dieter Beiter. 774 pages.

тель дает юридическую оценку действиям государства-исполнителя (нарушителя), ссылаясь на нормы международного права.

Правоприменительная деятельность завершается принятием правоприменительного акта – решения по конкретному делу (вопросу). Поскольку основным назначением правоприменения является обеспечение реализации норм международного права, то правоприменительные акты – это акты, предусматривающие меры обеспечения: меры содействия реализации (оказание помощи в разработке национального законодательства, предложения и рекомендации по совершенствованию правореализационного процесса и др.) и меры воздействия (прекращение договора, возмещение ущерба, исключение из международного общения, экономические и другие санкции). В зависимости от ситуации правоприменительные органы могут принимать несколько решений, предусматривающих различные меры.

Акты применения могут иметь рекомендательный характер (комитеты, комиссии принимают, как правило, рекомендации) либо содержать обязательные предписания (некоторые решения Совета Безопасности ООН, Международного суда, арбитражных судов, индивидуальные решения государств).

Если рассматривать международный контроль, то среди средств обеспечения исполнения странами международных обязательств данный способ является эффективным для осуществления проверки исполнения норм международного права. Институт международного контроля представляет собой систему правовых норм, установленных в международных соглашениях, предметом регулирования которых являются отношения государств по проверке соблюдения международно-правовых обязательств.

В последние десятилетия право на образование продолжает развиваться в международном праве. Принимаются новые международно-правовые акты, актуализирующие систему международного права, затрагивая и образование.

На рубеже веков пересмотру подверглась Европейская социальная хартия, которая в обновленном виде была принята 3 мая 1996 года в Страсбурге. Европейская социальная хартия рассматривает право на образование и его реализацию в контексте защиты прав ребенка. Данная сфера затрагивается в трех статьях хартии: статья 7 «Право детей и молодежи на защиту», статья 10 «Право на профессиональную подготовку», статья 17 «Право детей и молодежи на социальную, правовую и экономическую защиту». Защита права на образование в статье 7 хартии раскрывается в запрете на участие в работах, лишаящих возможности получать обязательное образование.

Борьба с дискриминирующими нормами и обстоятельствами происходит и в XXI веке. Так, Конвенция о правах инвалидов, принятая резолюцией 61/106

Генеральной Ассамблеи от 13 декабря 2006 года, содержит статью 24, которая посвящена праву инвалидов на образование. Особое внимание здесь отведено как запрету дискриминации в образовании, так и полному развитию человеческого потенциала, обеспечению разумного приспособления, индивидуализированной поддержке.

Международный организационно-правовой (институциональный) механизм реализации международного права включает государства, организации и органы (комитеты, комиссии, судебные органы), деятельность которых осуществляется посредством переговоров, консультаций, встреч, конференций, рассмотрения вопросов в согласительных комиссиях, судебного разбирательства.

Международная правоприменительная деятельность осуществляется в определенных организационно-правовых формах, которые можно охарактеризовать как институционный механизм реализации.

Государства для обсуждения хода реализации действующих норм и совместного реагирования на их нарушения используют, прежде всего, переговоры. Международные органы создаются либо на постоянной основе, либо для решения какого-либо конкретного вопроса (комиссия экспертов).

Об имплементации международно-правовых норм можно говорить только в том случае, если государство не только издает соответствующие законодательные акты для осуществления норм международного права, но и проводит в жизнь эти акты.

Справедливо мнение Л.Х. Мингазова, что «реализация – одна из основных предпосылок эффективности международно-правовых принципов и норм»⁵. Результаты исследования конституционных имплементационных механизмов позволили выделить следующие способы реализации норм международного права, которые базируются на положениях Конституций:

а) критерий признания монистического или дуалистического подхода к соотношению международного права и национального права;

б) критерий применения норм международного права в зависимости от их юридической природы: договорные нормы и обычные нормы.

Исходя из указанного критерия, ученые выделяют 3 категории имплементационных механизмов:

1) конституционные имплементационные механизмы, рассматривающие только международный договор, как часть национального права или национальной правовой системы;

2) конституционные имплементационные механизмы, признающие лишь за обычными нормами международного права возможность их применения в национально-правовой сфере;

3) конституционные имплементационные механизмы, признающие любые нормы международно-

5 Мингазов Л.Х. Эффективность норм международного права. - М., 1990. - С. 155.



го права частью национальной правовой системы.

Из анализа имплементационных конституционных механизмов сформулирован вывод о конкретных способах реализации норм международного права в национальном законодательстве, отличающихся большим разнообразием.

Международный институциональный механизм реализации норм, касающихся права на образование, представляет собой совокупность органов и организаций, а также самих государств, которые осуществляют деятельность по реализации права. В.Я.Суворова выделяет следующие формы деятельности в рамках институционального механизма: переговоры, консультации, встречи, конференции, а также судебные разбирательства и рассмотрение вопросов в согласительных комиссиях. В механизме обеспечения реализации права на образование присутствуют многие из перечисленных форм.

Одна из самых распространенных форм – это встречи и конференции различных должностных лиц сотрудничающих государств. Особенно заметную роль встречи и конференции играют в интеграционных процессах на европейском пространстве. С момента запуска Болонского процесса каждые два года проводятся встречи министров, отвечающих за высшее образование, по результатам которых принимаются коммюнике, в которых отражаются результаты и перспективы реализации мероприятий Болонского процесса.

Еще больший упор на повышение качества образования и организацию обучения в течение всей жизни сделан в последнем на сегодняшний день Парижском коммюнике, принятом в мае 2018 года. Помимо этого, сделан акцент на необходимость укрепления социального аспекта образования.

Основанием для учреждения международных институциональных правовых средств реализации международного права являются международные договоры или иные международно-правовые акты. На основе двусторонних договоров могут учреждаться двусторонние межправительственные органы. В отдельных случаях данные средства могут создаваться (назначаться) при возникновении того или иного юридического факта, являющегося основанием для их создания (назначения).

Центральное место в процессе имплементации

международного права на международном уровне занимают государства, непосредственно реализующие субъективные права и обязанности, вытекающие из норм международного права. Для обсуждения хода реализации международного права, для осуществления дополнительного нормотворчества и реагирования на нарушения, государства могут использовать как двусторонние, так многосторонние переговоры, международные конференции, которые являются наиболее распространенной формой обсуждения и решения международных проблем, в том числе и возникающих в правореализационном процессе.

В случаях, когда совершаются нарушения международного права, государства, могут как совместно, так и индивидуально, с использованием возможностей отдельных установленных правовых средств, проводить мероприятия в сотрудничестве с международными организациями по вопросу оказания на нарушителя дипломатического давления, а также мер правового принуждения.

Если рассматривать меры международно-правового принуждения, то государства данные меры по отношению к нарушителю, имеют право принять только ограниченные международно-правовыми нормами. В целях гарантирования имплементации положений международно-правовых норм у государств существуют межправительственные организации, к данному числу в первую очередь относится ООН.

процессуальной самостоятельности и независимости следователя, как участника уголовно-процессуальных отношений, следует признать, что вопросы самостоятельности и независимости широко обсуждаются в юридических кругах.

Понятие независимости и самостоятельности некоторыми учеными отождествляются. Некоторые ученые не говорят о независимости следователя. Указывая только, что следователь обладает процессуальной самостоятельностью и ответственностью за принимаемые им решения.

Анализ действующего законодательства позволяет сделать вывод о том, что в рамках своей деятельности, такая процессуальная фигура как следователь, безусловно, обладает процессуальной самостоятельностью и независимостью.

Цель законодательного регулирования процессуальной независимости и самостоятельности следователя состоит в том, что при должном законодательном закреплении процессуальной самостоятельности и независимости следователя выигрывает только расследование преступлений.



Проведя исследование по вопросам, касающимся процессуальной независимости и самостоятельности следователя, можно сделать вывод, что процессуальная независимость следователя от руководителя следственного органа, прокурора, суда имеет относительный характер.

О независимости же следователя стоит говорить только тогда, когда речь идет о невмешательстве в деятельность следователя всех других участников уголовного судопроизводства (в эту категорию нами не включаются: суд, прокурор, руководители следственных органов, которые в пределах своей компетенции, предусмотренной уголовно-процессуальным законодательством, имеют право реагировать, если деятельность следователя на их взгляд выходит за рамки законной, обоснованной). Однако и тут у следователя сохраняется право обжалования действий указанных лиц, поэтому говорить о том, что в уголовном процессе Республики Узбекистан следователь не наделен независимостью, нельзя.

Ущемление независимости и процессуальной самостоятельности следователя в любой его форме противоречит законодательству, и служит основанием для снижения инициативы следователя в расследовании уголовных дел, препятствует наиболее полному и своевременному производству необходимых следственных действий, создает условия для снижения личной ответственности следователя за принятые решения и расследование уголовного дела в целом.

Укрепление процессуального положения следователя, его процессуальной самостоятельности и независимости является важным условием успешного расследования преступлений.

Несмотря на самостоятельность осуществляемых полномочий, процессуальную деятельность следователя невозможно представить без взаимодействия с другими участниками судопроизводства.

К данной категории относятся как лица, ответственные за законность принятия решений, либо осуществляющие правосудие, так и государственные органы, оказывающие содействие в осуществлении полномочий следователя и способствующие полному, а также всестороннему проведению следственных действий.

Непосредственный надзор за законностью деятельности следователя и принимаемых им решений осуществляется прокурором. Так, в соответствии с Законом «О прокуратуре» осуществление надзора за исполнением законов органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность, доследственную проверку, дознание, предварительное следствие, и координация их деятельности по борьбе с преступностью является

одним из направлений деятельности органов прокуратуры.

Несмотря на передачу от прокурора суду полномочий, затрагивающих наиболее важные конституционные права и свободы человека и гражданина, прокурорский надзор за деятельностью следователя не только сохранен, но и расширен. Следователь обязан согласовывать с прокурором все решения о возбуждении ходатайства о применении мер пресечения перед судом.

Прокурор вправе участвовать в судебных заседаниях при рассмотрении в ходе досудебного производства вопросов о применении меры пресечения в виде заключения под стражу, о продлении срока содержания под стражей либо об отмене или изменении данной меры пресечения, а также при рассмотрении ходатайств о производстве иных процессуальных действий (отстранение от должности, помещение лица в медицинское учреждение), которые допускаются на основании судебного решения, и при рассмотрении жалоб, отменять незаконные и необоснованные постановления, продлевать срок предварительного расследования, утверждать обвинительное заключение, возвращать уголовное дело на дополнительное расследование. Как мы видим, перечень действий следователя, на которые требуется согласие прокурора, значителен.

В.С. Шадрин считает, что зависимость следователя от прокурора при осуществлении им своих действий и решений выходит далеко за пределы исключений, когда законом предусмотрено получение санкции, «хотя расследование ведёт следователь, прокурор имеет все возможности в любой момент вмешаться в него и побудить следователя к правильной, с его точки зрения, корректировке хода и результатов расследования в порядке осуществления надзора за исполнением следователем требований закона».¹

Помимо действий и решений прокурора, весьма значимыми для создания надлежащего режима самостоятельности следователя являются его взаимоотношения с начальником следственного отдела.

Начальник следственного управления, отдела, отделения, группы и его заместитель в пределах своей компетенции осуществляют контроль за своевременностью действий следователей по раскрытию и предупреждению преступлений, принимают меры к наиболее полному, всестороннему и объективному производству предварительного следствия по уголовным делам (ст.37 УПК Республики Узбекистан). Указания начальника следственного управления, отдела, отделения, группы и его заместителя по делу даются следователю в письменной форме и обязательны для исполнения.

Письменные указания начальника следственного отдела, как и иные процессуальные документы,

1 Шадрин В. С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. – М., Дрофа, 2000. – С. 58.

должны приобщаться к уголовному делу. Это впоследствии позволит установить, какие именно следственные действия и процессуальные решения из числа осуществленных следователем были приняты во исполнение указаний начальника следственного отдела.

Однако, уголовно-процессуальный закон наделяет следователя свободой оценкой доказательств, определив данную правовую норму как один из принципов уголовного судопроизводства. Согласно статье 95 УПК Республики Узбекистан, следователь оценивает доказательства по своему внутреннему убеждению, основанному на тщательном, всестороннем, полном и объективном исследовании всех обстоятельств дела, руководствуясь законом и правосознанием. Каждое из доказательств подлежит оценке с точки зрения относимости, допустимости и достоверности. Других упоминаний и разъяснений понятия процессуальной самостоятельности новое законодательство, как и прежнее, не содержит, что и предопределяет неоднозначное решение этого вопроса.

Несмотря на то, что законодатель наделяет руководителя следственного органа, прокурора и суд достаточно большим по объему качеством полномочий по надзору за следователем, вышеуказанные лица должны осознавать, что следователь выступает самостоятельным исследователем, самостоятельным участником в уголовно-процессуальных отношениях. По поводу понимания этого положения кажется наиболее правильным мнение, согласно которому «прокурор (начальник следственного отдела) обязан решительно отстаивать процессуальную самостоятельность следователя, развивать в нем чувство ответственности за законное и своевременное проведение следственных действий, поддерживать и поощрять творческую инициативу, настойчивость и принципиальность, уважать внутреннее убеждение следователя, избегать мелочной опеки, администрирования, ущемления законных полномочий следователя». ²

Безусловно, процессуальная самостоятельность и независимость следователя накладывает на последнего ответственность за ход расследования по уголовному делу, за принятые решения и процессуальные действия, за возбуждение уголовного дела (ст. 36 УПК РУз). Так сказать, ответственность является оборотной стороной медали независимости и самостоятельности.

Немаловажное значение в своевременном раскрытии и проведении всестороннего предварительного расследования имеет

взаимодействие следователя с органами дознания.

А.Р.Ратинов характеризовал взаимодействие следователя с органом дознания следующим образом: «Под взаимодействием понимается основанная на законе согласованная деятельность административно независимых друг от друга органов следствия и дознания, направленная на раскрытие и предупреждение конкретного преступления путем наиболее целесообразного сочетания методов и средств, присущих этим органам». ³

Взаимодействие обязательное и необходимое условие наиболее результативной деятельности следователя по раскрытию и расследованию конкретных преступлений. Поручения и указания следователя рассматриваются как официальные и обязательные.

В юридической литературе взаимодействие следователя с оперативными работниками, т.е., на уровне деятельности субъектов раскрытия и расследования преступлений, определяется неоднозначно.

В соответствии с Законом «Об оперативно-розыскной деятельности» оперативно-розыскная деятельность является одним из видов государственной деятельности. Она осуществляется оперативными подразделениями государственных органов, специально уполномоченных на то Законом, посредством проведения оперативно-розыскных мероприятий на основании принципов законности, приоритета прав, свобод и законных интересов человека, конспирации, сочетания гласных и негласных методов.

Взаимодействие следователя с оперативно-розыскным органом может быть эффективным лишь при соблюдении ряда принципиальных условий, а именно:

- осуществляться в строгом соответствии с требованиями уголовно- процессуального закона, Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», и другими подзаконными нормативными актами;
- быть согласованным (по целям, месту, времени), с планом и ходом расследования;
- обеспечивать руководящую и направляющую роль следователя на всех стадиях расследования при разграничении процессуальной и оперативно-розыскной компетенции субъектов взаимодействия и при должной самостоятельности оперативно-розыскных органов в выборе способов решений, поставленных следователем задач;
- основываться на взаимной помощи с использованием всех следственных и оперативно-розыскных возможностей и совместной

2 Криминалистика: учеб. / под общ. ред. А. И. Бастрыкина. М., 2014. Т. II.

3 Ратинов А. Р. Взаимодействие следователей прокуратуры и органов милиции при расследовании преступлений. М., 1964. С. 4–5.



ответственности за достижение поставленных перед взаимодействием целей;

– на сохранении в тайне взаимной оперативно-розыскной и следственной информации.

Согласно ст. 347 УПК Республики Узбекистан, каждый следователь по уголовному делу, находящемуся в его производстве, вправе произвести лично либо поручить другому следователю или дознавателю произвести какое-либо следственное действие в любом месте на территории Республики Узбекистан.

Данное правило подкрепляется ст.13, 15 Закона «Об оперативно-розыскной деятельности», где указывается, что основанием для проведения оперативно-розыскных мероприятий является письменное поручение органов дознания, следствия, указание и поручение прокурора, в связи с которыми оперативный сотрудник обязан принимать все необходимые меры по исполнению данных поручений и указаний.

Как отмечает А.А. Мухиддинов, для эффективной организации расследования уголовного дела, находящегося в производстве следователя, следует расширить его

процессуальную самостоятельность с тем, чтобы у него была возможность выступить с инициативой о создании следственной или оперативно-следственной группы, поскольку ему известна необходимость установления множественных обстоятельств для правильного решения по многоэпизодному уголовному делу.⁴

Таким образом, следователь должен быть наделен ответственностью за принимаемые им решения, за расследование уголовного дела в целом. Тут необходимо упомянуть и о личности следователя, как порядочного, грамотного, образованного, процессуально самостоятельного, умеющего противостоять беззаконию, понимающего всю ответственность, возложенную на него законодателем и ответственного за принимаемые решения.

Лишение следователя большого круга полномочий и как следствие процессуальной самостоятельности и независимости может привести только к получению нами «карманных» следователей, лишенных всякой инициативности. В результате это не может не сказаться на всем предварительном следствии в целом, задачах уголовного судопроизводства.

4 Мухиддинов А.А. Обеспечение процессуальной самостоятельности следователя. // Вестник Ташкентского государственного юридического института, № 6 2007. – С.82

Муҳаммад ТОШОВ,
Бош прокуратура Академияси мустақил тадқиқотчиси

ХОДИМНИНГ АЙБИГА БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН АСОСЛАРГА КЎРА ИШ БЕРУВЧИ ТАШАББУСИ БИЛАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШДА ХОДИМЛАРГА БЕРИЛАДИГАН КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада муаллиф томонидан ходимнинг айбига боғлиқ бўлмаган асосларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда кафолатлар ва компенсацияларнинг мазмуни ва ҳуқуқий моҳиятини аниқлашга янгича ёндашувларни шакллантиришга ҳаракат қилинган бўлиб, миллий ва хорижий меҳнат қонунчиликлари нормалари ва меҳнат ҳуқуқи доктринаси асосида кафолатлар ва компенсациялар тушунчаси, таърифлари, мазмуни, таснифи ва турлари масалалари ўрганилади.

Миллий қонунчилик ва илмий адабиётларнинг таҳлили натижасида айрим кафолатларнинг қўлланилишида мавжуд ноаниқликлар, айримларини қўллаш бўйича эса ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, мақолада “оммавий ишдан бўшатиш” да касаба уюшмаларининг ролини ошириш ҳамда улар билан маслаҳатлашувларнинг самарадорлигини таъминлаш механизмлари борасида сўз юритилган.

Калит сўзлар: “кафолатлар”, “меҳнат шартномасини бекор қилиш”, “компенсация”, “огоҳлантириш”, “вакиллик органи розилиги”, “ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ”, “оммавий равишда ишдан озод этиш”, “бошқа иш қидириш”.

АННОТАЦИЯ. В данной статье автор пытается сформулировать новые подходы к определению содержания и правовой сущности гарантий и компенсаций при расторжении трудового договора по инициативе работодателя по основаниям, не связанным с виной работника, на основе норм национального и зарубежного трудового законодательства, доктрин трудового права, также раскрываются вопросы понятия, определения, содержания, классификации и виды гарантий и компенсаций.

В результате анализа национального законодательства и научной литературы обоснованы имеющиеся неясности в применении некоторых гарантий, а также необходимость совершенствования правовых механизмов их применения. В то же время, статья предусматривает аспекты необходимости повышения роли профсоюзов при «массовом увольнении», а также обеспечения эффективности механизмов проведения с ними консультаций.

Ключевые слова: “гарантии”, “расторжение трудового договора”, “компенсация”, “предупреждение”, “согласие представительного органа”, “преимущественное право на оставление на работе”, “массовое высвобождение”, “поиск другой работы”.

ABSTRACT. In this article, the author sheds light on new approaches to determining the content and legal essence of guarantees and compensations upon termination of an employment contract on the initiative of the employer on grounds unrelated to the employee's fault, based on the norms of national and foreign labor legislation, labor law doctrines; the author also reveals the issues of the concept, definition, content, classification and types of guarantees and compensation.

As a result of the analysis of national legislation and scientific literature, the existing ambiguities in the application of certain guarantees, as well as the need to improve the legal mechanisms for their application are substantiated. At the same time, the article provides the aspects of the need to increase the role of trade unions in “massive dismissal”, as well as ensuring the effectiveness of mechanisms for holding consultations with them.

Keywords: “guarantees”, “termination of the employment contract”, “compensation”, “warning”, “consent of the representative body”, “preferential right to remain employed”, “massive dismissal”, “search for another job”.

Иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда кафолатлар ва имтиёзлар ҳуқуқий институти муҳим роль ўйнайди. Мазкур институтларга риоя қилмаслик аксарият ҳолларда ходимнинг ишга тикланишига олиб келиши сабабли ҳам уларни алоҳида кўриб чиқамиз.

Суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликлар асосан имтиёз ва кафолатларга етарли эътибор бермаслик

оқибатида келиб чиқмоқда. Масалан, Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди ҳал қилув қарорига асосан даъвогар Г.М. билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида 3 ёшга тўлмаган фарзанди борлиги ва касаба уюшмаси розилиги олинмаганлиги сабабли ходим ишга тикланган.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда “кафолатлар” тушунчаси ва турларини аниқлаштириш муҳимдир.

1 <https://public.sud.uz> (2-1201-2003/1427-сонли фуқаролик иши)



Замонавий илм-фанда бу ҳуқуқий ҳодисани ўрганишга бағишланган ишлар оз бўлиб, олим А.Я.Петров таъкидлаганидек, меҳнат ҳуқуқи кафолатлари концепцияси ишлаб чиқилмаган ва шу сабабли меҳнат қонунчилиги тегишли нормаларини қўллаш ҳозирги вақтда муайян қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.²

Юридик адабиётларда кафолатларнинг мазмунини аниқлаштиришда турлича ёндашувлар мавжуд. Баъзи олимлар уларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни ҳақиқатда таъминлаш усуллари ва воситалари³, бошқалари эса, фуқароларга берилган демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг реал амалга оширилишини таъминлаш воситалари, усуллари ва шартлари⁴, яна бир гуруҳ олимлар эса - демократик ҳуқуқлардан фойдаланишнинг ҳақиқий имкониятини таъминлаш шартлари, усуллари ва воситалари ҳамда уларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий воситалари⁵ деб тушунадилар.

Мазкур ўринда К.Н.Гусов ва В.Н.Толкуноваларнинг “меҳнат ҳуқуқида ҳуқуқий кафолатлар – бу мазкур ҳуқуқларни мақбул (тўлиқ) амалга ошириш учун меҳнат қонунчилигида белгиланган ҳуқуқий воситалар, чора-тадбирлар” деган фикрини тўлиқ қўллаб-қувватлаш мумкин.

Миллий меҳнат қонунчилигимизда “кафолатлар” тушунчаси очиб берилмаган. Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 164-моддасида мазкур тушунча берилган бўлиб, унга кўра кафолатлар деганда ходимларга ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида бериладиган ҳуқуқларни таъминлайдиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар тушунилади.⁷

Бироқ, мазкур талқин ҳам рус олимлари ўртасида кенг муҳокамага сабаб бўлган. Хусусан, В.Н.Скобелкин “восита” ва “усул” атамаларининг маъносини таҳлил қилиб, “восита” тушунчаси янада кенгроқдир деган хулосага келган: ҳар қандай усул – бу восита, бироқ ҳар қандай восита бу усул эмас.⁸ Шунга ўхшаш фикрни А.Я.Петров билдирган бўлиб, олим “меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таърифлашда фақат “воситалар” атамасидан фойдаланиш билан чекланиш мумкин, аммо қонун чиқарувчи ҳар икки атамани ҳам Россия Федерацияси Меҳнат кодекси

164-моддасида қўллаганлиги сабабли, бу билан уларнинг ўртасида фарқ мавжудлигини кўрсатиб берган” деб ҳисоблайди.⁹

Олим В.И.Симонов бу масалада бир оз бошқача позицияни баён этган. Унинг фикрича, воситалар-мулккий характердаги усуллар, усуллар – мулксиз характердаги хатти-ҳаракатлардир, шу сабабли, восита ва усуллар – кафолатлар ва компенсациялар тўғрисидаги нормаларни амалга оширишга қаратилган мулккий ва номулкий характердаги ҳаракатлар тизимини ташкил этади. Унинг фикрича, “усул” тушунчаси кенгроқ ва меҳнат кафолатларининг моҳиятини аниқлашда фақат улар билан чекланиш мақсадга мувофиқ.¹⁰

“Шарт-шароит” тушунчасининг таърифига келадиган бўлсак, бу борада олимлар қарашлари сезиларли даражада фарқ қилмаслигини таъкидлаш лозим. Жумладан, В.И.Симоновга кўра, шарт-шароит деганда, кафолат ва компенсацияларни тақдим этишга оид муносабатларда қўлланиладиган усулларни ходимларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ишлатилишига олиб келадиган исботланган ҳолатлар тушунилади.¹¹

Шундай қилиб, меҳнат ҳуқуқида кафолатлар деганда меҳнат ҳуқуқи манбаларида ва меҳнат шартномасида белгиланган ходимга меҳнат соҳасида бериладиган мулккий ва номулкий ҳуқуқларнинг бевосита амалга оширилишини таъминлайдиган воситалар, усуллар ва шартлар тушунилади.

Таҳлил натижасида, меҳнат шартномасини бекор қилишда кўплаб кафолатлар мавжудлиги сабаб уларни тизимлаштириш керак деган хулосага келдик. Мазкур кафолатларнинг мазмуни ва турларини тўлиқ тушуниш учун олимлар томонидан меҳнат ҳуқуқида таклиф этилган кафолатларнинг таснифларидан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, В.Н.Скобелкин таклиф этган таснифга кўра кафолатлар уч гуруҳга бўлинади: а) ҳуқуқий муносабатга киришни таъминловчи кафолатлар; б) ҳуқуқий муносабатларда меҳнат ҳуқуқларининг тўсиқсиз амалга оширилишини таъминловчи кафолатлар; в) бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминловчи кафолатлар.¹² Мазкур ишда таҳлил этилаётган кафолатлар иккинчи гуруҳга

2 Петров А.Я. Гарантии и компенсации: вопросы теории российского трудового права // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2013. – № 4. – 62-6.

3 Лепешкин А.И. Правовое положение советских граждан. М.: Наука, 1968. С. 6.

4 Скобелкин В.Н. Юридические гарантии трудовых прав рабочих и служащих. М.: Юридическая литература, 1969. С. 10.

5 Толкунова В.Н. Социально-правовые проблемы труда женщин в СССР. Автореф. Дисс. докт. юрид. наук. М., 1969. С. 13.

6 Комментарий к Трудовому кодексу РФ / Под ред. К.Н. Гусова. М. 2006. С. 79.

7 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/76b6618d8df8a2dee39d97568704a639b442c608/

8 Скобелкин В.Н. Юридические гарантии трудовых прав рабочих и служащих в СССР. Дис. докт. юрид. наук. М., 1971. С. 194.

9 Петров А.Я. Гарантии и компенсации: вопросы теории российского трудового права // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2013. – № 4. – 65-6.

10 Симонов В.И. Понятие гарантий и компенсаций в трудовых отношениях // Трудовое право в России и за рубежом. – 2011. – № 4. – 50-6.

11 Симонов В.И. Понятие гарантий и компенсаций в трудовых отношениях // Трудовое право в России и за рубежом. – 2011. – № 4. – 51-6.

12 Скобелкин В.Н. Юридические гарантии трудовых прав рабочих и служащих в СССР: автореф. дис. д-ра юрид. наук. – М., 1971. – 13-6.

тегишли бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши учун мўлжалланган.

Олим О.В.Смирнов мазмуни ва амалга оширилиши усулига кўра кафолатларни: 1) моддий-ҳуқуқий (мас., ишдан бўшатиш нафақаси); 2) процессуал (ёзма огоҳлантириш); 3) ижтимоий-ҳуқуқий (касаба уюшмалари хавфсизлик функциясини амалга ошириш билан боғлиқ) турларга, ходимга тақдим этилиши услубига кўра моддий ва номоддий турларга, тақдим этиладиган субъектлар тоифасига кўра умумий ва махсус кафолатларга ажратган.¹³

Ҳуқуқшунос олим А.Я.Петров меҳнат шартномасини бекор қилишда қўлланиладиган кафолатларни белгилаб берган органлар даражасига кўра давлат даражасидаги ва локал даражадаги кафолатларга ажратган.¹⁴

Меҳнат ҳуқуқида кафолатларни турларга ажратишнинг энг кенг тарқалган усули умумий ва махсус кафолатларга эътиборни қаратамиз.

Умумий кафолатлар ишдан бўшатиш сабаби ва ходим тоифасидан қатъи назар, иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишда барча ходимларга тақдим этилади (масалан, вақтинча меҳнат лаёқатсиз ёки таътилда бўлган ходим билан иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор қилинмаслиги).

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича махсус кафолатлар, ўз навбатида, икки кичик гуруҳга бўлинади: 1) ишдан бўшатишнинг маълум бир асосларига кўра бўшатишда барча ходимлар учун белгиланган кафолатлар; 2) ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган кафолатлар.

Меҳнат ҳуқуқида компенсация деганда меҳнат вазифаларини бажариш ёки иш жойига келиш зарурати билан боғлиқ ҳолда (меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда), шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходим томонидан амалга оширилган қўшимча моддий харажатларни қоплаш учун мўлжалланган тўловлар тушунилади.¹⁵

Компенсацияни кафолатдан ажратадиган ўзига хос хусусияти унинг тўланиш мақсади ва мазмунидир. Компенсацияда тўлов қонунчиликда белгиланган ҳолларда ходимга хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ сарфланган ёки сарфланадиган харажатларни қоплаш учун берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига

хизмат сафарига ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда йўл кира харажатлари, доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, кўчиш билан боғлиқ харажатлар ва ҳоказолар иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозимлиги белгиланган. Шу билан бирга компенсация тушунчаси кодексда иш вақти, моддий жавобгарлик ва бошқа шу каби институтларга тааллуқли нормаларда ҳам қўлланилган. Кафолатлар каби компенсация тушунчаси ҳам миллий қонунчилигимизда ўз аксини топмаган.

Шу ўринда, қонун ҳужжатларида атаманинг таърифини келтирмасдан ишлатилиши нормаларни тушунишда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқаради деган позицияга тўлиқ қўшилаемиз.¹⁶

Россия қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, РФ Меҳнат кодекси 164-моддасида компенсациялар тушунчаси ёритилган.¹⁷ Илмий адабиётларда компенсация тўловлари деганда ходимга ўз хизмат вазифаларини бажариши ёки тегишли вазифаларни амалга ошириш учун бошқа жойга бориши муносабати билан амалга оширилган харажатларни қоплашга қаратилган тўловлар тушунилиши қайд этилган.¹⁸

Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимларга бериладиган кафолатларни турларга ажратиш кўриб чиқамиз:

1. Меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантиришлар:

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни муайян муддатларда огоҳлантириши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасида батафсил баён қилинган.

Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди, меҳнатга оид муносабатларнинг корхона тугатилганлиги натижасида бекор қилиниши бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори 18-бандида ходим билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 1, 2-бандлари бўйича огоҳлантириш муддати тугамай, ходимнинг розилигисиз бекор қилинган ҳолларда, суд:

агар ҳал қилув қарори чиқариш вақтида огоҳлантириш муддати ўтган ва ходимни бошқа сабабларга биноан ишга тиклашга асос бўлмаса, меҳнат шартномасини бекор қилиш санасини

13 Симонов В.И. Реализация права на гарантии и компенсации в трудовых отношениях: автореф. дис. . канд. юрид. наук. – М., 2011. – 21-23-б.

14 Петров А. Я. Виды гарантий и компенсаций, их классификация // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2013. – № 2. – 37-б.

15 Калпина Н.В. Компенсационные выплаты по советскому трудовому праву. Автореферат дис. канд. юрид. наук. М., 1971. С. 8.

16 Головина С.Ю. Понятийный аппарат трудового права. Дис...докт. юрид. наук. Екатеринбург, 1998. С. 68.

17 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/76b6618d8df8a2dee39d97568704a639b442c608/

18 Комментарий к Трудовому кодексу РФ / Ю.Н Коршунов, Т.Ю. Коршунова, М.И. Кучма, Б.А. Шеломов. М. : Спарк, 2003. – С.623



огоҳлантириш муддати тугашига мос келадиган кунга кўчириш ва бу вақт учун ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилиши;

агар ҳал қилув қарори чиқариш вақтида огоҳлантириш муддати ҳали ўтмаган бўлса, меҳнат шартномаси қатнашчилари огоҳлантириш муддатини пул компенсацияси билан алмаштиришга келиша олмасалар, ходимни аввалги ишига тиклаши белгиланган.¹⁹

Россия Федерацияси Олий судининг 1992 йил 22 декабрдаги 16-сон Пленум қарори²⁰да ҳам шу каби қоида белгиланган эди. Бироқ, бу қоида кўплаб олимларнинг танқидларига учраган. Хусусан, рус олими Г.А.Агафонова меҳнат шартномаси ушбу асосларга кўра огоҳлантириш муддати тугамай, ходимнинг розилигисиз бекор қилиниши ишдан бўшатиш тартибининг бузилиши деб баҳоланиши ва ходим ишга тикланиши лозим деб ҳисоблайди²¹. Шунга кўра, Россия Федерацияси Олий суди Пленуми 2004 йил 17 мартдаги Пленумининг 2-сон қарорида ушбу қоидадан воз кечди ва мазкур қарорнинг 60-банди²²да қуйидагича тартиб ўрнатилди:

“Қонуний асосларсиз ёки ишдан бўшатишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда ишдан бўшатишнинг ходим ўзининг илгариги ишига қайта тикланади. Ташкилот тугатилиши натижасида уни ишга қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, ишдан бўшатиш ғайриқонуний деб топилади, ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тугатиш комиссияси ёки органига суд мажбурий прогул учун ўртача иш ҳақини тўлаш мажбуриятини юклайди.”.

Шунингдек, яна бир муҳим қоидага эътибор қаратсак. Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 292-моддасига асосан, 2 ойгача муддатли меҳнат шартномаси тузилган ходимлар билан ташкилот тугатилиши, ходимлар сони ёки штатлари қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим камида 3 календарь кун олдин, 296-моддасига мувофиқ мавсумий иш билан банд бўлган ходимлар етти календарь кун олдин имзо кўйдирган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиниши шарт.

Таъкидлаш жоизки, бу каби нормалар барча турдаги шартномаларга бир хил муносабатни чеклаб, иш берувчини иқтисодий қувватлашга қаратилган.

Грузия Меҳнат кодексининг 48-моддасига асосан иқтисодий асослар, ходимнинг соғлиғига кўра, малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли ва бошқа объектив сабабларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим

30 календарь кун олдин ёзма огоҳлантирилиши ва бир ойлик иш ҳақи компенсация қилиниши ёки 3 календарь кун олдин огоҳлантирилиши ва икки ойлик иш ҳақи миқдоридида компенсация тўланиши белгиланган²³. Бунда ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 30 календарь кун ичида унга меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабларини иш берувчи ёзма асослаб бериши тўғрисидаги талаб билан ёзма хабарнома юбориш ҳуқуқига эга.

Эстония Республикасининг 2008 йил 17 декабрдаги “Меҳнат шартномаси тўғрисида”ги Қонуни 97-моддасида иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишда огоҳлантириш муддатлари кўрсатилган бўлиб, бу муддатлар агар ходимнинг иш стажи 1 йилдан кам бўлса – 15 календарь кун, 1 йилдан 5 йилгача бўлса 30 календарь кун, 5 йилдан 10 йилгача бўлса – 60 календарь кун, 10 йилдан ошиқ иш стажига эга бўлса 90 календарь кун этиб белгиланган.²⁴

2. Бошқа иш қидириш учун имконият беришнинг ҳуқуқий кафолати.

Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати давомида, меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни истисно этганда, ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

Латвия Республикасининг 2001 йил 20 июндаги “Меҳнат тўғрисида”ги Қонуни 111-моддасига мувофиқ ходимга бошқа иш қидириш учун бериладиган вақт ва бу вақтдаги иш ҳақи жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасига асосан белгиланади.²⁵

3. Ходимга иш таклиф қилиниши бўйича ҳуқуқий кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 92-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб кўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан

19 <https://lex.uz/docs/1444779>

20 <http://supcourt.ru/documents/own/7710/>

21 Агафонова Г.А. Прекращение трудового договора по инициативе работодателя по основаниям, не связанным с виной работника: дис. канд. юрид. наук. М., 2007. 74-б.

22 <http://supcourt.ru/documents/own/8223/>

23 Грузия Меҳнат кодекси - <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/1155567?publication=19>

24 <https://www.juristaitab.ee/ru/zakonodatelstvo/zakon-o-trudovom-dogovore>

25 <https://www.baltikon.lv/taxes/zakon-o-trude/>

бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур қоидага кўра корхона тугатилиши асоси бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳам иш берувчига корхонада мавжуд иш ўрнини таклиф қилиш мажбурияти юклатилган.

Мазкур норма Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида” 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори 42-бандида кенгроқ қилиб очиб берилган.

Пленум қарорига кўра меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисми 1, 2 ва 6-бандлари, шунингдек, 106-моддасининг 2-банди асосида бекор қилинаётганда иш берувчи ходимни шу корхонанинг ўзида ишга жойлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Ходим билан меҳнат муносабатлари Кодекснинг 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 6-бандлари, 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига асосан соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши сабабли ва 106-моддаси 2-банди бўйича бекор қилинган тақдирда, унга мутахассислиги ва малакасига мос иш, бундай иш бўлмаса, унга корхонада мавжуд бошқа иш таклиф этилмоғи лозим. Бунда меҳнат шартномаси соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши туфайли бекор қилинганда, ходимга тиббий хулосага асосан у бажара оладиган иш таклиф этилади.

Ходим малакаси етарли бўлмаганлиги учун бажараётган ишига нолойиқ деб топилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинаётган бўлса, унга мутахассислиги бўйича камроқ малакали иш таклиф этилиши, у ҳам мавжуд бўлмаса, корхонада мавжуд бўлган камроқ малакали бошқа иш таклиф этилади.

Эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ҳам, юқорида тилга олинган Пленум қарорига ҳам ходимга таклиф қилинадиган “бошқа иш” тушунчаси аниқлаштирилмаган, яъни ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ иш корхонада мавжуд бўлмаган тақдирда унинг мутахассислигига мос келмаса ҳам бошқа барча бўш иш ўринлари таклиф қилиниши керак деган хулосага келиш мумкин. Меҳнат шартномаси соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши туфайли (Кодекснинг 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди) бекор қилинганда, ходимга тиббий хулосага асосан у бажара оладиган иш таклиф этилиши тўғрисидаги қоида ҳам Кодексда мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 92-моддасида кўрсатилган ушбу кафолат мантиқий кетма-кетлик бўйича иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда биринчи ўринга чиқишини инобатга оладиган бўлсак, мазмунан Кодекснинг 100-моддасида акс эттирилиши амалиётда қўллашда қулай бўлади.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 81-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ходимлар сони ёки штати қисқариши бўйича ишдан бўшатишга фақатгина унинг розилиги билан ва ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажара оладиган иш берувчида мавжуд бошқа ишга (ходимнинг малакасига мос келадиган бўш иш ўрни ёки лавозим, худди шунингдек, қуйи лавозим ёки кам ҳақ тўладиган ишга) ўтказишнинг имкони бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилиши белгиланган. Мазкур ҳолатда иш берувчи юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган шу жойдаги мавжуд барча бўш иш ўринларини ходимга таклиф қилиши шарт. Башарти, жамоа шартномаси, келишуви, меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлса бошқа жойдаги бўш иш ўринларини ҳам иш берувчи таклиф қилишга мажбур.

Россия Федерацияси Олий суди Пленуми 2004 йил 17 мартдаги Пленумининг 2-сон қарорига ходимлар сони ёки штати қисқариши муносабати билан ходимга бошқа иш таклиф қилиш масалаларини кўриб чиқишда судлар ходимга таклиф қилинган ишни у маълумоти, мутахассислиги ва иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажара олишини ҳам ҳисобга олишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Яъни, РФ Олий суди Пленуми қарори амалиётда чалкашликларнинг олдини олиш учун бошқа иш ўринлари масаласига аниқлик киритиб кетган.

Илгари Россия Федерацияси МҚКнинг 40.2-моддаси ходим ёки штатлар сони қисқариши сабабли ишдан бўшатишда иш берувчи ходимга мазкур корхона, муассаса ёки ташкилот бошқа иш таклиф қилиши зарурлигини белгилаб берган²⁶, бироқ мутахассислик мос келиши ҳақидаги талаб мавжуд эмас эди. Ҳуқуқшунос олим Т.А.Нестерованинг таъкидлашича, “амалиёт илгари ҳам шу тартибда қўлланилиб келган. Яъни, қонунчилик бўйича иш берувчи қисқаришга тушган ходимга ташкилот бошқарув аппаратидаги лавозимларгача таклиф қилиши шарт бўлсада (раҳбар, тармоқ раҳбари, бош мутахассис ва б.) қуйи техник ёки хизмат кўрсатувчи ходимлар (фаррош, қоровул ва б.) амалда муайян даражадаги мутахассислик ва малакани талаб этадиган лавозимларга номзод бўла олмасди. Шу муносабат билан, бу ўзгариш меҳнат муносабатларини ортиқча юридизациядан озод қилиб, унинг такомиллашувига ҳисса қўшган”.²⁷

26 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_1035/bf3b94eb37a84531416c1247d934a071756aa4d3/

27 Нестерова Т.А. Увольнение по сокращению численности или штата работников // Законность. 2003. № 9. С. 45. <https://www.juristaitab.ee/ru/zakonodatelstvo/zakon-o-trudovom-dogovore>



Эстония Республикасининг 2008 йил 17 декабрдаги “Меҳнат шартномаси тўғрисида”ги Қонуни 89-моддасида қисқартириш муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин иш берувчи имкониятидан келиб чиқиб ходимга бошқа иш таклиф қилиши лозим. Шунингдек, агар зарур бўлса, ходим учун қўшимча таълим олишни ташкил қилиши ёки номутаносиб харажатларга сабаб бўлмаса ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириши белгиланган.²⁸

4. Ишга жойлаштириш бўйича ҳуқуқий кафолатлар. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи қонунчиликда белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги ҳуқуқий кафолат мустаҳкамланган. Яъни, муайян субъектларга (аёллар, вақтинча меҳнатга қобилиятсиз ва таътилда бўлган ходимлар) иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда берилган бир хил ҳуқуқий кафолатлар турли ўринларда баён этилган.

5. Ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ бўйича кафолатлар.

Меҳнат қонунчилигида ходимлар меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқариши сабабли айнан қайси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласини аниқлаштириш мақсадида ҳуқуқий мезонлар белгилаб қўйилган.

Ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқнинг мазмунидан келиб чиқиб, уни учта босқичга ажратиш мумкин:

Хусусан, меҳнат шартномаси ушбу асосга кўра бекор қилинганда ишда қолдириш учун биринчи даражали имтиёзли ҳуқуқ мутлақ хусусиятга эга бўлиб, аввало малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилиши лозимлигини белгилайди.

Ходим малакасини тавсифлаш учун халқаро стандартларда белгиланган нормалар ҳақида

юқоридаги параграфларда алоҳида тўхталиб ўтилган.

Меҳнат қонунчилигида меҳнат унумдорлиги юқорилигини белгилаб берадиган бирор-бир норма ёки рўйхат мавжуд эмас, меҳнат унумдорлиги далиллар мажмуидан келиб чиқиб белгилаб олинади. Далиллар мажмуига бажарилган ишнинг сифати, ходим томонидан муҳим масъулиятли вазифаларни бажариш ёки айни лавозимларни эгаллаган ёки бир хил касбда ва бир хил мураккабликдаги ишларни бажарадиган бошқа ходимларга нисбатан кўпроқ иш миқдори ҳақида маълумот берувчи ахборотлар бўлиши мумкин. Аниқ бир ходимнинг бошқа ходимдан меҳнат унумдорлиги юқорилигини кўрсатиб берувчи тўғридан-тўғри далиллар мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшимча далиллар (мас., рағбатлантиришлар) ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Иккинчи навбатда, агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим. Бунда ушбу ҳолатларнинг (жами 7 та ҳолат санаб ўтилган) Кодекснинг 103-моддасида қай тартибда кўрсатилишининг аҳамияти йўқ. Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда иккинчи навбатда ҳисобга олинadиган, кўп сонли ҳолатлар бўйича афзалликка эга бўлган ходим ишда қолдирилиши керак.

Мазкур рўйхатдаги “Оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахслар” деганда оила аъзоларининг турли хил ижтимоий нафақалар (пенсиялар, нафақалар, компенсациялар, турли хил субсидиялар) олиши ҳисобга олинмаслигини англатади.²⁹

Учинчи навбатда, агар ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлса-ю, бир-бирларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддаси иккинчи қисмида белгиланган ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмасалар, ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ тўғрисидаги масаласини ҳал этишда жамоа шартномасида кўрсатилган ҳолатлар ҳисобга олинади.³⁰

Таъкидлаш жоизки, ишда қолдиришда афзаллик бериладиган ходимлар гуруҳларининг ушбу рўйхати тугал бўлмасдан, меҳнат қонунчилиги бу борада ҳам меҳнатга оид муносабатларни қонунлар орқали ва шартномалар асосида тартибга солишнинг ўзаро боғлиқлиги принципига риоя қилган ҳолда, корхона, ташкилотларга ва ходимларга муайян мустақиллик беради. Яъни, иш берувчи ва ходимлар вакиллик органлари жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатларни ҳам назарда тутишлари мумкин. Масалан,

28 <https://www.juristaitab.ee/ru/zakonodatelstvo/zakon-o-trudovom-dogovore>

29 Комментарий к Трудовому кодексу РФ / Под ред. К.Н. Гусова. М. 2006. С. 435.

30 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида” 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори

жамоа шартномасида ёлғиз оналарга имтиёзли ҳуқуқ белгиланиши мумкин.

Кўпгина чет эл давлатларида мазкур турдаги кафолатлар “аттриция” тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Ушбу қоидаларга кўра, муайян узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимлар фақатгина интизомий чора сифатида ишдан бўшатилишига йўл қўйилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ёки компаниялар бирлашиши натижасида иш ўринлари (штатлар) қисқартирилган тақдирда, бу ходимлар ўз хоҳишига асосан ёки пенсияга чиқиши сабабли ёхуд тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (ўлим, ногиронлик, касаллик) меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимлар бўшатган иш ўринларига ўтказилади. Жамоа шартномасида “аттриция” қоидаси киритилган ҳолларда иш берувчилар одатда янги ходимларни ёллашни тўхтатадилар. Кўпгина Америка компанияларида жамоа шартномаларида ушбу қоидадан келиб чиқиб қуйидагилар белгиланган: нисбатан кўпроқ иш стажига эга бўлган ҳар бир ходим камроқ тажрибага эга бўлган ходимнинг ўрнига, у эса ўз навбатида янада камроқ тажрибага эга бўлган ходимнинг ўрнини эгаллайди ва бу занжир реакциясини келтириб чиқаради, мана шу йўл билан ишдан бўшатиладиган ходим охир-оқибатда аниқланади.³¹

6. Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмларини таъминлашга қаратилган кафолатлар.

Таъкидлаш жоизки, аввал амал қилган МҚК иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни албатта касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб олишни назарда тутарди ва бундай келишиб олиш талаб қилинмайдиган ҳолларнинг мукамал рўйхатини қайд қилган эди.³²

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 101-моддасининг 1-қисми ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси

олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Шу ўринда, розилик берилмаган тақдирда вакиллик органи томонидан қабул қилинган қарор устидан иш берувчи судга шикоят қилишга ҳақлими деган савол туғилади.

Ҳуқуқшунос олим М.Гасановнинг фикрича, ходимларнинг вакиллик органи ёки маҳаллий меҳнат органи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиб, иш берувчи судга мурожаат қилишга ҳақли эмас. Бу қарор тегишинча ходимларнинг юқорироқ вакиллик органи ёки меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан ўзгартирилиши ҳам, бекор қилиниши ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, иш берувчи унинг илтимоси рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилганидан кейин, албатта, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қонуний асосларини сақлаган ҳолда, яна ўша илтимос билан вакиллик органи ёки маҳаллий меҳнат органига такроран мурожаат этишга ҳақлидир.³³

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши принципидан келиб чиқиб мазкур фикрга қўшила олмаймиз, шу билан бирга, иш берувчининг ходимлар вакиллик органи ёки маҳаллий меҳнат органи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишни рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида белгиланмаганлигини ҳам таъкидлаймиз.

Яъни, иш берувчи томонидан тақдимнома асослантирилган бўлса-да, касаба уюшмасининг розилигисиз ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарорни қабул қила олмайди, агарда бу каби қарор қабул қилинса, ходим ғайриқонуний ишдан бўшатиладиган деб ҳисобланади.

Ҳар доим ҳам касаба уюшмалари қонуний қарор қабул қилиши мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳолатга иш берувчи ҳуқуқининг чекланиши сифатида баҳо берилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси

31 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида” 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори

32 Киселев И.Я. Зарубежное трудовое право. Учебник для вузов. – М.: Изд. группа НОРМА-ИНФРА М, 1998, 99-б.

33 Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари кодексига шарҳлар (масъул ред. М.С.Восиқова, А.А.Иноятов). – Т. Ўзбекистон 1985. 70-б.



102-моддаси еттинчи қисмида ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддаси, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этиши ва ишдан озод этиш оқибатларини энгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириши белгиланган.

Касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олиб бориладиган ишдан озод этиш оқибатларини энгиллаштиришга қаратилган маслаҳатлашувлар жараёнида меҳнат муносабатлари тугатилишининг сабаблари, ходимларни ишга жойлаштириш, алоҳида ҳимояга эҳтиёжманд ходимларга қўшимча ғамхўрлик кўрсатиш чоралари ҳамда ишдан бўшатиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа салбий оқибатларнинг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасида фақатгина иш берувчи оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли вакиллик органига ахборот тақдим этиши ва ишдан озод этиш оқибатларини энгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни 30-моддасига асосан касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари иш берувчининг ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисидаги қарорини 6 ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақидаги таклифни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан ходимларининг умумий сони юз кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг ўн ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш деб ҳисобланади³⁴. Таъкидлаш жоизки, ишдан бўшатиш жараёни қайси оралиқ муддатни қамраб олганида оммавий бўшатиш ҳисобланиши қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Россия Федерацияси қонунчилигида мазкур муносабатлар бироз бошқача тартибга солинган. Хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 82-моддасида ташкилот, яқка тартибдаги тадбиркор ходимлар сони ёки штати қисқартириш ҳақида ҳамда ходимлар билан Кодекснинг 81-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисида қарор қилганда, иш берувчи тегишли чора-тадбирлар бошланишидан

камида икки ой олдин, агарда ходимлар сони ёки штатини қисқартириш тўғрисидаги қарор ходимларнинг оммавий ишдан бўшатилишига олиб келса, камида уч ой олдин бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг сайланган органига ёзма равишда хабар бериши шарт.

Касаба уюшмасига аъзо бўлган ходимларни Кодекснинг 81-моддаси биринчи қисми 2, 3 ёки 5-бандларида назарда тутилган асослар бўйича ишдан бўшатиш ушбу Кодекснинг 373-моддасига мувофиқ бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг сайлаб қўйилган органининг асосли фикрини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 373-моддасида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг сайлаб қўйиладиган органининг асосли фикрини ҳисобга олишнинг процессуал тартиби белгиланган. Унга кўра, касаба уюшмаси аъзоси бўлган ходим билан ушбу Кодекснинг 81-моддаси биринчи қисмининг 2, 3 ёки 5-бандларига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда иш берувчи тегишли бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг сайланадиган органига буйруқ лойиҳасини, шунингдек, ушбу қарорни қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотининг сайланадиган органи буйруқ лойиҳаси ва ҳужжатлар нусхалари олинган кундан бошлаб етти иш куни мобайнида ушбу масалани кўриб чиқади ва иш берувчига ўзининг асосли фикрини ёзма равишда юборади. Етти кунлик муддат ичида тақдим этилмаган фикр иш берувчи томонидан ҳисобга олинмайди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотининг сайланадиган органи иш берувчининг таклиф этган қароридан норози бўлса, уч иш куни ичида иш берувчи ёки унинг вакили билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказиши, унинг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Маслаҳатлашувлар натижалари бўйича умумий келишувга эришилмаган ҳолларда, бошланғич касаба уюшма ташкилотининг сайланадиган органига ҳужжатлар лойиҳаси ва нусхалари юборилган кундан бошлаб ўн иш кунидан кейин иш берувчи тегишли давлат меҳнат инспекциясига шикоят қилиниши мумкин бўлган якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Давлат меҳнат инспекцияси шикоят (ариза) олинган кундан бошлаб ўн кун ичида ишдан бўшатиш масаласини кўриб чиқади ва агар ишдан бўшатишни ғайриқонуний деб топса, мажбурий прогул учун ҳақ тўлаш шarti билан ходимни ишга тиклаш ҳақида иш берувчига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.

Юқоридаги тартибга риоя қилиниши ходим ёки

34 <https://lex.uz/docs/5055690>

унинг манфаатларини ифодаловчи бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланган органини судга шикоят қилиш, шунингдек, иш берувчини давлат меҳнат инспекцияси кўрсатмаси устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Иш берувчи бошланғич касаба уюшма ташкилотининг сайланадиган органининг асослантирилган фикри олинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Ушбу муддатга ходимнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган даври, таътилда бўлиши ва иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда ишда бўлмаган бошқа даврлар кирмайди.³⁵

Яъни, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшмаларининг розилиги ва оммавий ишдан бўшатишда маслаҳатлашув институтлари ўрнига (жамоа шартномаси ва жамоа келишувида назарда тутилган ҳоллардан ташқари) касаба уюшмасининг асослантирилган фикри ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланган.

Бироқ, мазкур нормалар ҳам рус олимлари ўртасида мунозараларга сабаб бўлган. Хусусан, Г.А.Агафонованинг фикрича "...қонун чиқарувчи сайланадиган касаба уюшмасининг фикрини ҳисобга олиш тартибини етарлича аниқ белгилаб берган кўринади, бироқ, фикримизча, "асослантирилмаган фикр" тушунчасининг мезонлари тушунарсиз. Умуман олганда, сайланадиган касаба уюшмасининг ҳар қандай фикри асослантирилмаган фикр деб баҳоланиши мумкин. Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 373-моддаси 2-4-қисмларида баён этилган иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасида келишмовчиликларни тартибга солишга қаратилган нормалар мураккаб ва қийин қилиб белгиланган" дея таъкидлайди.³⁶

Шу билан бирга, бошқа бир рус олими Е.А.Ершова таъкидлаганидек, бу қоида Россия Федерацияси Конституцияси нуқтаи назаридан жуда зиддиятли. Чунончи, Россия Федерацияси Конституцияси низо келиб чиққан тақдирда барчанинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилишни кафолатлайди (46-модданинг 1-қисми). Шу муносабат билан Е.А.Ершова Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 373-моддаси учинчи қисмининг иккинчи жумласидан бошлаб, қуйидаги таҳрирда баён этишни (ва ушбу модданинг тўртинчи қисмини чиқариб ташлашни) таклиф қилган: "Маслаҳатлашувлар натижалари бўйича умумий келишувга эришиб бўлмаган тақдирда, иш берувчи касаба уюшмасининг сайланадиган органига буйруқ лойиҳаси ва ҳужжатлар нусхаларини юборган кундан бошлаб ўн иш куни

ўтгандан кейин судга шикоят қилиниши мумкин бўлган якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга."³⁷

Баъзан амалиётда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун розилик беришга ваколатли бўлмаган касаба уюшмаларининг бошқа органлари томонидан мазкур масалада розилик берилганлиги ҳоллари ҳам учраган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти Обзори³⁸да келтирилган мисолга тўхталсак.

Институтнинг буйруғи билан Г.М. билан тузилган меҳнат шартномаси 2018 йил 23 мартдаги буйруқ билан бекор қилинган. Буйруққа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда Институт бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раёсатининг йиғилиш қарори асос қилиб олинган. Қуйи судлар томонидан Г.М.нинг даъвоси буйруқ қонуний чиқарилган деб рад қилинган.

Институтнинг жамоа шартномаси 3.4-бандида меҳнат шартномасининг иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Бироқ, Таълим, фан ва маданият ходимлари институт бирлашган касаба уюшма кўмитаси Раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 "О"-сонли қарориди даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олиниши қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги, ушбу ҳолатда касаба уюшмасининг қонунда назарда тутилган ваколатни касаба уюшмаси кўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид деган хулосага келган.

Буюк Британияда 1992 йилда қабул қилинган "Касаба уюшмалари ва меҳнат муносабатлари тўғрисида"ги Қонун (Trade Union and Labour Relations (Consolidation) Act 1992 (TULR(C)A 1992))³⁹ оммавий ишдан бўшатишда иш берувчининг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш мажбуриятини мустаҳкамлайди. Бунда 20 ва ундан кўп ходим бир вақтнинг ўзида бўшатишга, оммавий бўшатиш деб топилади. Маслаҳатлашув муддати сифатида биринчи ишдан бўшатиш амалга оширилгунга қадар 30 кун этиб белгиланган. Агар иш берувчи 100 ёки ундан

35 http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683/445014aba64219b63fec0b2440db40acc9c2bab3/

36 Агафонова Г.А. Прекращение трудового договора по инициативе работодателя по основаниям, не связанным с виной работника: дис. канд. юрид. наук. М., 2007. 91-б.

37 Ершова Е.А. Гарантии, установленные для работников при расторжении трудового договора по инициативе работодателя // Юридический мир. 2006. № 6. С. 56.

38 <https://sud.uz/6-1154-19-сонли-иш>

39 TULR(C)A 1992, s. 188 (1). - <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1992/52/section/188>



ортиқ ходимни ишдан бўшатишни режалаштирган бўлса, маслаҳат 45 кун олдин амалга оширилиши лозим.

Мазкур қонун (TULR(C)A 1992)га 1999 йилда киритилган ўзгартиришлар ходимларнинг оммавий қисқариши ҳолатларида иш берувчининг касаба уюшмаси олдидаги мажбуриятларини белгилайди. Иш берувчи келгусидаги ишдан бўшатишларнинг сабаблари, ишда қолдириладиган ходимларни танлаш мезонлари, барча процессуал муддатларни ёзма равишда тақдим қилиши керак. Келгусидаги оммавий ишдан бўшатиш шартлари бўйича музокаралар ҳам мажбурий бўлиб ҳисобланади. Ушбу маслаҳатлашувларда имкон қадар келишилган қисқартириш режаси ишлаб чиқилади.³⁹

Германияда оммавий ишдан бўшатишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилайлик. Ушбу масала “Ассосиз ишдан бўшатилишдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (1969) (Kündigungsschutzgesetz in der Fassung der Bekanntmachung, 17-модда) қоидалари асосида ҳал қилинади. Ушбу мамлакатда ишдан бўшатиш агар 30 кун ичида қуйидагилар билан шартнома бекор қилинса, оммавий ишдан бўшатиш деб ҳисобланади:

- 21-59 нафар ходими бўлган ташкилотда бешдан ортиқ ходим;

- 60-499 нафар ходими бўлган ташкилотда 10% ёки 25 дан ортиқ ходим;

- 500 (ва ундан ортиқ) нафар ходими бўлган ташкилотда камида 30 нафар ходим.⁴¹

Германия қонунчилигига биноан, ходимлар вакиллари билан маслаҳатлашувлар меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин мажбурий бўлиб, касаба уюшмаси ва давлат органларига ишдан бўшатиш бошланиши тўғрисида хабар берилади, бироқ уларнинг розилиги талаб қилинмайди. Илгари (XX аср 20-йилларида) давлат органлари иш берувчи тўлиқсиз иш вақти жорий этиш орқали оммавий ишдан бўшатишнинг олдини олиш мумкин эмаслигини исботлай олмаган тақдирда, оммавий ишдан бўшатишни маъқулламасликка ҳақли эди. Бироқ, ушбу тажриба иқтисодий инқироз фонидида ишдан бўшатишнинг янада кенг миқёсига олиб келган.⁴²

РФда Меҳнат кодексининг 82-моддасига асосан оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари тармоқ ёки ҳудудий келишувларда белгилаб берилади. Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 50 дан ортиқ тармоқ келишувлари Федерал даражада имзоланган.

Ижтимоий шерикликнинг Федерал даражасида тузилган мавжуд тармоқ келишувлари рўйхатини Меҳнат ва бандлик Федерал хизматининг расмий сайти⁴³да кўриш мумкин. Ҳудудий келишувларни муайян соҳа касаба уюшмалари бирлашмаларининг веб-сайтларида кўриш мумкин.

Рус олими А.А.Насиковская оммавий ишдан бўшатиш мезонларининг бундай тартибда белгиланиши ҳозирги кунда тизимлашмаганлик ҳамда тарқоқ хусусиятга эга бўлишига олиб келганлигини таъкидлаган⁴⁴. Бошқа рус олими Е.А.Ершованинг фикрича тармоқ ёки ҳудудий келишувлар тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлиб, у тузилмаслиги ҳам мумкинлиги сабабли юқоридаги норма билан келишиш қийин деб ҳисоблайди. Шунга кўра, Ҳукумат ушбу тушунчага аниқлик киритиши ёки ҳуқуқ қўлловчиларга амалиётда юзага келган ҳар бир аниқ низода ташкилотдаги ходимлар сони ва объектив далилларга асосланган ҳолда ad hoc тарзида оммавий ишдан бўшатишни баҳолаш ҳуқуқини бериш лозим деб ҳисоблайди.⁴⁵

7. Оммавий равишда ишдан бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлашга доир кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси еттинчи қисмида иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига маълум қилиши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорларни маҳаллий меҳнат органларининг тақдимномалари бўйича ёки мустақил равишда олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин, бунда бир вақтнинг ўзида ушбу кечиктириш туфайли кўрилган зарар ташкилотларга қисман ёки тўлиқ компенсация қилинади.

Хорижий мамлакатлардан Хитой тажрибаси ўзига хос. Ишдан бўшатиш муносабатлари бу ерда ҳам миллий даражада, ҳам вилоят ва шаҳар миқёсида тартибга солинади. Масалан, Шанхайда 2005 йил январда шаҳар халқ конгресси томонидан “Аҳолини иш билан таъминлаш масалалари бўйича

40 TULR(C)A 1992, s. 188 (4). <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1992/52/contents>

41 ГФР “Ассосиз ишдан бўшатилишдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (1969) (Kündigungsschutzgesetz in der Fassung der Bekanntmachung) <https://www.gesetze-im-internet.de/kschg/BJNR004990951.html>

42 Батусова Е.С. Модели правового регулирования коллективных увольнений в зарубежных странах // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2017. № 1. 140-6.

43 <https://rostrud.gov.ru/control/sotrudnichestvo-i-partnerstvo/?ID=933709>

44 Насиковская А.А. Правовое регулирование массового увольнения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Санкт-Петербург. 2007.С. 17.

45 Ершова Е.А. Гарантии, установленные для работников при расторжении трудового договора по инициативе работодателя // Юридический мир. 2006. № 6. С. 56.

алоҳида қоидалар” қабул қилинган бўлиб, унга кўра иш берувчининг қисқартириш тўғрисидаги қарори тегишли касаба уюшма ташкилоти томонидан кўриб чиқилади. Ходимларни ишдан бўшатишда иш берувчи бир қатор оралиқ чораларни кўриши шарт. Муайян чоралар қонунда белгиланмаган, суд томонидан низо юзага келганда уларнинг етарлилиги баҳоланади. Штатларни қисқартириш тўғрисидаги қарор шаҳар меҳнат бўлимига юборилади. Давлат органлари ҳар сафар ходимларни қисқартириш мақсадга мувофиқлигини зарур деб баҳолайдилар, бўшатишдан ишчиларга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатади.⁴⁶

8. Айрим тоифадаги ходимларни бўшатишдаги ҳуқуқий кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 25-моддаси ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек, вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколоти тугаганидан кейин 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 2471-моддасига кўра ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини, давлат грантлари бўйича олий ўқув юрларини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан 3 йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 246-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади. Ҳуқуқшунос олим Ш.А.Исмоиловнинг фикрига кўра “Қонунчиликда бундай розилик сўраб мурожаат қилиш тартиби ҳамда муддатлари кўрсатиб ўтилмаган. Шунинг учун меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги параграфда иш берувчининг маҳаллий меҳнат органи билан ўзаро муносабатлари ҳуқуқий тартибга солиниши лозим⁴⁷.” Шу билан бирга олим, “бу ҳолатда мазкур шахсларга нисбатан корхона бутунлай тугатилган ҳолларда маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиш талаб этилмаслиги ҳақидаги қоида киритиш мақсадга

мувофиқ. Ушбу асос билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда фақат маҳаллий меҳнат органи хабардор қилиш вазифаси юкланиши мумкин” деб ҳисоблайди. Мисол учун, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 269-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда давлат меҳнат инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг розилигини олиш талаб этилади, бундан корхона бутунлай тугатилган ёки яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятининг тўхталиши мустаснодир.

Айрим давлатлар меҳнат қонунчилигида вояга етмаган шахсларни малакасизлиги туфайли ишдан бўшатишга тақиқ қўйилган. Жумладан, Озарбайжон Республикаси Меҳнат кодексининг 255-моддасига асосан вояга етмаган шахслар малакасизлигига кўра ишдан бўшатилиши мумкин эмас.⁴⁸

9. Таътилда ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги бўйича кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонининг 16-банди учинчи хатбошисида коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

Мазкур ҳуқуқий кафолатнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормалари билан мувофиқ келмаслиги бу борада нафақат иш берувчи, ҳатто судлар томонидан ҳам хатога йўл қўйилишига олиб келган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил март ойидаги ажримига асосан фуқаролик ишлари бўйича Г. туманлараро судининг 2020 йил июлдаги ҳал қилув қарори, ҳамда вилоят суди кассация инстанциясининг 2020 йил ноябрдаги ажрими бекор қилинган ҳамда даъвогар А.Э.нинг жавобгар вилоят

46 Демидов Н.В. Увольнение по инициативе работодателя. Дисс... канд. юр. наук. Томск, 2009. 94-бет

47 Исмоилов Ш.А. Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнати ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари// юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражаси учун тайёрланган диссертация. – Т.: ТДЮУ, 2020. 105-б.

48 https://www.caa.gov.az/index.php?option=com_k2&view=item&id=123:labour-code-of-the-republic-of-azerbaijan&Itemid=173&lang=ru



жисмоний тарбия ва спорт бошқармасига нисбатан буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилган, уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинган ва даъвогар А.Э. директор ўринбосари лавозимига ишга тикланган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришдан рад қилиш ҳақидаги хулосага келишда А.Э. вазифасини мунтазам равишда бузганлигига асосланган. Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақидаги хулосаси билан келишган.

Мазкур ҳолатда қўйи судлар томонидан иш берувчи томонидан юқоридаги Президент Фармонида зид равишда даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳолати инobatга олинмаган (даъвогарнинг 2 нафар 14 ёшга тўлмаган фарзанди борлиги).⁴⁹

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига таътиллари турлари сифатида йиллик меҳнат таътиллари, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда), болаларни парваришlash таътиллари (232, 234, 235-моддалар), ўқиш билан боғлиқ таътиллари (254 ва 256-моддалар), ижодий таътиллари (258-модда) ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллари кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси талабларига назар солсак, ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмаслиги аниқ белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 12-сон қарори 17-бандида меҳнат қонунчилиги корхонанинг тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномасининг бекор этилишидан ташқари ҳолларда ходимнинг фақат меҳнатга қобилиятсизлик вақти, шунингдек давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажаришга кетган муддатлари ходимни огоҳлантириш муддатига кирмаслигини кўзда тутгани сабабли ходимнинг ишда бўлмаган бошқа барча муддатлар (иш ҳақи тўланадиган ва иш ҳақи сақланмайдиган таътилларида бўлиши, отгул ва ҳ.к.) меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича огоҳлантириш муддатига киришини белгилаган.

Яъни, ходимнинг таътилда бўлган даври огоҳлантириш муддатига киритилган. Бу фикрга айрим олимлар⁵⁰ ҳам қўшилади.

Шу ўринда ходим таътилда бўлган даврда иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини

бекор қилишга йўл қўйилмас экан, таътилда бўлган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ходимни иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш мумкинми деган ҳақли савол туғилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айнан ушбу масалалар бўйича аниқ кўрсатма ёки тақиқ мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ходим турли узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, таътиллари, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган давр) вақтида ҳам иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш мумкин. “Лекин, бунда МК 102-моддасининг олтинчи қисми талабини ҳам унутмаслик керакки, унга биноан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври огоҳлантириш муддатига киритилмайди”.⁵¹

РФ Меҳнат кодексига эътибор қаратадиган бўлсак, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш муддатига кирмайдиган даврлар белгиланмаган.

Бу эса айрим рус олимлари томонидан танқид қилинган. Хусусан, А.Е.Агафонова “таътилда ходим дам олиш ҳуқуқига эга, ва бу давр мобайнида иш қидирмаслиги керак, иш қидириш ишни йўқотишнинг оқибатларини камайтириш учун мўлжалланган чора эканлигидан келиб чиқиб, ушбу вазифа огоҳлантириш муддати даврида амалга оширилиши лозим, қонунчиликдаги бу бўшлиқни бартараф этиш ва ходим таътилда бўлган даврда уни огоҳлантириш мумкин эмаслигини аниқ белгилаб қўйиш шарт” деб ҳисоблайди.⁵²

Олим А.Е.Агафонованинг ушбу фикрига қўшилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ходим турли узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, таътиллари, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган давр) вақтида ҳам иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш мумкин эмаслиги ҳамда ушбу даврлар огоҳлантириш муддатига кирмаслигини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

10. Ҳомиладор ва фарзандли аёлларга берилган ҳуқуқий кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади. Уларни

49 <https://public.sud.uz/api/file/civil/2113464> (асосий иш № 2-1201-2003/2127)

50 Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: Саволлар ва жавоблар // Масъул муҳаррир Э. Халилов. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999 й. 213-бет.

51 Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: Саволлар ва жавоблар // Масъул муҳаррир Э. Халилов. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999 й. 214-бет.

52 Агафонова Г.А. Прекращение трудового договора по инициативе работодателя по основаниям, не связанным с виной работника: дис. канд. юрид. наук. М., 2007. 96-б.

ишга жойлаштириш маҳаллий меҳнат органлари томонидан ушбу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширилади.

Украина ва Беларусь меҳнат қонунчилиги баъзи ўзига хос қўшимчалар киритилган. Хусусан, Украина МТҚТнинг 184-моддаси, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 268-моддасига асосан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан бир қаторда, ёлғиз оналар билан ҳам тузилган меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан ходимлар сони ёки штатлар қисқарганлиги сабабли бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Беларусь Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 29 мартдаги “Судлар томонидан меҳнат қонунчилигини қўллашнинг баъзи масалалари тўғрисида”ги қарори⁵³нинг 22-бандига биноан, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 268-моддаси татбиқ қилинадиган ёлғиз оналар деганда никоҳда бўлмаган ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномада онанинг кўрсатмаси билан белгиланган тартибда отаси қайд этилган болалари бўлган аёллар, шунингдек, вояга етмаган болаларни тарбиялаётган ва янги турмуш қурмаган бевалар тушунилади.

Хуқуқшунос Д.Атажанованинг фикрича, меҳнат қонунчилиги аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга қўшимча кафолатлар беришига қарамасдан, улар буни билмайдилар. Албатта, бу ҳолат мазкур тоифадаги шахсларнинг хуқуқий ахборотларнинг – “пассив истеъмолчиси” эканлигини англатади. Бундай ҳолатда ҳомиладор ва уч ёшгача фарзанди бор аёллар меҳнат қонунчилигида уларга берилган кафолат ва имтиёзлар билан имзо чектириб таништириш амалиётини йўлга қўйиш лозим⁵⁴. Мазкур хорижий тажрибанинг ижобий эканлигини қайд этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 228-моддасига шу ҳақдаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

11. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 109-моддасига асосан иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (ходим меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилиниши бундан мустасно).

Муддатли ва номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари иш берувчи ташаббуси бекор қилинган ҳолларда деярли барча давлатларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Кўп мамлакатларда бу нафақа ходимнинг айбли хатти-ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномаси бекор

қилинган ҳолларда тўланади.

Хусусан, Италияда барча асосларга кўра, Буюк Британия, Ирландия, Португалия ва Испанияда бу фойда фақат муайян асосларга (асосан штатлар қисқарганда ёки иқтисодий сабабларга) кўра ишдан бўшатишда тўланади. Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори иш ҳақи, меҳнат стажи, баъзан эса ходимнинг ёшига боғлиқ:⁵⁵

Давлат Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори

Франция 20 соат иш ҳақи ёки ушбу корхонада ишлаган ҳар бир йили учун ойлик иш ҳақининг 1/10 қисми миқдориди. 10 йилдан ортиқ ишлаганларга иш ҳақининг 1/15 қисми миқдориди ҳар бир йил учун устама ҳам тўланади.

Венгрия Меҳнат стажидан келиб чиққан ҳолда 1-6 ойлик иш ҳақи

Италия Корхонада ишлаган ҳар бир йили учун ойлик иш ҳақи миқдориди

Буюк Британия 1-20 ҳафталик иш ҳақи

Испания Корхонада ишлаган ҳар бир йили учун ҳафталик иш ҳақи миқдориди

Португалия Корхонада ишлаган ҳар бир йили учун ойлик иш ҳақи миқдориди

Австрия Меҳнат стажидан келиб чиққан ҳолда 1-12 ойлик иш ҳақи миқдориди

Греция Ҳар бир ишлаган йили учун бир ойлик иш ҳақи миқдориди

12. Меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ муносабатлар тугаганидан кейинги кафолатлар.

Меҳнат қонунчилигида ходимларга нафақат меҳнат шартномаси бекор қилиниши билан боғлиқ жараёнда, шу билан бирга мазкур муносабатлар тугатилгандан кейин ҳам муайян кафолатлар назарда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилган, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 67-моддасида белгиланган меҳнат шартномаси 89-модданинг тўртинчи қисми; 100-модда иккинчи қисмининг 1,2 ва 6-бандлари; 106-модданинг 2-бандига асосан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда, ушбу ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойларидан ўртача иш ҳақи олиш хуқуқига эга бўладилар. Ходимларга уч ой мобайнида мақбул келадиган иш топиб берилмаган тақдирда, улар ишсиз деб эътироф этиладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корxonанинг тугатилганлиги

53 Бюллетень Верховного Суда Республики Белоруссия. 2001. № 4.

54 Атажанова Д.С. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини хуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари. PhD илмий даражаси учун тайёрланган диссертация. –Т.: ТДЮУ, 2018. 129-б.

55 Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник для вузов. М., 2006. 86-б.



муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ўтмасдан олдин берилиши лозим.

Ушбу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратсак. Меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлайдиган шахслар билан тузилган меҳнат шартномаси муайян асосларга кўра бекор қилинганда имтиёз ва кафолатлар тақдим этишнинг умумий тартибидан истиснолар мавжуд эмас.

Таъкидлаш жоизки, мантиқан олиб қараганда бу ҳар доим ҳам тўғри эмас. Корхона тугатилиши ёки ходимлари сони ёхуд штати қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ўриндош ходимларга имтиёз ва кафолатларни тўлиқ берилишининг мақсадга мувофиқлиги бўйича ҳам аниқ фикр билдириб бўлмайди. Бу борада айрим олимларнинг фикрига тўлиқ қўшилаемиз⁵⁶. Хусусан, Л.А.Педченконинг фикрича, мазкур ҳолатда ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақасининг тўланиши эътирозларни келтириб чиқармайди.

Бироқ, ўриндошлик асосида ишлайдиган ходим билан штат қисқариши сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш қидириши даврида икки ойдан ортиқ бўлмаган давр мобайнида ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолиниши тўғрисидаги қоида мунозарали ҳисобланади. Чунки, мазкур ҳолатда ўриндош ходим асосий иш жойида ишлаб турганлиги учун муайян даромадга эга бўлади ва унинг ўриндошлик иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолиниши ушбу имтиёзнинг мақсадларига тўғри келмайди.⁵⁷

Мазкур мақолада қайд этилган таҳлил ва тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Меҳнат шартномаси бекор қилишда “кафолатлар” тушунчаси ва моҳиятини аниқлаштиришнинг муҳимлиги ҳамда замонавий илм-фанда бу ҳуқуқий ҳодисани ўрганишга бағишланган ишлар деярли мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб мазкур тушунча бўйича қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: “Меҳнат ҳуқуқида кафолатлар деганда, меҳнат ҳуқуқи манбаларида ва меҳнат шартномасида белгиланган ходимга меҳнат соҳасида бериладиган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларнинг бевосита амалга оширилиши таъминлайдиган воситалар, усуллар ва шартлар тушунилади. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар меҳнат ҳуқуқидаги кафолатларнинг турларидан бири ҳисобланади.”

2. Номуайян муддатга ва аниқ муддатга тузилган меҳнат шартномаларига бир хил муносабатни чеклаш ҳамда иқтисодий жиҳатдан иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилгача муддатли меҳнат

шартномасига асосан ишлаётган (мавсумий иш билан банд бўлган) ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда огоҳлантиришнинг қисқа муддатларини қўллашни қонунчиликка киритиш таклиф қилинади.

3. Амалиётда қўллашда қулай бўлиши ва мантиқий кетма-кетликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига:

кодекснинг 92-моддасида белгиланган “ходимга бошқа иш таклиф қилиш бўйича кафолат”ни тегишлича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар акс эттирилган 3-параграфга ўтказиш;

мазкур қоидадаги “бошқа иш” тушунчасини аниқ, лўнда ва тушунарли таҳрирда баён этиш;

ходим соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда, тиббий хулосага асосан у бажара оладиган иш таклиф этиш бўйича қоидадан киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Миллий қонунчилигимизда меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича касаба уюшмалари розилигини олиш жараёнида иш берувчининг ҳуқуқлари чекланганлигини олдини олиш ҳамда мазкур жараённинг процессуал тартиби (хусусан, касаба уюшмаси мажлисида масалани тегишли ходим иштирокида кўриб чиқиш), муддатлар ва бошқа қатор асосий қоидаларини қонунчиликда белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунида “оммавий ишдан бўшатиш” тушунчаси унинг хусусиятларини тўлиқ очиб берилмаганлиги (оралиқ давр масаласида) сабабли унинг янги таҳрири ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида риоя қилинишини таъминлаш мақсадида мазкур тушунча Меҳнат кодексига ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига оммавий ишдан бўшатишда касаба уюшмаларининг ролини ошириш ҳамда улар билан маслаҳатлашувларнинг самарадорлигини таъминлаш ва маслаҳатли ишларнинг процессуал тартибини белгилаб беришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ходимни узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, таътиллар, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган давр)да иш берувчи ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш масаласи ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шунга кўра, Меҳнат кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинади.

56 Исмоилов Ш.А. Айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари// юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражаси учун тайёрланган диссертация. – Т.: ТДЮУ, 2020. 149-б.

57 Педченко Л.А. Особенности правового регулирования труда лиц, работающих по совместительству: дис. канд. юрид. наук. М., 2003. (<http://lawtheses.com/osobennosti-pravovogo-regulirovaniya-truda-lits-rabotayuschih-po-sovmestitelstvu#ixzz6xf741Df>).

Mirshod BOBOEV,
Head of the ICT and IS Department
of the General Prosecutor's Office

THEORETICAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE DIGITAL TRANSFORMATION OF THE PROSECUTION BODIES ACTIVITIES

ABSTRACT. The article takes into account the goals, objectives, main directions, stages and theoretical and legal foundations of the digital transformation of the activities of the prosecutor's office. It was noted that the information systems and information resources have the functions that ensure transparency of prosecutor's offices activities. The implementation of normative legal acts on the introduction of information and communication technologies in the activities of the prosecutor's office is analyzed. It is indicated that elements of the infrastructure of the prosecutor's offices are being introduced, including a Data processing center, a corporate computer network, server and network equipment, IP telephony, audio-video conferencing systems. The importance of integrating with information systems and resources of ministries and departments, the regulatory legal acts adopted in this regard and the work carried out were analyzed.

Keywords: digital transformation, prosecutor's offices, information and communication technologies, current trends, national legislation, data processing center, corporate computer network, information systems.

АННОТАЦИЯ. Мақолада прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари, асосий йўналишлари, босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асослари ўрин олган. Прокуратура органлари ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари вазифалари, уларда фаолият шаффофлигини таъминловчи механизмлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинган. Прокуратура органлари инфратузилмаси элементлари, шу жумладан Маълумотларни қайта ишлаш маркази, корпоратив ҳисоблаш тармоғи, сервер ва тармоқ ускуналари, IP-телефония, аудио-видеоконференцалоқа тизимлари жорий этилганлиги кўрсатилган. Вазирлик, идоралар ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш муҳимлиги, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бажарилган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, прокуратура органлари, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий тенденциялар, миллий қонунчилик, Маълумотларни қайта ишлаш маркази, корпоратив ҳисоблаш тармоғи, ахборот тизимлари.

АННОТАЦИЯ. В статье учтены цели, задачи, основные направления, этапы и теоретико-правовые основы цифровой трансформации деятельности органов прокуратуры. Рассмотрены задачи информационных систем и информационные ресурсы, отмечены механизмы в них, обеспечивающие прозрачность деятельности органов прокуратуры. Проанализирован ход реализации нормативно-правовых актов по внедрению информационно-коммуникационных технологий в деятельность органов прокуратуры. Указано на внедрение элементов инфраструктуры органов прокуратуры, в том числе Центра обработки данных, корпоративной вычислительной сети, серверного и сетевого оборудования, систем IP-телефонии, аудио-видеоконференцсвязи. Автор отмечает значение интеграции с информационными системами и ресурсами министерств и ведомств, принятых в этой связи нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: цифровая трансформация, органы прокуратуры, информационно-коммуникационные технологии, современные тенденции, национальное законодательство, Центр обработки данных, корпоративная вычислительная сеть, информационные системы.

During the years of independence, a lot of work was done on democratization and liberalization of the judicial and legal system, strengthening the role of the prosecutor's office in the implementation of socio-economic reforms, improve system efficiency protection of the rights and freedoms of citizens. With formed and constantly being improved industry legislation that complies with international standards.

The effect of ongoing reforms in the judiciary is also manifested in the growth in the number of applications to law enforcement agencies and courts regarding the protection of the rights and legitimate interests of individuals and legal entities.

It's a law enforcement trend associated with the digital transformation of the activities of government bodies, in particular the prosecutor's office. After all,

in all spheres and industries in our republic, first of all, public administration, education, health care and agriculture, extensive reforms are being carried out to digitalize administrative processes in order to increase transparency, reduce the risk of corruption and prevent other offenses, as well as to create convenience for the population.

Accordingly, information systems and resources in public authorities and organizations serve to reduce traditional processes, increase efficiency and productivity, and eliminate the human factor.

The effectiveness of the law enforcement agencies of our country, foreign and international, cannot be imagined without their effective information and communication services.

For example, the digitalization of electronic document



management has accelerated the process of processing applications from individuals and legal entities, saving the cost of paper and postal services (3.2 billion soums were saved using the Electronic Document Management system in 2021 alone).

The Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan is a single centralized system of prosecution authorities, headed by the General Prosecutor of the Republic of Uzbekistan.

The main tasks of the Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan are to ensure the rule of law, strengthen the rule of law, protect the rights and freedoms of citizens, the interests of society and the state protected by law, the constitutional system of the Republic of Uzbekistan, and the prevention and prevention of offenses.

The prosecution authorities carry out their activities in the following main areas:

supervision over the implementation of laws by ministries, state committees, departments, self-government bodies of citizens, public associations, enterprises, institutions, organizations, khokims and other officials;

supervision over the implementation of laws aimed at ensuring the rights and freedoms of a citizen;

supervision over compliance with laws in the Armed Forces, military formations of ministries, state committees and departments of the Republic of Uzbekistan;

supervision over the implementation of laws by bodies engaged in operational-search activities, pre-investigation checks, inquests, preliminary investigations, and coordination of their activities in the fight against crime;

production of preliminary investigation of crimes;

support of public prosecution in the consideration of criminal cases in courts, participation in the consideration of civil cases, cases of administrative offenses and economic disputes in courts, protesting judicial acts that do not comply with the law;

supervision over the implementation of laws aimed at strengthening tax discipline, combating tax, currency crimes and offenses, as well as compensation for economic damage caused to the state;

supervision over the observance of laws in places of detention of detainees, taken into custody, in the execution of criminal penalties and other measures of criminal law influence;

participation in legislative activities and work to improve the legal culture in society.

In order to increase the efficiency, efficiency and transparency of the activities of the above activities of the prosecution authorities, measures are being consistently implemented to digital transformation.

The following legal documents on the digitalization of activities have been adopted.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 16, 2015 No. PP-2433 "On measures to further introduce modern Information and Communication Technologies" approved the Program for the phased

introduction of modern information and communication technologies into the activities of the prosecutor's office.

This program includes, in particular, the following activities:

creation of a secure corporate computer network up to the district level based on fiber-optic communication lines;

creation of a data center;

implementation of secure e-mail;

creation of an audio-video conferencing system and an IP telephone network; electronic document management; creation of information systems and software products of the prosecutor's office;

organization of interdepartmental information interaction;

equipping with computer and peripheral equipment and software.

In order to accelerate work in this direction in accordance with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 29, 2016 No. PP-2568 "On measures for the widespread introduction of information and communication technologies in the activities of the prosecution authorities of the Republic of Uzbekistan" in the structure of the General Prosecutor's Office formed the Department for the Implementation of Information and Communication Technologies and Providing Information Security. According to this resolution, the relevant divisions were created in the prosecutor's offices of the Republic of Karakalpakstan, regions, the city of Tashkent and the Transport Prosecutor's Office.

Activities of the Office regulated by order of the General Prosecutor dated 29 August of 2016. Local divisions conduct their activities in accordance with the requirements of the Regulations approved by this order. The main tasks of management include the introduction of information and communication technologies, that is, the creation of information systems and programs, ensuring the smooth operation of the data center, information systems, corporate network and IP telephony, as well as the development and implementation of a unified policy for the implementation of information and communication technologies and information security.

The following tasks have been set for the Department and its territorial subdivisions:

implementation of comprehensive measures to introduce modern information and communication technologies and software into the activities of the General Prosecutor's Office and local prosecutor's offices in cooperation with other divisions of the General Prosecutor's Office;

creation and implementation of systematized databases on the main areas of activity of the prosecutor's office, information support in the field of ensuring the legality of the activities of the prosecutor's office, combating crime, preventing and suppressing offenses;

development of information systems of prosecution authorities and software, as well as coordination of work to improve the efficiency of their use and widespread implementation;

ensuring the information security of the prosecution authorities, monitoring compliance with information security requirements, introducing and developing a technical infrastructure for the protection of information systems, resources and databases;

taking measures to improve the skills of employees of the prosecutor's office in the use of information and communication technologies and ensure information security and other.

With the participation of the department, an information infrastructure of the prosecution authorities was created, and work was carried out to automate the main areas of activity.

In particular, a modern Data Processing Center has been created in the Prosecutor General's Office. The data center houses server and network equipment.

Benefits of organizing data storage in the Unified Data Processing Center:

increasing the reliability of the entire information infrastructure (reliability of data storage, fault tolerance of equipment and software);

saving labor costs for data storage;

simplification of connection to information systems;

provision of centralized information infrastructure management;

reduction of financial costs.

The data processing center enables centralized distribution and management of computing power, organization of equipment redundancy.

Local computer networks have been created in the prosecutor's offices of the republican, regional and district levels. To connect them, optical lines were laid, and a corporate network was launched. This allowed all employees of the prosecutor's office to use information systems and resources.

In order to create the necessary conditions for employees, IP-telephony systems and audio conferencing were created and implemented throughout the country.

In addition, a videoconferencing system has been organized between the Prosecutor General's Office, regional prosecutor's offices, transport and military prosecutor's offices. As a result, the time and travel costs associated with meetings are significantly reduced.

In addition, the prosecutor's office is equipped with modern computers and office equipment.

Foreign experience shows that digital technologies are actively introduced into the activities of law enforcement agencies, and this trend has not bypassed Uzbekistan.

On the part of the department, information systems and resources of the General Prosecutor's Office are being created with establishment of interbodies electronic interaction.

In particular, the programs "Electronic document management", "E-material", the module "Electronic accounting of measures of procedural coercion", "Unified reporting portal", "Personnel policy", "Interaction with mass media", "Budget control" were developed and implemented.

The electronic document management system keeps records and controls actions, ranging from the formation, processing, acceptance of documents to their submission to the archive and destruction.

information system "Electronic Document Management" of the General Prosecutor's Office has been officially operating since October 15, 2019 and has been implemented in the General Prosecutor's Office, regional and district (urban) prosecutors, Military and the Transport Prosecutor's Office, also in the Department under the General Prosecutor's Office. In 2021, this system was introduced in the bodies of the Bureau of Compulsory Enforcement. Since the introduction of the system, 10 out of 15 traditional steps for processing and delivering documents to contractors have been eliminated.

The information system has implemented the functions of signing using an electronic digital signature and stamping on a document QR code. A function for checking errors in the texts of the Uzbek language has been developed. To organize opportunities for employees to share files and messages in system messenger developed.

information system "Electronic Document Management" serves for the operational control of the performing discipline, risk exclusion loss documents, providing employees with access to documents regardless of location, reducing paper and postage costs. Also in the information system "Electronic Document Management" the database for checking texts in the Uzbek language has been updated.

The success of law enforcement agencies in investigating crimes depends on the level of data availability on previously committed crimes, persons involved in them, means and methods of committing crimes, traces of crimes and objects, as well as on the ability of the investigator to use such data.

In law enforcement activities, information systems for the accumulation and processing of reporting and statistical data, specialized systems for operational, investigative practice, forensic, managerial and expert activities can be used. Data processing systems, automated information retrieval systems, automated workplaces (various situational or call centers) can also be used.

For example, Finland 's integrated law enforcement information system serves 63 judicial county, 6 courts of appeal and the Supreme Court of Finland. The system has been implemented in 30 penitentiary institutions, criminal police and prosecutor's offices, departments for the execution of sentences, and collection of fines.

The experience of the United States in introducing information and communication technologies into the activities of law enforcement agencies also deserves attention. In particular, in the United States since 1997, several federal laws have been adopted aimed at the transition to electronic document management in criminal proceedings.

According to the Decree of the President of the



Republic of Uzbekistan dated May 14, 2018 No. PP-3723 "On measures to radically improve the system of criminal and criminal procedure legislation" and Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 10, 2020 No. UP-6041 "On measures to further strengthening guarantees for the protection of the rights and freedoms of the individual in judicial and investigative activities", one of the priority areas for improving the criminal and criminal procedure legislation is the gradual digitalization of the conduct of criminal cases, as well as the introduction of modern information and communication technologies into the investigation of criminal cases.

As part of the execution of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, dated October 31, 2018 No. UP-5566 "On measures to radically improve the system of criminal law statistics and increase the efficiency of the system analysis of crimes", the Department developed and launched the Unified Information System "Electronic Criminal Law statistics". The system has been implemented in the bodies of the Supreme Court, the Prosecutor's Office, the State Security Service, the Ministry of Internal Affairs, the State Customs Committee, the Department and Bureau under the General Prosecutor's Office.

The system provides:

- maintaining a unified record of information on criminal cases, materials of pre-investigation checks, the results of the trial of cases and the execution of court decisions, as well as on participants involved as an accused and a victim, by generating electronic forms of statistical cards;

- introduction of an electronic form for the exchange of information between the bodies of preliminary investigation and inquiry between the prosecution authorities, courts and other state bodies, including through the integration of information systems and databases;

- optimization of procedures for maintaining criminal law statistics and eliminating the human factor in the process of its formation.

In order to ensure the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, dated March 26, 2021 No. UP-6196 "On measures to raise the activities of internal affairs bodies in the field of ensuring public security and combating crime to a qualitatively new level", the Unified Information System "Electronic Criminal Law statistics" and the archive of legal statistics accumulated in 2019-2021 were transferred to the jurisdiction of the Ministry of Internal Affairs.

In order to ensure the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, dated December 13, 2019 No. PP-4551 "On additional measures to ensure the supremacy of the Constitution and the law, strengthen public control in this direction, as well as improve the legal culture in society" in the Unified Information System "Electronic criminal law statistics" the program "Electronic registration of measures of procedural coercion" was developed.

In order to ensure the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, dated

August 10, 2020 No. UP-6041 "On measures to further strengthen guarantees for the protection of the rights and freedoms of the individual in judicial and investigative activities", the information system "E - material" was developed in the relevant bodies accounting of materials of pre-investigation check.

A "Single Reporting Portal" has been created for the submission of reports by the prosecution authorities in electronic form. Previously, reports were submitted in paper form. The district (city) prosecutor's offices submitted their reports to the regional prosecutor's offices. Further, the reports were submitted to the Prosecutor General's Office.

Currently, each prosecutor's office and division submit their reports through electronic personal cabinets.

The introduction of this portal gave the following opportunities:

- increased transparency of reporting;
- reduction of time and simplification of reporting and analysis;
- minimizing the human factor, increasing reliability, reducing the likelihood of data adjustments.
- reducing paper costs.

In order to ensure legality in the implementation of the programs "Prosperous village", "Prosperous area" and other programs, the information system "Budget control" has been introduced.

Through this program:

- The design and estimate documentation of each object is entered and accumulated, all legal documents related to the examination, tender, funding and volume of work performed;

- the program automatically notifies the responsible employee in case of violation of the deadlines for each of these issues, and the working the group takes appropriate action;

- it is possible to give instructions to working groups for each object;

- statistical data are generated automatically;

- a Telegram bot has been developed that allows citizens to send appeals and information on each object included in the "Prosperous Village" and "Prosperous Area" programs.

Currently, work is underway to introduce the information system "Prosecutor's Supervision", which will allow keeping records of prosecutor's supervision. This information system is designed to keep records of inspections carried out under the supervision of a prosecutor and the applied documents of prosecutorial supervision.

In order to ensure the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 23, 2021 No. PF - 6191 "On additional measures to further create favorable conditions for the population and business entities when using public services, reduce bureaucratic barriers in this direction", integration with the e-government system and information system for registration of business entities. In order to increase the efficiency of obtaining the necessary data from 16

government agencies, more than 20 web services have been launched.

In order to ensure the implementation of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2021 No. 43 "On additional measures to strengthen control over the implementation of the Program for the Development of Social and Industrial Infrastructure of the Republic of Uzbekistan and other state programs", the integration of the "Budget Control" program of the General Prosecutor's Office and the Automated Management System was carried out public finance of the Ministry of Finance and "Transparent Construction" of the Ministry of Construction.

Also, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PP-105 "On measures to introduce a unified system of interdepartmental electronic interaction in pre-trial proceedings" provides for the creation of a unified information system "Electronic inquiry and preliminary investigation".

This resolution approved the "road map" for the integration of the Unified Information System with the systems of other state bodies.

As a conclusion, it can be noted that one of the goals of digitalization of the activities of the prosecutor's office

is to reduce the risks of corruption, to prevent violations of anti-corruption legislation.

To achieve this goal, the following tasks are solved:

- creation of transparent mechanisms in information systems implemented in the activities of the prosecutor's office;

- limiting contacts with individuals and legal entities through information systems;

- automation consideration of applications from individuals and legal persons;

- automation of all activities;

- introduction of automatic quality control and deadline execution of orders;

- ensuring automated generation of statistical reports on the state of law and crime;

- improvement of mutual electronic cooperation through interdepartmental information interaction.

However, ministries departments, municipalities information systems and resources exist, however, electronic interaction with them is not established. It should be noted that the integration processes require labor resources, time and finances from state bodies. In this regard, in order to accelerate the processes of integration with the information systems of the General Prosecutor's Office, appropriate changes are made to the regulatory legal acts.



Хушнуд МАДРИМОВ,
Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ, МАЪМУРИЙ НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур ўзига хос хусусиятларнинг акс эттирилганлик даражаси ўрганилиб, маъмурий суд иш юритувида фуқаролик ва иқтисодий процессуал қонунчиликнинг таъсири тадқиқ этилган. Бундан ташқари, маъмурий суд иш юритувининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маъмурий низо, маъмурий низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, маъмурий суд иш юритуви, маъмурий юстиция, давлат идорасининг айбдорлиги презумпцияси принципи, суднинг фаол иштироки принципи, оқилона муддат, келишув битими.

АННОТАЦИЯ. В данной статье научно и теоретически анализируются особенности судебного рассмотрения административных споров, связанных с защитой прав и законных интересов субъектов предпринимательства. Также, изучена степень отражения этих особенностей в законодательстве Республики Узбекистан и исследуется влияние гражданского и экономического процессуального законодательства на административное судопроизводство. Кроме того, были разработаны предложения по совершенствованию законодательства, исходя из особенностей административного судопроизводства.

Ключевые слова: административный спор, особенности судебного рассмотрения административных споров, административное судопроизводство, административная юстиция, принцип презумпции виновности государственного органа, принцип активного участия суда, разумный срок, мировое соглашение.

ABSTRACT. This article scientifically and theoretically analyzes peculiarities of judicial hearing of administrative disputes connected with protection of rights and legal interests of subjects of entrepreneurship. Also, the degree of reflection of these peculiarities in the legislation of the Republic of Uzbekistan was studied as well as examines the impact of civil and economic procedural legislation on administrative proceedings. In addition, proposals were developed to improve the legislation, based on the characteristics of administrative proceedings.

Keywords: administrative dispute, features of judicial hearing of administrative disputes, administrative proceedings, administrative justice, principle of presumption of guilt of a state body, principle of active participation of the court, reasonable time, settlement agreement.

Ҳуқуқшунос олимлар ўртасида маъмурий низолар тушунчаси ва бундай низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги, яъни мустақил суд иш юритуви эканлиги борасида турли хил ёндашувлар мавжуд.

Жумладан, И.М.Зайцев, В.В.Скитович, Ю.А.Попова¹ маъмурий низоларни судда кўришга нисбатан анъанавий даъво иш юритуви институти қоидаларини қўллаш лозим деб ҳисобласа, М.З.Шварц, Ю.В.Ефимова² ушбу ишларни кўришнинг ўзига хослиги фуқаролик иш юритувининг мустақил

тури, деган фикрни илгари суради.

А.В.Абсалямов, Е.В.Слепченко³ эса ушбу икки йўналишдаги фикрларни ҳақли равишда танқид қилиб, оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судда кўрилишини одил судловни амалга оширишнинг мустақил шакли сифатида асослаб берган.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низонинг мазмун-моҳияти унинг ўзига хос белгилари мавжудлигини англатади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар иштирокидаги

- 1 Зайцев И.М. Административные иски // Рос. юстиция. 1996. С. 25; Скитович В.В. Проблемы административной юстиции: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1999. С. 37-38; Попова Ю.А. Теоретические проблемы судопроизводства по делам, возникающим из публично-правовых отношений: дис. ... д-ра юрид. наук. Краснодар, 2002. С. 53.
- 2 Шварц М.З. Систематизация арбитражного процессуального законодательства (проблемы теории и практики применения): автореф. дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 2004. С. 8; Ефимова Ю.В.
- 3 Абсалямов А.В. Теоретические и практические аспекты соответствия правовых институтов административного и арбитражного процесса // Рос. ежегодник предпринимательского (коммерческого) права. 2008. № 2 / под ред. В.Ф.Попондопуло. СПб., 2009. С. 410; Слепченко Е.В. Гражданское судопроизводство: проблемы единства и дифференциации. СПб., 2011. С. 121. Виды гражданского судопроизводства. Саратов, 2008. С. 58.

маъмурий низоларни судда кўриш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини англатади.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам тадбиркорлар иштирокидаги маъмурий низоларни судда кўриш – одил судловнинг мустақил шакли деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз.

Лекин, Ўзбекистон қонунчилигидаги маъмурий суд иш юритувига оид айрим нормалар илгари амалда бўлган фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал қонунчилик таъсирида шаклланган бўлиб, маъмурий ишларнинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинмаган.

Жумладан, Ўзбекистонда маъмурий судларни ташкил этишга тааллуқли дастлабки қонунлардан бири бўлган 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–428-сонли Қонунда⁴ ҳам шу йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МСИЮТК деб юритилади) лойиҳасини тайёрлаш ҳақида топшириқ берилиб, унгача маъмурий судларда ишлар фуқаролик суд иш юритуви қоидаларига асосланиши ҳақида Фуқаролик процессуал кодексга (кейинги ўринларда – ФПК) алоҳида норма киритилган.

Буни, албатта, шу даврда тегишли ҳуқуқий асослар яратилмаганлиги сабабли қилинган мажбурий ҳаракат, деб тушуниш мумкин.

Лекин, МСИЮТК лойиҳасини шакллантиришда ҳам фуқаролик процессуал ва иқтисодий (хўжалик) процессуал қонунчилиكنинг таъсири сезилиб туради.

Жумладан, МСИЮТКнинг прициплари Иқтисодий процессуал кодекс (кейинги ўринларда – ИПК) ва ФПКдаги прициплар билан деярли бир хил бўлиб, унда маъмурий суд иш юритувининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқадиган прициплар белгиланмаган.

Дастлаб қонунчиликда маъмурий низоларга иккинчи даражали эътибор қаратилиб, кўпроқ иқтисодий ва фуқаролик низоларга устуворлик беришга интилишлар намоён бўлади.

Ушбу фикрни тааллуқлилика оид нормаларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилиш орқали кўриб чиқсак, эътиборга молик тенденцияни кузатамиз.

Хусусан, маъмурий судлар ташкил этилгунга қадар, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар хўжалик судларида, фуқароларга оид низолар эса фуқаролик судларида кўриб ҳал қилинган.

Маъмурий судларни ташкил этиш белгиланганидан кейин, дастлаб, яъни Хўжалик процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-428-сонли Қонуни билан қўшимча киритилиб, баъзилари иқтисодий судга,

бошқалари маъмурий судга тааллуқли, бир неча талаб бирлаштирилганда, ҳаммаси иқтисодий судда ҳал қилиниши кўрсатилган.

Шундан кейин, яъни 2018 йил 24 январдаги ИПК ва 25 январдаги МСИЮТКда юқоридаги вазиятларда бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Мазкур ҳолат – тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги қонун чиқарувчилар томонидан эътироф этила бошланганини кўрсатади.

Шу ўринда, фуқаролар иштирокидаги ишлар бўйича ҳам маъмурий юстицияни тушуниш томонга кичик бўлсада қадам ташланаётгани – қонунчиликдаги тенденцияни янада аниқроқ кўриш имконини беради.

Хусусан, эски ФПКнинг 2017 йил 12 апрелдаги таҳририда фуқаролик ва маъмурий судга тааллуқли, ўзаро боғлиқ талаблар бирлаштирилганда, уларнинг ҳаммаси фуқаролик судида кўрилиши белгиланган.

Шундан кейин, яъни 2018 йил 22 январдаги янги ФПК ва 25 январдаги МСИЮТКда бирлаштирилган иш фуқаролик судида кўрилиши ҳақидаги талаб сақлаб қолинди.

Олий суд томонидан тайёрланиб, 2022 йил 1 апрелда жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган қонун лойиҳасида⁵ эса ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари фуқаролик судига тааллуқли бир нечта талабни бирлаштирмаслик таклиф этилган.

Албатта, ушбу норма кучга кирса, тадбиркорлар маъмурий ва иқтисодий судлар ўртасида овора бўлгани каби, фуқаролар ҳам маъмурий ва фуқаролик судлари орасида сарсон бўлиши мумкин.

Лекин, бу ўринда бошқа бир муҳим тенденцияни алоҳида таъкидлаш зарур – тарафлар ўртасидаги низога вертикал характерга эга бўлган муносабат кириб келганда, бирлаштирилган ишни фуқаролик ёки иқтисодий суднинг ўзи тўлиқ ҳал қилиши нотўғри эканлиги қонун чиқарувчилар томонидан ҳам яна бир бор эътироф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, МСИЮТК ва ИПКдаги маъмурий ва иқтисодий судга тааллуқли талаблар бирлаштирилмаслиги ҳақидаги норма билан, тадбиркорлар иштирокидаги низолар бўйича барча муаммолар ҳал бўлмайди.

Шу сабабли, юқоридаги ижобий тенденциянинг навбатдаги мантиқий якуни сифатида ўзаро боғлиқлиги сабабли бирлаштирилган ишларни тўлиқ маъмурий судлар ваколатига ўтказиш зарур.

Умуман, тааллуқлилиқ қоидасини бузган ҳолда иш кўриш ҳолатини процессуал кодексларга

4 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-428-сонли Қонуни. <http://www.lex.uz/> сайтдан олинган (14.07.2022 й.).

5 regulation.gov.uz сайтдан олинган, ҳужжат лойиҳаси ID рақами – 59034 (22.07.2022 й.).



суд қарорини бекор қилиш ва ўзгартириш учун асос сифатида киритиш лозим.

Шу билан бирга, ҳаётда янгидан янги муносабатлар юзага келаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бунда, муайян низо қайси судда ёки қайси давлат органида кўрилиши бўйича қонунчиликда ноаниқлик пайдо бўлса, хусусий шахс ҳуқуқлари учун кафолатлар кўплигидан келиб чиқиб, уларнинг маъмурий судда ҳал қилинишини ҳам МСИЮТҚда белгилаш таклиф этилади.

Бу борада илгари сурилган таклифларда муайян низоларни бир суддан иккинчи судга олиб бериш, ушбу ишларни қайсидир суд бошқа судга нисбатан адолатли кўриши каби масалалар – асосий мақсад эмас.

Бунда, иқтисодий ёки фуқаролик судларидан фарқ қилган ҳолда, низоларни маъмурий судда кўришнинг асосий хусусияти шундаки, маъмурий низоларни қонуний ҳал қилиш учун ушбу судлардаги тенг тарафларга мўлжалланган моддий ва процессуал тартиблар етарли бўлмайди.

Чунки, ИПКнинг нормалари маъмурий низодаги бошқарув, моддий, ахборот ва бошқа имкониятларга кўра, давлат органи билан тенг бўлмаган тараф, яъни тадбиркор учун тенг процессуал макон ҳам яратиб бера олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид маъмурий низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш лозим.

Биринчидан, маъмурий низонинг тарафлари ўртасида исботлаш мажбуриятининг тақсимоли фуқаролик ва иқтисодий низоларни кўриб чиқишдаги исботлашга нисбатан фарқ қилади.

Буни ҳуқуқшунос олимлар, хусусан Е.Б.Лупарев ҳам ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунийлигини маъмурий-ҳуқуқий низодаги устидан шикоят қилинаётган тараф исботлаб бериши лозимлигини кўрсатиб ўтган.⁶

Шу билан бирга, айрим олимлар, хусусан В.А.Тупиков, Д.И.Щекин низодаги ҳар бир тараф ўзининг талабларига асос сифатида келтирган ҳолатларни ўзи исботлаб бериши кераклиги ҳақида фикр билдирган.⁷

Ушбу олимларнинг фикрига қуйидаги сабабларга кўра қўшилиб бўлмайди. Бунда, шунга эътибор қаратиш зарурки, давлат органидан норози бўлиб судга шикоят қилган ҳолларда хусусий шахснинг (тадбиркорнинг ҳам) имкониятлари, жумладан исботлашдаги имкониятлари тенг бўлмайди.

Жумладан, фаолияти устидан шикоят қилинаётган давлат органининг қарор қабул қилишига асос бўлган ҳолатлар кўпроқ унинг ўзига маълум бўлади ва тадбиркор одатда давлат органида мавжуд барча далиллар билан таниша олмайди.

Шу асосда маъмурий суддаги исботлаш жараёнига давлат идорасининг “айбдорлиги презумпцияси” принципини жорий этиш лозим.

Бу эса МСИЮТҚга маъмурий низода аризачи бўлган хусусий шахс далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга мажбурлиги ҳақида ўзгартиш киритиш зарурлигини билдиради.

Иккинчидан, маъмурий низоларни кўришда тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги суднинг фаол иштироки асосида амалга оширилади.

Мазкур принцип маъмурий судга ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далил йиғиш мажбуриятини юклаш, тадбиркорга эса бунда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш зарурлигини англатади.

Бунда, суд тарафлар тақдим этган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланиб қолмаслиги, иш бўйича ҳақиқатни тўлиқ аниқлаш учун қўшимча далилларни талаб қилиб олиши ва барча зарур чораларни кўриши керак.

Хорижий тажрибада, хусусан Озарбайжон Маъмурий-процессуал кодекси 12-моддасида суд тарафлардан қўшимча далилларни талаб қилиши⁸, Грузия Маъмурий-процессуал кодекси 19-моддасида суд далилларни ўз ташаббусига кўра ҳам йиғишга ваколатли эканлиги⁹ белгиланган.

Бу янгиликлар Ўзбекистон қонунчилигига “шахс ҳимояси йўлида фаол маъмурий суд” моделини жорий этиш имкониятини бериб, бошқа таклифларни ҳам ишлаб чиқиш талаб қилади.

Хусусан, Олий суд тайёрлаган юқоридаги қонун лойиҳасида¹⁰ маъмурий низодаги асосий талабдан алоҳида тақдим этилган зарарни ундириш ҳақидаги талабни тааллуқлилиги бўйича фуқаролик суди ёки иқтисодий суд томонидан кўриб чиқиш таклиф этилган.

“Суднинг фаол иштироки” принципига асосланиб, маъмурий суд асосий талабни, масалан, қарорнинг ноқонунийлиги ҳақидаги низо кўраётганда, зарарни ундириш масаласини ҳам ўз ташаббуси билан узил-кесил ҳал қилишини МСИЮТҚда аниқ белгилаш лозим.

Қонун лойиҳасидан ушбу норма чиқариб ташланиши натижасида, фуқаро ва тадбиркорлар яна фуқаролик ва иқтисодий судларда овора бўлиб юришларини олди олинади.

6 Лупарев Е.Б. Административно-правовые споры: Дис. ... д-ра юрид. наук. Воронеж, 2003. С. 336.

7 Тупиков В.А. Процессуальные особенности рассмотрения в судах жалоб (заявлений) на нарушение избирательных прав, права на участие в референдуме граждан Российской Федерации. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2001. С. 24.

Щекин Д.И. Юридические презумпции в налоговом праве. М.: Академический правовой университет, 2002. С. 75.

8 online.zakon.kz сайтидан олинган (18.07.2022 й.).

9 matsne.gov.ge сайтидан олинган (18.07.2022 й.).

10 regulation.gov.uz сайтидан олинган, ҳужжат лойиҳаси ID рақами – 59034 (22.07.2022 й.).

Шу билан боғлиқ ҳолда, МСИЮТҚдаги дастлабки ҳимоя чоралари рўйхатини кенгайтириб, унга зарарни ундириш ҳақидаги талабдан ошмаган миқдорда жавобгарга тегишли мол-мулк ёки пул маблағини хатлаб қўйиш чорасини ҳам киритиш таклиф этилади.

Учинчидан, маъмурий низони судда кўришда хусусий шахсга нисбатан давлат органининг далил ва бошқа маълумотларни тақдим этиш мажбурияти кўпроқ намоён бўлади.

Барча процессуал кодексларда далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади. Агар бу далиллар низони тўғри ҳал қилиш учун етарли бўлмаса, суд ўз ташаббуси билан ёки мазкур шахсларнинг илтимосномасига кўра қўшимча далилларни талаб қилиб олиб олади.

Ишдаги бошқа шахслар қатори давлат органларига ҳам низодаги ҳолатларни аниқлаш ва далил йиғишда судга кўмаклашиш мажбурияти юклатилади (судга далилни тақдим этмаслик ҳолатлари давлат органлари фаолиятида кўпроқ кузатилади).

Бунда, ишдаги шахслар далилларни текшириш ва баҳо беришга тўсқинлик қилса, суд ушбу тарафга исботлаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Агар давлат органлари талаб этилаётган далилни судга муддатида тақдим этмаса, бу маълумотлар давлат органи манфаатига қарши қаратилган, деб фараз қилинади ва у томонидан тан олинган, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, маъмурий низони судда кўришнинг фуқаролик судига нисбатан яна бир ўзига хослиги шундаки, ишда иштирок этувчи шахс ўз талабига асос қилиб олган далилларни ишдаги бошқа шахслар олдида, суд мажлисига қадар ёки суд белгиланган муддат доирасида очиб бериши керак.

Шу ўринда, маъмурий низодаги тарафларнинг имкониятлари тенг эмаслигини инobatга олиб, МСИЮТҚ 68-моддасидаги “ишда иштирок этувчи шахслар фақат бошқа шахслар олдиндан таништирилган далилларга асосланишга ҳақли” эканлигига доир талабни хусусий шахслар учун ҳуқуқ, давлат органи учун мажбурият сифатида белгилаш таклиф этилади.

Тўртинчидан, маъмурий низоларни судда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ишларни кўриш муддатлари билан боғлиқ.

Кўпгина давлатлар қонунчилигида ва халқаро ҳужжатларда хусусий шахснинг оммавий ҳокимиятдан ҳимоя қилиш ҳақидаги шикоятларини суд томонидан оқилона муддатда кўрилишига бўлган ҳуқуқи назарда тутилган.

Ушбу оқилона муддат нафақат хусусий шахс ҳуқуқларини қисқа муддатда тиклаш зарурати билан боғлиқ, шу билан бирга, маъмурий судга

ишончни камайтириши мумкин бўлган ортиқча процессуал тўсиқларни бартараф этиш мақсадини ҳам кўзлайди.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий низони судда кўриш чиқиш учун аниқ муддатларни кўзда тутиш жуда мураккаб. Бунда, ҳар бир низонинг тури ва мураккаблиги, хусусий шахс ва маъмурий органининг далилларни тақдим этишдаги фаоллиги каби жиҳатларни инobatга олиш керак.

Маъмурий низони судда кўришда оқилона муддатни белгилаш зарурлиги яна шу билан изоҳланадики, айрим низо турлари учун, масалан, оғир моддий аҳволга тушган тадбиркорнинг давлат органидан моддий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича бир ойлик муддатни кутиш ҳам унинг адолатли суд ҳимоясига оид ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлади.

Бошқа мураккаб ишлар, мисол учун, катта ҳажмдаги материалларни ўрганиш, ишга кўпчилик мутахассис ва экспертларни жалб қилиш зарур бўлган низоларда эса икки ойлик муддат ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай низолар бўйича ҳамма ҳолатларни ўрганмасдан, ишни икки ойда тугатиш ҳам суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқнинг бузилишига олиб келади.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенциянинг 6.1-моддасида¹¹ ҳар бир шахсга унинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида низо юзага келган ҳолларда ишнинг қонун асосида ташкил этилган, мустақил ва холис суд томонидан оқилона муддатда адолатли ва ошқора кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқ кафолатланган.

Қозоғистон Маъмурий процедура-процессуал кодекси 17-моддасида маъмурий суд иш юритувининг оқилона муддати принципи белгиланиб, 146-моддасида маъмурий иш судда оқилона муддатларда, лекин даъво берилган кундан уч ойдан кўп бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши кўрсатилган. Алоҳида мураккаб ишлар бўйича бу муддат оқилона муддатга, лекин уч ойдан кўп бўлган муддатга узайтирилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, МСИЮТҚга маъмурий ишларни судда кўришнинг оқилона муддати принципини киритиш таклиф этилади.

Бешинчидан, маъмурий низоларни судда кўришда тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, келишув битими институти ҳам ўзига хос белгиларга эга бўлади.

Ҳозирги кунда МСИЮТҚда давлат органи ва хусусий шахсга (жумладан, тадбиркорга ҳам) маъмурий низони ўзаро келишув битими тузиш орқали ҳал қилиш имконияти берилмаган.

Илғор хорижий тажрибада, хусусан Литва, Эстония, Грузия, Озарбайжон ва Қозоғистон

11 www.echr.coe.int сайтидан олинган (22.07.2022 й.).



қонунчилигида тарафлар ўртасида келишув, медиация, судья иштирокисиз низони ҳал қилиш (низони партисипатив тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш) каби тартиблар кўзда тутилган.

Амалиётда ҳам тадбиркорларда давлат органи билан низони ўзаро мақбул бўлган бундай шаклда ҳал қилишга эҳтиёж мавжудлигидан келиб чиқиб, МСИЮТКга келишув битими институтини киритиш таклиф этилади.

Маъмурий низони судда кўриб, ишни келишув битими асосида тугатишнинг асосий хусусияти шундаки, тарафларнинг ярашувига жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) бўлгандагина йўл қўйилади.

Бунда, давлат органи қонунчилик доирасида йўл қўйилган чоралардан бирини ўз ихтиёрига кўра қўллашга ёки қўллашдан воз кечишга, яъни мазкур ҳолатда хусусий шахс билан келишишга ваколатли бўлиши керак.

Давлат органи ва тадбиркор бўлган хусусий шахснинг маъмурий низодаги ҳуқуқ ва мажбуриятдан ўзаро воз кечишига қонунчилик йўл қўйган ҳолларда, келишув ҳақида фикр юритиш мумкин.

Мисол учун, ҳокимнинг индивидуал қарори билан аниқ бир тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилган ҳолларда, келишув институти ишлайди.

Лекин, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки сайлов комиссияси қарорини бекор қилиш каби ишларда, умуман, учинчи шахслар манфаати билан боғлиқ ҳолларда келишув битими тузиш тақиқланади.

Озарбайжон Маъмурий-процессуал кодекси 66-моддаси кўра ҳам, келишув битими қонунга зид, қайсидир шахснинг ҳуқуқларини бузадиган ёки алоҳида жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган ҳолларда, суд битимни тасдиқлашни рад этади.¹²

Тадқиқот предметида оид яна бир масаланинг таҳлили шуни кўрсатдики, инвестиция ва рақобатга оид низоларни маъмурий судда кўриб чиқиш – тадбиркорлар иштирокидаги бошқа низоларни ҳал қилишдан ажралиб турувчи алоҳида хусусиятга эга эмас.

Лекин, МСИЮТК 28-моддасида инвестиция низолари бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид низолар томонларнинг хоҳишига кўра бевосита Олий суд томонидан, қолган инвестиция низолари инвесторнинг хоҳишига кўра, вилоят даражасидаги маъмурий судлар томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилиши белгиланган.

Бунда, мазкур ишларнинг туманлараро маъмурий судлар томонидан кўрилиши истисно қилиниб, йирик инвесторга қараб суд инстанцияларига алоҳида ёндашув қилинган.

Бунда, энг инвестор қайсидир давлатга инвестиция қилганда, шу давлатдаги алоҳида статусга эга мансабдор шахсга ёки юқориноқ инстанциядаги судга эмас, балки давлатнинг умумий суд тизимида ва унинг барча инстанцияларига ишониши – энг асосий масала бўлиши керак.

Яъни, бу каби нормалар билан юқори суд инстанциясини алоҳида статусга эга бўлган мансабдор шахсларга тенглаштириб қўйиш (айлантириб қўйиш) жуда нотўғри тенденция ҳисобланади.

Ушбу масала Қозоғистон Маъмурий процедура-процессуал кодекси 102-моддасида¹³ шунга ўхшаш тартибда ҳал қилинган бўлиб, хорижий тажриба фақат ижобий эмас, балки салбий жиҳатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Зеро, ҳуқуқий давлатда хорижий инвестор каби ҳар қандай тадбиркорнинг давлат органи билан низосини алоҳида шахслар эмас, балки институтлар ҳал қилиши учун ҳам маъмурий суд ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркор иштирокидаги ҳар бир маъмурий низо ўзига хос хусусиятга эга бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат низони кўриб чиқадиган суд инстанциясини алоҳида белгилашга асос бўлмаслиги лозим.

Шунга кўра, барча судлар мустақил эканлиги, суднинг сифатини инстанцияга қараб табақалаш нотўғрилиги ҳақидаги концептуал ғоялардан келиб чиқиб, ушбу низоларнинг истисно тариқасида юқори судда кўрилиши ҳақидаги нормани бекор қилиш таклиф этилади.

12 online.zakon.kz сайтидан олинган (19.07.2022 й.).

13 online.zakon.kz сайтидан олинган (21.07.2022 й.).

Маъруфжон ТАЖИБОЕВ,
Судьялар олий мактаби доценти в.б.,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЕР НИЗОЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИ: ТАЛАБЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада ер низолари билан боғлиқ ишлар бўйича суд қарорларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье представлены предложения и рекомендации по совершенствованию судебных решений по делам, связанным с земельными спорами.

ABSTRACT. This article presents proposals and recommendations for improving judicial decisions in cases related to land disputes.

Калит сўзлар: ер тўғрисидаги қонунчилик, Ер кодекси, ер низолари, мулк ҳуқуқи, суд қарорлари.

Ключевые слова: земельное законодательство, Земельный кодекс, земельные споры, имущественные права, судебные решения.

Key words: land legislation, Land Code, land disputes, property rights, court decisions.

Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ердан фойдаланувчиларни ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Иқтисодий соҳадаги кенг қўламли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш билан бир қаторда республикада ер участкаларидан тўғри фойдаланиш, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келган низоларни судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқишларида фуқаролик ишлари бўйича суд судьяларига ҳам жиддий масъулият юклайди. Мазкур вазифаларни тўғри, қонуний ва ўз вақтида амалга оширилишида қўлланиладиган қонунлар, қонун ости ҳужжатларини ва уларга киритилаётганган ўзгартириш ва қўшимчалардан мунтазам равишда хабардор бўлиш талаб этилади.

Ер тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги

қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарорининг 2-бандига асосан, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар деганда ер ресурсларини бошқариш, уни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш, ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий ва бошқа ашёвий муносабатлар тушунилиши кўрсатилган.¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида, эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида эса, ер умуммиллий бойлик эканлиги, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.²

Мамлакатимизда ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Кодексга ўтган давр мобайнида бир неча маротаба, хусусан, 2003-2017 йиллар мобайнида саккиз маротаба, 2018 йилдан жорий йилгача эса ўн беш маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган³. Бундан кўриниб турибдики,

1 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги 3-сонли қарори (2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги 34-сонли ва 2021 йил 20 апрелдаги 17-сонли қарорларга асосан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) // <https://www.lex.uz/acts/1455984#1457865>

2 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>

3 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // <https://www.lex.uz/acts/152653>



мамлакатимизда ерга оид муносабатлар давр талабидан келиб чиқиб доимий ўзгариб турибди ва уни тартибга солувчи қонунчилик эса такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 10-моддасида ер участкасига тариф берилган бўлиб, унга кўра, ер участкаси – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс этирилайдиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасига кўра, ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланиши қайд этилган.⁴

Мазкур қонун талабларидан кўринадик, ерга оид низоларни кўришда судьялар томонидан дастлаб ер участкаси ҳуқуқий мақомини вужудга келганлигини аниқ ўрганишлари лозим бўлади.

Ер кодекси 17-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг 2021 йил 1 августга қадар ер участкаларига нисбатан юзага келган доимий эгалик қилиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқлари ўз кучида қолади.

Судга тақдим этилган даъво ариза асоси бўлган ер участкасига бўлган ҳуқуқ юридик ва жисмоний шахсларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилганда, қонунчиликда белгиланган тартибда юзага келганлигини аниқлаб олишлари лозим.

Шунингдек, Кодекснинг 22-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, уй-жойга, кўп йиллик дов-дарахтларга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳадя қилиш ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) ушбу объектларга бўлган мулк ҳуқуқи билан биргаликда бошқа шахсларга ўтаётганда уй-жой, кўп йиллик дов-дарахтлар жойлашган барча ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтганлиги суд ишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши ушбу Кодекснинг 31-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келиши белгиланган.

Шу ўринда суд амалиёти билан боғлиқ айрим

мисолларга эътибор қаратсак. Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 5 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туман судининг 2017 йил 18 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Э.Д. жавобгар Ш.Р.га нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 0,10 га ер майдони олиб бериш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, тумани ҳокимининг 1995 йил 1 февралдаги 38-сонли қарори билан Ш.Р.га, 1999 йил 9 октябрдаги 440-сонли қарори билан Т.Д.га “Истиқлол” жамоа хўжалиги ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳар бирига 0,10 га майдондаги ёнма-ён жойлашган ер участкалари ажратиб берилган. Жавобгар Ш.Р. ўзига ажратилган ер участкасида уй-жой қурган ва шу уйда оила аъзолари билан бирга яшаб келган, шу билан бирга, Ш.Р. Т.Д.га ажратилган ер участкасини ҳам қўшиб олиб, у ерда иссиқхона қуриб фойдаланиб келган. Т.Д. ўзига якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасидан фойдаланмаган, у ерда уй-жой қурмаган.

Даъвогарнинг судда берган тушунтиришларига қараганда, отаси Т.Д. бу ер участкасини Ш.Р.нинг отаси А.П.га вақтинча қараб туриш учун топширган. Даъвогар Э.Д.нинг отаси Т.Д. 2009 йил 3 февралда вафот этган.

Юқорида қайд этилган Кодекснинг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Даъвогар Э.Д.нинг отаси Т.Д.га белгиланган тартибда ер ажратилган бўлса-да, мазкур ер участкасига бўлган ҳуқуқ унинг ҳаёт пайтида давлат рўйхатига олинмаган, қолаверса, Фуқаролик кодексининг 17-моддасига асосан, Т.Д.нинг ҳуқуқ лаёқати унинг вафот этиши билан тугаган, шунингдек, Т.Д. вафотидан кейин ҳам унинг меросхўри даъвогар Э.Д.нинг мазкур низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинмаган.

Юқоридагиларга асосан, даъвогарнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаганлиги боис, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.⁵

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат

4 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/17036>

5 Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти амалий қўлланма / А.Маткаримов. А.Муродов.

– Тошкент, 2018. – 37 б. // <https://sud.uz/wp-content/uploads/2019/07/fukarolik-islari-bujica-sud-amalieti-amalij-kullanma.pdf>

кадастрлари палатаси бўлинмалари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади (Ер кодексининг 32-моддаси учинчи қисми) ва у ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак, давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади)да белгиланган асосларда амалга оширилиши белгиланган.⁶

Низомнинг 6-бандига асосан, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилиши кўрсатилган бўлиб, унда:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг “Ер тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амал қилган даврда (1990–1998 йилларда) олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат архивлари томонидан тасдиқланган ҳужжатлар (шаҳарлар (туманлар) ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарлар ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

шаҳарчалар ва қишлоқлар (овуллар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг собиқ колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудида бўлмаган ерларидан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари;

қишлоқлар (овуллар) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қишлоқ жойларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган

умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари) асос бўлади.

Низомнинг 23-бандига асосан эса, Ўзбекистон ССРнинг Ер кодекси амал қилган даврда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг олинган ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат архивлари томонидан тасдиқланган ҳужжатлар (тегишли туманлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлари; тегишли қишлоқлар (овуллар) халқ депутатлари Кенгашлари ижроия қўмиталарининг колхозлар аъзоларининг умумий мажлислари баённомаларини ҳамда совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари директорларининг фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ҳақидаги буйруқларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари) асос бўлади.

Низомнинг 25-бандига, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ёки ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз фойдаланилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмаслиги кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган вазифалар юклатилган давлат органи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони⁷ асосан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга ошириш белгиланган.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сон қарори⁸ қабул қилинди.

Қарор билан “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисида”ги, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр

6 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом” // <https://www.lex.uz>

7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4985026>

8 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 66-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/5286538>



агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисида”ги Низомлар тасдиқланди.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисида”ги Низом талабларига асосан, Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини юритиш, давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, ҳудудлар давлат кадастрини ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишни амалга оширувчи давлат муассасаси шаклидаги ваколатли орган ҳисобланади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига бўйсунди.

Қайд этилган Қонун, Фармон ва қарорлар талабидан шундай хулоса қилиш зарурки, судлар томонидан ерга оид муносабатлар кўрилиб чиқилишида аввало тарафлардан ўзлари

талаб этаётган ер майдонига нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олишлари, шунингдек суд процессига албатта кадастр агентлиги вакиллари иштирокини таъминлашлари кўрилаётган низо бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишида муҳим аҳамият касб этишига риоя қилишлари талаб этилади.

Мухтасар қилиб, айтиш мумкинки, фақат қонунларда белгиланган тартибда ер майдонига эгалик қилиш мумкинлиги, қонуний эгалланган ер майдонидан фойдаланган шахс хотиржам ва ҳуқуқлари амалдаги қонунларга мувофиқ химоя қилинган бўлишини унитмаслиги керак. Шунингдек, судьялар томонидан ер низолари билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда юқорида қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб, қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқаришлари, акс ҳолда фуқароларнинг судларга бўлган ишончларига путур етказиши мумкинлигини унитмасликлари лозим бўлади.

